

АКБАР МИРЗО

АЁЗИ ЧЎЗИЛГАН БАҲОР



Акбар Мирзо

**АЁЗИ ЧЎЗИЛГАН
БАҲОР**

Қисса

Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент — 2010

84 (5Ў)6
М-54
КБК 84(5Ў)6

Мирзо, Акбар

Аёзи чўзилган баҳор: қисса/А.Мирзо — Т.: Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2010. — 208 б.

Буюк мақсадлар билан Тошкентга рассомликка ўқиш учун келётган Элёр нега қамоққа тушиб қолди? Ҳали туғилмаган норасида нечун бевақт нобуд бўлди? Севги-муҳаббат нима ўзи: бахтли ҳаёт кечиришми ёки азоб уқубатга дучор бўлишми?

Қиссани ўқиб, чигал тақдирларда акс этган воқеаларнинг ҳаётий чиққанлигига амин бўласиз.

© Акбар Мирзо

© Фафур Фулом номидаги
нашриёт-матбаа ижодий уйи,
2010

ISBN 978-9943-03-353/5

АЁЗИ ЧЎЗИЛГАН БАҲОР

Таниш бекат кўринди. Элёр тушишга ҳозирлик кўраётганди, бирдан орқа тарафдан аёл кишининг бақирган овози автобус ичини тутди.

— Пулимни ўғирлашди, вой, пулим йўқ!

Элёр беихтиёр ортига ўгирилди, шу пайт ўзидан икки-уч ёш каттароқ бир йигит «Тушмасанг, нари тур!» деганича шошиб олд эшик тарафга интилди. Ҳайдовчи бунақа воқеаларни кўп кўрган чоғи шовқинга эътибор ҳам бермади. Бу орада бекатга етиб келган автобус бир силкиниб тўхтади.

— Эшикни очманг! Ўғрини тутиш керак!

Ҳайдовчи бу гапга қулоқ ҳам солмади. Эшик очилиши билан Элёрга орқаси билан тиралиб турган ўрта ёшлардаги киши, кейин эса уни туртиб ўтган йигит тушиб кетди.

— Сани билетинг қани? — ўрнидан туриб олган ҳайдовчи Элёрга бароқ қошини учирди.

— Билет текширмай, ўғрини ушласангиз бўлмайдами? — Пулини олдириб қўйган жабирдийда аёл ўзини тутолмай яна ҳайдовчига бақирди.

— Сани деб бир соат бу ерда туришга вақтим йўқ! Ман планни бажаришим керак, билдингми? Ўзингга ҳазир бўлмайсанми?

Элёр костюмининг чўнтагидан пул олмоқчи эди, қўлига нимадир илинди. Юраги аллақандай нохушликни сезиб гўё уришдан тўхтади ва ранги оқариб кўзлари жавдираганича ҳайдовчига термулиб қолди.

— Нега, анқаясан? Тўламайсанми, йўлқирани!

Элёр томоғига тикилган нарсани амаллаб ютди. Гап-ришга энди оғиз очганди, бирдан ҳайдовчи унинг елкасидан тортиб, кенг пешонасини тириштирди.

— Тўхта, тўхта! Қани, чиқар-чи, чўнтакдагини бу ёққа. Чиқар, девобман санга!

Элёрнинг оёқ-қўли бирдан бўшашиб кетди. Агар чўнтагидагини чиқармаса, оқ-сарикдан келган, тунд юзли ҳайдовчи уни бўғиб олишга тайёр турарди.

— Лекин... лекин...

— Қани, бу ёққа ол-чи! Ие, хотинларнинг кашелоги санда нима қивотти! Кимники, бу!

— Маники, маники-ю!

— Вот так! Мана санга ўғри!

— Вой, ифлос-ей, санми, ҳали одамларнинг пулини ўғирлайдиган! — Кўзлари газаб ўтига тўлган ўрта ёшлардаги аёл Элёрнинг юзига чанг солди.

— Мен олганим йўқ пулингизни?

— Сан олмасанг, қизимнинг кашелоги чўнтагинга қаяқдан тушиб қолди, ярамас! — Орқадан етиб келган семиз хотин йигитнинг бошига муштлай кетди.

— Мен қаердан билай!

— Бўлди, бўлди. Энди, пастга тушинлар! Ҳов, келин-ойи, ушланг-да мелисага топширинг! Ўша ерда эсини киргазиб қўйишади! Ўзи анчадан бери қўлга тушмай юрувди, бу муттаҳам!

Элёр икки аёлнинг қуршовида қолди. Уларнинг бири йигитнинг ёқасидан, бири эса енгидан тортганича пастга судрашди.

* * *

— Фамилиянг!

— Одилов.

— Исминг!

— Элёр.

— Лақабинг!

— Нима?

— Лақабингни айт!

— Қанақа лақаб?

— Шерикларинг нима деб чақиришади, сани?

— Ошналаримми?

— Ҳа, ошналаринг?

— Элёр дейишади.

— Нима бало, лақабинг ҳам йўқми? Ё, атай яширвос-санми-а?

- Ростдан йўқ.
- Хўш, унда туғилган йилинг билан яшаш жойингни айт! Гапир!
- 1968 йил. Фарғона области.
- Тўлиғроқ гапир!
- 1968 йил 15 декабрда Фарғона области, Янгиқўрғон райони, Коммунизм колхозида туғилганман. Ёшим ўн еттида.
- Коммунизм дегин. Ҳали коммунизмда яшаб туриб Совет давлатига иснод келтиряпсанми? Биласанми, сандақа ўғриларни нима қилиш керак? Сапляк! Эндигина ўн еттига кирибсану ўғирлик қилиб юрганингни қара. Бундан кўра, ўласанми, бирор ерга кириб ўқисанг ёки ишласанг!
- Ўқишга келувдим...
- Кўп гапирма! Ўқишга келганмиш. Ўқишга келган йигит автобусда ўғирлик қилиб юрадими? Кимни алдамоқчи бўляпсан? Ўқишга келганмиш-а? Қани, кўчангининг номини айт!
- Кўчамизнинг оти йўқ.
- Уйингнинг номери-чи?
- Уйимиздиям номери йўқ!
- Чиста колхоз экансанку-а?
- Колхоз бўлса, нима қипти?
- Гап қайтарма! Қамоққа тушсанг, ана ўша ерда сайрайсан, билдингми? Тилинг жуда бурро-ку, йигитча. Тўғриси айт, Тошкентда нима қилиб юрибсан?
- Ўқишга келувдим. Йиқилдим.
- Ўқишга келдингми ёки ўғирлик қилишга?! Қани ҳужжатларинг? Қайсинга топширгансан?
- Театралнийга.
- Артисликками?
- Йўқ, рассомликка.
- Рассомликка, дегин. Рассомликка бўлса, қуённинг расми чизолмабсан-да. Бошлигинг ким? Кимнинг шайкасидансан?
- Қанақа бошлиқ? Мен ҳеч кимнинг шайкасидан эмасман. Ўқишга келганман, йиқилдим, деяпман-ку.

— Институтдан йиқилган бўлсанг, уйингга кетмай, нега ўғирлик қилиб юрибсан?

— Ҳали ҳужжатларимни олганимча йўқ. Душанбадан бери шаркан.

— Унгача ўғирлик қилиб турай, дедингми? Ёки кетишга пулинг қолмадими-а? Тўғриси айтивер, ўзингни овсарликка солмай. Сандақа карманшикларни биласанми, қанчасини турмага тикқанман.

— Мен ўғирлик қилмадим, ака...

— Ака эмас, ўртоқ терговчи! Бу ер санга колхоз идораси эмас, билдингми! Тергов бўлими, сан ҳалиям қаерда ўтирганингни билмаяпсан шекилли-а. Ҳов, тирранча, қамалиб кетасан, қамалиб, тушуняпсанми, буни. Сани бўтга нима учун олиб келишди, ўзи? Ўғирлик қилганинг учун. Ўғрининг жойи қаерда? Қамоқда!

— Нега қамашади, ахир мен ўғирлик қилганим йўқ-ку! Буни чўнтагимга кимдир солиб қўйганга ўхшайди. Менга туҳмат қилишяпти. Гапим чин.

— Ким, санга туҳмат қивотти?

— Анаву иккита хотин.

— Ҳм-ҳм. Демак, сан ўғри эмассан! Кашелокнинг эгаси санга туҳмат қивоти. Шундайми?

— Ҳа.

— Манга қара, сани фақат ўғримикин десам, қип-қизил аферист ҳам экансанку-а! Кашелок чўнтагингдан чиқди-ми? Чиқди! Гувоҳлар борми, бор! Кашелокда бармоқ изларинг топилдими, топилди! Яна қанақа исбот керак санга? Яхшиликча бўйнингга ол-да, тушунтириш хати ёзиб бер. Ёшлиқ қилиб билмасдан содир этибман, иккинчи бу ҳол қайтарилмайди, десанг, айбингни бўйнингга олганинг учун сал энгиллик бўлади. Икки йилда қутулиб чиқасан.

— Икки йил?

— Бўйнингга олмасанг, беш йилгача қамалишинг мумкин! Танла! Ҳа, айтгандай, ота-онангни сўрамабман-ку! Улар қатта туришади?

— Фарғонада.

— Нима иш қилишади?

— Колхозда ишлашади.

— Колхозда дегин. Ҳм-ҳм. Тушунарли. Давай, ёз!
— Нимани ёзаман, мен олмадим деяпман-ку.
— Балки раиснинг ўғлидирсан? Ё аданг главбухми-а?
— Дадам оддий механизатор. Аям боғчада ишлайди, тарбиячи бўлиб.

— Унда нима қилиб турибсан, бошимни қотириб! Ёз, ман айтганларни!

Терговчи йигитнинг олдига қоғоз, сўнг тарақлатиб ручка қўйди.

Элёр нима қилишни биоломай, қалтирай бошлаган қўллари билан бошини чангаллади...

Суд икки йилга ҳукм чиқарди.

Элёрни Янгийўл тарафларга олиб кетишди...

* * *

Депо деганлари шаҳарнинг бир чеккасида экан. Анча юришди. Ёки такси айлантириб бошқа йўллардан олиб келдими, ишқилиб Элёрнинг назарида узоқ туюлди. У таниш поездни кўриб севиниб кетди. Энди Муҳаммаджон ака ишлайдиган вагонни топса, бўлди. «Ишқилиб шу ерда бўлсин-да» деб Худога нола қилиб келган Элёр ўн биринчи вагоннинг эшигини муштлаб тақилатди.

— Ие, Элёр. Ўзингмисан?

Элёр ҳамқишлоғининг ҳам ҳайратланган, ҳам севинган кўзларини кўриб томоғига нимадир тиқилди. Вагондан бир сакраб тушиб келган Муҳаммаджон ака уни қучоқлаб кўришганда, бир зум елкаларини силаб «Омонмисан, ҳамқишлоқ?» деганда ўзини тутиб туролмади.

— Бўлди, бўлди. Ие-ие, йигит дегани ҳам йиғлайдими? Бўлди, йиғлама, қани, ичкарига юр-чи, — Муҳаммаджон ака Элёрни юпатган бўлди-да, қўлтиғидан ушлаб вагонга чиқишга ундади.

Элёр индамай вагонга чиқди.

— Буни қара, икки йил ҳам бирпасда ўтиб кетибди-да. Қани, ўтир, ўтирсанг-чи. Об-бо, Элёржон-ей, зўр иш бўлибди-ку, қутулиб чиққанинг! Қани, кўрган-кечирганинг оғир кунларинг шу бўлсин. Оллоҳу акбар! Хўш, энди сен ўтириб тур, мен ҳозир битта зўр чой дамлайман-да кейин

иккаламиз мириқиб гаплашамиз. Бу дейман, тўғри у ёқдан келяпсанми?

— Ҳа, — деди Элёр ниҳоят севинган оҳангда. У ҳалитдан бери ҳам гапириб, ҳам чой дамлашга уринаётган ҳамқишлоғининг ҳаракатларини кузатаркан, «Айтсаммикин ёки индамай хат ёзиб бериб юбора қолаймикин» деган фикр кўнглидан ўтди.

— Келиб яхши қилибсан, ўзиям зерикиб ўтирувдим, нима қилишимни билмай. Агар сал кечроқ келганинда ухлаб қолган бўлармидим. Ана энди, бемалол отамлашамиз, кечқурун роппа-роса ўн бирда эса қайдасан, Андижон, деб йўлга тушамиз. Қўқонгача мен билан бирга кетасан. Ўзим олиб кетаман, сени. Қани, чойдан ол. Ким нима деса, десину барибир вагоннинг чойи бошқача.

Элёр тўлдириб чой қуйилган стаканни бир амаллаб кўлига олиб, «Раҳмат» дедию тезгина олдиға қўйди.

— Ана энди ўзингдан гапир? Менимча ҳали икки йил бўлмади шекилли?— деди Муҳаммаджон ака иссиқ чойдан мириқиб хўплагач, ўриндиққа суяниб.

— Эртароқ бўшатишди.

— Зўр бўпти! Қийналгандирсан?

— Бошида анча қийналдим.

— Ҳа, энди... қамоқ, қамоқ-да. Энг муҳими, саломат кутулиб чиқибсан-ку, энди у кунларни эсламасанг ҳам бўлаверади. Буни қара, тунов куни дадангни кўрувдим-а, сени кейинги ойда чиқиб қолса керак, деяётганди.

— Уларни овора қилгим келмади.

— Тўғри қибсан. Овора қилмаганинг бир ҳисобда яхши бўлибди. Бирдан ўзинг кириб борганинг бошқача-да.

— Лекин қишлоқдагининг юзига қандай қарайман деб хайрон бўляпман.

— Нимага хайрон бўласан? Сени туҳмат билан қамалганингни ҳамма жуда яхши билади. Сен, у ёғидан кўнглинг тўқ бўлсин. Кўкрагингни баланд тутиб, «Мана, мен келдим!» деб бақариб кириб бораверасан. Ё, бирор нарсадан хавотирдамисан?

— Хавотирим йўғ-у, лекин барибир қамалиб чиққан деган ном орттирдим. Буни... ҳамма ҳам тўғри тушуна-

вермаса керак? Айниқа, аямларга қийин бўлгандир? Ишқилиб ўғрининг онаси деб... ҳеч ким ҳафа қилмадимикин?

Элёр вагон ойнасидан ташқарига қараркан, юрагига муҳрланиб қолган тамгани бир умр кўтариб юришини эслаб эзилиб кетди. «Юзингга айтмаса-да, ортингдан барибир гапирашади: «Қамалган», «Ўтириб чиққан» дейишади. Тухмат биланми ёки тухматсизми, бу нарса кимни ҳам қизиқтирарди».

Бундай ўйлар Элёрнинг кўнглидан шу тобдагина эмас, ҳар куни минг марта ўтади. Қишлоқдагилар даласидан эшитган бўлса-да, барибир ўзидан ҳам сўрашлари тайин. «Нега, қамашди?», «Ростдан ҳам ўғирлик қилмаганмидинг?», «Индамай қамалиб кетавердингми?». Қишлоққа борса, бу каби саволларга кўмиб ташлашса керак. Хўш, уларга нима дейди? Ўзини оқлайдими? Ҳар битта одамга тушунтириб ўтирадими?

— Сен ўзингни қийнама! Ундан кейин бировдан кўзингни ҳам олиб қочма. Қишлоқдагилар оилангни яхши билишади. Сен ўғирлик қиладиган боламассан. Аянгга келсак, у кишини ҳеч ким ҳафа қилгани йўқ. Аксинча, ҳолаҳвол сўраб кўнглини кўтариб туришиди.

— Танимаган одамлар ичида билинмайди-ю, аммо қишлоқда юролмасам керак.

— Э, қўйсанг-чи, шу ҳам гап бўлдию. Йигит кишининг бошидан нималар ўтмайди, дейсан? Парво қилма. Сал ўтмай ҳаммаси унутилиб кетади. Ҳали ёшсан, неччига кирдинг, ўн тўққизгами? Ўн саккизга? Эҳ-ҳе, келажинг олдинда укам. Ҳа, айтгандай, мана бу қоғозлар нима? — сўради Муҳаммадjon ака рюкзакдан чиқиб турган қандайдир қалин қоғозларга ишора қилиб.

— Чизган расмларим.

— У ёқда чизганларингми?

Элёр тасдиқ ишорасида бошини қимирлатди.

— Қани, кўрай-чи, секрет эмасми, ишқилиб?

Элёр истар-истамас қоғозларни чиқарди. Муҳаммадjon ака оддий қора қаламда чизилган расмларни бир-бир кўраркан, ҳар замонда Элёрга қараб кўярди. У айниқса,

бир расмга анча термулиб қолди. Хона ним қоронғи, тепадаги кичкина тўтбурчак дарчадан салгина ёруғлик тушиб турибди. Шу нур томон кимдир қўлини чўзмоқда. Муҳаммаджон ака расмга тикилган сари қамоқнинг тор хонаси тобора ёришаётгандай туюлаверди. Бошини қимирлатаркан юрагида ниманидир ҳис қилди. Бир зумда унинг қувноқлигидан, ҳазил-ҳузулга мойиллигидан асар ҳам қолмади. Шу тобда бу инсоннинг тиришган пешонаси, туташган қалин қошлари шогирдининг ишини синчковлик билан нигоҳдан ўткази туриб жиддий ўйга чўмган устоз рассомни эслатарди.

Умрида бирор марта суратга бунчалар узоқ разм солмаган Муҳаммаджон аканинг ўзи ҳам ҳайрон: наҳот у суратларни тушунса, наҳот, рассом нима демоқчилигини у ҳам ҳис қилаётган бўлса, демак, мўйқалам эгасининг тасвирга яширган гап-сўзларини, орзу-ўйларини англабдида. Аслида, суратларга деярли эътибор бермасди, «тушунмайман» деб ўйларди ёки ҳозиргидай жиддий рўбарў келмаганмиди, ишқилиб шу пайтгача бирорта суратни қўлига олиб тикилиб разм солмаган эди.

— Лекин мана бу расминг зўр чиқибди, — Муҳаммаджон ака дилидаги ўйларини ортиқ сақлолмади. — Яна билмадим-у, сенинг бошингдан кечган қора кунларни манаман деб кўрсатиб турибди. Шу озгина қуёш нури, шу озгина ёруғлик қоронғу юрагингга далда берган. Унга интилиб яшагансан, уни бутун борлигинг билан яна кўришингга ишонгансан. Бу бир сиқим нурни биласанми, нима деб аташ керак, «Умид нури». Агар шу нурни кўрмаса, бутунлай қоп-қоронғи хонада ҳеч нимани умид қилмаса керак инсон. Қоронғуликда ўйлаб ҳам бўлармиди? Бўлмайди, менимча. Одам қамоқдагина бу ёруғ оламнинг қадрига етса керак-а? Қара, қанчалар интизорлик билан нур томон қўл чўзиляпти. Юраги ташна бўлиб кетгани кўзларидан шундоқ билиниб турибди. Бунга қара, оддий расм кишига бунчалар қаттиқ таъсир қилади, деб сира ўйламагандим.

Элёр ҳам таажжубда эди: ҳамқишлоғининг кўнгли очиқ, яхши одам эканлигини биларди-ю, аммо бунчалик жид-

дий фикр юритилади, деб ўйламаганди. Бир йилча олдин Тошкентга худди шу вагонда бирга келишган. Ўшанда дадаси билан уни турли латифаю ҳангомалар айтиб роса кулдирганди. Ҳали-ҳали эсида, йўловчилар аллақачон ухлаб қолишганига қарамай, улар бирмаҳалгача чақчақлашиб ўтиришганди.

«— Одамларнинг ичида юравериб, гапга жуда уста бўлиб кетибсан, — деганди охири дадаси уйқусираган кўзларини ишқаб. — Нима бало, ичинг ҳам вагонга ўхшаб кетганми дейман. Шунча гапнинг сиққанини қара.

— Сизларга энди ўзимнинг қорнимга сиққанини гапирдим-ку, Азиз ака. Ҳали, эҳ-ҳе, қаранг, қанчаси турибди, — Муҳаммаджон ака аскияга аския билан жавоб қайтараркан, вагон бўйлаб қўлларини узатди.

— Бўлди, бўлди, қолганини яна бир учрашганимизда гапириб берарсан. Агар Элёр ўқишга кириб олса, ҳали вагонингга кўп марта чиқамиз. Яна тагин гапинг тугаб қолиб уялиб ўтирмагин. Тур, Элёр, сенам жойингга чиқиб ёт. Ҳадемай шаҳарга етамиз.

— Нега энди агар дейсиз, Элёр, албатта ўқишга киради. Қишлоғимиздан ҳам буюк рассомлар, олимлар чиқсин-да. Биз эса уларни вагонимизга чиқариб мақтаниб юрайлик».

Лекин ўшанда Элёрнинг уйқуси келмаганди. Ўқишга кира олармиканман, деб хаёлга берилдию Тошкентга қандай етиб келишганини билмай ҳам қолганди...

Мана, улар учрашиб туришибди. Бироқ қамоқда чизилган суратларни кўраётган ҳамқишлоғи шу тобда асли ўзига ўхшамасди. Қамоқнинг мунгли, юракни сиқувчи тунд қиёфаси гўё қувноқ Муҳаммаджон акага ҳам кўчган эди.

— Мана бу суратинг жуда галати чиқибдими? — Муҳаммаджон ака темир панжарага айланиб кетган қора одамнинг ҳолатини тушуниши қийин бўлдими, расмни бир яқинлаштириб, бир ўзидан сал узоқлаштириб қараб кўрди.

— Бу суратга ҳам мана бунга қарагандек, фикрингизни бир жойга қўйиб разм солинг-да.

Муҳаммаджон ака чойдан ҳўплади-да қўлидаги суратда бор диққатини жамлади. Маҳбуснинг темир панжара-

ни ушлаган қўллари, қорайиб кетган юзлари арматурага қўшилиб кетган. Махбус панжара ортида эмас, айнан унга сингиб, бирикиб кетганди. Унинг қинидан чиқиб кетаётгандай гўлайган кўзларига бефарқ қараб бўлмасди.

Қошлари тутушган Муҳаммаджон ака беихтиёр суратни ўзидан узоқлаштираркан бошини тебратиб деди:

— Бу суратингни тушуниш учун анча термилишим керакка ўхшайди. Ке, бундан кўра, чиройли расмлардан... Ие, мана, бор экан-ку. Бу аёл ким? Холаммидесам... ўхшамайди. Нега маъюс ўтирибди? Кўзлариям ёшга тўла. Кимнидир кутяптими? Балки, қамалиб кетган фарзандини ёки эрини кутаётган бўлса керак, тўғрими? Ийе, унда, мана бу болани кучоқлаб олган хотин кимнинг расми бўлди? Бир-бирига жуда ўхшар экан-а? Ёки иккаласи ҳам бир аёлнинг суратими? Жуда таъсирли чиқибди. Агар шу расмларнинг билан қишлоққа борсанг, сени қамоқдан эмас, рассомчилик институтдан келяпти, деб ўйлашади. Лекин бу расмларни бирор кўргазмага қўйсанг, бўларкан?

— Қўйдим.

— Қаерда?

— Қамоқда.

— Қамоқда? Ҳазиллашяпсанми? Қамоқдаям кўргазма бўларканми?

— Ишонмаяпсизми? Мен зонанинг пахани дам оладиган битта хонани виставкага айлантириб келдим. У ерга ҳар ким киравермайди. Манаман деган биклар киришади, холос.

— Ростданми?

— Зонада Боксёр дегани бор. Суратларга ҳеч кимнинг қўлини теккиздирмайди. Сўз берган.

— Унда бу расмларни нега ташлаб келмадинг?

— Булар унчалик яхши чиқмаганлари.

— Ҳм. Зўрлари у ёқда қолган дегин. Унда мана бу расмни менга берасан, эсдалик учун менам хонамга осиб қўяман. Бўптими? Эвазиги эса сени текинга Қўқонгача олиб кетаман. Келишдикми?

— Расмни ола қола. Бироқ, мен қишлоққа қайтмоқчи эмасман Муҳаммаджон ака. Шуни айтиш учун атай...

— Нима? Эсинг жойидами? Нега қайтмайсан? Ахир уйингдагилар қамоқдан чиқишингни интизорлик билан кутиб туришибди-ку? Ўйлаб гапиряпсанми, ўзи?

— Мен бутунлай бормайман демоқчи эмасман, бораман, албатта, бораман. Фақат ўқишга кирганимдан кейин. Ахир мен... Тошкентга ўқишга кириш учун келганман. Аввал мақсадимга эришиб олай, шунда ёруғ юз билан... «Талабалик гувоҳномаси» билан бораман қишлоққа!

— Шошма, шошма. Ҳали сен олдимга қишлоққа кетиш учун келмадингми? — Муҳаммаджон ака йигитнинг кўзларига жиддий тикилди. — Мен бўлса, хурсанд бўлиб ўтирибман-а, машҳур рассомни ўзим билан олиб кетарканман, деб.

— Сиздан илтимос, зонадан чиққанимни уйдагиларга айтиб қўйсангиз, мендан хавотир олишмасин. Ўқишга киргунча шу ердан бирор иш топиб ишлаб тураман. Ҳа, айтгандай, Муҳаммаджон ака депода менбоп иш йўқмикин? Кечадан бери, шуни ўйлаётгандим. Вагонларни тозалашми ё юк ташишми дегандай, ҳа, бунақа ишларга уста бўлиб кетганман.

— Лекин қишлоққа бормасанг, — Элёрнинг гапини бўлди Муҳаммаджон ака қўлини ҳамқишлоғининг елкасига қўяркан, — одамлар озодликка чиққанингга ишонишармиди? Кейин улар нима деб ўйлашади? Ҳа, айб ўзида экан-да, дейишмайдими? Сен калта ўйлабсан ука, ҳеч йўқ, бир марта бориб келишинг керак. Ахир даданг «Келишига қўй сўяман», деб каттакон қўчқорни боқиб, кутиб ўтирибди-ку. Э, йўқ, бу фикринг нотўғри бўлибди.

— Бироқ қарорим қатъий.

— Майлику-я, аммо уйга бориб ота-онангнинг дуосини олиб келсанг, яхши бўларди. Катталарнинг дуосида гап кўп, ука. Гапимга «Хўп» дегин-у қишлоққа бирров бориб кел. Майли, мана бу расмни бермасанг ҳам олиб кетавераман.

— Гап расмда эмас. Истасангиз бу расмларнинг ҳаммасини беришим мумкин. Лекин ҳозир бора олмайман. Аввал ўқишга киришим керак.

— Нима, ўртоқларинг билан гаров ўйнаганмисан?

— Йўқ.
— Балки, бирорта қизга... ваъда бергандирсан?
— Э, йўқ. Зонадан чиқаётганимда ўзимга ўзим сўз берганман.

Муҳаммаджон ака ёнида кечагина мактабни битирган содда, хаёлпараст бола эмас, ўзини босиб олган, фикрлари аниқ, кўзлаган мақсадига эришмагунча ортга қайтмайдиган жиддий бир йигит ўтирганини ҳис қилди...

* * *

— Вой, мана бу, Муҳаббатнинг сурати-ку. Қара, жуда зўр чиқибди-я. Кечирасиз, шу расмни сиз чиздингизми?

Элёр бу мурожаат ўзига эканлигини пайқагач, овоз келган тарафга қаради. Бир-бирини қўлтиқлаб олган икки қиз бир унга, бир «ярқ» этиб кўзга ташланадиган Муҳаббатнинг суратига қараб туришарди. Аслида, бу ерда шу нотаниш қизнинг суратидан бошқа чизгилар йўқ эди. Учта сурат, уччаласида ҳам шаҳло кўз Муҳаббат. Тўғри, сурат бежирим ишланган рамкага солиб қўйилгани учунми, қоғозга ишланган икки суратга нисбатан диққатни тортарди. Бунинг устига бу сурат ўртага шундай жойлаштирилган эдики, икки тарафдан келганларга ҳам «ялт» этиб кўриниб турарди.

— Кўрсам, майлими? — ниҳоят қизлардан бўйи узунрогининг сабри чидамади чоғи рамкадаги суратга беихтиёр қўл узатди.

Элёр нимадир демоқчи эди, аммо тили калимага келмади, салдан кейингина «бемалол» дегандай ишора қилди.

— Хонасидаги расмидан ҳам чиройли экан-а? — деди Муҳаббатнинг суратига ҳавас билан тикилаётган қиз қўлидаги рамкани гоҳ ўзига яқинлаштириб, гоҳ ўзидан узоқлаштириб кўраркан.

— Ничего.

Элёрнинг хаёли бўлиниб бирдан русчалаган қизга ўғирилди. Оқ сарикдан келган, бироз қотма, калта сочларининг учларини эринмай гажаклаган қиз пешонасини тириштирганича қимир этмай турарди. Рассом лабларини

тишладию «гилт» этиб ютиниб қўйди, кейин у қиз томон бошқа қарамади.

— Вой, мана бу гул япроқларига нимадир ёзилганми?

— Сиз, Муҳаббатни танийсизми? — Элёр қизни чалғитишга уринди.

— У курсдошимиз бўлади. Намунча майда ёзгансиз?

— Аяларини яхши кузатиб олдимми?

— Ҳа. Лекин бунга анча бўлди-ку. Демак, уларнинг суратларини сиз чизиб берган экансиз-да? Биз ҳам атай сизни қидириб келдик.

— Нега?

Бу ўринсиз савол эди. Элёр бу сўз ногоҳ оғзидан чиқиб кетганини кейин фаҳмлади. Хижолат тортаркан «узр» деб қўйди эшитилар-эшитилмас.

— Суратингизни чиздирмоқчимисиз? — у энди айбини оқлашга тушган боладай шошиб қолди. Лозим бўлма-са-да ўрнидан туриб мижоз учун қўйилган курсини тўғрилади. — Марҳамат, ўтиринг.

— Бошқа сафар келармиз, Гули.

— Э, йўқ, яна қачон вақтимиз бўлади. Бирпас шошмагин Сано. Яқинда имтиҳонлар бошланиб кетса, умуман келолмаймиз. Қанчада чизиб берасиз?

— Кўп вақт кетмайди.

— Ана кўрдингми? Кейин сен чиздирардинг. Ахир атай шунинг учун келдик-ку, Сано. Қара, Муҳаббатнинг расмини, мениям шунақа суратим бўлиши керак, билдингми? Нима, сен чиздирмайсанми?

— Бемалол ўтираверинг.

— Фақат жуда чиройли чизинг, хўпми?

— Сиз ҳам дугонангиздан қолишмайсиз, гўзалликда. Ўзи, сизлар билан..., — Элёр қотмагина қизга бир қараб кўяркан ёдига нимадир тушиб гапидан тўхтади. — Кўзларингиз қайси томонга қараб турсин.

— Муҳаббатники билан бир хил бўлсин. Бир хонада тураминиз-а, ёнма-ён қўйсам... уялиб қолмай яна.

— Ў-ў. Унда вазифам жуда оғир экан.

— Шунинг учун чиройли чиқсин, деяпман-да.

— Бўлди, бўлди. Кўлдан келганча ҳаракат қиламан.

Айтгандай, бу йил иккинчи курсмисизлар? — Элёр бир қизга, бир олдидаги оппоқ қоғозга термуларкан тавакка-лига мақсадга ўтди.

— Муҳаббат айтмадими?

— Айтувди, унча яхши эшитолмай қолдим.

— Бу йил биринчи курсни битирамиз.

— Яна уч йил бор экан-да.

— Ҳа.

— Энди Гули исмингизни тўлиқ билишим керак, чунки суратнинг чиройли чиқиши исмга ҳам боғлиқ.

— Рассомлар ҳам психолог бўлишади, қани, ўзингиз топинг-чи?

— Менга қолса, сизни Баҳор, Баҳорой деб чақирган бўлардим.

— Умуман айтганда..., тўғри топдингиз, ёшлигимда уйдагилар мени негадир Баҳор деб чақирган. Бироқ паспортимда... Гулбаҳор деб ёзилган.

— Гулбаҳор ҳам чиройли исм.

— Билмадим, лекин менга негадир Эътибор деган исм кўпроқ ёқади.

— Шоира Эътибор Охуновага ўхшамоқчи бўлгансизда? Топдимми? Айтгандай, Муҳаббат ҳам келмоқчимиди?

— Бораман, демади.

— Келмагани яхши бўлибди.

— Нега?

— Мана бу расмини бериб юборишга тўғри келарди.

— Нима, бермоқчи эмасмисиз?

— Бергим келмаяпти.

— Ў-ў, яна яхши кўриб қолмаганмисиз, мабода? Эшитдингми, Сано, рассом акамизнинг гапларини?

— Гапни дарҳол бошқа томонга бурманг-да. Мен бу суратини туғилган кунига совға қилмоқчиман. Лекин ўзи билмаслиги керак.

— Туғилган куниниям билиб олдингизми?

— Йўқ, ҳозирча билмайман. Аммо сиздан илтимос қиламан, қачонлигини айтинг.

— Ўзидан сўрамадингизми?

— Биринчи кўришганда сўраб бўлармиди.

- Ҳа-я. Лекин, тўғриси менам билмас эканман.
- Унда суратингиз бугун битмайди.
- Нега?
- Эртага келсангиз, уйда қайта чизаман-да сизникини ҳам чиройли рамкага солиб келардим.
- Эртага менинг вақтим йўқ! — Дабдурустдан суҳбатга аралашди Санобар.
- Унда ўзим келаман.
- Яхши бўларди.
- Бўлдими, тураверайми?
- Бўлди.
- Суратимни кўрсам бўладими?
- Нимасини кўрасан, олабўжи бўлиб ётибди-ку. — Санобар шундай деди-да, лабларини буриб нари кетди.
- Элёр Санобарнинг ортидан бир қараб қўйди. Кейин олдидаги қоғознинг устига ҳарир мато ташларкан ўрнидан турди.
- Илтимос, эртага ростдан ҳам ўзингиз келинг.
- Расмим хунук чиқдимиди?
- Ҳали ҳеч нарса чизмадим.
- Нега? Шунча вақтимни олдингиз-а?
- Бир гап айтсам хафа бўлмайсизми?
- Қанақа гап?
- Анаву дугонангиздан узоқроқ юринг. Унинг юраги тоза эмас экан. Мен оғир муҳитда ишлолмадим. Мени тўғри тушунасиз, деган умиддаман.
- Эртага яхшилаб чизиб берасизми?
- Албатта.
- Унда сизга ҳам кичкина илтимос, — Гулбаҳор эпчиллик билан Муҳаббатнинг рамкадаги суратини қўлига олди. — Мана бу гулнинг япроқларига нима деб ёзилганини айтиб берасиз.
- Ҳеч нима деб ёзилмаган.
- Мени алдолмайсиз! Оддий кўрингани билан япроқ четларини қандайдир ёзувлар билан белгилагансиз.
- Сиз мабодо юридикада ўқимайсизми?
- Нега ҳамма шунақа дейди.
- Унча-мунча одам аҳамият бермаган нарсани кўрга-

нингиздан кейин нима дейиш мумкин. Ростдан сиздан зўр терговчи чиқиши мумкин.

— Ўқиб бермайсизми? Унда эртага келмайман. Хайр. Элёр ноилож қизнинг қўлига лупа тутқазди.

Гулбаҳор илон изи ёзувларни қийналиб-қийналиб бўлса-да ўқиди:

*«Исминг Муҳаббат,
Аммо юрагингда борми, бу туйғу?
Ногоҳ учратдим-у
Кўзларимни тарк этди, уйқу.*

*Хаёл учди,
Асир бўлди, бу митти юрак.
Қиё боқмас ақлга энди,
Наҳот, шудир, севгидан дарак!».*

Гулбаҳор индамади. Қўлидаги лупани беришни ҳам унутиб негадир ортига бурилди. Бироқ нарироқда кутиб турган Санобар нимадир деди шекилли, тез-тез юриб қайтиб келди. Элёрга ғалати қараб, лупани қўлига тутқазди-да яна индамай юриб кетди.

Элёр анграйганича унинг ортидан қараб қолди.

* * *

Эртаси куни ишга чиқмоқчи эмасди, аммо қўлида буюртмаси борлиги учун боришга мажбур. Ундан кейин бир кун чиқиб икки кун чиқмаса, яна жойдан қуруқ қолмасин, ахир кўча рассомларининг ёнидан жой олишнинг ўзи бўлгани йўқ унга. Агар қамалиб чиққанини, зонада чизган суратларини кўрсатиб, қўйлагининг енгини билатига шимармаганда осонликча даврага қўшилармиди-йўғмиди?. Яхшики, деподан иш топилмагани, бўлмаса, имтиҳонларга тайёрланиш, чиройли-чиройли қизларнинг суратларини чизиш қаёқда эди. Челақда сув, қўлтигида супурги вагонма-вагон юрган бўлармиди? Аслида буни Муҳаммаджон ака истамади. «Сенга бу ишлар тўғри келмай-

ди, яхшиси расмингни чизиб, ўқишга киришни ўйла. Бўлмаса, ҳали-вери қишлоққа бора олмайсан» деб шаштини қайтарди. Таваккал қилишга аҳд қилди, ўтган йили имтиҳон топширган домласига учрашганди, «хиёбонга бориб, ўша ердан жой олишга ҳаракат қил. Сабр қилиб ўтирсанг, ҳам расм чизасан, ҳам бир-икки сўм пул топасан» деган маслаҳат олди. Севиниб кетди. Бу нарса умуман хаёлига келмаган эди. Мана буни иш деса бўлади, энг муҳими эса рассомлар билан танишади. Эртаси куни хиёбонда нотаниш рассом йигит пайдо бўлди. Қизик, вақтнинг тез ўтганини қаранг, ишга чиққанига дарров икки йилдан ошибди.

Элёр шуларни хаёлидан ўтказар экан, ноилож, йўлга отланди. Кўчага чиққанда эса беихтиёр яна ўйга берилди: «Гулбаҳор ўзи келармикин, ёки... Агар у Муҳаббатга шеърни айтган бўлса, келади. Ёки айтмасмикин-а? Дугонам, деди-ку, сир яширмаса керак, айниқса, севги тўғрисида бўлгани учун борибоқ суюнчи олгандир. Муҳаббат нима дедийкин? Мен ҳақимда қандай хаёлга бордийкин? Бирга келиб Гулбаҳорнинг олдида тўплалон қилса-я?»

Элёр хаёллари билан бўлиб хиёбонга етиб келганини ҳам сезмай қолди. Иш жойига кўзи тушдию ўйи тўғри чиққанидан бир зум тўхтаб қолди: икки қиз уни бетоқатлик билан кутаётгани шундоқ нигоҳларидан билиниб турарди. Айниқса, Муҳаббатнинг авзойи бузуққа ўхшарди. Элёрнинг юраги хижил бўлди: «Наҳот, уришгани келган бўлса? Наҳот, уни бошқа кўрмасам?». Элёрнинг ўз жойига ўтирмаганини кўрган қизлар бир-бирига қарашди. Гулбаҳор дугонасига нимадир деди-да, Элёр томон юрди. Мулойим саломлашгач, кўзларини пирпиратиб суратини сўради. Кейин дарҳол қўшиб қўйди:

— Чиройли чиқдимми?

— Сир сақлолмабсиз-да?

— Билмай айтиб қўйдим, — деди Гулбаҳор хижолат бўлганча эшитилар-эшитилмас. — Расми борлигини эшитиб, кўриб келаман, деб туриб олди.

— Ҳа, майли, бўлар иш бўлди. Ҳозир бир дақиқа.

Элёр елкасига осилган каттагина латта сумкадан, ав-

вал рассомлар учун махсус тайёрланган жомадонни олиб ерга қўйди, сўнг тўртбурчак қалин қоғоз ичидан Гулбаҳорнинг суратини оларкан, сал нарида уларни кузатиб турган Муҳаббатга кўз қирини ташлади. «Нега келиб суратини сўрамаяпти? «Нега, мендан берухсат чиздингиз? Қанақа одамсиз? Бир марта индамаса, яна чизаверасизми?» деб жанжал қилмаяпти?»

Гулбаҳор суратига тикиларкан, чиройи очилди. Буни кўриб Элёр ҳам бироз дадиллашди.

— Ёқдимми?

— Яхши.

— Ёққан бўлса, хурсандман.

— Ҳа, айтгандай, қанча беришим керак?

— Муҳаббатни бошлаб келибсиз-ку... Фақат рамкага солишга вақтим бўлмади. У ёғини ўзингиз...

— Мен бошлаб келмадим, — Элёрнинг гапини бўлди Гулбаҳор. — Айтдим-ку сизга, ўзи бораман, деб туриб олди деб. Эртага борарсан, десам ҳам унамади. Аслида... ўзим келмоқчийдим.

— Дугонангиздан балога қоладиган бўлдим. Роса жаҳли чиқиб турибди шекилли?

— Йўқ, у уришқоқ қиз эмас. Ҳозир чақириб юбораман.

Гулбаҳор Муҳаббатнинг ёнига борибоқ қўлидаги суратини кўрсатди. Фикрини сўраган бўлди, мақтов эшитди чоғи юзлари қувнаб кетди, кейин нимадир деб Муҳаббатни йигит томонга имлади. Элёр қизга нима дейишни ўйлади, суратини сўраб қолса, берсинмикин ёки бермасинми? Муҳаббатнинг яна келишини орзиқиб кутаётган, ёхуд уни қидириб топишнинг йўллариини излаётган, кечалари уйқуси қочиб, аниқ бир тўхтамага келолмай ўзини ношудликда айблаётган, қиз билан яқинроқ танишиш орзуси кундан кун кечикиши бардошини тугатаётган кезде ўз оёғи билан олдига аста юриб келётган қизни янда, янда яқинроқ ҳис қиларкан бир зумда довдиради-қолди.

— Яхшимисиз?

Элёр саломга базўр алик оларкан, қўлларини қаерга қўйишни билмай ўнғайсизланди, кейин жомадоннинг бо-

гичини маҳкам ушлаб чора топгандай бўлди. Худди оёқларида мадор қолмаган кишидай йиғма курсига бир-икки нигоҳ ташлаб қўйди.

— Агар уришмасангиз...

— Суратимни кўрсам бўладими?

— Олиб кетасизми?

— Аввал бир кўрай-чи? Гулбаҳор жуда мақтаб юборди.

Қарамасдан туриб чизган суратингиз, наҳот, аввалгисидан чиройли бўлса? Ишонгим келмади.

— Фақат олиб кетмасангиз кўрсатаман. Чунки қайтиб бунақа расм чизолмайман. Келишдикми?

— Аввал кўрсатинг!

Элёрнинг бошқа иложи қолмади, сумкасини шошмай очаркан, Муҳаббатни яқинроқдаги кафега таклиф қилди. Қиз унамади. Бироқ суратини кўриб чеҳраси очилиб кетди: ўзидан-да гўзалроқ қиз унга жилмайиб турарди, сурати остидаги бир даста гул эса, унинг ҳуснига ҳусн қўшардики, икки жозибадор мўъжиза бир бутун уйғунлик намодён қилар, уларни бир-биридан асло айро тасаввур қилиб бўлмасди.

Муҳаббатнинг нияти ўзгарди, суратни олиш йўлини ўйлай бошлади. Элёр эса қизни кўпроқ гапга солиш учун сўз қидирарди. Аксига олиб хаёлига тузукроқ фикр келмасди.

— Суратни алмаштирамиз?

Элёр бу таклифни эшитиб ҳайрон бўлмади. Жуда бўлмаса, шу таклифни айтарман, деб хаёлидан ўтказган эди, кулимсираб қўйди.

— Агар озгина вақтингиз бўлса, сиз билан бемалол гаплашиб олсам дегандим. Чунки, сизга етказиб қўядиган омонат гапларим бор. Келганингиз яхши бўлди. Сизни қаердан топишни билмай тургандим. — Элёр лоп этиб бирдан хаёлига келиб қолган фикрдан ўзи ҳам севиниб кетди. «Таваккалнинг ишини Худо ўнглайди дейишади!».

— Қанақа омонат гап?

— Балки бироз айланиб келармиз.

— Гулбаҳор нима деб ўйлайди, шундоқ ҳам олдингизда қолиб кетдим. Қаранг, чақиряпти.

— Ҳозир бир дақиқа, — Элёр шундай деди-ю сумкани кўтариб Гулбаҳорнинг олдига борди. Унга бир нималарни тушунтирди-да, қўлидагини ёнига қўйиб қайтиб келди.

— Ана бўлди. Энди бемалол гаплашиб олсак бўлади. Балки анави кафега кирармиз, ўтириб суҳбатлашганга нима етсин.

— Дугонамни кўчага қўйиб-а?

— Омонат гапни ўзингизга айтсам дегандим-да.

— Ёмон гап эмасми, ахир?

— Йўқ.

— Унда учаламиз кирамиз.

Элёр бир зум иккиланиб қолди. Кейин ичида «Э, буё-ғига ҳам тавакал!» дедию яна Гулбаҳорнинг ёнига қайтди.

— Аввал келишиб олайлик, бу суратни мен олиб кетаман, — Муҳаббат стулга ўрнашиб ўтиргандан сўнг биринчи бўлиб гап бошлади. — Ўзимдагини эса сизга олиб келиб бераман.

Элёр рози бўлди, яна бир марта кўришиш учун баҳона топилганди-да. Севинганидан қизларни яхшилаб меҳмон қилмоқчи эди, аммо талабалар фақат ширинлик билан қаҳва буюришди, холос. Элёр гарчи қорни очқаб турган бўлса ҳам меҳмонларнинг райини қайтармади. Гулбаҳор йигитни гапга солишга ошиқди.

— Сиз фақат шу ерда ишлайсизми?

— Йўқ, мен ҳам сизларга ўхшаб оддий талабаман. Бу ерга ўқишдан бўшаган пайтимда келиб тураман. Театр ва рассомчилик институтини билсаларинг керак, ўша ерда иккинчи курсман. Хўш, яна ўзим ҳақимда айтадиган бўлсам, Фарғонанинг Янгиқўрғониданман. Уйланмаганман. Яхши кўрган қизим... ҳозирча йўқ.

— Лекин биз буни билиш учун келмагандик, — Муҳаббат ўзини ғалати сизди чоғи, гапни бошқа томонга буришга уринди. — Қандайдир гапни айтишим керак дегандиз, адашмасам...

— Ҳа-я. Сал бўлмаса унутаёзибман. Мени яқин бир дўстим бор, қизлар. Ўзиям менга ўхшаб кетади. Бир қишлоқданмиз, мактабда ҳам бирга ўқиганмиз. Институтга-да бирга ҳужжат топширдик, бироқ ўша йили ўқишга кира

олмади, бунинг устига уйига кетиш олдидан бирдан қамалиб қолди.

— Нега? — Гулбаҳор қўлидаги иссиқ қаҳвани стол устига қўяркан, «ялт» этиб йигитга қаради.

Элёрнинг кўз ўнгида автобусдаги воқеа қайта жонланди. Фақат ўзининг ўрнига ўйлаб топган «дўсти»га Рустам деб исм қўйди-да, сал қисқароқ қилиб гапириб берди.

— Бечора туҳмат билан қамалибди-да.

— Ҳа, туҳмат билан бир йил ўтириб чиқди. Ўша пайтда бир ўзи бўлганлиги учун ўғирлик қилмаганини исботлаб беролмаган. Бунинг устига унинг гапига ҳеч ким кулоқ ҳам солмаган. Аслида икки йил беришганди. Ўзини яхши тутгани учун бир йилда қутулиб чиқди.

— Ҳозир у дўстингиз қаерда?

— Яна институтга ҳужжат топширишга тайёргарлик кўряпти. Барибир ўқишга кираман, деб ният қилган. Баъзида шу ерга чиқиб расм чизиб туради. Аммо қамоқда чеккан азобларини гапириб берса, юрагим ачишиб кетади. Ноҳақ жазо ўташнинг ўзи бўладими? Бироқ у жуда ажойиб йигит. Суратни менданам яхши чизади. Агар сизга ростини айтсам, қўлингиздаги суратни Рустам чизган. Мен ўшанда бир гўзал қизни кўриб қолдим, ҳатто ўзига билдирмай суратини ҳам чизиб бердим, деб сизни таърифлагандим, у ўйлаб ҳам ўтирмай шарт шу расмни чизиб ташлади. Кейин шу қизни менга кўрсат, бир учрашай, деб туриб олди. Ҳали ўзим ҳам танимайман, у қиз менинг олдимга келмаганди, аясининг суратини бошқа бировга чиздирган, десам ҳам қистайверади. Ҳеч тушунтиролмаяман. Охири чизган шу суратини менга бериб, ёнингга қўйиб қўй, у қиз бир кун албатта келади, деди ишонч билан. Қаранг, рост айтган экан, мана, келдингиз.

— Демак, шеърни ҳам дўстингиз ёзган экан-да.

— Ҳа.

Бу гапдан негадир Гулбаҳорнинг чеҳраси ёришди.

— Муҳаббатда нима иши бор экан, у йигитни?

— Дўстим Муҳаббатни яхши кўриб қолганга ўхшайди.

— Ўзини кўрмай туриб-а?

— Кўрмай туриб шундай ажойиб сурат чизган йигит-

дан буни кутса бўлмайдами? У сиз билан танишмоқчи, шуни айтиб қўйишимни илтимос қилганди, Худога шукр омонат гапдан қутулдим.

— Лекин қамалиб чиққан одамлар ёмон бўлишади, дейишади-ку. — Гулбаҳор дугонасига бир қараб қўяркан, иккиланиброқ гапирди.

— Яхшими-ёмонми, нима, мен танишаман деяпманми? Илтимос, бу ҳақда бошқа гапирманг.

— У шу суратни чиздию ҳаловатини йўқотди, на ўқишга тайёрланади, на бирор сурат чизади. Ётгани ётган. Танишишни истамасангиз ҳам бир учрашсангиз яхши бўларди. Кўнгли ўксик дўстимнинг дардини тушунишингизни истайман. Мениям қулоғим тинчирмиди. Лекин ўзиям айтганди, барибир унамаса керак, деб. Қамалиб чиққан йигит билан ким ҳам танишишни хоҳларди, мен ўзи бахтсиз эканман, дегани деган.

— Дўстингизга айтиб қўйинг, мендан хафа бўлмасин, ота-онам бу ерга ўқишга юборишган, бирортаси билан гаплашадиган бўлсанг, бизнинг сендай қизимиз йўқ, дейишган. Мен ўқишни тамомлаб, тўғри уларнинг олдига бораман, ана ундан кейин...

— Мен фақат бир марта учрашиб қўйинг холос, деяпман, — Муҳаббатнинг гапини бўлди Элёр. — Кутилмаган азоблардан эзилган йигитни биргаллашиб ҳаётга қайтарсак, яхши бўларди. Ундан зўр рассом чиқиши мумкин. Ҳали жуда машҳур бўлиб кетади. Фақат унга салгина эътибор керак.

— Унда дўстингизни ётоқхонамизга таклиф қилсак, сиз ҳам келасизми? — деди бирдан Гулбаҳор.

Муҳаббат ялт этиб дугонасига қаради.

— Жинни бўлдингми? Агар танишмоқчи бўлсанг, ўзинг таклиф қилавер, мен ҳеч ким билан танишишни истамайман. Ҳозиргина ўзинг айтдинг-ку, қамалиб чиққан одам яхши бўлмайди, деб. Мен ҳам эшитганман, у ёқда ўзгариб кетишаркан.

— Нега мен танишар эканман? У йигит сен билан танишмоқчи, Муҳаббат, мен билан эмас. Бир огиз йўқ, де, олам гулистон. Сени ҳеч ким мажбурлаб учрашгин, дема-

япти-ку. Элёр ака ҳам у йигитнинг илтимосини айтдилар, холос.

— Унда бизнинг узримизни айтиб қўйинг. Кетдикми, Гули? Сурат учун раҳмат.

— Катта раҳмат сизга. Бир умрга эсдалик бўлди, сиздан. — Гулбаҳор майин табассумини Элёрдан аямади. — Балки яна расм чиздириб қолишимиз мумкин, йўқ, демассиз?

— Бамалол келаверинглар. Ҳа, айтгандай, Муҳаббат суратингизни шундоқ бериб турунг.

— Нега?

— Бир сирни айтишни унутибман.

— Ҳали бу суратнинг яна сири борми?

— Сири шундаки, бу суратни хорижлик бир туристга юз сўмга сотмадим, — Элёр суратни қўлига оларкан, унга талпингандай меҳр билан тикилди, кейин эса гўё қизга етишгандай ички бир қониқиш, ширин туйғу билан бағрига босди.

— Юз сўмга, ростданми? — Гулбаҳор ҳайратини яширолмади бир Элёрга, бир Муҳаббатга қаради.

— Гапингизни тушунмадим?

— Дўстимга айтсам, бу суратнинг баҳоси йўқ, деди.

Икки юз сўм таклиф қилгандиям бермади.

— Вой-бу, шунча пулга-я? Икки юз сўмга қанча нарса келадию, э-э, сотавермабди-да. Ўзига яна бошқасини чизиб олаверарди-ку. — Гулбаҳор ҳамон Элёрнинг гапларига ишона олмаётган эди.

— Йўқ, чиза олмайди.

— Нега?

— Бундай суратлар бир марта чизилади. Бошқа чизиши мумкин, лекин бўлажак рассом сифатида мен ҳам биламанки, бирортаси асло бу суратга ўхшамайди. Ундан кейин рассомнинг ўша дамдаги ҳолати, ҳиссиёти ҳам такрорланмайдиган жараён. Шунинг учун бу сурат чизилаётганда рассомнинг кўнглидан нималар кечганини фақат ўзи биледи. Буни тушунтириб бериш қийин. Рассомлик жуда нозик касб. Уларнинг ҳис-туйғулари билан ҳисоблашмасангиз... Балки суратни сотирмай тўғри қилгандир. Ас-

лида, менам сотмаган бўлардим. Бу мўъжиза асар. Ҳақиқатан ҳам унинг баҳоси йўқ. Айтмоқчиманки, буни ҳатто сизгаям бера олмайман. Дўстимнинг таклифини қабул қилганингизда ҳам бошқа гап эди. Расмни берганим учун сен билан учрашувга рози бўлди, деб ўзимни оқлаган бўлардим. Афсуски, сиз... рози бўлмадингиз, шундай экан... суратни бериб юборсам, дўстим мендан қаттиқ хафа бўлади. Кўнгли яримта дўстимни эса ранжитишни истамайман. У сизни севиб қолгани аниқ. Шунинг учун сизни кўрмасдоноқ, бундай ажойиб суратни чизиб ташлади. Бу суратдан айрилиш, унинг учун...

— Шу гапларни дўстингиз ўзи келиб гапирса бўлмай-дими? — бирдан Гулбаҳор орага чўккан жимликни бузди.

— Муҳаббатнинг кўнглини оғритиб қўйишдан кўрқди. Шунинг учун мендан илтимос қилди. Агар сизларни хафа қиладиган бирор гап қилган бўлсам, кечирим сўрайман. Бир ҳисобда гапингиз тўғри Гулбаҳор, бунақа ишларнинг ўртасида туриш яхши эмас, лекин омонат гапни етказмасам ҳам бўлмасди-да.

— Нима дейсан, Муҳаббат?

— Нима дейишим керак? Мен гапимни айтдим. Ихтиёрим ота-онамнинг қўлида.

— Улар истаган одамга турмушга чиқиб кетаверасизми? — Элёр бирдан Муҳаббатнинг кўзларига тикилди.

— Ҳар ҳолда ёмон одамга беришмаса керак.

— Демак, дўстим тўғри ёзган экан-да «Исминг-ку Муҳаббат, аммо қалбингда борму бу туйғу» деб?

— Балки...

— Унда биз кетдик. Кетдикми, Муҳаббат?

— Ҳа, кетамиз.

— Хўш, қизлар нимага келишдик. Мени ноқулай вазиятга ташлаб кетаверасизларми? Дўстимга нима дейман?

— Суратимни берганда «Раҳмат» дердим. Унга «Қизганчиқ экансиз», деб қўйсангиз бўлди.

— Уриб бошимни ёрса-чи?

— Биздан ёрдам кутманг.

— Бу ёғи қизиқ бўлди-ку, дўстлар ҳам индамай ташлаб қочаркан-да.

— Биз сиз билан ҳали дўст эмасмиз-ку.
— Унда мен дўстликни таклиф қиламан.
— Биз ўйлаб кўрамиз. Лекин рассомдан танишимиз бўлса, ёмон бўлмасди-а, Муҳаббат?
— Танишиб қўявер-чи.
— Мен танишиб бўлдим. Фақат сен...
— Ҳа, яхши-яхши, — Гулбаҳорнинг гапини бўлди Муҳаббат дугонасини ташқарига бошларкан.

Қизлар хайрлашиб нари кетишди. Бироқ Гулбаҳор ниманидир унутган одамдай Элёрнинг ёнига қайтди.

— Йигирманчи июнь экан.
— Катта раҳмат. Тушундим.
— Ҳм, нимани гаплашдинг? — сўради Муҳаббат.
— Расм учун раҳмат айтмабман-ку, шу эсимга тушиб қолди. Лекин танишганимиз яхши бўлди-а?

Элёр Гулбаҳорнинг бу гапини элас-элас эшитди. Қизлар ўзаро суҳбатлашиб метро томон кетишди. Анча узоқлашганда Гулбаҳор орқасига яна бир қараб қўйди. Йигит қўлини силкитди. Муҳаббат эса метрога тушиб кетгунга қадар ҳам ортига ўгирилмади.

Элёр келиб сайёр рассомлар қаторидан жой олди. Йигма курсига жойлашиб ўтираркан, қўли ишга бормади. «Наҳот, уни севиб қолган бўлсам? Севги деганлари шумикин?»

Элёр шу пайтгача севиш нималигини билмаса-да, йигит кишининг чин севгиси ҳақида, севган қизига етишиш учун девонага айланиб қолганлиги тўғрисида эшитган эди. Эшитганда ҳам ошиқ йигитнинг ўзидан тинглагани...

* * *

Элёр тор йўлаклардан ўтиб бориб, қандайдир хонанинг олдига етганда «Тўхта!» деган бўйруқни эшитди. Қадамлар бирдан ер тишлади.

— Юзинг билан деворга тур!

Сержант шундай деди-да сарғиш ранглари ўнгиб кетган ёғоч эшикни очди. Кейин ўзини сал четга олиб яна буйруқ қилди.

— Ичкарига кир!

— Нимага? — ранги оқарган Элёрнинг овози титраб чиқди.

— Кирганинда биласан? Давай, заходи!

Элёр остонада туриб қолганди, сержант унинг елкасидан ушлаб, хона ичига итарди ва ярим русчалаб сўкди. Оғир эшик тарақлаб ёпилганда Элёр бир чўчиб тушди.

— Рассом деганлари санмисан?

Элёр ним қоронғи хонада каравотга суяниб турган ўрта бўйли, кўкраклари, кенг елкалари бўртиб чиққан майкачан кишини энди пайқади. Кўллари чалиштириб олган бу одамнинг қарашлари ўткир, худди ҳужумга шай турган йўлбарснинг кўзларини эслатарди.

— Нега бунча довдирайсан? Калтак еявериб жуда кўрқиб қолибсанку-а? Рассоммисан, ўзи?

— Сал-пал чизиб тураман.

— Мани кимлигимни эшитгандирсан?

— Айтишмади?

— Айтишмадимми? Қани, ўтир-чи, пионер! Келганинга қанча бўлди, ўзи?

— Икки ойдан ошди.

— Зонада «Боксёр» лақабли маҳбус борлигини эшитмадингми?

Элёр кимнинг олдида турганлигини энди фаҳмлади. Уни баттар кўрқув босди. Зонанинг «Босс»ига бас келадиган бирдан-бир киши «Боксёр» эканлиги қулоғига чалинган эди. Ўзини кўрмагани рост, бироқ у тўғрисида маҳбуслардан жуда кўп эшитганди. Бир пайтлар бокс билан шуғулланган, кимнидир майиб қилиб қамалган, орадан бир ой ўтмай зонадаги «Бос»ни ҳам уриб ўзига хон бўлиб олган одам шу киши эди. Ҳатто соқчилар ҳам у билан эҳтиёт бўлиб гаплашади, дейишарди. Шу пайт бирдан салом бериш лозимлиги хаёлига келди. Тўғриси, қачонлардир эртақларда ўқиган ялмоғиз кампир ва унинг «Гар саломинг бўлмаганда, икки ямлаб бир ютардим!» деган гапи ёдига тушиб қолди. Беихтиёр ўрнидан туриб салом берди, аммо томоғи қуриган эканми, овозини ўзи ҳам аранг эшитди.

— Ўтир, ўтиравер, — Боксёр қўллари саланглатиб

йигитнинг олдига келди ва унинг нозик елкасидан босди.
— Қани, чизган расмларингни кўрсат-чи?

Элёр бироз енгил нафас олди, лекин вужудининг қалтираши ҳали тўхтамаган эди. Аммо буни сездирмаслик учун тезгина ўрнидан туриб, ўралган қоғозларни хонанинг ўртасидаги бўш турган столга ёйди.

— Мана бу, кимнинг расми?

— Онамининг.

— Бу бола-чи?

— Энг кичик укам.

— Бу қиз ким бўлади?

— Ҳеч ким. Буни... ўзим ўйлаб ётиб чизувдим.

— Нечего.

Боксёр суратларни кўриб бўлгач, нотаниш қизнинг суратини қайта қўлига олди. Бироз термулиб тургач, йигитга юзланди.

— Ўхшатибсан.

— Унчаликмас.

— Демак, хаёлингга келтириб ҳам чиза оласан, шундайми?

— Ҳаракат қилиб кўраман.

— Ўтир, ўтираверсанг-чи! Демак, гап бундай, манга бир аёлнинг расмини чизиб берасан. Шундай чизгинки, расмга қараганимда у ёнимда тургандай бўлсин. Агар шу ишни эплосанг, расмингни чизиб юраверасан, бўлмаса, сани расмингни бошқалар чизади. Гапир, санга унинг нимасини айтишим керак? Бўйиними, юзиними, кўзлариними?

Боксёрнинг овози тобора секинлашиб борди-да, бирдан тинди. У суратини чиздириши керак бўлган аёлни кўз олдига келтирмоқчидай бошини бир зум орқага ташлаб, шувоқлари кўча бошлаган шифтга тикилиб қолди. Рассом йигит келса, ташқи кўринишини шарт-шарт гапириб бераман, деб ўйлаганди. Қаёқда, гапириш сурат чизишдан қийинроқ эканлигини энди англади. Шунча юриб бирорта каттароқ расмини ўзи билан олиб келмаганига ёки уйдан келтириб беришларини сўрамаганига афсус чекди. Бироқ нима деб сўрарди, кимдан ҳам илтимос қилар-

ди? Қандай кўйларга ташлаб кетган Зулфиянинг суратини сўрашнинг ўзи бўларканми? Мана, ўзини рассом деб атаган мишиқи бир боланинг олдида тилига сўз келмай ўйланиб ўтирибди. Аммо нима қилсин, Зулфия ҳақида гапириш ҳақиқатан ҳам осон бўлмаса?

Боксёр нимадир қидириб чўнтагига қўл солди, лекин бир зум ўйланиб турди-да ҳеч нарса олмади. Яна эшикка термилди. Зулфиянинг юзлари қандай эди? Кўзлари-чи? Наҳот, эслаш шунчалар қийин, ахир у Зулфия доимо кўз ўнгимда турибди, деб ўйларди-ку.

— Эслолмаяпсизми? — ўртага чўккан жимликни бузишга журъат қилди Элёр.

— Эслаб турибман, аммо... гапириш жуда қийин экан.

— Унда мен сўрай қолай, сиз эса...

— Ҳа, ҳа, сўрай қол.

— Унда кимнинг суратини чизишимни айтинг — Элёр суратларни йиғиштираркан Боксёрга зимдан қараб қўйди.

— Кимнинг бўларди, Зулфияни-да.

— Ким у киши? Яъни... сизга ким бўлади, демоқчидим.

— Зулфиями? Зулфия... менинг хотиним бўлиши керак эди. Аммо... унга уйланоладим. Тўйимиз бўлишидан олдин қамоққа тушиб қолдим.

— Нима учун?

Боксёр шарт Элёрга қаради. Рассом йигит унинг нигоҳларидан «Нега, сенга айтишим керак?» деган қаҳрли маънони уқди. Аммо бироздан сўнг Боксёрнинг қарашлари бутунлай ўзгарди. Балки Зулфияни эслагиси келдими ёки қамоққа тушганидан буён у ҳақида ҳеч кимга айтмагани таъсир қилдими, ёхуд қаршисида титраб ўтиришига қарамай, онасининг мунгли суратини ўхшатиб чизиб қўйган йигитга юрагини эзиб ётган дардини айтиш фикри туғилдими, ишқилиб, бирдан юмшади. Бақувват қўлларини нотаниш йигитнинг елкасига ташлаганда Элёр бир қадар чўккандай бўлди.

— Эшитгинг келяптими? Ёки бу воқеадан таъсирланиб янаям зўр расм чизмоқчимисан?

— Барибир... ниманидир билишим керак-ку.

— Тўғри, ниманидир билишинг керак. Ҳа, майли, санга айта қолай. Ман Зулфияни мактабда ўқиб юрганимдаёқ ёқтириб қолгандим. Биз бир синфда ўқирдик. Ёшлигимдан боксга қизиққанлигим, мактабда бўладиган мусобақаларда қатнашиб турганлигим учунми, синфдошларим орасида зўри эдим. Олдимга ҳеч ким тушолмасди, Зулфияга ҳам биров яқинлашмасди. Бироқ биздан бир синф юқорида ўқийдиган Маҳмуд деган бола баъзан Зулфияни чақириб буфетга олиб кириб кетарди. Уларнинг биргалашиб чой ичиб ўтирганларини кўрганимда жон-поним чиқиб, шарт бориб Маҳмуд акани уриб ташлагим келарди.

— Нимага у билан чой ичасан? — деб тергай бошладим тўққизинчи синфга ўтганимизда ростакамига жаҳдим чиқиб.

— Нима бўпти, ахир у қариндошимиз-ку. — Зулфия ҳеч нимага парво қилмай эътиборсиз жавоб берарди.

Ман бундан баттар тутақиб кетардим.

— Узоқроқ қариндошинг билдингми? Нима, сенинг дугоналаринг йўқми, улар билан кирсанг бўлмайдими?

— Нима ишинг бор? Алам қиялпими?

— Агар у санга бирор нима деса, ўлдираман.

— Мақтанчоқ. Боксни биламан, деб мақтанганинг билан ўқишинг уч-ку.

— Сани ишинг бўлмасин, ўқишим билан. Сан ўзингга қараб юр, яхшиси.

— Саням ман билан ишинг бўлмасин, нимага хўжайинлик қиялпсан ўзи?

— Ман сани... билмайсанми, ўзинг.

— Йўқ, билмайман. Билишням истамайман.

— Лекин қара...

Танаффусдаги тортишувларимиз шунақа гаплардан иборат бўларди. Синфга кириш учун қўнғироқ чалинардю Зулфиянинг жони кирарди, афтини буриштириб қочиб қоларди.

Маҳмуд ака билан эса бир неча бор уришмоқчи бўлганман, аммо у Нодир акамнинг яқин ўртоғи эди. Тез-тез акамнинг ёнига келиб турарди, баъзида уйимизда ухлаб ҳам қоларди, шунданми, ҳеч журъат қилолмасдим га-

пиришга. Бунинг устига ўзи ҳам индамасди. Агар биринчи бўлиб гап бошлаганда зўр бўларди-да, жиддий гаплашиб олишимга баҳона топиларди, аммо чурқ этмасди, билса ҳам билмаганга олармиди ёки ростдан ҳам Зулфиянинг орқасидан пойлаб юришимни сезмаганми, ишқилиб, жим эди. Лекин Зулфия билан тортишиб турганимизни кўп марта кўрар, бироқ ҳар гал негадир аҳамият бермасдан ўтиб кетаверардилар. Зулфияни нимага хафа қиляпсан, деб сўрамаганларига қариндоши бўлганлиги учун шунчаки қараб юрса керак, Маҳмуд ака уни яхши кўрмайди, деб ўзимча ўйлардим. Ўйлардим-у, аммо Зулфияни чақириб қолса ёки гаплашиб туришганини кўрсам, барибир ичим қизиб кетарди. Бориб уришгим келаварарди. Мактабни битириш олдидан област биринчилигида қатнашиб, учинчи ўринни эгалладим. Шундан кейин устозим Шариф ака мен билан жиддийроқ шуғуллана бошлади. Физкультура институтига топширасан, сандан яхши боксчи чиқади, деб туриб олдилар. Устознинг гапини икки қилолмадим, ундан кейин ўзим ҳам боксга жуда қизиқиб қолгандим.

Мактабни битириб ўқишга ҳам кирдим. Аммо хаёлим Фарғонада эди. Зулфия ўша ердаги пединститутга кирганди. Хаёлим ўзимда эмаслигига сабаб, Маҳмуд ака ҳам худди шу институтда ўқирди. Нима қилишяптийкин, деган ўй миямдан нари кетмасди, Бўлмаса, бир неча марта айтдим, Тошкентга борайлик, у ерда ҳам пединститут бор, деб, лекин кўнмадим. Мақолни қара, «Узоқнинг бугдойидан, яқиннинг сомони яхши» эмиш. Лекин биламан, дадаси унамаган, унинг ўзи Тошкентда ўқишни жуда-жуда истарди. Нега, дейсанми? Чунки битириш кечамизда «Қаерда ўқимоқчисан?» деб сўраганимда, «Уйдагилар ружасат беришса, Тошкентга бормоқчиман», деб айтганди. Жуда севиниб кетгандим.

«— Ман ҳам Тошкентга кетяпман, — дедим қувонганимдан кўзларимдан ўт чақнаб. — Истасанг, бирга кетамиз.

— Қайдам.

— Сан қаттиқ тур-да.

- Барибир рухсат беришмаса керак.
- Беришади. Агар пединститутнинг спортфаки бўлганда ман ҳам ўша ерга топширардим. Ўқишга бирга бориб келардик, балки бир ётоқхонадан жой олармидик?
- Жиннимисан, сан билан бирга тураманми?
- Нега, ман билан бирга турсан, ётоқхонамиз бир жойда бўларди, демоқчиман.
- Аввал институтга кириш керак, ётоқхона кейин бир гап бўлар. Энг муҳими, уйдагилар розилик беришса бўлди.
- Бироқ эртаси куни маълум бўлдики, ҳақиқатан ҳам дадаси кўнмабди. «Ўқисанг, ана Фарғонадаям институт бор, ўша ерда ўқийверасан», деганмиш. Кейинги гаплар ҳаммаси бефойда бўлиб чиқди. Балки Зулфия бошқа гапларни мендан яширган бўлиши ҳам мумкин. Лекин биларман, Анвар ака: «У ерда сенинг иссиқ-совуғингдан ҳар куни ким хабар олиб туради», деган бўлиши керак. Ёки «Агар Фарғонада ўқисанг, ана Муҳмуд аканг бор. Бирга бориб бирга келаверасизлар», деб шарт қўйган. Ҳа, шунанга гап бўлган. Зулфия айтмаса-да, кўнглим сезган. Кейин ундан сўрадим: «Тошкентга синфдошим ҳам кетяпти», деб айтмадингми? Зулфия чиройли кўзларини яширди. «Жиннимисан, қанақиб айтаман».
- Унинг кўзлари чиройли бўлса, оҳуникига ўхшаркан-да? — ширин хотирани бўлишга журъат қилди Элёр.
- Оҳу деганинг кийикми? Ҳа, ҳа, кўзлари ... кароче кийикми, оҳуми, ишқилиб ниҳоятда гўзал-да. Бунинг устига қора қошларини айтмайсанми? У ўсма қўймасди, аммо қоп-қора қошлари ўзига жуда ярашиб турарди. Агар сочларини иккита қилиб ўриб олса борми, сани манабу чизган расмингдан ҳам чиройли бўлиб кетарди.
- Юзлари қанақа, думалоқми ёки сал чўзинчоқроқми?
- Чўзинчоқ эмас, ман унақа қизларни ёқтирмайман. Зулфиянинг юзларини ойга ўхшатса бўлади, бироқ ойнанинг доғи бор, Зулфияда эса йўқ.
- Қанақа гапирардилар, қаттиқми ёки майинми?
- Э, у гапирганда эсим оғиб қоларди.
- Лаблариям жуда чиройли, нозик экан-да?

— Нозик деганинг қанақа, юпқами? Йўқ, жудаям нозик эмасди, аммо ялтираб, ёниб турарди. Ишонасанми, ёлғиз қолсагу ўпиб олсам, дердим. Юзлариям лўппигина эди. Бир сўз билан айтганда мактабимиздаги энг чиройли қиз — Зулфия эди. Сезардим, қишлоғимиздаги кўпчилик йигитлар уни зимдан кузатарди, бироқ менга дуч келишдан кўрқибми, Зулфияга гап отишмасди. Кейин билсам, мендан эмас, акамдан кўрқишаркан. Ботир ўзи яхши кўрмайди, акаси айтгани учун кўриқлаб юради, деб ўйлашаркан.

Лекин бир марта уйимизда ҳам шунақа гап бўлган. Иккинчи курснинг қишки имтиҳонларини топшириб уйга борсам, акам Нодирни уйламоқчи бўлиб туришган экан.

«— Яхши кўрганинг борми, ўзи? — сўраб қолди аяmlар эрталабки нонушта пайтида.

— Кимиям яхши кўрардим, — деди акам томдан тараша тушгандай.

— Унда биз айтган қизга уйланаверасан-да! — дедилар дадам гапни қисқа қилиб.

— Кимга? — сўради акам ер остидан аямларга қараб кўяркан.

— Ана, Носиржоннинг қизи. Ҳадемай, биринчи курсни битираркан. Ўша қизни обераман-қўяман, ўқишини эса, завучнийга ўтказиб олаверади».

Эндигина ҳўплаган чойим томоғимга тикилди. Акам «Майли» деб юборишидан чўчиб оғзига тикилдим. Энди нимадир демоқчи эдилар:

«— Уни яхши кўргани бор!», — деб юборганимни билмай қолдим. Аслида «Ман уни яхши кўраман» деб айтишим керак эди. Бироқ дадамларнинг олдида айтолмадим.

— Яхши кўргани бор, дейсанми? Қиз болаям бировни яхши кўраман, деб айтарканми? Носиржон менга бермаса, кимга беради, қизини! Хўш нима дейсан? — Дадам масалага нуқта қўймоқчидай яна акамга ўгирилди.

— Уни бир ўртоғим яхши кўраркан, ўзи яқинда армияга кетяпти, манга кўз-қулоқ бўлиб турарсан, деб қаттиқ тайинлаган. — Акамдан олдин жавоб беришга шошилдим. Шундай қилмасам, Зулфиядан айрилиб қоладиганга

ўхшайман. Бунинг устига тўқиган ёлғоним ўзимга ҳам ёқа бошлаган эди. Чунки вазиятдан чиқишнинг ягона йўли акамни «Хўп» демасликка кўндириш, дадамларни эса бошқа қиз ҳақида ўйлашга мажбур қилиш эди. Балки аямлар бирор қизни мўлжаллаб қўйгандирлар, деган хаёлда дадамлардан кўзимни олиб қочдим. Аямлар ҳам «Зулфия яхши қиз, менам шу фикрда эдим» деб қолса бўладими? Биладан, Зулфия яхши қиз, чиройли қиз, аммо уни ман яхши кўраман-ку! Қандай қилиб акам уйланса индамай қараб тураман. Зулфия манга хотин бўлишнинг ўрнига «келин ая» бўладими? Э, йўқ, буни мияга сиғдириб бўлмайди. Бундай бўлиши асло мумкин эмас!

— Ая, дўстим менга ишониб тайинлаб кетсаю, у қизни акамга олиб беришса, ман индамай қараб турсам, жуда хунук иш бўлади-да. Сотқинлик қилган бўлмайманми? Кейин унинг юзига қандай қарайман!

— Қанақа, сотқинлик! — Бирдан дадамларнинг жаҳллари чиқиб кетди. — Сан у қиздан сўраганмисан ўзи, кимни яхши кўришини? Балки ўша ўртоғингни умуман ёқтирмас. Яхши кўрармиш, яхши кўраман, деб айтса айтаверди-да. Нима, шу бир оғиз гапи билан шундай қиз уники бўлиб қолармиди? Тавба, ҳозирги ёшларга ҳайрон қоласан, она сути оғзидан кетгани йўғ-у хотин танлашига бало борми?»

Дадамларнинг гапидан сўнг ўйланиб қолдим. Тўғриси, ман ҳам Зулфиядан аниқ сўраганим йўқ эди. У мани яхши кўрадимми-кўрмайдими? Балки ўз кўнглида бирортасини ёқтирса-чи? Ахир Зулфия манга ҳам айтмаган бўлиши мумкин-ку. Шунча хат ёздим, бирор марта ҳам жавоб қайтармади, кеча уйдан чақиртирсам, нимагадир чиқмади. «Нима бўлдийкин?» деб ичимни еб ётганимда, бу масала ортиқча бўлди-да. Зулфия билан шу бугуноқ гаплашмасам, бўлмайди шекилли. Бу ерда бир гап борга ўхшайди. Ёки акам бирор нима дедимикан? Акамга термиладан, индамай турибди, демак, бир сир бор, дейман ичимда. Ўқишга кетаётганда уларга Зулфияни яхши кўришимни айтиб кетсам бўларкан, деб ўзимни койий бошладим, шунда Зулфия ҳақида гап очилиши билан «Йўқ, бўлмай-

ди» деган бўлармиди. Хуллас, «Зулфиядан бир сўраб кўрайчи, бўлмаса», деб суҳбатга якун қилишларига эришдим. Дадамлар ҳам «Шундай қил, агар ўша ўртоғингда кўнгли бўлмаса, эртагаёқ совчи юборамиз» дедилар.

Шундай қилиб, акамдан Зулфияни сақлаб қолганман. Нонуштадан кейиноқ Нодир акамга Зулфияни ман яхши кўришимни, ҳеч қанақа ўртоғим йўқлини тушунтирдим. Акам индамадилар. Хурсанд бўлиб кетдим. Аммо энди ўйлаб кўрсам, индамаганларининг сири, улар ҳам Зулфияни кўз остиларига олиб юрган эканлар.

Шунақа, Зулфияни ҳамма яхши кўрарди. Бироқ ҳаммадан ҳам уни ман кўпроқ севардим. Шунинг учун ўша куниёқ унга севишимни айтдим. Агар мандан бошқасига «Хўп» десанг, кунингни кўрсатаман, деб пўписа ҳам қилиб кўйдим. Зулфия «Жинни бўпсан» деди, холос.

- Акангиз бошқа қизга уйландиларми?
- Акам-ку бошқага уйландилар. Аммо...
- Нима сизга ҳам «Йўқ» дедиларми?

— Манга «Йўқ» демади, лекин «Хўп» ҳам демади. Шундан билдимки, манга бефарқ эмас. Бироқ мани бошқа нарса ташвишга соларди. Зулфиянинг дадаси қайсар одам эди. Қизини манга унамай, қариндошига бериб юбориши ҳам мумкин. Шунинг учун Маҳмуд ака билан гаплашишга қарор қилдим. Лекин Зулфия унамади, у манга севиши ҳақида гапирмаган бўлса, нима дейсан, деб йўлимни тўсди. Начора, унга қулоқ солдим. Подадан олдин чанг чиқармай, дедим.

Бироқ ўшанда хато қилганимни кейин тушундим. Ҳақиқатан ҳам Маҳмуд ака бирга бориб-келиб юриб уни ёқтириб қолибди. Учинчи курсга ўтганида совчи юборди. Зулфиянинг уйидагилар: «Қизимиздан бир оғиз сўраб кўрайлик-чи», дейишмабди. Ораларида бир гап борки, Маҳмуджон совчи юборган, бу ҳақда қизимизга айтган бўлиши керак, деб ўйлашибди-да, розилик бериб юборишибди. Нодир акам телефон қилиб қолди, бўлмаса, билмасдим. Эртаси куниёқ Фарғонага етиб бордим, дегин. Ўшанда Тошкентда қанақадир халқаро мусобақа бўлиши керак эди. Чунки республикада ўтадиган мусобақаларда

қатнашиб анча рейтингим ошиб қолганди. Агар адашмасам, қозогистонлик боксчи билан рингга тушишим керак эди. Бунга ҳам қўл силтаб, шарт поездга ўтириб жўнаворибман. Маҳмуд аканинг ётоғини билардим, тўғриси, бир гаплашганимизда Зулфиядан атай сўраб билиб олгандим, шунинг учун эрталаб ўқишга кетишларидан олдин кириб бордим. Ўзиям кутмаган экан, ҳайрон бўлиб қолди. Хонадагилар чиқиб кетишлари билан ўзим билмаган ҳолда отилиб ўрнимдан турдим-да ёқасидан олдим.

— Зулфияга нега совчи юбордингиз? — дедим овозим титраб.

Маҳмуд ака ўзини анча хотиржам тутди. Худди катта одамлардай босиқлик билан:

— Нима, аввал сандан сўрашим керакмиди? — дедилар ёқасини бўшатиб.

Тўғриси, ман Маҳмуд аканинг қони қайнаб уришиб кетишини кутгандим. Шунда гаплашишим осон бўларди. Нима дейишни билмай кўзимни лўқ қилиб туриб қолдим.

— Гаплашгани келган бўлсанг, ўтир бундоқ, — шундай деб орадаги жимликни бузди Маҳмуд ака.

Қайсарлик қилиб ўтирмадим. Тўғриси, Маҳмуд аканинг «Зулфия энди меники!» дегандай ўзини жуда бемалол тутиши қизиб турган қонимни баттар қайнатиб юборди. Ҳаяжонимни боса олмай яна ўдағайлашга тушдим. «Уни ман яхши кўраман!» дедим гапни қисқа қилиш мақсадида.

— Яхши кўриш айбмас, ука. Зулфияни институтимизда ҳамма йигитлар яхши кўради. Нима, уларнинг ҳар бир билан уришиб чиқармидинг?

— Керак бўлса, уришиб чиқаман!

— Лекин бундан нима фойда. Зулфиянинг юрагини ким эгаллаган бўлса, у ўша йигитга насиб қилади. Севаман, дейсанг, севсанг нима қибти? Сан аввал ундан сўрадингми, сани севиш-севмаслигини?

— Гапни айланторманг, ман унга айтганман. Зулфия меники бўлади, тушундингизми? Агар кимда-ким унга кўз олайтирса, аяб ўтирмайман. Ўлдираман, уни!

— Боксчи бўлсанг, ўзингга, ука, мани кўрқитолмай-

сан. Ундан кейин Зулфияниям асло мажбур қилолмайсан. У ақли қиз, ўзи хоҳлаган одамига турмушга чиқади, билдингми?

— Ман ҳеч нимани билмайман! Билишням истайман! — дедим газабимни босолмай.

— Унда бу ердан кет. Бориб Зулфия билан гаплашиб кўр. Агар сани севса, мани қаршилигим йўқ. Қандингни ур! Мабодо севмаса, йўлини тўсма. Маниям кўзимга кўринма. Тушундингми? Энди хонадан чиқ, ман ўқишга боришим керак.

Бошқа сўзга ўрин қолмаганди. Маҳмуд ака мандан бирикки ёш кагга бўлса ҳам ҳамма гапни тўғрилиқча аниқ тушунтириб қўйган эди. Ҳозир у билан урушиш бефойда эканлигини англадим. Бироқ отдан тушсам ҳам эгардан тушгим келмади.

— Мен сизни огоҳлантирдим, Зулфиядан узоқроқ юринг, — дедим-да, шарт эшикни ёпиб хонасидан чиқиб кетдим. Энди Зулфияни кута бошладим. Соат учга яқин уни институт олдида учратгунимча юрагим ёрилиб кетай деди. Бирдан Тошкентда ўтаётган мусобақа ёдимга тушиб баттар жиғибийрон бўлдим. Мени роса қидиришгандир. Рақибим жангсиз галабага эришганидан қувонгандир. Балки мандан кўрқиб рингга чиқмади, деб ўйлаётгандир. Тренерим нима қилди, эканлар? Энди у кишига нима дейман? Ўзимни қандай оқлайман. Ҳаммаси расво бўлди, институт раҳбарияти олдида ҳам шарманда бўлдим. Балки ўқишдан ҳам ҳайдашлари мумкин, деган хаёлга бориб Фарғонага келганимга афсус қила бошладим. Мусобақани ўтказиб келсам ҳам бўларди-ку, нега ҳовлиқдим, нега шошиб қолдим, деб ўзимни ўзим сўка бошладим. Тўғрисям, эртага келсам бўлмасмиди, ахир Зулфия шу бугун эрга тегиб кетаётгани йўқ эди-ку. Бугун тўйи эмасдию деб, ҳовлиқиб келганимга жаҳлим чиқиб кетди. Негаки, бутун топган обрўйимни йўққа чиқарган бўлишим ҳам мумкин эди-да. Мусобақа куни индамай йўқолиб қолишимни ҳеч ким кечирмаслигини ёлғиз қолиб Зулфияни кутаётганимда, ўзим билан ўзим гаплашаётганимда тушуниб етдим. Аммо бўлар иш бўлган эди. Энди истаган пайтимда ҳам

мусобақага етиб боролмасдим. Чунки бир соат олдин рингга чиқишим керак эди. Пешонамдан совуқ тер чиқиб кетди. Аччиқланиб тиззамга кетма-кет муштлидим. Бокс билан хайрлашишга ақлим етган бўлса-да Зулфия билан кўришаман, у билан гаплашаман-ку, деган ўй манга тасалли берарди. Боксдан айрилишим мумкин, аммо Зулфиядан... асло айрила олмайман. Шунинг учун бир ҳисобда келганим яхши бўлди, кўнглимни хотиржам қилиб кетаман, боксни топишим мумкин, аммо Зулфияни йўқотиб қўйсам, уни қайта топа олмайман, деб ўзимга таскин бердим-да тишимни тишимга қўйиб севгилимни кута бошладим. Ҳали айтганимдай соат учгача кутибман, дегин. Зулфия мани кўрдию негадир ранги оқариб кетди.

— Совчиларга нима деб жавоб бердинг?

Биринчи сўраган саволим шу бўлди. Аслида буни охирида сўрамоқчи эдим. Аввал унинг соғлигини, ўқишлари қандай кетаётганини, ёзги каникулни қаерда ўтказмоқчилигини билмоқчи бўлиб гаплар ёдлаб қўювдим. Уни кўрдим-у ҳаммасини унутдим. Жаҳлимни чиқарган, газабимни келтирган, мани энг муҳим мусобақадан қолдириб шу ерга келишимга сабабчи бўлган воқеа миямга лоп этиб урилдию оғзимдан шу савол отилиб чиқди.

— Дарров эшитибсан-да?

— Бу нима деганинг? — Зулфиянинг бамайлихотирлигидан жоним бўғзимга келди. — Нима, эшитмаслигим керакмиди? Индамай эрга тегиб кетмоқчимидинг? Гапир, Маҳмуд аканинг совчиларига нима дединг?

— Ҳеч нима.

— Сан ҳеч нима демаган бўлсанг, унда уйингдагилар нега тўйга розилик беришади? Аввал сандан бир оғиз сўрашмайдами? Ёки кимга бўлсаям, индамай тегиб кетаверасанми?

— Ҳали мандан сўрашганларича йўқ, агар сўрашгудек бўлса, фикримни айтаман.

— Агар сандан сўрашмаса-чи?

— Сўрашар...

— Сўрашар дейсанми? Ана, сўрамасдан ҳам «Биз розимиз!» дейишибди-ку. Энди тўй кунини белгилаб қўйиш-

са, нима қиласан? Гапир, унда нима қиласан?

— Қўлимни қўйиб юбор, оғритиб юбординг!

Шундагина ўзимга келдим. Зулфиянинг билагини маҳкам ушлаб силтаётганимни сезиб қолдим. Узр сўраб, қўлини бўшатдим. Зулфия афтини буриштирганича оппоқ, чиройли бармоқлари билан қизариб кетган билагини силади. Кейин манга қовоғини солиб қараб қўяркан:

— Нима учундир сандан қўрқаман, — деди. — Агарда санга тегсам, Худо кўрсатмасин, билиб-билмай жаҳлинг-ни чиқарсам, бир уриб ўлдириб қўйсанг керак-а? Шунини... ўзинг ҳам биласанми?

Унинг овози қалтираб чиқди. Бунини сезсам-да, эътибор қилмадим, негаки, бу сўзни эшитиш ман учун олам-олам завқ бағишлади. «Агарда санга тегсам» деган гапи худди «Санга эрга тегаман» дегандай туюлди манга. Гўё шу биргина сўзни эшитиш учун келгандай эдим.

— Нимага хурсанд бўляпсан? — бирдан сўради Зулфия. — Ман фақат «Агарда» дедим, холос. Бу дегани санга тегаман дегани эмас, Элёрхўжа!

— Хўжа дема мани.

— Унда ким деб чақирай?

— Ака десанг ҳам майли.

Хиёбонда Зулфиянинг чиройли кулгуси янгради. У шу тобда янаям чиройли бўлиб кетганди. Ноўрин севинганимни англаган бўлсам-да, «Агарда» дегани бир оғиз гапи кўнглимга шундай ҳузур бағишлаган эдики, Зулфияни бағримга босиб, «Агарда» деган тилидан ўпиб олгим келди. Бироқ институт хиёбонида талабалар кўп эди. Дарсдан қайтаётган йигит-қизларнинг биз томонга қараб-қараб қўяётганларини энди пайқай бошлагандим.

— Сан кулма, агарда манга тексанг, бошимда кўтариб юраман! Санга заррача куч ишлатмайман. Бу мушт, сан учунмас, рақибларим учун!

— Барибир сан қўрқинчли одамсан, — деди Зулфия аранг ўзини кулгудан тўхтатиб.

— Наҳот, аждаҳога ўхшасам?

— Аждаҳодан ҳам баттар бўлиб кетасан баъзида.

— Сани яхши кўрсам нима қилай, Зулфия? Айт, нима

қилай? Маҳмуддан совчи келганини эшитиб, уни бир нарса қилиб қўйишимга сал қолди.

— Вой, Маҳмуд ака билан учрашдингми? — гапимни бўлди Зулфия.

— Сан нима деб ўйлагандинг? Учрашишга қўрқади, деганмидинг, ўзингча. Ёки келмайди, деб хаёл қилганмидинг-а?

Зулфиянинг ҳалиги «Агарда» деган бир оғиз сўзи қалбимни қандай эритиб юборган бўлса, ҳозирги «Маҳмуд ака» деган гапи юрагимни тилка-пора қилиб юборгандай бўлди. Гўё у бу исмни алоҳида бир меҳр билан айтгандай туюлиб кетди манга. Кўзларини пирпираши, хавотир билан манга термулиши баттар ёндирди.

— Албатта учрашдим. Эрталаб хонасига бостириб борганман.

— Уришдингми?

— Уришсам, нима қилибди? Нима, ичинг ачишяптими?

— Шунчаки... сўрадим-да.

— Ҳозирча урмадим. «Зулфия нима деса, шу» дегани учун индамадим. Бўлмаса... Лекин тўғрисини айт, сан унга бирор нарса деганмисан, нега совчи юборди ўзи?

— Билмадим, ёқтириб қолгандир-да.

— Ман жиддий гапиряпман, сандан сўраб юбордимми?

— Жинни бўлдингми, ёқтирадиган одам қиз боладан сўраб ўтирадимми? Ёки сан аввал мандан сўрайсанми? Совчи юборсам, майлими, деб розилигимни олсанми? Севган киши кўнглига келган ишни қилавер экан? Ахир сан ҳам ўзингча «Зулфия, мени яхши кўради» деб ўйласанг керак. Ёки ўйламайсанми?

— Ҳм, нима, яхши кўрмайсанми?

— Билмадим.

— Ман эса биладан. Йигитлик сўзим шу: сани яхши кўраман ва санга уйланаман!

— Тошкентда қизлар тиқилиб ётибди-ку, шу пайтгача бирортасини севиб қолмадингми?

— Хаёлим санда бўлса, қанақип севиб қоламан! Эҳ, Зулфия, Зулфия! Агар сани ўйламасам, ишқингда ёнар-

мидим, биров юборган совчини эшитиб юрагим тилка-пора бўлармиди? Наҳот, ҳалиям тушунмаган бўлсанг, нима учун ёнингда тентираб юришимни?

Зулфия индамади. Биз институт олдидаги хиёбонни айланиб юриб чарчаган эдик. Атрофга алангладим, ўтиришга бўш жой кўринмасди. Кун иссиқлигидан чанқаб ҳам кетгандим. Шунда кечадан буён туз тотмаганим ёдимга тушди. Зулфия бирга овқатланишга рози бўлди. Ундан ширин гапларимни аямадим. Бироқ аниқ жавоб эшитолмай жоним ҳалак эди. Ётоғига кузатиб қўйганимда ҳам севиш-севмаслигини айтмади. Қиз бола севишини айтмайди-да, деган гап кўнглимдан ўтди. «Институтни битиргунча турмушга чиқмоқчи эмасман», деган гапдан сал хотиржам бўлдим ва ўша кун кечқурун поездга ўтириб яна Тошкентга қайтдим. Уйга зўрға кириб чиқдим. «Пахтага кетарканмиз, иссиқ кийимларимни олиб кетгани келдим», деб баҳона қилдим. Нарсаларни олдим-у ортга қайтдим. Чунки институтда нималар содир бўлганлиги ҳақидаги ўй манга сира тинчлик бермаётган эди...

Элёр бир зум жим қолган Боксёрга тикиларкан, ўзидаги ҳайиқиш ҳисси йўқолганини сизди. Ошиқ йигитнинг муҳаббат қиссасини этишиб ўтираркан, билагидан куч ёғилиб турган бақувват эркакнинг жуссаси кичрайгандай, важоҳати йўқолгандай туюлди назарида.

— Мусобақа нима бўлибди.

— Ман сандан Зулфия билан муносабатингиз нима бўлди, деган савол кутгандим. Сан бўлсанг, ўтиб кетган мусобақани сўраб ўтирибсан. Нима бўларди, айтганимдай қозоқ боксчисини голиб деб эълон қилишибди. Аммо ман уни ютардим, юрагим сезиб турувди. Лекин... насиб қилмаган экан, на илож. Тренерим манинг аҳмоқлигимни кечира олмади. Масъулиятсиз экансан, деб бир оғиз гапирди, холос. Бошқа яқинига йўлатмади. Яхшики, институтдан ҳайдалмадим. Шунга ҳам севиндим. Энди ўқишимни тамомлаб олишим керак эди. Дипломни оламану қишлоққа қайтаман, Зулфия қайси мактабда ишласа, ман ҳам ўша мактабга оддий физкультура ўқитувчиси бўлиб ишга кираман, доимо унинг ёнида бўламан, деб

қарор қилгандим. Бироқ тақдирим ман ўйлагандек эмас экан. Тўғриси, боксни ташлай олмадим. Терма командадан кетишимга сабаб бўлган мусобақа сира хаёлимдан кетмасди. Рақибим билан яна рингга чиқиш учун ўзимни минг тешикка урдим. Устозимнинг олдига бордим. Яна бир бор имконият беришини сўрадим. Шунда билдимки, бокс мен учун севгига ўхшаш бир нарса экан. Қалбимни эгаллаган Зулфия каби боксни ҳам унутолмас эканман. Унинг ҳам ишқи бор экан, ўзига яраша. Мусобақаларда қатнашаман деб роса бир йил югурдим, бироқ фойдаси бўлмади. Устозим охирги учрашувимизда «Сандан боксчи чиқмайди!» деганди. Бу гапи нотўғри эканлигини исботламоқчи эдим, лекин... Шундай ноумид бўлиб юриб ўқишни ҳам тамомлаб қўйгандим. Энди фақат имтиҳонларни топшириш қолганди холос. Кишлоққа қайтишни ўйлаб юрган кунларимнинг бирида тўсатдан устозим йўқлаб қолди. Бир пайтлар ман билан шуғулланиб юрган Аҳмад шу гапни, шу хушxabарни айтганди, шарт кўтариб икки-уч марта айлантириб қўйдим, севишиб кетганимдан. «Ростданми? Ҳазиллашмаяпсанми?» деб қайта-қайта сўрадим. Аҳмаднинг жиддийлигини кўриб бу гапга ишондим, сал кеч бўлиб қолганига қарамай клубга етиб бордим. Устозим совуққина кутиб олди. Аҳамият бермадим. Чунки ман учун энг муҳими рингга қайтиш эди! Мусобақаларда голиб чиқсам, устозим ўртадаги гиналарни унутиб юборишига ишонардим. Рингга қайтсам бўлди, ҳар қандай рақибни ер тишлатишга тайёр эдим.

— Тавбангга таяндингми?

— Кечиринг, устоз, — дедим гап нимадалигини тушуниб.

— Формадан чиқиб кетгандирсан?

— Шуғулланишни ташламадим.

— Ҳозир кўрамиз.

Устоз шундай деб залда машқ қилаётган ўнтача йигитга яқинлашди ва қарсак чалиб уларни ёнига чорлади. Ўспирин йигитлар бир зумда унинг атрофини ўраб олишди.

— Бу Ботир. Бир пайтлар... менда шуғулланган. Ҳозир институтни тамомлаб, Қўқонга кетмоқчи бўлиб турибди.

Кетиш олдидан уни бир синаб кўрмоқчиман. Фарҳод, қани, рингга!

Бу гапдан хайрон бўлиб қолдим. Аввалига ҳеч нарсани тушунмадим. Чунки «Кўқонга кетмоқчи бўлиб турибди» деган гапдан юрагим «шув» этиб орқага тортиб кетганди. Нега чақиртирдилару, яна нега кетишимни рўкач қияптилар? Кейин бирдан миямга бошқа фикр келиб қолди. Балки устоз Фарҳодни енгсам, клубда олиб қолса керак, кетиш тўғрисидаги гапни эса атай айтдилар, деб ўйладим. Ҳа, шунақа бўлса керак. Бўлди, енгганим бўлсин, дедим-да бир сакраб рингга чиқдим. Кимдир бошимга кийиш учун шлем олиб чиққанди, устоз қўли билан ишора қилиб уни тўхтатди. «Демак, профессионалча бокс бўларкан-да» деган хаёлга бордим. Бу эса манинг орзуим эди. Агар анаву мусобақадан кетиб қолмаганимда албатта профессионал боксга ўтиб кетган бўлардим. Афсус! Бироқ афсуснадоматнинг ўрни эмасди ўша пайтда. Энди манда имконият пайдо бўлганди. Энди ўзимни кўрсатишим зарур эди. Қоним жўшиб кетди. Тўғрисиям, қўлқопни соғинган эдим, аста сакраган киши бўлиб рақибимга яқинлашдим ва кўзимга олов бўлиб кўриган қизғиш қўлқопни кетма-кет қарсиллатиб бир-бирига урдим. Шунда қаршимда бўйи мандан сал баланд, елкалари анча кўриниб қолган, оғирлиги ҳам билиниб турган Фарҳод «ялт» этиб қараб қўйди. Демак, устоз уни огоҳлантирмаган. Чунки бу манинг дастлабки психологик ударим эдим. Шундай йўл билан рақибимга ўз кучимни, ундан зўрлигимни билдиришга ҳаракат қилардим. Яъни дастлаб шу усулда уни синаб кўрардим. Агар рақибим бунга эътибор қилмаса, демак, анча тажрибали ёки мандаги бу шунчаки кўрқитиш, юрагига ваҳима солиш усулимдан хабардор.

— Қонун-қоидани тушунтириб ўтирмайман. Уч минутдан уч раунд. Бокс!

Биринчи раундни ҳушёрлик билан ўтказдим. Фарҳод устоздан нималарни ўрганганини билиб олмоқчи эдим. Лекин у ҳам сир бой бермади. Шунда кутиб ўтиришга сабрим чидамади ва иккинчи раунднинг бошидаёқ пастдан жағига уриб рингга қулатдим. Кутганимдай Фарҳод

дарҳол ўзига келмади. Негаки ман бор кучимни ишга солдим ва мани зимдан кузатиб турган устозимга Ботир ҳали тириклигини, бокс унинг жони-дили эканлигини, бир йил ичида қанчалар қийналганимни кўрсатиб қўймоқчи бўлдим. Шу биргина зарбага борлиқ куч-қудратим, аламлирим, дард-хасратларим йиғилган эди. Бу ҳақиқий зарб эди. Бу манинг зарбим эди.

— Бу бокс эмас!

Устозимнинг гапидан хафа бўлмадим. Демак, унда ҳам алам бор экан, деб ўзимни юпатдим. Ўтгани йили индамай мусобақани ташлаб кетиб қолишим унинг орзу-умидларини йўққа чиқарган. Демак, устоз манга ишонган. Мусобақада ютишимни ҳам билган. Ҳозир эса... хурсанд бўлганлигини билдирмаяпти, холос. Кечириси қийин бўляпти. Буни пайқадим. Устозга айтар гапларим кўп эди. Аммо индолмадим. Фақат рингдан пастга тушаётганимда «Қўлимдан келгани шу» дедим астагина. Кейин кийина бошладим. Устоз нима деркин деб қулоғим динг, тўғрисиам ўша пайтда бутун вужудим қулоққа айланган эди. Атай секин кийиндим. Атай секин юрдим, залдан чиқиб кетиш учун. Бироқ устоз манга ҳеч нарса демадилар, ҳатто қайрилиб ҳам қўймадилар. Ичимдан зил кетиб ташқарига чиқдим. Бирдан кўзларимда ёш пайдо бўлди. Аммо биров кўриб қолмасин деб, чуқур-чуқур нафас олиб, томоғимга тикилган нарсани зўрға ичимга ютдим. Шу пайт бирдан бақиргим, ҳайқиргим келди. Шу пайт яна кимнидир наждаун қилгим келди. Шу пайт... кимдир елкамга қўлини қўйди. Ишонасамми, қайрилиб қарай олмадим. Билмадим, нима учун? Балки кўз ёшимни кўрсатгим келмадими ёки устоздан «Бўпти, кетавер!» деган гапни эшитиб қолишдан кўрқибми, юрагим така-пука бўлиб жойимда қотиб қолган эдим.

— Эртага устозга учрашаркансан.

Типирчилаб турган юрагим бирдан тўхтаб қолгандай туюлди. Қулоқларимга ишонмадим. Бу гапни ҳазм қилиб ортимга қараган эдим, клубга кириб кетаётган Аҳмадни орқасидан кўриб қолдим. Ана ўшанда севинганимни бир кўрсанг эди. Билибми-билмасданми, атайми ёки ҳақиқатан

шуни хоҳладимми ростдан ҳам бақириб юбордим.

— Е-е-е-с-с-ть!

Нимасини айтмай, ўша пайтда мандан бахтли, мандан омадли одам йўқдай эди, бу оламда. Бироқ... бузоқнинг югургани сомонхонагача экан.

— Нега? — Ҳалитдан бери жимгина ўтирган Элёр савол берганини ўзи ҳам билмай қолди.

— Нега бўларди. Мани аҳмоқ қилишди. Аҳмоқ қилишганда ҳам тоза бошлашди. Э, қўйсанг-чи, шу гапларни. У кунларни эсласам...

— Ахир боксга қайтиш, орзуингиз эди-ку.

— Тўғри, орзуим эди. Бироқ устоз мани бекорга чақирмаган экан...

Элёр яна нимадир дейишдан аранг ўзини тўхтатиб қолди. Орадаги сукут сал чўзилди. Эҳтимол Ботир у кунларни ростдан ҳам эслагиси келмагандир, лекин учқур хаёлларга тизгин солиб бўлармиди...

— Билиб қўй, ман нима десам шуни қиласан. Шу шартга кўнсанг, срази катта боксга қайтасан. Қайтганда ҳам союз биринчилиги учун бўладиган саралаш мусобақасида қатнашасан. Хўш, нима дейсан?

— Розиман!

— Энди бошқа подвадид қилмайсанми?

— Йўқ.

— Эркакнинг гапи биттами?!

— Битта!

Шу қисқагина суҳбатдан сўнг боксга қайтдим. Устознинг қайта-қайта таъкидлаб сўраганларини иккинчи марта мани йўқотишни истамаётганига йўйдим. Дўст-душманнинг ўртасида яна юзи шувит бўлишни хоҳламаётганидан деб билдим. Саралаш мусобақаларига бир ойдан сал кўпроқ тайёргарлик кўрдик. Бу орада давлат имтиҳонларини бир амаллаб топширдим. Тўғриси, устоз домларга: «Халқаро мусобақага тайёргарлик кўряпмиз. Ўша умумий баҳони қўйиб берарсиз» деб телефон қилиб чиқди. Умумий баҳо эса — уч эди. Охирги имтиҳони топширган куним устоз мани ва Фарходни йўқлаб қолдилар.

— Эртага Қозоғистонга учамиз. Тайёргарликларингни кўриб келинглр.

Ман шундагина ўтган йилги рақибим тўғрисида жиддий ўйлай бошладим. Бу гал уни енгишим керак, деб олдимга мақсад қўйгандим. Жангсиз галабага эришган Ўрозни асло унутолганим йўқ эди. Кутганимдай Ўроз биринчи рақибим экан. Шунда билдимки, устозим ҳам Ўроз билан тушишимни хоҳлаган. Тасаввур қил, аренада бўш ўриннинг ўзи йўқ. Шовқин-сурон авжида. «Ўроз!» деб қичқирганлар гўё ҳаммаёқни эгаллаб олгандай. Билдимки, Ўрознинг мухлислари кўп, лекин уларнинг нигоҳи манда. Гўё қандай калтак ейишимни кутиб туришгандай. Биринчи раунд бошланиши олдидан одатдаги усулимни қўллаб кўрдим. Ўроз кўз қирини ташлаб қўйганидан билдимки, унчалик эътибор бермади. Бироқ у ёниб турган кўзларимни кўрди. Шу етарли эди. Ўйинни дастлабки раунддаёқ тугатишни мақсад қилдим ва бор кучимни ишга солдим. Ман очко бўйича эмас нокаут ёки нокдаун билан енгишим керак эди. Шундагина аввалги қолдирган ўйиннинг хуморидан чиққан бўламан. Биринчи раунднинг охириги мунути маники бўлди. Ўроз рингга қулаганда атроф сув қуйгандай жим бўлиб қолди. Референтнинг санашини ҳамма аниқ эшитиб турарди. Аста устозги қарадим, у киши қўли билан «зўр!» деган ишора қилганларини кўриб енгил нафас олдим. Бироқ... кейинги учрашувда бу уринишим бир тийин бўлиб чиқди. Устоз мани бекорга рингга чақирмаганини билдим.

— Нега? Ўрозни ютганингиз катта гап-ку.

— Э, падарига лаънат унақа мусобақани!

— Нима, кейинги учрашувда ютқазиб қўйдингизми?

— Саволинг тугамас экан-да сан тирранчаниям. Агар билсанг, боксдан, умуман, спортдан қўнглим қолганининг сабаби шу охириги учрашув билан боғлиқ. Ҳм, яна «Нега?» деб сўрамоқчимисан?.. Бўпти, шунчасини эшитдинг бу ёғини ҳам эшита қол. Барибир бу ерда нимадир қилиб вақтни ўтказиш керак-ку. Шундай қилиб Ўрозни енгиб финалга чиқдим. Севинчим ичимга сиғмайди. Аммо устозимнинг юзида қувониш аломати кўринмасди. Ҳамон

ўша-ўша жиддий эди. Тўғри, Ўрозни енгиб рингдан тушаётганимда «Буни бир ярим йил олдин қилишинг керак эди», деб қўйдилар. Янаям хурсанд бўлиб кетдим. Кўнглим тоғдай кўтарилди. Негаки, устознинг ишончини бу сафар оқлаган эдим. Эртаси куни рақибим аниқ бўлди. Энди москвалик Иван деган йигит билан рингга чиқишим керак эди. Тайёргарлигим жуда зўр, кечаги важоҳатим, шиддатим сўнмаган. Энг муҳими, Андрейни ютишимни юрагим сезиб турарди. Ундан заррача қўрқаётганим йўқ эди. Бироқ эртаси куни рингга кўтарилаётганимда устоз елкамга қўлини қўйиб берган ваъдамни эслатдилар.

— Қайси? — Элёр яна савол берганини ўзи ҳам сезмай қолди.

— Шошмасанг-чи? Ман ўзимам ҳайрон бўлиб, Алишер аканинг кўзларига қарадим. Санга ўхшаб «Қайси?» деб юборганимни билмай қолдим. Негаки, бутун фикру хаёлим ҳозир бошланадиган жангда эди. Иванни қандай қилиб енгилганимни ўйлардим. Уни енгсам бўлди эди. Союз биринчилиги учун бўладиган мусобақада қатнашиш ҳуқуқи қўлимда бўларди. Бунга эса нари борса ўн-ўн беш мунутча вақт бор эди холос.

— Сан билан нима деб келишганимиз эсингдами?

— Эсимда.

— Демак, бу ўйинда манинг кўрсатмам бўйича иш тутасан. Ўзбошимчалик қилма. Келишдикми?

— Гап битта!

— Унда, ўйинни охиригача олиб борасан. Биринчи раундда унчалик қаршилик кўрсатма. Иложи бўлса, очколар бўйича бироз ютқазсанг ҳам майли.

— Нега?

— Манинг айтганимни қил! Иккинчи раундга тегишли кўрсатмани танаффусда оласан. Тушундингми?!

— Бўлди, устоз.

Алишер аканинг жаҳли чиқса пешонаси тиришиб кетарди, кейин аямай русчалаб сўкадиган одати бор эди. Шунинг учун кайфиятини бузгим келмади. Ундан кейин бемаслаҳат иш тутмасликка сўз бергандим. Рингга чиққач, устознинг қўллайдиган тактикасини ўзимча тушун-

гандай бўлдим. Демак очколар бўйича ютқазиб туриб, иккинчи раундда нокаут қиламан ёки ҳисобни тенглаштириб оламан. Учинчи раунда эса кўзидан юлдуз учираман. Шу ўйда, шу хаёлда ўйинни анча суст ўтқаздим. Бир неча марта қулай вазиятлар бўлди, бир уриб ағдаришимга, аммо ўзбошимчалик қилиб устознинг режасини бузгим келмади. Алишер ака бу ўйинни ўз тактикаси бўйича ўтказмоқчилар, деган фикр хаёлимдан нари кетмади. Биринчи раунд тугай деганда сал эътиборсизлик қилиб юзимга зарба ўтказиб юбордим. Қовоғим сал ачишгандай бўлди. Қошим тагида қон кўринган бўлса керак Иван яна шу жойни мўлжаллаб ҳужум бошлади. Бироқ бонг янграб, ўртамизга референт тушди.

— Яхши,— дедилар устоз қулоғимга.

— Нимаси яхши, ахир у қовоғимни ёрибди-ку! — дедим чуқур-чуқур нафас оларканман.

— Чепуха. Иккинчи раундни ҳам шундай ўтказасан. Тушундингми? Фақат накаутга тушиб қолма. Учинчи раундга ярашинг керак.

— Очколар сони кўпайиб кетса-чи?

— Ничего! Ҳали ҳаммаси олдинда!

Устознинг бу гапидан пайқадимки, асосий эътиборни учунчи раундга қаратаман. Ҳа, охири раунд ҳал қилувчи бўлади. Устоз Иваннинг ўйинларини кўп кузатган, унинг учинчи раундга бориб чарчаб қолишидан хабардор бўлишлари мумкин. «Ҳали ҳаммаси олинда» дедиларми демак, бу ерда бир гап бор деб ўйладим-да, кейинги уч минутни ҳам кўнглимдагидай ўтказмадим. Лекин иккита зарбам жуда зўр чиқди, Иван довдираб, сал қолди йиқилиб тушишига. Агар арқонга суяниб ўзини ўнглаб олмаганда йиқилиши ҳам мумкин эди. Шунда мухлисларинг шовқини бир оз бўлса-да, пасайгандай бўлди. Ҳужумни давом эттирмоқчи эдим, устознинг гапи ёдимга тушиб, ортга қайтдим.

— Бўлади!

— Нима бўлади? Шунча кўйиб берганим бўладими?

Ҳансираб нафас оляпману устознинг кўзига қарашга ҳаракат қиламан. Устоз негадир ўтган галдагидай ён то-

монимда эди. Ҳайрон бўлдим. Чунки Алишер ака ман ринга тушган пайтларимда доим қаршимда турардилар. Керакли кўрсатмаларни кўзимга тик қараб қаттиқ-қаттиқ гапириб тушунтирардилар. Ярим овозда гапириши диқ-қатимни ўзига тортиш эди. Буни тушунардим. Бироқ бу ўйиндаги ҳаракати, мақсади тобора мани ҳайратга сола бошлаган эди.

— Учинчи раунд маникими? Энди босайми?

— Ҳовлиқма!

— Нега, устоз? Ахир очколар бўйича мандан анча ўтиб кетди-ку,— таажжубга тушганимдан пешонам тириша бошлади.

— Ничего.

— Тушунмадим.

— Сен катта спортга қайтдинг. Шунини ўзи катта гап! Бу гал ютқазсанг, кейинги гал албатта ютасан.

— Ман ҳали ютқазганим йўқ. Айтганингиздай кучимни сақлаб турибман. Уни ютишим мумкин.

— Йўқ, бу раундда ҳам ютқазиб берасан.

— Нега? Нима учун?!

— Шундай қилишимиз керак.

— Союзга Иван чиқиши керакми?

— ...

— Устоз!

— Ҳа!

Бу гапни эшитиб ичимдан зил кетдим. Энди ҳаммасига тушунгандай эдим. Бир зумда тарвузим қўлтиғимдан тушиб, бўшашиб кетдим.

— Кайфиятингни туширма, ҳали ҳаммаси олдинда дедим-ку.

Лекин устозимнинг бу далдаси қулоғимга кирмади. Ман Алишер акага ишонгандим. Ажойиб тактик усул танлаган бўлса керак, «Учинчи раундда ўзингни кўрсат, Ботир кимлигини, ўзбек йигити қанақалигини нимойиш қил!» деган гапни кутгандим улардан. Демак, ҳаммаси бошидан режалаштирилган. Мани бекорга чақирмаган экан-да. Бекор ҳам юрибди, ютқазса Ботир ютқазсин, деган эканларда. Тишимни-тишимга босиб, умид билан устозга термил-

дим, балки атай айтаётгандир деган ўй кўнглимни ҳамон тарк этмаган эди. Йўқ, устоз нигоҳларимга бардош бера олмай, ортимга ўтиб олдилар. Қоним қайнаб кетди.

— Ман ютишим керак!

— Нима, яна мени подвадит қилмоқчимисан!

Устоз жаҳлим чиқиб, отилиб ўрнимдан туриб кетишимни олдиндан сезганми, дарҳол қўллари билан икки елкамдан босдилар.

— Имконим бор, устоз! Енгишга кучим етади!

— Биламан. Аммо бу жанг саники эмас. Агар айтганимни қилмасанг... ишдан кетаман. Тушундингми, санга ҳам, манга ҳам охирги ўйин бўлади. Нима, ҳамма гапни айтишим керакми, санга!

— Ахир...

— Ҳозирча сабр қилишдан бошқа чорамиз йўқ.

— Сабр! Яна қанча сабр қилишим керак. Яна қанча бошимни калтакка тутиб беришим керак! Ҳеч йўқ, боксда ўз эркимга қўйиб беринг, устоз!

— Айтганимни қил!

Силтаниб ўрнимдан туриб кетдим. Худди ман учун бошқа имконият бўлмайдигандай ўйлаб ўтирмай рақибимнинг устига ташландим. Кетма-кет зарба бера бошладим. Иван раунд бошида шундай бўлишини кутмагани дарҳол билиниб қолди. У тренери томон қарашга ҳаракат қилар, ора-сирада қовоғимга мушт туширишга интиларди. Вазият қалтислаша бошлаганини сездими ёки тренеридан кўрсатма олдимми у клич ҳолатига ўтиб олди. Баттар қоним қайнаб кетди. Очколар ҳисобига ютмоқчи, вақтни чўзмоқчи деб ўйладиму рақибимни яқинлаштирмасликка ҳаракат қилдим. Раунд тахминан ўрталарига борганда устознинг «Ботир, Ботир!» деб бақиргани қулоғимга чалина бошлади. Навбатдаги клич пайтда кўз қиримни ташлаган эдим, Алишер аканинг мушт қилиб турганлигини кўрдим. Кличдан чиқмоқи эдим, бир пайт рақибнинг тирсаги жароҳат олган қовоғимга тегди. Референт манга тез-тез қарай бошлади. Билагим билан кўзимни артдим-да априкот усулани қўладим, Иван бир қалқиб, арқонга суянди. Энди ҳужумга отлангандим, референт негадир бурчакни кўрсат-

ди. Бу манга врач ёрдами кўрсатилиши керак, дегани эди. Жароҳат ўрнида салгина қон пайдо бўлганди, холос. Ўйинни тўхтатиш шарт эмас эди. Билмадим, референт нима учун шундай қилди. Доктор жароҳатимни кўраётганида устоз қулоғимга шивирлади: «Унутдингми, ваъдангни!» Индамадим. Доктор нима учундир тренеримга қаради. Шу пайт Алишер аканинг қўлида оқ сочиқ пайдо бўлди. Кўзларимга ишонмадим. «Йўқ!» деб бақирганимда сочиқ рингга тушди. Нима қилардим, бутун аламимни сочиқдан олдим: бор кучим билан бир тепгандим арқонлар орасидан учиб ўтган сочиқ биринчи қатордаги судьяларнинг бирини олдига тушди...

Орадаги сукут анча чўзилди. Элёр воқеанинг бундай якун топишини кутмаган шекилли, индамай қолди.

— Ҳм, саволинг қолмадими? — бирдан сўраб қолди Ботир.

— Кейин нима қилдингиз?

— Нима қилардим. Адолатсизликка чидай олмай боксдан кетдим.

— Алишер ака, қол, демадиларми?

— Дедилар. Бироқ манга бунақа бокс керак эмас эди. Тошкентга келиб дипломимни олиш учун югуриб юрган кунларимнинг бирида акамдан телеграмма олдим. Ўқисам, яқинда Зулфиянинг тўйи бўлармиш. Аламимни кимдан олишни билмай юрувдим, бир зумда ғазаб отига миндимда, қишлоққа учиб бордим. Зулфияга учрашсам, уйидагилари фотиҳани бузмаймиз, дейишибди. Ўзимни қаерга қўйишни билмай қоним қайнаб кетаверди. Бошим айланиб Маҳмуд аканинг олдига борганимни билмай қолдим. У институтни ўтган йили тамомлаб Қўқондаги қайсидир мактабда математикадан дарс бераётганини эшитгандим. Аниқ эслаيمان, мактабга кириб борганимда деярли дарслар тугаб, ўқувчи болалар уйларига кетишган, фақат бешолтита ўқитувчилар юришарди холос. Улар ёнимга келиб қолишгани учун саломлашишга тўғри келди. Маҳмуд акани сўрагандим, «Математика хонасида» дейишди. Ростдан ҳам уни ўша ерда учратдим.

— Зулфиядан воз кечинг! — дедим кира солиб.

— Сан билан ўтган сафар келишгандик-ку! — деди Маҳмуд ака дафтар текширишдан тўхтаб. У қўлидаги қизил ручкани «тап» этиб дафтар ўртасига қўйди-да, аста ўрнидан турди.

— Сиз бизнинг ўртамизга суқилиб кирдингиз?

— Зулфиянинг ихтиёри ота-онасида экан. Қизларини кимга беришни улар ҳал қилишди.

— Ман сизни огоҳлантирганман!

— Нима бўпти, огоҳлантирсанг? Сан мани ўрнимда бўлганингда ундан воз кечармидинг? Унаштириб қўйган қизингни бегонага берармидинг?

— Илтимос, сиздан!

— Илтимос қилма, мандан. Бор, энди кет! Йўлимга тўғаноқ бўлма.

— Воз кечмайсизми?

— Йўқ!

— Ҳали санми, Зулфияни тортиб оладиган! Мана унда!

Маҳмуд акани пешонасига шундай зарб билан урдимики, у дарҳол ўзини йўқотиб «гуп» этиб полга кулади. Кейин бирдан оёқларим ишга тушди, қаеригадир кетма-кет тепдим. Бу нарса шундай тез рўй берган эдики, нима қилиб қўйганимни мактабдан чиқиб кетганимдан кейингина англадим. «Маҳмуд ака ўлиб қолган бўлса-я» деган совуқ ўй «лоп» этиб миямга урилди. Қайтиб кирсаммикин, деган хаёлга бордим. Бироқ ташқарида гаплашиб турган ўқитувчиларни бирдан мактаб ичкарасига югургилаб қолишганини кўрганимдан кейин ниятимдан қайтдим. Улар ҳозироқ доктор чақаришади, кейин касалхонага олиб кетишади, касалхонада эса милицияга хабар берилади. У ёғи санга маълум. Аммо шундай бўлса-да, қочишни хаёлимга келтирмадим. Тўғри Зулфияларнинг уйига бордим. Аяси чиқиб келдилар.

— Зулфияни ҳеч кимга бермайсиз, берсангиз Маҳмуднинг кунини бошига соламан! Уни ман яхши кўраман, билдингизми, ман! Қачон бўлса ҳам унга уйланаман! Мани кутсин! — дедиму шарт орқамга бурилдим. Карима опа ҳанг-манг бўлганича қолаверди: ранги оқариб лаблари титраганини, нимадир демоқчи бўлиб қўлларини олдинга

чўзганини, бироқ гапларимдан бирдан ҳушёр тортиб кўзлар катталаша бошлаганини пайқадим, аммо ўша пайтда ортиқча гаплашишга вақтим йўқ эди. Зулфияни кўришга шошилдим. У билан жиддий гаплашиб олишим зарур эди. Унга ҳам айтдиган гапларим бор эди. Аммо... Зулфия билан учрашиш насиб қилмади. У билан гаплаша олмадим. Дардим ичимда қолиб кетди.

Автобусга чиққанганимни кўрганлар айтганми, Фарғона шаҳрига кириб боришимда йўлимни тўсишди. Кўлимга кишан солишганидан билдимки, аҳвол чатоқ. Терговда эса аниқ айтишди, Маҳмуд аканинг бошига тушган зарбдан мияси чайқалиб кетибди, ўзини билмай ётганмиш. Олдига кирган одамларни ҳам танимаётган экан. Бир сўз билан айтганда хотирасини йўқотибди. Тепганимда эса жигарига қаттиқ тегиб эзиб қўйибман, анча қон йўқотибди. Хуллас уни майиб қилиб қўйибман. Буни атай, қасдан қилгансан, дейишиб беш йил беришди. Мана ярим йилдан ошди, шу ердан.

— Зулфия опа эрга тегмагандир?

Боксёр расм чизиш ўрнига кетма-кет савол бераётган йигитга бир қараб қўйди-да ҳикоясини давом эттирди.

— Зулфия мани кутармиди. Кутиб ҳам нима қиларди, беш йил кам срокми? У Маҳмуд акага ачиниб эрга тегибди. Олижаноблик қара! «Мани деб шу қўйларга тушган, ундан воз кечсам, қарғишига қоламан, агар тузалиб кетсалар, хотираси тикланиши мумкин» деганмиш. Буни кейинроқ эшитдим.

— Маҳмуд аканинг аҳволи оғир экан-да?

— Энди афсус чекишдан фойда йўқ. Бироқ ман унинг бошига уриш ниятим йўқ эди. Жағига туширмакчи эдим холос. Агар ўзи сал энгашмагандаям... мияси чайқалмасди. Аммо бўлар иш бўлди, укам. Жазони ўташдан бошқа чора йўқ! Тақдирдан қочиб бўлармиди? Лекин сен бола ҳам жуда эзма экансан-да! Расм чизиш ўрнига нуқул гапга тутдинг. Хўш, Зулфияни қандайлигини тасаввур қилипсанми... ёки яна сўрайдиган нарсанг борми?

— Бўлар.

— Унда санга бир ҳафта муҳлат. Икки кун ишга ҳам

чиқмайсан, гаплашиб кўяман, расмингни чизасан! Келишдикми?

— Келишдик.

— Унда, марш!

— Бир нарса сўрасам, майлими? — эшик олдида борганда Элёр тўхтаб орқасига ўтирилди.

— Яна нима?

— Ҳалиям Зулфия опани севасизми?

— Уни ўлганимдан кейин ҳам яхши кўрсам керак.

Элёр бошини қимирлатди, кейин тезгина хонадан чиқиб кетди.

* * *

Эртага берилган бир ҳафталик муддат тугайдиган кун. Аммо Элёр қоғозга ҳатто қаламнинг учини ҳам теккизгани йўқ. Соқчи ташлаб кетган иккита янги қаламнинг бир учини тишлайвериш дабдаласини чиқаргани қолди, холос. Энди чизишга ўтираман деганда шифтга термулиб ётган Маҳмуд ака негадир кўз ўнгида гавдаланардию бутун ўй-хаёлларини қамраб оларди. Ўзининг кимлигини билмаслик, бир пайтлар ёқтириб қолгани учун уйланмоқчи бўлган, ҳатто уйланганидан кейин ҳам ёнидаги аёлни танимаслик даҳшат эди, унинг назарида. Баъзан ўзини Маҳмуд аканинг ўрнига бир зум қўймоқчи бўлса, бутун бадани жимирлаб кетарди. Пешонасини бирдан совуқ тер босарди. Шунда қўлидаги ёки тишларининг орасидаги қаламни «чирт» этказиб синдириб қўйганини ўзи ҳам сезмай қоларди. «Ёнингда юрган, сен учун ўзини бағишлаган азиз инсонни танимасанг, нима учун сенга бунчалар меҳрибонлик қилаётгани билмасанг, бу чиройли юзлар нега ғамгинлигини, нечун очилиб табассум қилмаслигини англамасанг? Ахир бу ҳақиқатан ҳам даҳшат-ку!».

Миясига табора қаттиқ ўрнашиб бораётган Маҳмуд аканинг ҳолатини унутиш ҳар гал қийин кечарди. Вужудини эгаллаган ачиниш ҳисси эса кейинги кунлари уни бир зум ҳам тарк этмади.

Элёр кўнглидан кечаётган фикрларни тўхтатиб, сурат чизиши кераклигини англари. Аммо ишни бошлай ол-

масди. Унинг хаёлида Ботир таърифлаган Зулфиянинг гўзал сиймосидан кўра майиб бўлиб қолган, ёнидаги гўзалликни идроқ этолмаётган Маҳмуд аканинг маҳзун қиёфаси тобора қаттиқроқ ўрнашиб бораётгандай эди. Баъзида айланиб юрган назоратчи келарди-да: «Агар эртагача ҳеч нарса чизмасанг, «Казёл» бўлишингни ўйлаб қўй!» деб асабига тегиб кетарди. Шу гап ярим тунга бориб яна такрорланганда бирдан унинг фикри ўзгардию қоғоз ва қаламини қидириб қолди. Тонгга яқин эса нималардир чизган иккита катта қоғозни бўш турган каравот устига ташлади...

* * *

Нонуштадан сўнг баракка Боксёрнинг ўзи кириб келди. Овқатланишга чиқмай чўзилиб ётган йигитга бир қараб қўйдию индамади. «Чарчагандир» деб ўйлади чоғи аста бориб қоғозларнинг бирини қўлига олди. Олдию ундаги суратга узоқ тикилиб қолди. Оппоқ яқтадаги озиб кетган кишини чиройли бир аёл етаклаб кетмоқда. Бир қўлига ҳасса ушлаб олган, иккинчи қўли билан эса ёнидаги аёлнинг оппоқ билакларини маҳкам тутган бу кишининг кўзлари кўр эди. Оппоқ юзлари сўлғин тортган, кўзлари маъюс аёлнинг қадамлари майда-майда. Атрофнинг ярми — аёл турган томони қорамтир, ярми — кўзлари ожиз кишининг томони эса сутдай оқ. Узоқларга тикилган аёлнинг нигоҳларида ҳеч қандай мақсад кўринмасди. Аксинча қандайдир ғам-андухга ботгани, нозик елкалари бироз эгилганидан бир олам турмуш юкени орқалаб олгани билиниб турарди. Суратдаги аёл кимнидир эслатарди. Эслатарди эмас, Зулфиянинг худди ўзгинаси эди...

Боксёр қўлига кейинги суратни олди. Яна таниш чеҳра. Яна маъюс кўзлар, аммо бу сафар узун киприкларга бир томчи ёш зўрға илиниб турибди. Қоғозни сал қимирлатсанг, гўё тушиб кетадигандай. Аёл хонанинг ўртасида ўтирибди, тагида гилам, сал нарироқда бўш бешик. Аёлнинг олдида иккита кўғирчоқ: бири дўмбоққина ўғил боланики, бириси атлас кўйлакча кийдириб қўйилган қиз

боланики. Бежирим тикилган атлас кўйлак кийган кўғирчоқнинг узун қора сочларини аёл озгин бармоқлари билан силамоқда. Балки алла айтаётгандир? Балки у жонсиз кўғирчоқ билан сирлашиб ўтиргандир. Дардларини тўкиб солаётган бўлса, кўзларига ёш келганмикин? Шу ўтиришда кимни ўйлаяпти экан? Ожиз-у нотавон бўлиб қолган эр билан ўтаётган ҳаётдан ачинаптимикин ёки севгисига тинч йўл билан эришмай, уни ҳам, ўзини ҳам қийноққа, виждон азобига ташлаб, қамалиб кетган йигитдан нолияптимикин?

Боксёр култ этиб ютиниб кўйди. У рассом йигитдан бунақанги ғамгин, юракни эзадиган суратларни кутмаган эди. Гулдай очилиб турган Зулфиянинг чиройли суратини оламан, деб ўйлаганди. Қаҳри қаттиқ Боксёр шу тобда суратлардан кўз узмай тураркан, Элёрга бошидан ўтган савдоларни айтиб ўзига нисбатан нафрат уйғотиб кўйганлигини англади. Уйғотиб нимадир демоқчи бўлди. Аммо негадир фикридан қайтди. Кўкрак чўнтагини кавлаб қандайдир қоғозлар орасидан кичкинагина бир расмни олди. Унга анча тикилиб турди-да, суратларнинг устига астагина кўйиб индамай чиқиб кетди...

Элёр ўшанда қандайдир ҳужжат учун тушилган кичкина расмни кўлига олдию ҳаммасини тушунди. Кўлда ушланавериб тасвирнинг билинар-билинемас ўрни қолганди холос, демак, ўтган ойлар давомида Боксёр бу расмни юз марта, балки минг марта кўлига олган. Ҳар олганда юраги эзилган, қилган ишига пушаймон бўлган. У шундай бўлишини хоҳламаган, бироқ... Элёр Зулфиянинг хира тортиган расмига термуларкан, бир зум Боксёрнинг ўрнига ўзини кўйиб кўрди. У нима қилган бўларди? Севган қизини кимдир тортиб олмоқчи бўлса, индамай қараб турармиди ёки ўйлаб ўтирмай ёқасидан олармиди? Йигит киши ор-номус учун курашга бел боғлаши тайин гап эмасми? Балки Боксёр уни уйғотмоқчи бўлганда шуларни айтмоқчи бўлгандир. Атай ўзини уйқуга солиб ётганда Боксёр чурқ этмай суратларни томоша қилди, демак, у кўп нарсаларни ўйлади, кўп хотираларни ёдига олди, агар унинг хаёлидан шундай фикрлар ўтмаганда у аллақачон бақи-

риб юборган, айтган нарсасини чизиб бермагани учун Элёрни дўшпослаган бўлмасмиди?

«Наҳот, шунчалар қаттиқ яхши кўрган бўлса?» Элёр шундай деб ўйладию Зулфиянинг суратини чизишга ўтирди. Эртасига ҳам чизди, индинига ҳам чизди, аммо бирорта суратида аёлнинг очилиб турганини тасвирлай олмади. Зулфиянинг суратлари қанчалар ёрқин, қанчалар жонли чиқмасин, барчасида маъюслик ҳукмрон эди...

* * *

Ниҳоят, календарда қизил билан кўринарли қилиб белгилаб қўйилган кун ҳам келди. Аммо бу кунинг келиши Элёрнинг назарида жуда-жуда узоқ туюлди. Ўзи ҳам қарай-вериб календарни тешиб юбордай деди-да. Бир қараб қўймаса бўлмасди, баъзида ногоҳ кўзи тушиб қоларди, баъзида ўзи хоҳлаб кетма-кет қарарди. Кейин шу куни нима совға олиши, қизга нималар дейиши ҳақида ўйларди. Унинг оладиган бир қучоқ гули, айтадиган гаплари минг бор хаёлидан кечгандир-ов. Гоҳида Боксёрнинг ҳолатига тушиб қолдиммикин, деб ўзини қўлга олишга, ўқишини бўшаштириб юбормасликка чоғланиб қоларди. Лекин шундай пайтларда ҳам Муҳаббатни ўйларди. Ўйламаса ҳам бўлмасди-да, ахир унинг каттакон портрети деворнинг бир қисмини эгаллаб турган бўлса, ўйламай бўлармиди? Шундай қиз ҳақида ширин хаёлларга берилмасликнинг иложиси ҳам йўқ эди-да. Бу суратни Муҳаббатнинг ўзи кўрса нима деркин?

Элёр бир кўнгли шу портретни совға қилсаммикин, деб ўйлаб қоларди. Лекин қалбининг бир четини қизгошиш ҳисси ҳам тарк этмасди. Муҳаббатни севиб қолгани рост, аммо у айна пайтда худди девордан тушиб келаётгандай таассурот қолдирадиган суратдан ҳам айрилишни негадир истамасди. Портрет унга шунчалар қадрдон бўлиб қолгандики, хонада ёлғиз қолган чоғларида бемалол гаплашарди, севиб қолсам, нима қилай, деб очик-ойдин сўрарди. Кейин «Сиз ҳам севиб қолармикинсиз?» дея маҳзун қиёфага кирардию жим бўлиб қоларди.

Бир пайтлар Ботир ака учун Зулфиянинг шундай порт-

ретини чизиб берганда, «Манинг дардкашим бўлди, бу сурат, — деган эди у. — Зулфиянинг ўзига айтмоқчи бўлган гапларини, сирларимни унга бемалол айта оламан, у эса жимгина ўтириб тинглайверади, тинглайверади».

Тақдирнинг ўхшаш томонларини қарангки, энди ўзи ҳам шу кўйга тушиб ўтирбди. Баъзида ўзини «Бунча мижгов бўлмасанг, шарт бориб севишингни айт, бўлмаса, бошқалар сендан олдин айтиб, қизнинг кўнглини ўзига ром қилиб кўйиши мумкин, унда додингни кимга айтасан!» деб сусткашликда айблаб кетарди. Кейин ўзига «Нима деб бораман?» деб савол берарди. Хаёлини бўлган, қонини жунбушга келтираётган туйғу «Шу ҳам саволми? Севиб қолган қизингни олдига борсанг, айтадиган гап ўша ернинг ўзида пайдо бўлади. Шундай ширин сўзлар, шундай ажойиб фикрлар келадики, шоир бўлиб қолганингни ҳатто ўзинг ҳам билмай қоласан. Меҳр кўзда эканлигини, қиз бола қулоғи билан севишини унутма!» дерди. Ҳаммаси тўғри эди. Бироқ уни бошқа бир нарса қийнар, баъзида қизнинг олдига отланган пайтларига йўлига тўғоноқ бўларди. «Қамалиб чиққанингни айтасанми? Ёки бир умр яшириб ўтмоқчимисан? Тунов кунги ҳикояндаги дўстинг, ўзинг эканлигингни билган қиздан севгингга рад жавобини олишинг мумкин. Буни ҳам унутма!» дерди шубҳа этагидан тутиб. Шундай иккиланган дамларида Элёр портретга термулишдан, унга дардларини тўкиб солишдан нарига ўтолмасди. Бироқ календарда катта қилиб белгилаб қўйган кун келган эди. Бу кунни шундай, ўз ҳолича ўтказиб юборишнинг иложи йўқ. Юракдаги гапларни жонсиз портретга эмас, Муҳаббатнинг ўзига айтадиган кун эди, бу кун!

— Ўҳ-ҳў, шунча гулни қаердан олдингиз? — йигитга пешвоз чиққан Гулбаҳор ҳаяжонини яшира олмади. — Ҳаммаси Муҳаббатнинг ўзигами?!

— Сиз, мана бу тортни ола қолинг. Айтганингиздай, бу гуллар эса ростдан ҳам Муҳаббатга! — Элёр қувноқлик билан жавоб қиларкан, Гулбаҳорнинг кўнглини оғритиб қўймаслик учун жилмайди. Сўнг Муҳаббатга юзланиб оҳиста қўшиб қўйди: — Чин юракдан табриклайман.

— Раҳмат!

Муҳаббат шу биргина сўз билан майин табассум ҳада қилди. Қалбига кирган илиқликни бутун борлиғича ҳис этиб улгурмаган Элёрнинг фикрини тортни стол ўртасига қўйишга улгурган Гулбаҳор яна тўзгитиб юборди:

— Бир ўзингиз келдингизми? Дўстингиз қани?

Элёр ёнига қайтиб келган Гулбаҳорнинг порлаб турган нигоҳларидан ғалати бўлиб кетди, нима деб жавоб қилишни билолмай бир зум туриб қолди. Балки ростини айтадиган вақт келгандир. Хонада учаласи, энг қулай пайт: ҳам Муҳаббат эшитади, ҳам Гулбаҳор. Масалага ойдинлик киритилади, анчадан буён кўтариб юрган оғир юкдан қутулади-қўяди. Ҳали замон бошқа курсдошлари келиб қолса, барибир айтолмайди.

— Дўстингиз Муҳаббат билан танишишни хоҳламади-ми ёки бошқа бирор зарур иши чиқиб қолдими? Ҳа, майли, ўзидан кўрсин, сиз, мана ерга ўтиринг, мен ҳозир чой дамлаб келаман. — Гулбаҳор меҳмонни олти кишилик столнинг энг юқорисига ўтқазди ва тумбочка устида турган чойнакни кўтариб хонадан чиқа бошлади.

— Овқатга ҳам қараб кўярсан, — деди гулни қаерга қўйишни билолмай куймаланиб юрган Муҳаббат охири йўлини топиб, хунукроқ кўринса-да уч литрли бонкага амаллаб жойлаштираркан.

— Эртароқ келибман шекилли, — Элёр тезроқ гап бошлашни истаб ёпилган эшик томон бир қараб қўйди.

— Туғилган кунимни қаердан билдингиз?

— Суратингизга қараб.

— Суратимга қараб! Йўғ-е! Тўғрисини айтаверинг, сизга дугонам айтган.

— Гулбаҳорни ҳам энди кўриб туришим.

— Лекин у сизни жуда кўп гапиреди. Қаранг, келганингизни кўриб қувониб кетди. Ҳм, энди билдим, нима учун бир ҳафтадан буён туғилган кунингда бир ўтирайлик деяётганини. Мабодо келишиб олмаганмисизлар?

— Келганимдан хурсанд эмасмисиз?

— Нега, энди...

— Манга шунақа туюляпти.

— Ўзиям ҳол-жонимга қўймади-да, мени эса умуман эсимдан чиқиб кетган экан. Бўлди, бўлди, сизни дугонам таклиф қилган, у сизнинг келишингизни билган, шунинг учун ҳам...

— Мен сизни кўргани келдим, сизга шу бугун ҳамма гапни айтишим керак. Ортиқ ичимда сақлаб юролмайман. Мен сизни...

Эшик очилиб Гулбаҳор кириб келди. Унинг барча ҳаракатлари чаққон, қарашлари эса жозибали эди. Афтидан у кимгадир ёқишни истарди. Лекин бу ерда Элёрдан бошқа йигит йўқ-ку. Демак, Муҳаббатнинг гапларида жон борга ўхшайди: ҳадеб гапираверган бўлса керакки, дугонам расом йигитни ёқтириб қолган, деб ўйлапти. Бироқ...

Элёр гапи узилиб қолганидан лабларини тишлади. Тезроқ айтса бўларкан, ичини қуйдираётган чўғдан қутуларди, бирор қутилмаган жавоб эшитган тақдирда ҳам хонада бир ўзи эди, бегоналар олдида ноқулай аҳволга тушмасди. Эҳ, Гулбаҳор, Гулбаҳор! Бир пас шошмай келсанг ҳам бўларди-ку. Элёрга бундай имконият яна бўлармикин бугун?

— Зериктириб қўймадингми, меҳмонни?

Гулбаҳор йигитнинг ёнига ўтириб чойнакдаги чойни эринмасдан қайтарди ва бу орада дугонасини ҳам ўтиришга таклиф қилди. Элёр Муҳаббатга тез-тез қараб қўяркан ўзини ноқулай сеза бошлади. Гулбаҳорнинг бунчалар илтифот кўрсатиб муомала қилаётганининг сабабини эса билолмай ҳайрон эди.

— Лекин биз сизни бир марта кўрдик, — Гулбаҳор меҳмонга чой узатаркан бошини сарак-сарак қилиб қўйди.

— Қаерда?

— Расм чизадиган жойингизда. Бир одамнинг суратини чизаётган экансиз, тўғриси, халақит бергимиз келмади.

— Жудаям берилиб ишлаётган экансиз, — дея Муҳаббат ҳам суҳбатга аралашди.

— Наҳот, сизларни кўрмаган бўлсам?

— Шунақа, эътибор ҳам бермадингиз. Хафа бўлдик, — гина аралаш гапирди Гулбаҳор.

— Жуда ошириб юборасан-да, Элёр акани ноқулай аҳволга солмасанг-чи. Биз ўзимиз айланиб юрувдик. Ногоҳ ўша тарафга бориб қолганимизни билмай қолибмиз.

Гулбаҳор дугонасининг гапидан бир нимани англади чоғи «тўғри, тўғри»лаб қолди. Кейин бирдан қувноқ овозда сўраб қолди:

— Ҳа, айтгандай, чақалоқнинг сурати қани? Нега олиб келмадингиз?

— Тўғриси... бир ўзим кўтаролмадим...

— Айтганингизда ўзимиз бориб олиб келардик.

Гулбаҳорнинг гапини ўзича тушунган Элёрнинг хаёлига лоп этиб бир фикр келди. У ҳам туғилган кунини баҳона қилиб қизларни таклиф қилса-чи. Агарда бугун Муҳаббат билан алоҳида гаплаша олмаса, бу икки дугонани меҳмонга чақиради. Ҳозир эса уларни қизиқтириб қўйса...

— Ростдан ҳам чақалоқнинг суратини жуда катта чизиб юборибман. Қанақа қилиб олиб келишни билмадим. Кейин хонаминг деворига ёпиштириб қўйдим.

— Ўзингиз тамоша қилиб ётибсизми?

Муҳаббат дугонасининг бу гапидан ғалати бўлди шекли, унга кўз қири билан қараб қўйди.

— Ҳа, рост-да, бизга кўрсатмаганини қара.

— Унда сентябрь ойнинг ўн бешинчи кунни бизникига борасизлар. Мен сизларни меҳмон қиламан, бир йўла суратни ҳам кўрасизлар. Агар ёқса... совға қиламан.

Гулбаҳор лип этиб ўрнидан турди. Деворга осиглиқ календардан ўн бешинчи кунни топди.

— Демак, шу кунни туғилган кунингиз, тўғри топдимми?

Элёр Гулбаҳорнинг гапини маъқуллади. Қиз қувониб «Борганимиз бўлсин!» деб юборди. Шу пайт хонага икки қиз ва бир йигит кириб келишди. Элёр дарҳол қорачадан келган, узун бўйли, озғинроқ йигитга разм солди. У кўтариб олган гулни ҳам, тортни ҳам синчков нигоҳидан ўтказди. Торт оддийгина, гвоздика гуллари эса ўзиникида анча кичик эди, унинг шубҳаси бир оз тарқагандай бўлди.

Элёр Муҳаббатнинг курсдошлари билан самимий суҳ-

батлашиб ўтирди. Овқатдан сўнг мусиқа бошланди. Қизлар хонанинг торлигига қарамай ўйинга тушишди. Гулбахор «билмайман» дейишига қарамай, Элёрни даврага тортиди. Умрида ўйинга тушмаган йигит Муҳаббатга қараб-қараб қўяркан бирдан шўхлиги тутиб қолганини ўзи ҳам билмай қолди...

— Агар дўсти келганда тўрт киши бўлиб, бироз айла-ниб келармидик.

Муҳаббатни қўлтиқлаб олган Гулбахор дугонасининг қулогига шипшиди. Бекат томон юраётган Элёр бу гапни аниқ эшитди.

— Унда сизлар айланиб кела қолинглар, мен хонани йиғиштириб тураман, — деди Муҳаббат ҳам астагина.

— Э, айтдим-қўйдим-да.

Бироздан кейин Гулбахорнинг қувноқ овози янгради:

— Хўш, шундай қилиб суратни кўришга қачон борамиз?

— Ўша келишган кунимизда сизларни кутаман.

— Борамизми, Муҳаббат?

— Қайдам.

— Нима деганинг бу? Каттагина расмингни олиб келмаймизми? Сенга ёқса, совға қиламан, деяптилар-ку.

— Ўқиш бошланиши биланоқ пахтага олиб чиқишларини унутмадингми, ишқилиб.

— Ҳа-я, пахтада бўламиз-ку сентябрнинг ўн бешиди. Ўн кун ҳам ўқитмай пахтага олиб кетгани ёмон-да. Шу кетганимизча декабрда зўрға келамиз. Баъзида қайси касбга ўқиётганим эсимдан ҳам чиқиб қолади.

— Унда пахтадан кейин учрашамиз.

— Пахтадан кейин. Ўҳ-хў. Нима, пахта пайтида бизларни кўргани бормайсизми?

— Жинни бўлдингми Гули. Пахтадан қочиб бўлармиди?

— Нега қочадилар? Жавоб сўрасалар берар.

— Бўлди, қизлар. Вазиятга қараймиз. Агар домламни кўндиролсам, албатта сизларни кўргани бораман.

— Биз таклиф қиламизу йўқ дейсизми? Йигит киши бирор баҳона топади-да.

— Балки янги йилни бирга кутармиз-а қизлар. Бир гал уйга бормасак, бормабмиз-да!

— Янги йилни ҳамма ўз оиласида кутиши керак.

— Тўғри, — дугонасининг гапига қўшилди Гулбаҳор.

— Янги йилда уйга бормасам бўлмайди. Биринчи январ кунни ойимнинг туғилган кунлари. Бормасам, уйдагилар хавотир бўлишади.

— Қўшалоқ байрам экан-да.

— Албатта!

Атрофга қоронғи тушган бўлишига қарамай, талабалар шаҳарчасининг кўчалари ёруғ эди. Йўл четида бир-бирини қўлтиқлаган ёки ёнма-ён бораётган йигит-қизлар кўзга ташланарди.

— Бироз айланиб келсак, нима дейсизлар, — Элёр жимгина хайрлашишни истамади, унинг Муҳаббат билан ёлғиз қолишга ҳали ҳамон умиди сўнмаган эди. Наҳот, индамай кетаверса, наҳот, севишини айтолмаса!

Муҳаббат йигитнинг таклифига кўнмади. Хоналарни йиғиштиришни баҳона қилди. Гулбаҳор начора дегандай қўларини ёзди. Элёр ноилож қизлар билан хайрлашишга чоғланди. У Муҳаббатнинг иссиқ қўлини кафтида тутаркан, оҳиста қисиб қўйди. Муҳаббат ялт этиб йигитга қаради.

— Туғилган кунингиз билан яна бир бор табриклайман.

Муҳаббат нимадир деди, лекин буни бошқалар эшитмади. Овози чиқмаганидан хижолат тортди шекилли меҳмоннинг қўлини дарҳол қўйиб юборди.

— Бизни унутмаганингиз учун сизга ҳам раҳмат! — Гулбаҳор шундай деб Элёр томон қўлини чўзди.

Рассом йигит жилмайди. Қўли маъноли қисиб қўйилганда эса хушёр тортиб Гулбаҳорнинг кўзларига тикилди.

У Муҳаббатнинг қўлини қандай сиқиб қўйган бўлса, Гулбаҳордан шундай жавоб олган эди.

* * *

Бу қанақаси бўлди? Нега Гулбаҳор ўзини яқин тутяп-

ти? Элёр энди нафақат гўзал Муҳаббат ҳақида, балки дилкаш Гулбаҳор тўғрисида ҳам хаёл суриб кетарди. Боши ғовлаб кетган чоғларда эса қизларга ўз муносабатини тезроқ билдириб қўйиш кераклигини англадию бунга сабаб, баҳона қидирарди. Туғилган кунини қилолмайдиган бўлди. Янги йилда ҳам учраша олишмайди. Нима қилса экан? Яна уларнинг ётоғига борсамикин-а? Боргани билан Муҳаббатни ёлғиз учратолмаса-чи? Яна индамай қайтиб келаверадимми?

Элёр энди-энди ўзи тўқиб чиқарган «дўсти»дан хафа бўла бошлади. Шу гапни айтмаса бўларкан, балки шунда Гулбаҳор ўзини яқин тутмасмиди?

«Айтгандай, Гулбаҳорнинг ўзи билан учрашиб, бор гапни унга айта қолсам-чи. Гўё ҳеч нимани билмагандай унга дардимни айтаман-қўяман». Кунлардан бир кун у шундай қарорга келди ва Гулбаҳорнинг йўлини пойлашга тушди. Агар ёлғиз учратолмаса, ётоғига боради-да пастга чақиртиради. Муҳаббат ҳеч қачон дугонасининг орқасидан бирга тушмайди. Аммо Гулбаҳор... тушиши мумкин. Сени ким чақириб келдийкин?» деб иложини қилиб тушади ёки тушолмаган тақдирда ҳам албатта деразадан қарайди.

Элёрга бундан бошқа чора йўқдай туюлди. Муҳаббат билан гаплашишга ботинолмагандан кейин нима ҳам қила оларди. Дугонасига айтади-да. Гулбаҳор эса ичида сир сақлаб турадиган қизларга ўхшамайди, дарҳол етказди. Шунда Муҳаббатда ўйлаб кўриш учун фурсат бўлади. Бир қарорга келгач, жавобини айтар. Айтмаса...

— Сиз мени кўргани келибсизми, деб ўйласам... Гап бу ёқда экан-да.

Гулбаҳор пастга тушиб эшик олдида турган Элёрни кўрганда, айниқса, ундан «Бир айланиб келсак, вақтингиз борми?» деган сўзни эшитганда қанчалар қувонган бўлса, суҳбат якунида шунчалар маҳзун бўлди. Хуш кайфиятидан асар ҳам қолмади. Хиёбондан чиқиб келишаркан овози титраб йигитдан сўради:

— Нима учун бу гапларни менга айтяпсиз?

— Сиз... сиз Муҳаббатнинг энг яқин дугонасиз. Мен-

га ҳам дўст бўлишингизни хоҳлайман.

— Демак..., ўзингиз қамалган экансиз-да?

— Ҳа, ўзим қамалиб чиққанман. Ҳали айтганимдай, бунга анқовлигим сабаб бўлди. Мени қўлимдан ўғирлик қилиш эмас, расм чизиш келади. Яна ўзини оқлапти, деб ўйламанг, бор ҳақиқат шу! Ишонсангиз, икки йилгача ҳам қизлар билан гаплашишга юрагим дов бермади. Аммо Муҳаббатни учратиб қолдиму ҳаётим бутунлай ўзгариб кетди. Ростдан ҳам уни севиб қолдим, Гулбаҳор. Уни ўйламасдан туролмаяпман. Лекин буни ўзига қанақа қилиб айтишга ҳайронман! Тўғриси, чўчияпман.

— Сиз кўрқсангиз, мен нима қилишим керак? Элёр акани сев, деб айтишимни истаяпсизми? Кечирасиз, бировга бунақа деб айтилмайди. Энди мен бора қолай, Муҳаббат ҳам ҳайрон бўлиб ўтиргандир. Хайр.

— Гулбаҳор!

Ётоқхона томон бораётган Гулбаҳор ортига қараб ҳам қўймади.

Элёр қовун туширганини энди пайқади. Гулбаҳор ростдан ҳам уни ёқтириб қолганга ўхшайди. Бўлмаса, бунақа муомала қилмаган бўларди. Ана энди ҳаммаси чаппасига айланиб кетмаса эди. Гулбаҳор алаmidан Муҳаббатни ҳам айнитса борми? Бекатда ёлғиз қолган йигит бошини чангаллади. «Бекор айтдим, бекор айтдим, унга! Нима бўлган тақдирда ҳам Муҳаббатнинг ўзи билан гаплашишим керак эди. Гулбаҳорни умуман ўртага қўшмасам бўларкан. Эҳ, аттанг!»

Сиқилиб юрган Элёр пахта терими қандай ўтаётганини сезмади ҳам. Ё ёлчителиб пахта ҳам термади ёки кўнгилдагидай бирор сурат ҳам чиза олмади. Худди бир нарсасини йўқотиб қўйган одамга ўхшади-қолди. Устидан кулган курсдошларига эътибор ҳам бермади. Биттагина этакни елкасига ташлардию талабалардан ҳоли бўлган далани тусмолаб кетаверарди. Ҳатто баъзида тушликка ҳам келмасди. Терган пахтасига ёнбошлардию ўйга чўмарди, кейин на вақт ўтганини, на қорни очганини сезмасди. Бошида кўпчилик хавотир бўлишди, тушликдан сўнг қидиришди ҳам. Аммо кейин-кейин ўрганиб қолишди. Элёр кечга яқин

гап эшитмайдиган даражада пахта териб топширгани учун штабга чақирилмас эди.

У бир неча бор Муҳаббатни кўришга отланди ҳам. Домлалардан чет тиллар институтининг талабалари қаерда пахта теришаётганини сўрардию, аммо тайинли бирор гап эшитмагани учун ҳар гал тарвузи қўлтиғидан тушарди.

— Билиб қўй, индамай кетиб қолсанг, институтдан ҳайдаласан. Шунини ўйлаб иш қил!

Ҳар куни огоҳлантиришдан Элёрнинг юраги безиллаб қолганди. Штабдаги баъзи домлалар гўё унга қамалиб чиққанини пеш қилаётгандай бўларди.

— Бир кунга ҳам рухсат бермайсизми? — илтижо билан ёлворди Элёр уни бошқалардан кўра ўзига яқин оладиган домласига.

— Бир соатга ҳам рухсат йўқ. Текшириб қолишса нима дейман? Бу ишим учун институтдан ҳайдалишим мумкин. Буни тушунасанми, ўзи?

— Домла...

— Ортиқча гапнинг кераги йўқ. Бор, болаларга етиб ол. Бўлди, турма бу ерда.

Элёр штабдан орқасидан кузатиб чиққан деканга сўнгги умид билан тикилди.

— Сабр қил, ҳадемай пахта терими тугайди. Институтга қайтгач, саотлаб гаплашаверасан, ҳеч ким ҳалақит бермайди.

Элёр елкасига бир-икки уриб қўйиб ичкарига кириб кетган домласининг орқасидан гижиниб қўйди. Шу домласики рухсат бермади, демак, бошқа ўқитувчилардан жавоб сўрашнинг кераги йўқ. Ҳеч ким масъулиятни бўйнига олгиси келмайди, ҳеч ким ишидан айрилишни истамайди. Элёр эса бир нарсага тушунмайди. Ким текшириб қолиши мумкин? Штабнинг энг каттаси — деканнинг ўзи бўлса. Домлалару талабалар унинг қош-қовоғига қараб иш тутишса? Келишганига бир ойдан ошди, ҳеч ким текширгани йўқ-ку. Кимдан кўрқишаркин? Нимадан хафвсирашаркин?

Эртаси куни ҳеч кутилмаган воқеа содир бўлди. Тўқимачилик институтидан яқинда уларнинг факултетига ўтган

Эркин деган йигит бошқаларнинг олдида ўзини кўрсатиб қўймоқчи бўлдими ёки муҳим бир сирни билгандай уни ошкор қилгиси келдими, ҳар ҳолда каттаоғизлик қилиб: «Ҳов, дарвеш, сал секинроқ пахта терсанг бўлмайдими? Нима қаҳрамон бўлмоқчимисан, дейман?» деб салгина жаҳлини чиқарди. «Ҳазиллашди» деб ўйлаб, индамай йўлида кетаётган эди тўхташга мажбур қилди.

— Манга қара, шу гап ростми, қамоқдан баъзи йигитлар галубой бўлиб қайтиб келаркан-а? Биздан ўзингни олиб қочишингга қараганда, мабодо санам...

Бу гап Элёрнинг юрагига ханжардек санчилди. Ханжарнинг заҳри бошига урилганда у қандай қилиб курсдошининг қаршисида пайдо бўлиб қолганини, ўзи ҳам пайкамай қолди. Кўзлари қинидан чиқди, чап қўли мушт бўлиб тугилди, шу ҳолатда бир зум турди ҳам, агар бошқа гап бўлмаганда «Кечирим сўра-да, пахтангни тер» демоқчи эди, аммо тили қичиб турган Эркин «Ҳа, нега, жаҳлинг чиқиб кетди, гапим ростми, дейман» деб кулиб юборди, худди мана шу пичинг ва масҳаромуз кулгу ортиқча бўлди: қаерига мушт тушди, англолмади ҳам, «лоп» этиб кўзларидан ўт чақнадию ҳуши бошидан учди. Озгина ўзини орқага олиб қилинган зарбадан Эркиннинг оёқлари ердан узилди ва «гуп» этиб даланинг тупроқ йўлига ағдарилди. Яхшики домлалар кўришмади, улар ҳали барақда овқатланиб ўтиришарди. Талабалардан анча орқада келаётган бешолтита йигитлар бир зумда довдираб қолишди. Эркин анча пайт ўзига келмаганда нафақат курсдошлари, балки унинг ўзи ҳам кўрқиб кетди. Бир амаллаб ҳушига келган Эркинни кўрганда эса унга қўл кўтарганига афсус чекди. У устозига сўз берганди, бировни урмасликка. Аммо сўзининг устидан чиқа олмади: жаҳл устида мушт кўтарганини сезмай қолди. Лекин калтак еган йигит ҳам, бошқалар ҳам уни сотмади. Фақат Элёр бокснинг хавфли сирларини ўрганганига қаттиқ пушаймон бўлди.

...Кечки овқатда унинг олдида Боксёр келиб ўтирди. Элёр ҳайрон бўлиб бир қараб қўйди-да, шошганича овқатланишда давом этди. Вақт кутиб турмаслигини у яхши

билади. Айниқса овқат маҳалида. Қанча тез оғзингга солсанг, шунча яхши. Вақт тугагандан кейин қошиққа олганингни ҳам қайтариб қўйшинг керак. Тартиб шунақа. Тартибга амал қилмаганларнинг ҳоли нима кечишини бу ердагиларга уқтиришнинг ҳожати йўқ. Шунинг учун ҳеч кимга қарамайсан, биров билан гаплашмайсан, олдингга қўйган алюминий идишдаги шилдираган емишни паққос тушираверасан.

— Намунча шошмасанг, ҳали вақт бор-ку.

Элёр индамади. Чала пишган макаронни тез-тез чайнашда давом этди. Ҳали идишида қошиқ билан зўрга бўлинган картошка турибди, уни ҳам бир амаллаб ейиш керак, шошилади-да.

— Нега индамайсан? Яна расм чиздирмоқчидир, деб ўйлаяпсанми? Э, йўқ, сандан қарз бўлиб қолмаслик учун баъзи нарсаларни ўргатмоқчиман. Ташқарига олиб чиқишганда олдимга кел.

Элёр ҳайрон бўлди. Нега қарз бўлади, деб ўйлади ичида. Зонадагиларга айтиб қўйган шекилли энди унга ҳеч ким қўл кўтараётгани йўқ, жуда қийин юмушлардан ҳам анча қутулган. Кечалари бемалол суратини чизяпти. Унга яна нима керак? Шунинг ўзи етарли.

Кечки овқат ва йўқламадан кейин ташқаридаги махсус майдонда айланишлари учун маҳбусларга ярим соатларча вақт берилади. Шундагина бу ердагилар бир-бирлари билан бемалол гаплаша оларди, қолган пайтларда бунинг иложи йўқ: иш пайтида ноўрин гаплашиш мумкин эмас, қаторда, овқат маҳалида оғзингни очмайсан! Очдинг, елкангга резина таёқнинг зириллатувчи зарби тушади. Шундай зарбдан иккитасини есанг, ўз-ўзингдан гапирмайдиган бўласан-қоласан.

— Келдингми? Хўш, ишларинг қалай? Ҳеч ким хафа қилмаяптими?

— Йўқ.

— Яхши. Бир ойдан бери кўринмайсан, нима бирортасининг расмини чизяпсанми, дейман?

— Баъзида чизиб турибман.

— Ҳадеб чизавермасдан спорт билан шуғуллансанг

бўлмайдими? Қўлларингни озгинлигини қара, худди қизларникига ўхшайди. Хоҳласанг, боксни ўргатаман, санга. Шугуллансанг бировдан калтак емайсан, ўзингни ўзинг ҳимоя қила оласан. Ахир, укамдай бўлиб қолдинг, кучли бўлишинг керак. Хўш, нима дейсан?

Яқин-яқингача ҳам ҳаммадан туртки еб юрган Элёр калтакдан безиб қолганди. Баъзан хаёлида кучли йигитга айланардию бўлар-бўлмасга иш буюраётган, бир баҳона топиб ҳадеб калтаклаётган Паханнинг дабдаласини чиқариб ташларди. Шунда у ҳузур қиларди. Бироқ кимдир бир туртиб «Бор туалетни тозалаб қўй!» деганда яна шумшайганича қолаверарди. Тўғри, ҳозир ҳеч ким мушугини «пишт» дегани йўқ, аммо уришиб қолса, калтак ейиши аниқ. Ўзига бўлган ишончни тарбияламаса ҳаммаси бир пул экан. Ишонч, довиорақлик, энг муҳими журъат ҳаммасидан устун туришини Элёр шу ерда англади. Аслида уни қўрқоқ деб ҳам бўлмасди. Бировга озор берма, дилини огритма, ёмон иш қилишдан уял, деган насиҳатларнинг таъсири эди, ундаги андишалелик. Ёшлиқдан онгига синдирилган бу тарбиядан натижаси эди ундаги журъатсизлик. «Турманинг ўз қонун-қоидалари бор экан. Андиша нима эканлигини унутиш керак экан бу ерда. Кучсизларга тегмаслик керак, деган тушунча ишлатилмас экан, бу ерда. Зўр, зўр бўлишинг керак экан, бу ерда!» Йигламоқдан бери бўлган Элёр аламини сурат чизишдан оларди. Бора-бора рассомлик таланти уни баъзи кўнгилсиз ҳодисалардан асраб қоладиган бўлди. Унинг чизган суратларини кўрган айрим маҳбуслар охир-оқибат бу йигит зонага адашиб тушиб қолганига ишона бошладилар. Шундай кунларнинг бирида зонада рассом йигит бор экан, деган гап Боксёрга етиб бордию чекаётган азоб-уқубатларидан деярли қутулди.

Боксёрнинг қутилмаган таклифи унга ёқиб тушди. Бир зумда боксни ўрганишга жон-жаҳди билан киришиб кетди. Имкон туғилди дегунча қум тўлдирилган чарм қопни ураверди, ураверди. Уч ойлардан сўнг Боксёрнинг қаршисига келди.

— Энди менга накаут қилишни ўргатинг. Бир зарб би-

лан рақибни ер тишлатишни билишим керак. Сиз одамнинг нозик тоқчаларини жуда яхши биласиз, шуларни менга ҳам ўргатинг!

— Сан боксёр бўлмоқчимсан ёки рассомми?

— Бу ерда сурат чизишдан кўра, кучли бўлиш яхши экан. Агар сиз бўлмаганингизда ҳозир ҳам калтак еб юрган бўлардим. Санъатнинг қадрига ҳамма ҳам етавермайди-ку. Шундай экан, ўрганиб қўйсам, ёмон бўлмас.

— Гапларинг жиддий-ку.

— Сизга ўхшасам ёмонми?

— Ёмон!

Элёрнинг дами ичига тушиб кетди.

— Нега? — аранг саволга журъат қилди Элёр.

— Боксни ўргансам, зўр бўламан, деб ўйласанг, хато қиласан. Бировларни уриш учун ўрганилмайди бокс! Рақибни ер тишлатиш учун машқ қилинмайди, билдингми? Нима, манинг бошимдан ўтган воқеалардан ўзингга хулоса чиқармадингми? Шунчаки эшитиб қўяверибсанда-а? Рақибим Маҳмуд акани бир уриб ер тишлатдим. Хўш, кейин нима бўлди, оқибати нима билан тугади?! Етиб келган жойим, шу қамоқ бўлди. Билдингми, шу қамоқ! Саннингча, шуми, зўр бўлиш! Яхшиси, бу бемаъни ниятни хаёлингдан чиқариб ташла! Сани қўлларинг қўлқоп учун эмас, қалам ушлаш учун яратилган, билдингми? Сан ҳали ўқишинг, зўр-зўр расмлар чизишинг керак, братишка!

— Мен фақат... ўрганиб қўймоқчи эдим холос.

— Ёлгон гапирма! Сан бошқа ниятда ўрганияпсан! Машқингдан билиб турибман. Санда алам бор, чунки чеккан азобларингни ҳалигача унутолганингча йўқ. Ўзингни қўлга олмагунингча энди ҳеч нима ўргатмайман! Аслида хато қилибман, санга шу таклифни айтиб. Бир кун жаҳл устида бирортасини уриб, бошини ёриб қўйишинг мумкинлигини ўйламабман.

— Мен ҳеч кимнинг бошини ёрмоқчи эмасман! Шунчаки ўрганмоқчиман холос.

— Биласанми, манинг орзуларим қанақа эди. Жаҳон чемпиони бўлиш эди. Қамоқ тушимга ҳам кирмаган. Хўш, санга ким кафолат бера олади, биров билан муштлаш-

майди, деб. Ҳеч ким, билдингми, ҳеч ким! Пешонам деворга «тақ» этиб текканда ақлим кирди. Шу ўтган йиллар ичида қанча мусобақаларда қатнашган бўлардим. Учинчи курсда республикада иккинчи эдим, иккинчи! Сборнийга олишмаган бўлса ҳам, обрўйим зўр эди. Кейинги йили барибир ўзимни кўрсатардим, Руфат акага ўхшаб жаҳонга ҳам чиқардим, манам ўзбекнинг кимлигини кўрсатиб қўярдим! Мақсадим шу эди. Бироқ Москвадагилар атай бизни сборнийга киритишни хоҳламасди, фақат ўзлариникини чиқаришарди. Ман эса доим уларга ўзимнинг кимлигимни, кимларнинг авлодидан эканлигимни кўрсатиб қўймоқчи бўлардим. Агар ҳовлиқмаганимда, ҳаммага кучим етади, деб ўзимча ғурурланмаганимда, устозимнинг «Боксёр кўчада бировга жароҳат етказмаслиги керак!» деган гапини унутмаганимда етардим, ўша мақсадимга. Ҳа, албатта, етардим! Бироқ... На зўр боксёр бўлолдим, на севганимга етишолдим, иккисидан ҳам қуруқ қолдим, укам! Сан бўлсанг, одамнинг нозик жойларини кўрсатинг, дейсанг! Хоразм томонларда Паҳлавон Маҳмуд деган одам ўтган, эшитгандирсан? У машҳур курашчи бўлган экан. Етти иқлимга донғи кетган бу одамнинг кураги ерга тегмаган экан. Шунданми, бошқа мамлакатларнинг подшолари уни мусобақага чақириб ўз полвонлари билан кураш тушириб кўраркан. Бир куни уни Ҳиндистонга таклиф қилишади. Паҳлавон Маҳмуд қаерга борса, аввало бозорларни, кейин эса қабристонларни айланиб чиқаркан, одати шунақа экан. Бир маҳал мазорни айланиб юрса, қайсидир қабр устида Худога нола қилиб йиғлаб ўтирган аёлга кўзи тушиб қолибди. Сўраб-суриштира, кўз ёш тўкиб ўтирган аёл эртага курашга тушадиган рақибининг онаси эмиш. У эртанги курашда ўғлини ғолиб бўлишини, агар енгилса бутун оиласи оч қолишини айтиб йиғлаётган экан. Полвоннинг юраги эзилиб кетибди, кейин у жанг пайтида рақибини даст кўтарган ерида шу воқеа эсига тушибдию атай ютқазиб берибди. Мардликни қара! Қайси халқда бор, бундай танглик! Бундай олижаноблик! Биз ана шундай мард одамларнинг авлоди эканмиз, братишка!

Элёрнинг машқдан қизиб турган бадани тамомила

музлаб кетди. Мушт уришдан, зўравонлик қилишдан бошқасини билмайди, деб ўйлаган одами... Зонанинг энг зўрига ҳам бўйин эгмаган шу одамми?! Наҳот, Маҳмуд акага етказган жароҳати уни ҳамон қийнаётган бўлса? Зулфия опага етишолмаганидан ҳамон қалби вайрон бўлса? Лекин нима бўлганда ҳам билагида кучи борлиги, боксинг сирларини билгани учун шу даражага етмадими, зонада гердайиб юриш ҳар кимга ҳам насиб қилавермайди-ку?

— Тўғри, аммо зонада ҳаёт бутунлай бошқача экан-да. Рости, боксга ўзим ҳам қизиқиб қолдим. Агар сизга сўз берсам, ўргатасизми?

— Шунча гапни деворга гапирдимми, дейман? Кетишинга қанча қолди? Ана, ярим йил ҳам қолмабди. Бу — яқинда озодликка чиқасан, дегани, билдингми?

— Лекин йигит кишининг бошида ҳар хил кўнгилсиз воқеалар бўлиб тураркан-ку, агар сиз боксёр бўлмаганингизда манга ўхшаб, бировларнинг ахлатини тозалаб юрармидингиз?

— Боксни танламаганимда, балки бу ерга ҳам тушмаган бўлардим.

— Хўп, бошқаларни уриш учун эмас, ўзимни ҳимоя қилишим учун ўргансам, бўладими? Шунда ўргатасизми? Мен бу ернинг тузини татиб кўрдим, кўрқманг, энди қайтиб келмоқчи эмасман.

— Ҳозир шунақа деяпсан, аммо кимдир билмасдан жаҳлингни чиқариб, нафсониятингга тегиб қўйса... берган ваъданг ёдингда турармикин?

— Туради!

— Турмайди!

— Нега, унақа деяпсиз?

— Чунки буни бошимдан ўтказганман. Биров билан муштлашиш мумкин эмаслигини билиб туриб урдим, ман ҳам. Атай нозик жойига туширдим. Ўша пайтда боксёрлигим эсимга келибдими?

— Мен профессионал боксёр эмасман, шунчаки, ҳаваскорман-ку, устоз!

Боксёр бирдан юмшади. Шу пайтгача ҳеч ким уни устоз деб чақирмагани. Аслида бировга устозлик қилма-

ганди ҳам, бироқ бу сўзни эшитганда... қалбида қандайдир ширин бир энтикиш пайдо бўлди, гурур пайдо бўлди, эриш, мойиллик пайдо бўлди.

— Жуда қайсар экансан, майли эртага бир гап бўлар.

Эртасига... Элёр бор кучини муштира тўплашни, кутилмаганда зарба беришни, бу зарбни рақибининг қаерига уришни ўрганди.

Эртасига... юрагидаги қўрқув ҳиссини йўқолди, биринчи бўлиб ҳужум қилишни ўрганди, бўйи бир қарич ўсди.

Эртасига... қалбидаги ҳалимлик ўрнини гурур, кибр эгаллади.

Боксёрнинг гапларини чуқур мушоҳада қилиб кўрмаган Элёр буларнинг барчасини шароит тақозоси деб ўйлади ва қўполлашганини ўзи ҳам сезмай қолди...

* * *

— Ёлгончи йигит экан-а!

Муҳаббат дабдурустан айтилган бу сўздан ҳайрон бўлиб дугонасига қаради. Кейин гап нима ҳақида эканлигини фаҳмлагач, бепарво оҳангда: — Ҳали ҳам унутолмадингми? — деди.

— Аллақонлар унутиб юборганман, фақат анаву расмингни кўришга жуда қизиқяпман. Катта қилиб чиздим деганди, қанақа чиққан экан?

— Менимча, атай айтган. Чизган бўлганида олиб келган бўларди. Э, кўйсанг-чи, уни. — Муҳаббат шундай деб кийимларини алмаштиришга тушди.

— Ечинмай тур!

— Нега?

— Балки ўзимиз бориб олиб келармиз.

— Жинни бўлдингми?

— Ҳа, нима, шундай чиройли суратингни индамай ташлаб қўяверасанми?

— Чиройли эканлигини сен қаёқдан била қолдинг? Ёки... менга айтмай кўриб келдингми-а?

— Қамалиб чиққан йигитнинг олдига ёлғиз бориб

бўларканми? Ундан кейин нимага энди мен боришим керак. Ахир у сенинг расмингни чизган-ку. Агар меникини чизганда шу пайтгача олиб келган бўлардим. Сенга ўхшаб имиллаб ўтирмасдим.

— Эсимда турибди, бошида ёқтириб қолдим шекилли, деганинг. Ёмон йигитга ўхшамайди, деган ҳам сенми?

— Унда қамалиб чиққанини билмагандим-да.

— Билганингдан кейин фикринг ўзгардими?

— «Қамалиб чиққан» деган оти бор-да. Ундан кейин қамоқдан мингтадан битта одам яхши бўлиб чиқмаса... Яна унга тегиб юрмагин. Яхши расм чизгани билан ичидагини билиб бўлармиди.

— Жинни бўлдингми, нега ҳадеб менга тиқиштираве-расан, агар кўргинг келаётган бўлса, мени суратимни баҳона қилиб бориб келавермайсанми? — Муҳаббатнинг жаҳли чиқди шекилли шарт кийимларини алмаштириб каравотига чўзилди.

— Лекин у сени яхши кўраман, деди-да.

— Нима бўпти. Лекин мен унга «Манам сизни яхши кўраман» деб айтганим йўқ-ку. Шундай экан, бемалол бориб гаплашавер. Тавба, атай қиласанми, дейман.

— Нима, сен билан гаплашиб ҳам бўлмайдими? Ҳозир Иноят келсин, у билан гаплашаман.

— Тўғрисиям-да Гули, гапирганинг ўша йигит. Пахта-да-ку бошимни қотириб юбординг. «Ёлғончи йигит экан, агар чинданам яхши кўрганида келган бўларди, Жиззах қочиб кетибдими» деб. Чизганми-чизмаганими, ҳали кўрмаган суратимни ҳаммага овоза қилиб бўлдинг. Эшитмаган домлалар ҳам қолмади.

— Гапирган бўлсам, ўзинг ҳам индамай эшитиб ўтирардинг-ку, — Гулбаҳор пешонасини тириштириб ўрнидан туриб кетди. Иссиқ халатини кийди-да дераза ёнига бориб ташқарига тикилди.

Муҳаббат туриб ўтираркан, яна сўз очишга мажбур бўлди.

— Неча марта айтдим сенга, қулоқ солмаганингдан кейин охири индамай қўйдим-да.

— Бўпти-бўпти, энди гапирмаганим бўлсин! Расм се-

ники, олиб келасанми, келмайсанми, ўзинг биласан!

— Ана, энди, ўзингга келдинг, дугонажон! Бериш кўнглида бўлса, олиб келар, бўлмаса... зоримиз бор-у, зўримиз йўқ.

— Пахтада Азамат ака билан танишиб қолдингда-а, нима ёқиб қолдимми, дейман.

— Нима деганинг, бу, Гули?

— Терган пахтангни неча марталаб олиб чиқиб берди, кўрмадимми?

— Ёрдам берса, нима бўпти. Сенга ўхшаб болалардан ажраб Носир билан ёлғиз пахта терганим йўқ-ку.

Шу пайт хона эшиги очилиб, ҳовлиққанича Иноят кириб келди.

— Телевизорни қўй, тез-тез қўйсанг-чи, Гули!

Қизлар ҳайрон бўлиб Иноятга қарашди. Иноят оғзи очилган Гулбаҳорга қараб ўтирмади, шошиб бориб телевизорни қўйди-да, Муҳаббатнинг олдига шарт ўзини ташлади.

— Қаранглар, қаранглар, ҳозир кимни кўрасизлар.

Кекса рассом қатор суратлар илинган каттагина залда ўз шогирдлари ҳақида гапириб Элёр ижодига тўхталаётган эди. Шунда интервью олиб бораётган мухбир қиз «Шу шогирдингизнинг ижодидан намуналар кўрсата оласизми?» деб сўраб қолди. «Бажонидил кўрсатаман». Кекса рассом мухбир билан қизлар учун таниш суратнинг олдида тўхтади. Иноят шу пайт Муҳаббатни туртди:

— Қара, қарасанг-чи, ахир, бу сенинг суратинг-ку.

Муҳаббат кўзларига ишонмади, Гулбаҳор турган жойида анграйиб қолди. Иноят эса гапиришдан тўхтамасди...

«— Бу кўрғазмага шогирдларимнинг ишлари ҳам қўйилганидан жуда хурсандман. Элёр Одиловнинг бу портрети Ёш рассомларнинг Тошкент шаҳар босқичида биринчи ўринга сазавор бўлди. Эндиликда унинг айрим ижод намуналари республикамызда ўтадиган Халқаро кўрғазмаларга тавсия этилган.

— Агар янглишмаган бўлсам, залга кираверишдаги холлда каттагина портретга ҳам кўзим тушди. Бу сурат

ўша портретнинг кичайтирилган нусхаси эмасми?

— Йўқ, кичрайтирилган нусхаси эмас, иккиси алоҳида-алоҳида асар. Фақат бир мавзуга икки хил ёндошилган холос.

— Ўйлайманки, бу шогирдингизнинг ижодига келусига алоҳида тўхталамиз, деган умиддаман.

— Алабтга, ёшлар бизнинг келажагимиз, ўринбосарларимиз. Уларга кенг йўл очиб бериш, ижод намуналари билан халқимизни яқиндан таништириб бориш эзгу мақсадимиз бўлиши лозим. Бу уларнинг янги-янги асарлар яратишга илҳомлантиради».

Тасвир бошқа жойга — кўргазма залининг кираверишига қўйилган учта суратга кўчди. Суратлар каттагина матога ишланиб, чиройли нақшинкор рамкага солиб қўйилган эди. Суратларнинг бирида қишлоқ манзараси, эндигина ётоғидан бош кўтарган Қуёш заррин нурларини қишлоқ узра сочмоқда. «Тонг» деб номланган суратда мусаффо тонг отаётгани нафис рангларда жуда жонли тавсирланган эди.

Қизларни айниқса иккинчи портрет ҳаяжонга солганди. Мана энди ҳаммаси ойдин бўлди: Муҳаббат туғилган кунда айтилган, аммо олиб келинмаган совғани кўриб турарди. Гулбаҳор дугонасига зимдан қараб қўйди. Бунга ногоҳ кўзи тушиб қолган Муҳаббат «Демак, алдамаган экан-да, ростдан ҳам чизибди-да суратингни, — деган маънони уқди. — Демак, сени чиндан ҳам севар экан, — деган таънани пайқади, — Наҳот сен шундай севгига сазавор бўлсанг», деган ҳасад аралаш рашкни сизди бу таъқибдан.

— Энди сени ҳамма танийди! — бирдан бақриб юборди Иноят Муҳаббатни кучоқлаб.

— Суратингни ололмайсан, энди,— деди Гулбаҳор телевизордан кўз узмаган ҳолда маъюс тортиб. Унинг нимадандир афсус чеккани билиниб турарди. Ногоҳ эшик очилиб ётоқхонадаги курсдош қизлар бирин-кетин кириб кела бошлашди. Улар Муҳаббатни туртишар, гоҳ кучоқлаб олишар, ҳозиргина бўлиб ўтган кўрсатув ҳақида тўхтамасдан гапиришарди. Йигитни кўрмаган қизлар «Қайси, қайси?»

деб гоҳ Иноятдан, гоҳ Муҳаббатдан сўрашарди. Иноят эса бир дам тўхтамай сўзларди. У Элёрнинг таърифини шундай келтирардики, қизлар бора-бора бир-бирларини туртишиб «Танишиб қўйсақ, бўларкан»га тушиб қолишди. Энди уларнинг айримлари «Мени таништириб қўй!» деб Муҳаббатга ялиниша бошлади. Бундан эса Иноятнинг жаҳли чиқарди. Гулбаҳор бу шовқинда, бу қизгин баҳсмунозарада бир четда қолиб кетгандай сизди ўзини. У курсдош қизларнинг юзларидаги севинчга, самимий кулгуларига, Муҳаббатга ҳавас билан қарашаётганига зимдан назар соларкан, қалбини нимадир эмира бошлади, афтидан у қандайдир режа тузаётганга ўхшарди.

* * *

Иккинчи курснинг охирларида Муҳаббатни ногоҳ уйдан чақириб қолишди. У хатни ўқидию эртага жума куни кечкурун поездга чиқишни ўйлаб қўйди. Бир кўнгли бугун бориб билет олиб келиб қўйсаммикин, деган хаёлга борди. Гулбаҳорга айтганди, «Ҳозир тиқилинч эмас-ку, шундай бориб чиқиб кетаверасан» деди бепарвогина. Иноят ҳам унинг гапини тасдиқлагандай бўлди. Шундай қилиб, эриниб турган Муҳаббат бормаи қўяқолди. Хатга қараб-қараб қўяётган Гулбаҳор охири чидай олмади чоғи «Тинчликмикин?» деб сўради.

— Шунчаки, бир келиб кетгин, дейишибди.

— Сен билан бизни шунчаки чақирибмайди. Уйингга совчилар келган бўлса керак. — Гулбаҳор дамлаб келган чойни уч марта қайтарди-да ўриндиққа ўтираркан, бошини сарак-сарак қилиб қўйди. — Қани, чойга.

— Ростданми? — деди ўрнидан ирғиб турган Иноят мийиғида кулиб. — Наҳот, дугонамиз эрга тегиб кетса?

— Жинни бўлдингми, ким эрга тегаман, деяпти. Нимага ўзларингча фол очишасан!

— Борсанг, бизникига ҳам ўтиб қўясанми? — сўради Гулбаҳор қизларга қарамай чой ичишни бошларкан.

— Билмадим, вақтим бўлса, ўтарман.

— Вазиятга қарайсан-да?

— Билмадим.

— Бўпти-бўпти, жаҳлинг чиқмасин, чойга кел.

— Турақолинг, энди келин пошшо! — Иноят дугонанинг қўлидан тортиб ўрнидан турғазди. Кейин биргалашиб стол атрофига ўтиришди.

Муҳаббат ўзини зўрлаб бир пиёла чой ичган бўлди, лекин нимагадир қовоғи очилмади.

Уйига борганда қизлар янглишмагани маълум бўлди. Уни сўраб колхоз раисининг ўғлидан совчи келган экан. Муҳаббат энди билди, районларидан Тошкентга ўқишга келган талабалар ўтган йили имтиҳонлардан кейин қайсидир кафедра ўтиришган эди. Шунда Нурали деган йигит унга кўп марта қараган, ҳатто ўтиришдан кейин кузатиб ҳам қўйганди. Совчи шу йигитдан эди.

— Мен ўқишни битирмагунимча эрга тегмайман! — деди Муҳаббат онасига.

Наргиза ая қизидан бу гапни кутган чоғи жаҳли чиқмади. Аста, ётиғи билан тушунтирди.

— Нархознинг тўртинчи курсида ўқиркан. Онаси шўрлик катта бошини кичик қилиб уч марта келди. Ҳеч бўлмаса, нон синдириб қўяйлик деб, ҳол-жонимга қўйма-япти, қизим. У йигит ҳам сендан бошқасига уйланмайман, деб оёғини тираб олганмиш. Айтгандай, бир-икки марта гаплашибсизларми?

Муҳаббат нима дейишини билмай қолди. «Гаплашибсизларми?» дегани нимаси бўлди. Бир марта ётоғига кузатиб, бир марта чақириб келса, гаплашган бўладими? Уч марта кўришса, бемалол турмуш қуриш мумкин экан-да!

— Ман ўқишимни битиришим керак, эрга тегишга шошаётганим йўқ!

— Нимага қайсарлик қиляпсан, ўзингни бирор кўзлаганинг борми, дейман?

— Ҳеч кимни кўзлаганим йўқ, ая. Фақат мақсадимни айтдим, холос. Институтни битиргач, аспирантурада ҳам ўқимоқчиман. Бу яна икки йил ўқийман, дегани бўлади.

— Ҳадеб келишаверса, мен нима қилай, ахир?

— Ана Сайёрани кўрсатинг, опаси, ҳали кўп ўқиркан, денг. Агар Сайёра хўп деса, тегаверсин, мен розиман!

— Нималар деяпсанг, синглинг ахир энди биринчи

курс-ку. Бунинг устига билим юртида ўқиса. Ўйлаб гапир-япсанми, қизим.

— Билим юртида ўқиса нима бўпти, ая. Ҳамшира қизларга ҳамманинг ҳаваси келади-ку.

— Ахир у йигит раиснинг ўғли бўлса, оддий ҳамширани назар-писанд қилармикин?

— Қилмаса, ана катта кўча, нима қизларингиз эрсиз қоляптими? Бўлди, гап тамом! Мендан умид қилмасин. Сайёрани эса чақириб бир гаплашиб кўринг.

— Э, қайсар бўлиб кетибсан! Отанг айтгандай ўқитмай, шарт-шарт эрга бериб юборсам, бўларкан. Шунда меним кулогим тинч турармиди? Нима, Сайёра опасидан аввал эрга тегадиган эси йўқ қизмиди, сенга? Уям «йўқ» деса, нима дейман совчилар? У ёқда отанг раисдан қочиб юрибди, нима дейишини билмай. Улар эса келишини қўймайди.

— Ўқишни битирсам, бирорта эр учраб қолар, ая, — деди Муҳаббат онасини меҳр билан кучоқлаб юзларидан ўпаркан, эркаланган кўйи.

— Ҳа, айтгандай ҳалидан буён сўрайман, деб эсимдан чиқибди, сени расмингни телевизорда кўрсатишибдими? Хотинлар шунақа деса, ишонгим келмади.

Муҳаббат қизариб кетганини кўрсатмаслик учун онасининг пинжидан бошини кўтармади. Наргиза ая гапида давом этди.

— Менинг расмимни чизган кишига чиздирганмидинг? Муҳаббат бошини қимирлатди.

— Нимага у сенинг расмингни телевизорга кўрсатади. Энди ҳамманинг оғзида шу гап. Отангнинг жаҳли чиқиб юрибди. Ҳали келсалар гап эшитмасанг, гўрга эди. Менам расмимни кўрсатувдим, балога қолдим. «Сен бормаганинга қизинг ҳам бормаган бўларди», деб роса жигибийрон бўлди. Одамлар гапирган бўлса керак-да. Биласан-ку, гап кўтаролмайди. Лекин сен қиз, тўғрисини айт, бирорта йигит билан гаплашиб юрмайсанми, ишқилиб? Гапирсанг-чи, ичимдагини топ, демасдан?

— Ҳеч ким билан гаплашганим йўқ, ая. Расмга келсак, ёш рассомлар қаторида ўша йигитнинг суратларини ҳам

виставкага қўйишибди. Устози танлаб олиб кўрсатибди. Бор гап шу, холос.

— Шунча катта расмингни бекордан-бекорга чизма-гандир?

— Мен у болага чизгин демаганман, ая.

— Кўзларимга қараб гапир!

— Мана, — Муҳаббат шундай деб кўзларини катта очганича аясига юзланди.

— Ҳа, кўзингни шундай катта очиб юргин. Агар юзимни ерга қаратадиган бўлсанг, аяб ўтирмайман. Отангдан бурун ўзим оёгингни уриб синдираман!

Муҳаббат худди кўрқиб кетгандай юзларини яна онасининг пинжига яширди.

* * *

Тошкентга қайтиб келган Муҳаббатнинг бир кўнгли гаш эди. Бир амаллаб суратини олишни ўйлаб қолди. Бу сафар дадасидан гап эшитмагани билан кейинги чақиртирганида тилини тишлаб қолиши мумкин. Нима қилса экан-а? Бўлди, Элёрни қидириб топади-да, суратини беришни сўайди. Сўрайдигина эмас, талаб қилади, бермаганига қўймайди. Бир қайсарлик қилиб туриб олса, бермай қаёққа борарди. Қизларга айтмай кетма-кет икки кун хиёбонга борди, аммо Элёрни учратолмади. Ўша ерда ўтирган рассомлардан сўраганиди, «Билмаймиз» деган жавобни эшитди. Аммо иккинчи куни бир рассом йигит: «У сизнинг суратингизни чизиб, анча машҳур бўлиб кетди, энди бу ерларга келмаса керак, обрўйини тўкиб» деди. Муҳаббат нотаниш йигитнинг ҳазил қилганини ҳам, жиддий гапирганини ҳам билолмади. Ётоғини билса ҳам Гулбаҳорнинг гапи ёдига тушиб «Қамалиб чиққан йигит»нинг хонасига бир ўзи боришга кўрқди. Кейин ўйлади, «Хўп, олиб келдим ҳам дейлик, лекин ўзига яна бошқасини чизиб олса-чи?» Боши қотди. Яхшиси, Иноятни кўндиради, бирга боришга. Суратини олмаса, бўлмайди. Ортиқча мишмишнинг кимга кераги бор! Барибир у йигитга тегмагандан кейин уришиб бўлса ҳам олиб кўяди.

Иноятга бу таклиф ёқиб тушди. Гулбаҳорга эса индамади. Ўқишдан кейин икки дугона Элёрнинг ётоғига борадиган бўлди.

— Бермаса-чи? — деди Иноят троллейбусдан тушиб Муҳаббатни қўлтиқлаб оларкан.

— Бермаса, жанжал қўтараман, дейман.

— Йўқ, унақа қилма!

— Нега?

— Сен кайфиятини бузиб қўйсанг, мен яхшилаб танишолмай қоламан, билдингми? Агар қамоқда ўтириб чиққанидан қўрқиб, севгисини рад қилаётган бўлсанг, мен қўрқмай танишавераман. Гулини ҳам айнигани яхши бўлди. Ўзича рақиб бўлмоқчи эди, менга. Носир акасининг олдида икки-уч марта қолдию овози ўчди. Биласанми, у йигитнинг ўзи бир хонада тураркан. Шунинг учун Гулихоним ликиллагани-ликкиллаган. Лекин қўрқмаганини қара. Уйимдагилар билиб қолса, шарманда бўламанку, деб ўйламайди ҳам.

— Қўй, бировни гийбат қилма.

— Гийбат қилаёганим йўқ. Фақат ақлини йўқотиб, ҳолмиладор бўлиб қолмасин, деяпман-да.

— Қўйсанг-чи, бўлмағур гапларни. Жа, унчаликка бормас.

— Бўлмаса, нега, бошқа хонага чиқиб кетди? Биз билан турса бўларди.

— Бўлди, Иноят, ўзинг ҳам жуда эзма бўлиб кетяпсан. Гули «Носир акам менга уйланмоқчи», — деб айтди-ку нима қиласан, ҳадеб ваҳима қилавериб.

— Айтишга айтди. Аммо турмушга чиққанида ҳисоб, Муҳаббат. Мана, сен йигитларга ишонмай тўғри қиласан, нечтаси орқангдан келса, ҳам қайрилиб қарамайсан, яхши гапириб жўнатиб юбораверасан.

— Бўлди, бўлди, Иноят, ётоқхоналарнинг номерига қарасанг-чи ундан кўра. Менимча анаву, эмасмикин?

Иноят гапдан тўхтаб, сумкасидан қоғозча олди. Бир қоғозчага, бир ётоқхона рақамига қараркан, «Тўғри топиб келибмиз» деди севиниб. Бироқ унинг севинчи узоққа чўзилмади. Ётоқхона кираверишида озғингина кампир

ярим татарчалаб Элёрнинг квартирага кўчиб кетганлигини айтди. Иноят аёлни гапга тутиб кўрди. Лекин «Мен қаёқдин билай, кизим» деган жавобни эшитди. Кейин Муҳаббатга юзланди:

— Бирорта ўртоғидан сўраб кўрамизми?
— Билишармикин?
— Хонадошлари билса керак, хола. Мен сўраб чиқсам, майлими?

— Ханасида закрит. Ана ключи асилик тура.

— Кўчиб кетганига анча бўлдими, хола?

— Бир айдан ашди-ёв.

— Бирор кун институтига ўтармиз. Кетдик, Иноят.

Қизлар ноилож ортга қайтишди. Муҳаббат хиёбондаги гапни эслади. «Демак, танилиб қолдим деб кўчада расм чизгиси, кўпчилик билан ётоқонада тургиси келмай қолибди-да. Бир марта телевизорга чиқиб, бурни шунчалар кўтарилиб кетдимикин? Тавба, обрўни яхши кўрарканда-а?».

Муҳаббат ётоқхонасига келгунча ўзи билан ўзи сирлашиб келди. Иноятнинг гапларига «ҳа» ёки «йўқ» деб жавоб берарди, холос.

* * *

Энди унинг хаёли бутунлай алғов-далғов бўлиб кетганга ўхшарди. Элёрнинг севгиси чин эканига, уни ҳамон унутолмай юрганига ишонди. Аммо нима учун индамай ташлаб кетибди. «Балки олдимга Нурали аканинг келаётганидан хабар топмикин?.. Ҳа, эшитган, бўлмаса, расмимни ташлаб кетмаган бўларди».

— Намунча хаёлга толмасангиз, тинчликми, ишқилиб?
— сўради Азамат деган йигит Муҳаббатнинг қўлларини ушламоқчи бўлиб.

Муҳаббат сесканиб кетди ва қўлини тортиб олди.

— Бу нима қилганингиз?

— Қарасам, жуда ўй суриб қолдингиз. Тинчликмикин, деб хавотирга тушдим-да, Муҳаббат.

— Илтимос, бундан кейин қўлингизни югуртирманг,

келсангиз, жўн келиб, жўн кетинг. Мен сизни бир жойдан эканлигимиз учунгина хонамизга киритдим, холос. Орамизда бошқа гап бўлиши мумкин эмас.

Ногоҳ эшик тақиллаб, ичкарига кимдир мўралагандай бўлди. Муҳаббат хиёл эгилиб эшикка юзланди. Юзландию...

— Малоҳат ая, сизмисиз? Келинг, кираверинг!

— Муҳаббат қизим яхшимисан, эсон-омон юрибсанми? — Меҳмон аёл қўлидаги каттагина сумкани шундоқ эшик олдида қолдириб, Муҳаббат билан қуюқ кўриша кетди. Нотаниш йигитга кўз қирини ташларкан «Яхшимисиз, болам?» деб қўйди, холос.

Муҳаббат стол устидан китоб-дафтарларини йиғиштирди-да, Малоҳат аяни ўтиришга таклиф қилди. Эллик беш ёшлар чамасидаги, сал тўладан келган, оппоқ юзли Малоҳат ая тинчлик-хотиржамлик тилаб дуо қилди. Сўнг биринчи гапи «Бу йигит ким бўлди?» деган сўров бўлди.

— Азамат ака, мединститутда ўқийдилар. Улар ҳам бизнинг районимиздан. Сизларни ҳеч ким хафа қилмаяптими, деб баъзида хабар олиб турадилар.

Муҳаббат бу пахта мавсумда ногоҳ танишиб қолган Азамат ҳақида бундан ортиқ гап топа олмади. Қўшни бўлимда пахта терган йигитга қанчалик рўйхуш бермасин келавериб безор қилганди. Ўқишга қайтгач, қутилдим, деб ўйлаганди, қаёқда, бир нимани баҳона қилади-да, ҳар ҳафта хонасининг эшигини тақиллатаверади. Одам ҳам шунақа безбет бўладими, гаплашмаганига қўймайди.

— Ҳм, шунақами? Ҳа, айтгандай, Гулбаҳор қаерда, ҳалигача ўқишдан келмадими?

Азамат ўнғайсизланиб бироз ўтирди-да кейин кетишга чоғланди. Аввал меҳмон билан, сўнг Муҳаббат билан хайрлашиб чиқиб кетди. Малоҳат ая Муҳаббатга синчков разм солди.

— Суҳбатларинг бўлдимми, дейман? Ишқилиб, ораларингда бирор гап йўқми?

— Э, қўйсангиз-чи, Малоҳат ая! Уйдагилардан ўлардай кўрқишимни биласиз-ку. Бу ер ётоқхона бўлгани учун ким бўлса, эшикни тақиллатиб келаверар экан.

— Киргизма, ичкарига. Яна бир ўзинг ўтиришингни, қара? Қани, бошқалар?

— Гулбаҳор бошқа хонага чиқиб кетган.

— Чиқиб кетган. Унда чақириб келақол.

— Тушунмадингиз, у бошқа хонага кўчиб ўтган, — Муҳаббат бироз хижолат тортгандай гапирди.

— Ҳозир бирга турмаяпсизларми? Нима, уришиб қолдиларингми?

— Нега уришамиз, Малоҳат ая. У икки кишилик хонага кўчиб ўтди холос.

— Бўлмаса, ўша ёққа чиқа қолайлик.

— Сиз ўтира тулинг, аввал қараб келай-чи, хонасида бормикин?

Хона берк эди. Муҳаббатнинг юраги орқасига тортиб кетди: «Яна ўша ёққа кетган бўлса-я!» Йўлакда бироз туриб қолди. Кейин ноилож хонасига қайтди.

— Кутубхонага ўтишган бўлса, керак. Эртага курс ишимиз бор эди, шуни ёзишмоқчи бўлганми?

— Унда сен нимага бормадинг?

— Мен... мен аввалроқ китоб олувдим, шунинг учун бормадим. Бунинг устига хонамизда навбатчиман. Ҳаммаёқни тозалаш, овқат пишириш менинг галим, денг.

— Ҳа, шунақами? Унақа бўлса, майлига. Ё, анаву йигитча билан гаплашгани қолдингми? — Малоҳат ая қошларини чимириб Муҳаббатнинг кўзларига қаради.

— Қизларимиз ҳам шу ерда, ҳозир келиб қолишади, — гапни бошқа ёққа буришга уринди Муҳаббат.

— Айтдим, қўйдим-да, қизим. Тўғри юриб, тўғри турсаларинг, ўзларингга фойда, ундан кейин бизнинг кўнглимиз ҳам тинч туради. Ҳа, айтгандай, раиснинг ўелидан совчи келяптийкан, деб эшитувдим. Негадир у йигит «йўқ», дебсанми?

— Қиз бор уйга совчи келиши одат экан-да Малоҳат ая. Сендан сўраб ҳам ўтиришмас экан.

— Гапинг тўғри, қизи бор уй кўприк бўлади, дейишарди оналаримиз. Шоҳ ҳам, гадо ҳам босиб ўтаверади. Лекин раисга келин бўлсанг...

— Э-э, қўйсангиз-чи.

— Тўгрисини айтавер, ҳозирги йигитда кўнглинг борми?

— Қаёқда!

— Унда хонангида нима қилиб ўтирибди?

— Эшикни тақиллатиб туравергандан кейин... очмасликнинг иложи ҳам йўқ-да.

— Пастдаги қоровул хотинга айтиб қўйларинг, киргизмасин.

— Э, Малоҳат ая, ҳозирги йигитлар уларнинг ҳам бошини қотириб ташлайди. Жуда йўлини қилолмаса, бошқа хонанинг номерини айтиб чиқиб келишади. Юқори курсда ётоқхонада яшаб бўлмас экан.

— Кватира яхшийканми?

— Билмадим-у, ҳар ҳолда кватирага йигитлар бормаса керак.

— Ҳа, энди, қаерда турсанглар ҳам инсофни ўзларингга берсин. Айтгандай, Гулбаҳор яхши юрибдими, ишқилиб? Ўқишлариям тузукми? Анчадан бери хат-пат ҳам ёзмайди.

— Яхши. Гулбаҳорни биласиз-ку, тиришқоқ қиз. Сиз ўтириб туринг, мен ҳозир чой қўйиб келаман. Кейин биргалашиб чой ичамиз, қишлоқдаги янгиликлардан гапириб берасиз.

— Қишлоқда нима янгилик бўларди, таниш-билишларнинг саломидан бошқа ҳеч нарса олиб келганим йўқ.

— Майлига-да, биз учун салом ҳам катта гап.

Муҳаббат чойнак-пиёлани кўтариб чиқиб кетди. Газ плитасига чойнакни қўяркан, яна хавотирга тушди. «Ишқилиб кечроқ бўлсаям, келсин-да. Бўлмаса...»

Малоҳат ая қизи Гулбаҳор каби гапга чечан аёл эди. Қанақа янгилик бўларди, деган одам бир зумда қишлоқнинг у бошидан кириб бу бошидан чиқиб кетди. Бўлиб ўтган тўй борми, маърака борми, мактабдаги тadbирларми-ей ҳаммасини эринмай гапириб чиқди. Чой ичиб бўлай дейишганда хонага Иноят кириб келди. Кўлидаги қоғоз пакетни шундоқ чап томондаги шкафнинг олдига қўйдиди, салом бериб меҳмон билан кўришди. Аёлни Гулбаҳорнинг онаси эканлигини эшитгач, хурсанд бўлиб кетди.

— Унда ўзим сизга зўр ош дамлаб бераман. Билганимдай сабзи олганимни қаранг. Бу ҳамқишлогингиз менчалик ош дамлашни билмайди. Паловхонтўра егилари келса, нукул менинг навбатимга тўғрилаб туришади.

Муҳаббат «ялт» этиб Иноятга қараркан, «Жим!» дегандай ишора қилди, лекин кеч бўлганди. Малоҳат ая ҳайрон бўлиб қизларга бир-бир қараб қўйди. Сўнг ичидагини яширолмай:

— Навбат кимники ўзи, тушунолмайд қолдим, — деб сўради.

Муҳаббат нима дейишини билмай довдираб қолди. Малоҳат аянинг сири, салобати босдимиди, айби очилганидан «дув» қизариб кетди.

— Иноят келгунча хонани йиғиштириб ўтиргандим, сизни кўриб навбатчиликни ўзим қила қолай дедим. Қачондан бери келганингиз йўқ, бир меҳмон қилсак, қилибмиз-да, — шундай дея Муҳаббат Иноят олиб келган нарсаларни пакетдан олиб, бир четда сабзи-пиёзни арчишга тушди.

Иноят нима гаплигини тушунмади. Дугонасига бир қараб қўйдию юз-қўлини ювишга чиқиб кетди. Муҳаббат орқасидан чиқмоқчи бўлди, аммо меҳмоннинг кўнглига келмасин, деб фикридан қайтди.

Қизлар ана-мана деганча ошни ҳам дамлаб қўйишди. Бу орада хонага нон ва салат кўтариб Лобар кириб келди. Бироқ Гулбаҳордан дарак йўқ эди. Болалар билан кинога тушиб кетгандир, деб Малоҳат аяни анча овутишди. Ҳатто ошхонада «Бориб келсакмикин, Носир аканинг олдига» деб бироз тортишди. Лекин Гулбаҳор уларга аниқ манзилни айтмагани учун ноилож қолишди. Дастурхонни йиғиштиришди, минг бир хижолатда ётишга тайёрланишди. Бу орада Гулбаҳорнинг хонасига неча марта бориб келишганининг саноғидан ҳам адашишди. Соат ўн бирдан ошгандан кейин Малоҳат ая жойида ўтиролмай қолди.

— Шу пайтгача қаерда юриши мумкин? Нега сенларнинг хабаринг йўқ?! Қанақа дугона бўлдиларинг!

Бу савол энди ҳар ўн дақиқада такрорлана бошлади. Қизлар нима қиларини билмай, бир-бирларига термули-

шар, ўқдай қадалаётган нигоҳга чидай олмагани боис, ниманидир баҳона қилиб ташқарига чиқиб кетишар ва шундагина хижолатдан, савол-сўроқдан биров қутулгандай бўлишарди.

— Очиғини айт, Муҳаббат, сен унинг қаердалигини биласан, билмаслигинг мумкин эмас. Агар бирорта ўртоғиникида қолган бўлса, ўша ерга бориб олиб келайлик! Ҳозироқ тўғриси айтмасанг, деканингни уйига телефон қилдириб, қизимни топиб бер, дейман. Агар айтмасаларинг, шунақа қиламан! Мени биласан, ўн етти йилдан буён мактабда директор бўлиб ишлашимни, ҳеч нимадан тап тортмайман-а, райком билан ҳам тиккама-тикка гап-лашаман-а?! Шунинг билганидан кейин яширмай очиғини айт!

— Менга индамай кетган, агар билганимда айтмасмидим, Малоҳат ая! Ахир ўзим сизнинг олдингизда хижолат бўлиб ўтирибман-ку!

— Сен ақилли қизсан, очиғини гапирсам... сени ўзим келин қилиш ниятим борийди. Аммо колхоз раисининг ўғлидан совчи келяптийкан, деб эшитиб тўхтаб турган ерим эдим. Шунинг учун бор гапни мендан яширма қизим! Гулбаҳорнинг юриш-туришидан хабардор бўлишим керак.

Муҳаббат бу гапни кутмаган эди Малоҳат аядан. Унинг Анвар деган ўғлини уч-тўрт марта кўрганди, Гулбаҳорнинг олдига келганди. Лекин на дугонаси, на акаси бу ҳақда гап очишмаганди.

«Бу ёғи жуда қизиқ бўлди-ку! — дея ўйга толди Муҳаббат ошхона деразасидан қоронгулик қаърига тикиларкан. — Бир оғиз мендан сўрамасдан ўзига келин қилмоқчи бўлибдилар-да. Тавба». Лекин унинг хаёли тезда Гулбаҳорга кўчди. Дугонасини топиш кераклигини, бўлмаса тўполоннинг каттаси рўй беришини ўйлаб, юраги безиллай бошлади. Лекин қаердан топади? Шу тобда қаерга боради? Малоҳат аяни бир амаллаб эргалабгача тинчлаштириш керак. Бўлмаса, иш чатоқ. Муҳаббат юрагини ҳовучлаб зўрға хонасига қайтди.

Шу куни ҳеч ким ухламади.

Шу кечаси тонг отиши жуда қийин бўлди.

Шу кеча онанинг юраги чилпарчин бўлди.

Шу кеча қизлар эшикка термилиб тонг оттиришди.

Гулбаҳор тонг саҳарда қайтиб келди. Онасини кўрдию турган жойида қотиб қолди. Энди қиёмат бошланса керак, деб ўйлади Муҳаббат. Бироқ дугонасининг хонасидан шовқин овози эшитилмади. Онанинг юраги нима гаплигини сезди. Қизи қанчалар баҳона ўйлаб топмасин, ўзини оқламасин, ялиниб ёлвормасин, саёқ юрганини пайқади. Бақирмади, чақирмади, Гулбаҳорнинг юзига бир шапалоқ кўйиб, «Берган оқ сутимни оқлолмадинг, кўрнамак қиз!» деди.

Гулбаҳор шу куни ўқишга бормади.

Малоҳат ая эрталабданоқ нарсаларини йиғиштириб Фарғонага қайтиб кетди.

* * *

Давлат имтиҳонлари бошланишидан аввал уйга бориб келишга қарор қилган Элёр кечкурун поездга чиқмоқчи бўлди. Ота-онаси билан гаплашиб кўради, агар улар рози бўлишса, Тошкентда қолиб ишлайди. Нияти шу. Агар ўйланишдан гап очишса... Нима дейди? Яхши кўрганим бор, дейдими ёки сизларги ёққан қизга совчиликка бораверинглар, деб айтадими? Юрагида ўзга қизга жой йўқ бўлса, нима қилиш керак?

Муҳаббат, Муҳаббат! Наҳот, бу қизнинг қалбини забт этолмаган бўлса? Ахир севгисини тўрт қатор бўлса ҳам ўзи тўқиган шеър орқали баён этди-ку! Ёки бу ҳисоб эмасмикин-а? «Барибир олдидан бир ўтишим керак. Очигини гаплашиб олишим лозим. Ёнига ким келса, келавермайдими? Нега, мен тўхтаб қолдим. Нега шаштимдан қайтдим? Гулбаҳорнинг бир оғиз гапи билан севгимдан воз кечаманми? Балки у атай айтган бўлса-чи? Мени Муҳаббатдан совитиш учун айтган бўлиши ҳам мумкин-ку. Нега дарров иккиланиб қолдим? Йўқ, Муҳаббат мен ўйлаган қизлардан эмас. У бошқача! Албатта олдига боришим, у билан юзма-юз ўтириб, кўзларига қарашим керак! Шундагина ҳаммасига ойдинлик киритиш мумкин. Шундагина ҳар қандай шубҳа-гумонга ўрин қолмайди».

Элёрнинг бир кўнгли кетиш олдидан гаплашиб ол, деса, бир кўнгли аввал уйдагилар билан маслаҳатлаш, ҳали Тошкентда қолишинга рози бўлишадими-бўлишмайдими, шунга қараб бирийўла мақсадингни ҳам айтасан, дерди. Боши говлаб, нима қиларини билай турган йигитга иккинчи фикр маъқул келди. Тўғри-да, олдин ота-онасининг фикрини билсин, ҳали нима гапу нима сўз. Агар ўзинг биласан, ўғлим, энди бизнинг юзимизни ерга қаратмайдиган иш қилсанг, бўлди, дейишса, олам гулистон. Йўқ, биз энди қариб қоляпмиз, одимизда турганинг маъқул, дейишса, унга қараб бир нима дейди. Ҳа, аввалига уйга бориб, кўнглини хотиржам қилади. Энг муҳими, шу.

Қишлоқларидан шу пайтгача ҳеч ким телевизорга чиқмаган эди. Уни ҳамқишлоқлари очиқ чехра билан кутиб олишди. Йўлда кўринганки, тўхтаб сўрашган, табриклаган, омад тилаган эди. Аслида фақат устози телевизорда унинг икки-учта суратини кўрсатиб, озгина мақтаб ўтганди холос. Шунга шунчаликми, агар ўзи телевизорга чиқиб қоладиган бўлса, қаҳрамонга айланар экан-да.

— Тошкентда қолиб ишлашни тўғри ўйлабсан. Катта шаҳарда иш ҳам, пул ҳам топилади. Отам раҳматли айтганди, ўнта бараканинг тўққизтаси шаҳарда деб. Балки бу гап бежиз айтилмагандир, — деди Элёрнинг дадаси ўғлининг фикрларини обдан эшитиб олгандан сўнг босиқлик билан. — Хуллас, ўғлим, ўзингга қара, агар пойтахтда ишлашга кўзинг етса, мен қарши эмасман.

— Ўша расмларини шу ердаям чизиб юраверса бўлмайдими? — деди она умид билан бир ўғлига, бир эрига қараб.

— Сен, болаларнинг келажагини ҳам ўйлайсанми, ўзи? Бу ерда кимга керак унинг расмлари? Пойтахт, пойтахтда барибир. Ана, устози айтгандай, чел элларда намоиш қиладиган бўлса борми, ўғлингдан зўри бўлмайди! Бу даражага етиши учун эса... ўғлингга шароит керак, муҳит керак! Тушундингми?

— Э, сиз, шунақа деяверасиз-да. Тошкентда ёмон одамлар йўқми? Ўғлим бечорани нима қилишди, бошида. Емаган сомсасига... Яна жабр кўрмасин, дейман-да.

— Бўлди, бўлди, Худо хоҳласа, энди жабр ҳам, зулм

ҳам кўрмайди. Ҳаммаси яхши бўлади. Шаҳарда яшагандан кейин уринади, туртинади, кейин одамлар қаторига қўшилади-да. Бўлди, энди, қани, тур, ошга урин! Кечкурун кетадиган бўлса, бугун бир ошхўрлик қилайлик, ўртоқ рассом билан. Ҳали машҳур бўлиб кетса, бу ерларга келишга вақти бўладими-йўғми?

Ҳам қулимсираган, ҳам йиғламсираган она «Ҳазилингиз ҳам бор, бўлсин», — дедию ўрнидан туриб ошхона томон йўналди. Ота ўғлининг елкасига қадоқ қўларини ташларкан, «Астойдил бўл, ўғлим!» деди меҳр билан.

Элёр эсини танигандан бери даладан бери келмаган дадасининг шу қадоқ қўлларини юзига босгиси, тўйиб-тўйиб ўпгиси келди. Кўзларига келган ёшни яширмоқчи бўлдими ёки қачонлардан бери дадасининг тиззаларига бош қўймаганини эслаб эркалангиси келдими, ўзини аста дадасининг пинжига олди. Ранги анча ўнгиб қолган тўндан ажабтовур ҳид димоғига урилди.

Бу қадрдон уйининг, қишлоғининг, кенг далаларнинг бир-биридан айириб бўлмас ҳиди эди...

Кечкурун вокзалда Элёр учун кутилмаган учрашув рўй берди. У билет олиш кассага яқинлаша туриб ногоҳ катта залнинг бир четида бегона йигит билан турган Муҳаббатга кўзи тушиб қолди. Муҳаббат йиғлаган бўлса керакки, мушти билан кўзларини ишқалар, нотаниш йигит эса унинг елкаларини силаб юпатар эди. Элёр орқадан кимдир «Юрмайсизми?» деб туртгандагина билет олиш учун навбатда турганлигини эслади. «Муҳаббат билет олганмикин? Қайси вагонга чиқаркин?»

— Хўш, йигитча, гапиринг!

— Тошкентга билет борми?

— Фақат обшийга!

— Унда керак эмас.

— Керак бўлмаса, яна яхши.

Элёр одамлар орасига ўтди. У Муҳаббатни кузатарди. «Билет олганки, бемалол турибди, ёнидагиси ким бўлди, акасимикин? Нега, Кўқонда юрибди? Уйига келган бўлса, энди Тошкентга қайтаптимикин?». Қизиқиши, аини пай-

тда ҳадиги ортиб борар, бир жойда ўтиролмас, «Билети бор бўлса, қайси вагонга экан?» деган ўй хаёлида тинимсиз чарх урарди. Бир пайт галати фикр келиб қолди. Сотиға қаради, йигирма дақиқача вақт бор. Бемалол улгурса бўлади.

— Кечирасиз, синглим, бир минутга мумкинми, сизни?

— Вой, манабуларни, нима ишингиз бор манда?

— Илтимос, йўқ, деманг, ҳозир ҳаммасини тушунтираман.

— Қўйворинг, кўлимни!

— Илтимос, аввал эшитсангиз-чи.

Элёр қизни деярли ташқарига судраб чиқди. Кўрқиб кетган қизнинг бир зумда ранглари оқариб кетди. Нотаниш қиз аввалига кўнмади, уришиб берсалар нима дейман, деб тихирлик қилди. Элёр охири кўнмаганига қўймади. Кўқонлик қиз ноилож рози бўлди.

— Нега, манга айтяпсиз бу гапларни ёки сиз билан бирор ерда кўришганмизми?

— Билмадим, юзингиз негадир таниш кўринди, шунинг учун бемалол гапиравердим. Чунки вақт кам қолди, ҳозир поезд келиб қолса, кейин фойдаси йўқ. Илтимос, бир жойдан эканмиз, мениям фойдам тегиб қолар.

— Юридийскийда ўқийсизми?

— Йўқ, театральнийда.

— Театральнийда?! Ростданми? Демак, институтда кўрган экансиз-да?

— Бўлиши мумкин. Фақат мен рассомчилик факультетида ўқийман. Сиз-чи?

— Ман, актёрлик-да. Исми Дилдора.

— Ў-ў, роса одамани топибман-ку. Энди актёрлик маҳоратингизни ишга солмасангиз бўлмайди, Дилдорахон! Агар ёнида акаси бўлмаганда... сизни хижолатга қолдириб ўтирмасдим. Илтимос, борақолинг!

Дилдора сумкасини елкасига илди-да, Муҳаббат томон илдам юриб кетди.

— Кечирасиз, опа, Тошкентга кетяпсизми?

Муҳаббат нотаниш қизга ҳайрон бўлиб қаради.

— Манам Тошкентда ўқийман, шу десангиз, аям билан билетимиз бошқа-бошқа вагонга бўлиб қолибди, денг. Агар хўп десангиз... Сизники, қайси вагон ўзи?

— Ўн еттинчи.

— Пласткартнийми? Маникиям, пласткартний вагон. Жойингиз номерини биласизми?

— Ўн иккинчи шекилли.

Шу пайт Муҳаббатнинг олдида турган йигит чекиш учун ўзини сал нари олди.

— Ўн иккинчи жой пастми ёки тепами?

— Тепа бўлади.

— Ростданми, вой, ўлсин. Агар пастдан бўлганда жуда яхши бўларди-да.

— Сизникиям тепамиди?

— Э, ўлсин, иккаласини ҳам тепадан берибди, денг. Бўлмаса, устига пул бераман, деб айтдим.

— Бирортаси билан алмашиб оларсиз.

— Шунақа қилмасам бўлмайди, унда аямлардан сўраб кўрай-чи, алмаштиравер, десалар... ман ҳозир келаман.

Элёр Дилдора келгунча «Бу қиз намунча кўп гапирди-а?» деб сиқилиб кетди. Келганидан сўнг бўлган гапларни эшитиб «Қойил, сизга, ростдан ҳам талантингиз бор экан, актёрликка!» деб мақтаб қўйди. Сўнг хайрлашаркан, хушчақчақ овозда деди:

— Каттакон раҳмат, сизга. Агар бирорта театрда ёки кинода роль ўйнасангиз албатта бориб кўраман!

Бу пайт поезд вокзалга кириб кела бошлади. Дилдора қўлларини силкиб хайрлашган бўлди. Элёр шошиб Муҳаббатга қаради. Кейин аста ортидан юриб, вагонга чиқишини кутди. Чиқувчилар сийраклашгач, вагон назоратчисининг қўлтиғидан ушлаб сал нарига бошлади.

— Тошкентгача билет нархи етти сўм, сизга неча пул берсам, вагонга чиқарасиз!

— Мардга мардмиз, уагинам! Саккиз сўм берсанг, учинчи қаватдан матраси билан жой қилиб бераман.

— Мардга, бизам мардмиз акагинам. Ўн сўм бераман, жойингизни бўшатиб берасиз!

— Бизни жой ўн икки сўм туради, уагинам!

— Ўн икки сўм бўлса, ўн икки-да! Қўлни ташланг. Фақат бир илтимос, ўн иккинчи жойда менга қарашли қиз кетяпти. Шу қизнинг рўпараси-да одам борми?

— Ҳозир кимдир чиқди-ёв.

— Майли-да, ўша одамни ўзингизга жойлайсиз. Мен у қиз билан гаплашиб кетишим керак. Ҳал қилиб оладиган муҳим гапларим бор. У ёғини тушунарсиз...

— Юракдан урганми, дейман.

— Ургандаям, тешиб юборган!

— Ў-ҳў! Дардинг оғир экан, уағинам, Нимаям дердим. Лекин... тўхта, рўпарасида аёл киши бўлса-чи?

— Унда купеда бирорта эркак бўлса, ўшани кўндира-сиз. Бирор баҳона топарсиз, ахир.

— У ёғини менга қўйиб беравер, келин-куёв бир жойда кетмаса, бўлмайти, деб қотираман гапни. Мардга мардмиз, уағинам. Ёки икковингни ўзимнинг хонамга қамаб қўяйми-а?

— Йўғ-йўғ. Биз кўпчиликнинг орасида гаплашиб кетаверамиз. Қиз бечора яна мени ёмон йигит экан, деб ўйламасин! Уйлангунча шўхлик қилмай турай, ака.

— Бу гапинг ҳам тўғри. Ошинг ҳалол бўлса, кўчада ич, дейишган, ота-боболаримиз.

— Тушунган одамнинг садағаси кетсанг, арзийди. Пулни нима қилай, ҳозироқ...

— Тиш-тиш. Чиқавер, вагонда гаплашамиз.

— Мен, Элёрман. Танишганимдан хурсандман, ака. Раҳмат, сизга. Зўр яхшилик қилдингиз-да.

— Мени Тўхтасин ака, деяверасан.

— Э, яшанг, Тўхтасин ака.

— Агар ўша қизинга уйлансанг, тўйга айтишни унутма, бўптими?

— Бўпти, агар ўзим келолмасам ҳам Муҳаммаджон акадан албатта айтгизиб юбораман. Биргалашшиб борасизлар, хўпми?

— Ким, у, Муҳаммаджон аканг?

— Еттинчи вагонда проводник бўлиб ишлайдилар. Қўшним бўладилар.

— Э, шунақа, дегин, тоза мени қўлга туширибсанку-а,

сен бола!

— Бу гап шу ерда қолади, у ёгидан кўнглингиз тўқ бўлсин. Мардга, мардмиз, ака.

— Ҳа, мана бу гапинг зўр бўлди.

— Бўпти, унда, мен чиқдим, вагонга.

Элёр вагонга отилди.

Вагонга чиққан Элёр дарров ичкарига кирмади. Поезд юргунча танбурда турди. У чиқаётган йўловчиларни кутаркан яна шумлиги тутди. Қанақа бўларкин, бачкана демасмикин, деб иккиланди ҳам, аммо поезд бир оз тезлашиб, ҳамма ўз жойига ўрнашгандан кейин жим туролмади. Қўлидаги каттагина сумкани вагон назоратчининг хонасида қолдираркан: «Чироқни ёқмай туринг! Мана буни эса бир минутга бериб турасиз» деди-да Тўхтасин ака исиб кетганиданми, эндигина ечган фуражқасини бошига кийиб, ичкарига томон юрди. Учинчи купега етай деганда атай овозини бошқачароқ қилиб «Қани, Қўқонда чиққанлар, билетларни кўрсатинглар-чи», деди. Аксига олиб бу купега ўтирганларнинг ҳаммаси чўнтак ковлашга тушиб қолди. Элёр тишини-тишига босди. Йўловчилар уни назоратчининг шериги бўлса керак, деб ўйлашдими, индамай билетларини кўрсатишди. «Билет текширувчи»нинг нигоҳи эса билетлар оша ойнага термилиб ўтирган Муҳаббатга қадалган. Унинг кайфияти йўқлигини билиш унчалар қийин эмасди. Муҳаббатнинг хаёли бўлинди чоғи, тиззасидаги сумкасидадан истамайгина билетини олди-да беихтиёр «назоратчи»га узатди.

— Кечирасиз, синглим, билетингиз эртанги поездга экан!

— Йўғ-е... .

— Нима, билетингизга... қарамадингизми?.

— Ахир, акам, бугунга деганди-ку, — Муҳаббат билетини «назоратчи»нинг қўлидан олди-да ёзувига тикилди. Лекин ним қоронгида ҳеч нима кўролмади.

Бир зумда купедаги ўзаро гап-сўз тўхтаб, ҳамма «Эртанги билети билан поездга чиққан қизга» ажабланиб қарай бошлади.

— Чироқни ёқса, бўлармиди, — деди кимдир орқа томондан.

— Поездни тўхтатсам, тушиб қоласизми?

— Нега, энди? — ҳамон билетининг қайси кунлигини билолмаган Муҳаббатнинг овози титраб чиқди.

— Вой, унақа қилманг, болам, — шу пайт Муҳаббатнинг ёнида ўтирган катгароқ ёшдаги аёл гапга аралашди. — Бўлар иш бўпти, энди, қиз бечорани қийнамай қўя-қолинг!

— Бугун число неччи ўзи? — шошиб қолган Муҳаббат бугун қайси кунлигини ҳам эсидан чиқариб қўйганга ўхшарди.

Элёр нима дейишни билмай қолди. Ўйлаб кўрса, ўзининг ҳам ёнида йўқ экан қайси кунлиги. Энди, нима дейди? Қараса, ҳазил чинга айланиб кетадиган. Узр сўраб дарҳол ўзини таништирамоқчи бўлди. Бироқ, «Муҳаббатнинг кайфиятини баттар бузиб қўйсам-чи?», деган ўйга бордию фикридан қайтди.

— Қаерга кетаётганингизни биларсиз, ўзи?

— Тошкентга!

— Ҳозир бошлиғим билан гаплашиб келай-чи, нима деркин.

— Шунақа қила қолинг, болам. Бечора қиз поездга чиққанидан бери жим ўтирибди. Кимдир хафа қилганми, ташқарига тикилгани-тикилган. Ўзимиз ҳам нима гаплигини билолмай турувдик. Танимаган одамнинг дабдурустдан бир нима дейиш қийин экан.

Элёр ортига қайтди-да, бошидаги фуражкани ечиб вагон назоратчисининг олдида бироз турган бўлди.

— Бир нарса қилиб келдинг-ов, сен бола? — сўради вагон назоратчиси мийиғида кулимсираётган йигитдан, нима бўлганига қизиқиб.

Элёр қўлидаги чиптани кўрсатиб нима қилганини гапириб берганди. Тўхтасин ака ҳам ўзини тутолмай кулиб юборди.

— Энди, чироқни ёқсангиз ҳам бўларверади. Бориб билетини бериб келай, юраги така-пука бўлиб ўтиргандир.

— Яхши кўрган қизинг билан шунақа ҳазил қиласанми? Бор, тезроқ!

Элёр у ёқ-бу ёгини тўғрилаб, чуқур-чуқур нафас оларкан энди нима дейиш ҳақида ўйлай бошлади.

— Бошлиғимиз, яхши қизмикин, деб сўрадилар. Ман, яхши қизга ўхшайди, дедим. Агар яхши қиз бўлса, кетаверсин, дедилар. — Элёр охирги жумлани ўз овозида гапирди.

Муҳаббат «ялт» этиб таниш овоз эгаси томон қаради.

— Элёр ака! Вой, сизмисиз?

Элёр мийиғида кулиб қизнинг ёнига ўтиришга чоғланди.

— Ийе, бу йигит танишингмиди, ҳали? — бирдан сўраб қолди ҳалига раҳмдил аёл ўртадаги гап-сўзларга ҳайрон бўлиб.

Муҳаббат зўрға бошини қимирлатди, у шу тобда на кулишини, на йиғлашини билолмай турарди.

— Ҳазилинг ҳам бор, бўлсин, болам. Ўтир, ўтирақол. — Аёл Элёрнинг елкасига уриб кўяркан, сал сурилиб жой берди. Кейин ўзи ҳам кулимсираб, гапида давом этди, — Нега, қиз бечорани бунақиб кўрқитмасанг? Сан келгунча йиғлаб юборишига сал қолди.

— Ўзингиз айтдингиз-ку, вагонга чиққанидан бери нимагадир хафа деб, шунга кайфиятини бир оз кўтарай дедим-да.

— Ҳа, майли, майли, ишқилиб омон бўлинглар, болаларим! Маниям санга ўхшаган шўхатой неварам бор, Тошкентда. Уч ой келмаганига соғиниб қолдим дегин. Шунга, келишиниям кутмай, сингисини етаклаб кўргани кетяпман-да.

— Э, саломат бўлинг, хола! Қанийди, мениям сизга ўхшаган бувимжоним бўлганда, мазза қилиб Тошкентни айлантирган бўлардим.

— Неварамни тополмасам, тўғри олдингга ўтаман, бир хумордан чиқиб айлантирасан, хўпми?!

— Бўлди, келишдик, хола! — Элёр қувноқ ва ҳазилкаш ҳола билан орани очиқ қилиб Муҳаббатга юзланди. Назарида у тасодифий учрашувга ҳамон ишонқирамаётганга

ўхшарди.

— Қўқонда нима қилиб юрибдилар?

— Ўзим шундай, — билетни сумкага жойлаган Муҳаббат йигитдан ўзини бир оз нари олди.

Бу ҳолатни Элёр жиддийга йўйди ва қиз томонга энгашиб деди:

— Қачонгача қочиб юрмоқчисиз?

— Ким кимдан қочиб юрибди, ўзи? — Муҳаббат йигитга кўз қирини ташлаб, астагина жавоб қилди.

Элёр бу жавобдан гина аралаш аразни пайқагандай бўлди. Наҳот, Муҳаббат уни кутган бўлса? Бу фикрдан кейин Элёр ўзидан икки-уч ёшлар чамаси кичик йигитга юзланиб деди:

— Буни қаранг, ёдимдан кўтарилибди, сизни Тўхтасин ака сўраётганди, боринг-чи, нима деркин?

— Ким у Тўхтасин ака? — сўради ҳайрон бўлган нота-ниш йигит.

— Тўхтасин аками? Шу вагоннинг проводниги.

— Тушунмадим, вагонга чиқаётганимда билетимни кўрдилар-ку.

— Сиз бораверинг-чи, бекордан-бекорга чақирмасалар керак. Элёр жўнатди, десангиз, бўлди.

Йигит бир оз иккиланиб турди-да, ноилож ўрнидан турди. Элёр худди шуни кутиб тургандай бир зумда Муҳаббатнинг қаршисидан жой олди. Муҳаббат Элёрга маъноли қараб қўйди.

— Ўзингизнинг билетингиз йўқми, дейман?

— Проводник таниш чиқиб қолди, билет оламан, десам, сира кўнмади. Хафа бўлмасин деб...

— Тушунарли. Лекин кассада барибир билет йўқ эди. Акам таниш-билиш қилиб кеча зўрға тўғрилабди.

— Ёнингизда турган акангизми-ди?

Муҳаббат тасдиқлаб бош қимирлатди. Шу пайт ҳалиги йигит келди-да, бирдан Элёрга қўл узатди: «Мардга бизам мардмиз!». Элёр иш ҳал бўлганлигини билиб жойини берган йигитнинг қўлини маҳкам сиқиб қўйди. Нотаниш йигит тепадан нарсаларини оларкан «Тўйга Тўхтасин ака билан бирга борадиган бўлдик» деди атай Муҳаббат ҳам эши-

тадиган қилиб.

— Ёрдамлашиб юборайми? Акам жуда қаттиқ тайинладилар. Албатта, боринглар. Водийнинг энг зўр артистлари келади! — Элёр эпчилик билан ўрнидан туриб ўзича йигитга ёрдамлашган бўлди.

— Шерали Жўраев ҳам келади, денг?

— Шерака энг биринчи айтилган.

— Бўлди, ака, яна хизматлар бўлса, бемалол!

— Раҳмат, сизга.

Йигитлар кулишди. Яна бир мартадан қўл ташлашиб хайрлашдилар.

— Жойни қўлга киритдингизми?

— Тасодифни қаранг, бир жойга икки киши тўғри келиб қолибди. Биз ўзбеклар жуда одамшанаванда, бир-бирига меҳр-оқибатли халқмиз-да. «Сиз кетақолинг, шу ерда», деб ҳурмат қилса-я!

— Сизни истеъдодли рассом деб ўйласам, актёрликдан ҳам хабарингиз бор экан-да.

— Ахир институтимиз битта-ку, таъсири бўлса керак. Чой-пой ичамизми ёки сал кейинроқми?

— Менинг қорним тўқ.

— Нега хафа кўринасиз? Уйда бирор гап бўлдими?

— Э, арзимаган гап.

— Вокзалга келганингиздан буён йиғлаяпсиз-ку, шу арзимаган гапми?

Муҳаббат йигитнинг кўзларига тезгина қараб олди ва бирдан кўнгли яна бузилиб кетди. Агар ёлғиз бўлганларида йиғлаб-йиғлаб юрагини вайрон қилган воқеани Элёр акага гапириб бериш истаги туғилди. Бироқ шу тобда одамлар олдига сир бой беришни ўзига эп кўрмади.

— Ҳа, айтгандай, сурат учун катта раҳмат. Олиб келасиз, деб ўйламовдим.

— Нега, энди? — Элёр қизнинг уйида жиддий муаммо пайдо бўлганини пайқаган бўлса-да ортиқча савол бермади.

— Жуда қаттиқ ишлаяпсиз шекилли, бирров келиб кетибсиз, холос.

— Аксинча, баъзилар Азамат деган йигит билан учра-

шиб юриб, биздай оддий рассомни унутиб юборганга ўхшайди, — деди Элёр қизнинг гапини бўлиб.

Нигоҳлар тўқнашди.

«Гапим, тўғрими?» деган маънони англади Муҳаббат йигитнинг ўткир қарашларидан.

«Гулбаҳор чақибди-да» деган хижолатни пайқади Элёр қизнинг пирпираган кўзларидан.

— Ўғлим, жа, гапга берилиб кетдинг, чой ичишни эсдан чиқариб қўймадингми, ишқилиб? Ке, ҳоланг ўргилсин, аввал бирор нарса еб олайлик, кейин бемалол гаплашиб ўтираверасизлар. Неварам бечоранинг эса қорни очиб кетди.

— Бўлди, холажон, ҳозир ўзим чой дамлаб келаман!

— Анови проводник танишинг бир-икки қараб кетди, эътибор ҳам бермадинг.

— Шунақами? Ҳозир борай-чи, унда!

— Поезднинг шовқиниям қулоғингга кирмаяптию...

— Уялтирманг, энди, холажон. Қачондан бери бу қочоқ қизни тутолмай юрувдим. Тасодифан учрашиб қолганимизни қаранг.

— Ҳа, майли, мана энди ҳеч қаёққа қочиб кетолмайди. Бир пиёла иссиқ чой ичиб олсак, биз она-бола ётамыз, сизлар эса Тошкентга етгунча мириқиб гаплашиб кетаверасизлар.

Элёр холанинг илмоқли гапларига кулиб қўйди-да, ўрндан туриб нари кетди. Муҳаббат уялиб яна ойна томонга юзини бурди.

— Тур, Нодирахон, шу акангнинг орқасидан боргин, қўл ювадиган жойни кўрсатиб юборади. Кириб қўлларингни ювиб чиқасан. Озгина у-бу еб олгин. Кейин жойингни солиб бераман, мазза қилиб ухлайверасан. Бир ухлаб турсанг, Тошкентга етамыз. Борақол, она қизим. Ё, ўзим олиб борайми?

Ўн бир-ўн икки ёшлардаги қизча катта бўлиб қолганлигини билдириб қўйгиси келдими, бошини қимирлатиб рад жавобини берди.

— Йигитингми? — сўради хола набираси кетгандан сўнг чиройи очилмаган қизни ўзига қаратиб.

Кутилмаган саволдан довдираб қолган Муҳаббат қандай қилиб «Йўқ» деб юборганини ўзи ҳам билмай қолди. Кейин жавобимни яна кимдир эшитишмадимикин, дегандай атрофга жовдираб қараб қўйди.

— Лекин у йигит сани жуда яхши кўраркан. Қардан билдингиз, демоқчимисан? Кўзлари айтиб турибди. Агар синчиклаб қарасанг, санам сезасан. Демоқчиманки, агар яхши йигит бўлса, қўлдан чиқарма.

— Билмадим. Бир-икки гаплашганман, холос.

— Яна ўзинг биласан, қизим. Аммо унутма, иложи борича сан яхши кўрган йигитга эмас, сани яхши кўрадиган йигитга тег. Шунда янглишмайсан.

Муҳаббат холанинг гаплари самимий эканлигини ҳис қилди. Шунда унинг қалби юмшагандай бўлди ва шу аёл билан дардлашгиси келди. Аслида, у онасига юрагининг бир четига туғиб қўйган кўп гапларни айтмоқчи, фикрини сўрамоқчи, маслаҳатини олмоқчи эди. Аммо бирортасини гапиролмади, уни кутиб турган кўнгилсиз воқеадан қайтага қалби дарз кетди.

... — Сен қиз нималар қилиб юрибсан, ўқишда? Ҳаҳ, сени Тошкентга юбормай мен ўлай! Ўқисин, одам бўлсин, десам, сенми ҳали юзимни ерга қаратадиган! Сенми ҳали қишлоқда обрўимни тўкадиган! Қани, бу ёққа юр-чи!

Эндигина сўрига ўтирган Муҳаббат юзига фотиҳа тортар-тортмас ўрнидан қўзғалиб бирдан ўдағайлашга тушган онасининг ваҳожатини кўриб анграйиб қолди. Султоной ая баланд бўйли, қотмаган келган, аммо унча-мунча ишни кўрдим, демайдиган кучли аёл эди. Муҳаббат ёшлигиданоқ аясида кўрқарди. Бирор ноҳўя иш қилиб қўйса, ўша кун калтак нақд эди. Шунданми, дадасидан эмас, аясида чўчирди. Ая эса ноҳақликни, қинғир ишни ва алдовни кечирмасди. Бу борада унинг фикри қатъий эди: бола беш ёшга киргунча унга подшога муомала қилгандай хизмат қилиш керак. Беш ёшидан балоғатга етгунча эса қулга муомала қилгандай хизмат қилдириш лозим. Уйлаб-жойлаб қўйганингдан кейин эса, билганини қилсин. Ота-боболаридан эшитган насиҳат Султоной аянинг ми-

ясига шундай мустақкам ўрнашиб қолгандики, энди уни бу фикрдан, тарбиянинг бу усулидан воз кечишга ҳеч кимнинг кучи, иродаси етмас эди.

Нима гаплигини билолмаган Муҳаббат аясининг ич-кари хонага силтаб-силтаб тортқилашидан баттар ваҳимага тушди. Кичикроқ даҳлиздан ўтиб кириладиган бу кенг хона — уларнинг калтак ейдиган, сўровга жавоб берадиган жой эди. Ёшликдаги шўхликлари ва унинг ортидан бу ерда содир бўлган кўнгилсиз воқеалар ёдига тушиб, юраги орқасига тортиб кетди. Хонанинг бир томонига гулдор гилам осилган, рўпарадаги оқ тўрли парда орқасида кўрпатўшак тахлаб қўйилгани кўриниб турибди. Оёқ тагида қалин хива гилами. Ёшлигида аяси уларни нима учун айнан шу хонага олиб кириб қулоқларини, елкаларини бураб-бураб олишларига ақли етмаган экан. Кейинроқ мактабни битириш арафасида, тергаб туришлардан анча қутулган пайтда эрқаланиб ўтириб, аста сўраб олганди: аясининг айтишича бу хонадаги шовқин-сурон кўчага эшитилмас эмиш. Ишонмасдан опа-сингил бақариб кўришди, рост экан.

Худди шу хонага деярли судралиб кириб келган Муҳаббатнинг хаёлидан нималар ўтмади, дейсиз. Нима айб қилдим экан, деб ўйининг охирига етолмаган кап-катта қиз нечундир титрай бошлади.

— Нима бўлди ўзи, ая? Уришмасдан аввал тушунтирмайсизми? Мен сизга ҳалиям кичкина боламанми?

— Ҳм, энди катта бўлиб қолдиларми, кўнгиллари эр тусаб қолдими? Ҳеч ким кўрмаяпти деб, бегона йигитлар билан қўл ушлашадиган бўлиб қолдиларми? Ота-онасининг қўни-қўшнилар олдида шарманда бўлиши билан ишлари йўқми? — Ҳар гапнинг охиридаги «ми» тугаши билан Муҳаббатнинг юз-кўзларига, бошию елкаларига бирдан онасининг косовдай қаттиқ қўллари гоҳ шапалоқ бўлиб, гоҳ мушт бўлиб туша бошлади. — Четда юриб дарров эрга теккиси келдиларми? Хонада ёлғиз гаплашадиган бўлиб қолдиларми?

— Нима деяпсиз, ая?

Муҳаббат бир силтаниб онасининг қўлларидан чиқиб

хона бурчагига қочди.

Султоной ая таъқиб қилишни тўхтатиб, оғзига куч берди:

— Мактаб директори бир уй хотинлар ичида мени шармандаи-шармисор қилди. Қизингизни пешонаси кал йигит билан хонасида ёлғиз гаплашиб ўтирганини кўрдим. Нима, ўша йигитни куёв қилмоқчимисиз, деб майна қилиб ташлади. Ер ёрилмадию ерга кириб кетмадим, сенинг дастидан! Гапир, ахир, шу гаплар ростми? Хонангда ким билан гаплашиб ўтиргандинг, сен мегажин!

Муҳаббат энди тушунди, тушундию юраги музлаб кетди. Малоҳат опани оғзи полвонлигини, айтганини қилдирмай қўймайдиган ўжар аёллигини биларди, лекин майда гаплиги, чақимчилигини эшитмаган экан. У турган жойида қотиб қолди, на кулишни, на йиғлашни билмас эди. У аясининг ҳансираганча «Гапир, шу айтганлари тўғрими, ахир?» деган яна бир дағдағасидан ўзига келди.

— Малоҳат ая аввал ўзининг қизини эплаб олсин. Уялмай шу гапни кўтариб келибдими? Гулбаҳорни бегона йигит билан юриб қўйганини билиб қолиб, энди меним қора қилмоқчими? Вой, ифлос-ей! Устагарлигини қаранг, қизининг сири қишлоққа етиб келмасдан олдин, Муҳаббат шунақа қилиб юрибдийкан, деб гап тарқатибди-да! Ярим йилдан бери яшириб келганимиз учун раҳмат айтишнинг ўрнига... Ҳозир бориб кўрсатиб қўяман, гап ташиш қанақалиги!

Муҳаббат у ёғ-бу ёғини тўғриладию хонадан отилиб чиқиб кетди. Султоной ая «ҳай-ҳай»лаганича қўлини силкиб қолаверди...

Элёр бир қўлида пахта гулли чойнак, бир қўлида эса тўрт дона пиёла кўтариб келиб ўртадаги хонтахтага қўйди. Хола: «Вагонда бунақа янги чойнак-пиёлани энди кўришим» деб ҳайронлигини яширмади. Элёр «Бу махсус меҳмонлар учун!» деди жилмайиб. «Ҳа, проводник ростанам танишга ўхшайди, санга!» Хола набираси келгач, дастурхон ёзиб, йўлга деб олган ноз-неъматларни чиқарди. Анчагача гаплашиб, чой ичиб ўтиришди. Дўконда бир умр

сотувчи бўлиб ишлаган хола ўзини Эъзозхон деб таништиргандан сўнг яхши ҳамроҳлар учраганидан хурсанд бўлиб, қизиқ-қизиқ гаплар билан ёшларни роса кулдирди. Сухбат якунига келиб, Муҳаббатнинг анча баҳри-дили очилганди. Дастурхонга дуо қилинганча, Муҳаббат сумкасида дастурмолчасини олмоқчи бўлиб қўлини тикқанди, тўрт буклаган қоғоз чиқди, буни кўриб унинг ранги ўзгарди ва тезда қоғозчани жойига қўяркан, Элёрга қараб олди, аммо бутун сухбат довомида йигитнинг ўткир нигоҳлари қизнинг ҳар бир ҳаракатини гоҳ ошкор, гоҳ пинҳон кузатиб турган эмасми, бу гайритабиий кўринишни ҳам дарров пайқаб улгурган эди. Аммо сезмаганга, кўрмаганга олди ўзини. Муҳаббат дастурхонни йиғиштирди. Сўнг қўллари ювиб келиш учун ўрнидан турди. Элёр тезлик билан жой масаласини ҳал қилиб олди. Энди улар учун пастки жойнинг биттаси бўш эди. Энди улар Тошкентга етиб боргунларича бемалол гаплашиб кетишлари мумкин. Аммо иккови ҳам гапни нимадан бошлашни билмас, умуман поездда пичирлаб гаплашиб кетиш жуда ғалати туюлаётганди.

— Имтиҳонлар бошландими? — деди Элёр ниҳоят ўзини анча хотиржам сезгандан сўнг.

— Кейинги ҳафтадан. Айтгандай, сиз бу йил тамомлайсиз-а?

Элёр бу саволни «Ўқишни битириб нима қилмоқчисиз?» деган маънода тушунди ва қиздан кўз узмаган ҳолда Тошкентда қолиб ишламоқчилигини айтди. У ота-онасидан розилик олганлигини, энди бирор яхшироқ иш топиб, катта шаҳарда омадини синаб кўришини гапириб берди.

— Тошкентда ишлаш яхши албатта.

— Истасангиз сиз ҳам қолишингиз мумкин?

— Менга рухсат беришармиди?

— Лекин барибир қолишни истайсиз-ку?

— Хоҳиш-истак бошқа, тақдир бошқа нарса. Уйдагилар нима деса, шу бўлади.

— Одам мақсади учун курашмайдими?

— Йигитларга осон.

— Лекин битиришингизга ҳали яна бир йил бор-ку! Ҳозир бунинг ташвишини қилмасангиз ҳам бўлади. Бир йилгача нималар бўлмайди дейсиз, бу ҳаётда. Лекин сиз менга тўғриси айтинг, уйга совчилар келишибдими?

— Нега унақа деяпсиз?

— Янглишдимми?

— Ҳа.

— Унда бир нарсани сўрасам, кўрсатасизми?

— Нимани?

— Сумкангиздаги қоғозни.

Муҳаббатнинг кўнглидан «пайқаган экан-да» деган фикр кечди ва нима дейишини билмай бир зум жим қолди.

— Агар шунчалик сир бўлса, на илож, кўрсатмасангиз ҳам майли.

— Ҳеч қанақа сирли жойи йўқ, синглим соғиниб хат ёзган экан. Истасангиз, ўқиб беришим мумкин.

Элёр Муҳаббатнинг кўзларига тикилди. Вагоннинг хира чироғида бу кўзларга нима маъно яширганини билиш деярли қийин эди. Элёр қизни хижолатга қўйишни истамасди. Чунки хатни тезлик билан сумкага яширган қизнинг ўша пайтдаги ҳолати, қоғозга шунчаки соғинчилик саломати ёзилмаганидан дарак берарди.

— Майли, ҳозирча гапингизга ишондим. Аммо алдаш-ни ҳам эпломас экансиз.

Муҳаббат ойна томонга юзини бурди. Ҳа, у алдашни билолмасди, дарров сездириб қўярди, ё гапидан тутилиб қоларди ёки кўзлари пирпираб кулиб юборарди. Лекин шу тобда у хатни асло кўрсатолмасди ҳам, ўқиб ҳам беролмасди. Аслида икки оғизгина ёзилган хат, унга кеча аясининг урган калтакларидан ҳам қаттиқ таъсир қилган, юрагини бутунлай вайрон этган, синглисига бўлган меҳрини сўндириб, газабга, нафратга айлантирган музнома эди. «Қариқиз бўлиб юравермасдан, тезроқ эрга тег, меннинг йўлимни оч! Раиснинг ўғлини ёқтириб қолдим, унга тегмоқчиман!» Бу хатни олиб ўқиганда кўзларига ишонмади. Наҳот, шуни жонажон синглиси ёзган бўлса? Бир кўрпада ётиб, баъзида ярим кечагача сирлашиб ётадиган Насибанинг хатими, бу! Муҳаббат икки кунгача ўзига ке-

лолмай юрди. Дарҳол синглисига жавоб хатини ёзиб юборган бўлса-да, ичидан отилиб келаётган вулқонни тўхта-тишга ожизлик қилар, дардини, аламини кимга айтишни билмай хонада ёлғиз қолиб йиғлаб-йиғлаб оларди. Она-сидан «Тезда етиб кел!» деган буйруқ хатини олганда ма-сала жиддий шекилли дедию ноилож йўлга тушди. Энди-гина йигирма бирга тўлган опасини «Қариқиз» деган На-сибанинг юзига шаполоқ тортмоқчи, эрга теккин келса, тегавермайсанми, деб сиқилганининг аламини олмоқчи эди. Аммо уйга кириши билан онасининг бирдан бошлаган ҳужумидан сўнг, синглиси билан хуморидан чиқиб уриша олмади.

— Эрсирамай ўл, — деди кетиш олдида бир оғизгина.

Насиба бу гапга парво ҳам қилмади.

— Рост-да, юравераманми? — деб жеркиб ташлади.

— Бор, ана тегавер, мен рухсат бердим!

— Фақат сендан кейин тегаман!

— Унда, жим ўтир!

— Ўтирмайман! Йўлимни оч! Раиснинг ўғлига ўзим тегмоқчиман!

— Бемалол.

— Тезроқ эрга тек. Йўлимни тўсма!

Муҳаббат бошқа индамади. Кўчага чиқаркан, сингли-сига қайрилиб ҳам қарамади...

— Ўйланиб қолдингиз?

— Ўзим шундоқ.

— Ростини айтсам, уйга келиб мен ҳам тутилиб қол-дим. Дипломни оласану, уйланасан, деб шарт қўйишди.

— Демак... тўй яқин экан-да.

— Лекин ҳали қиз билан гаплаша олмадим.

— Нега? — Муҳаббат хат воқеасини унутди чоғи, йи-гитга қаради. Унинг бу қарашида «Наҳот, уйланаётган бўлсангиз?» деган маъно яширин эди. Негаки, синглиси-нинг хатидан кейин, онасининг ноҳақ терговларидан сўнг, ким мени, чинданам севса, ўша йигитга шарт тегиб кета-ман, деб ўйлаган, ўйлаганда ҳам биринчи бўлиб... Элёрни назарда тутган эди. Энди эса қаршисида ўтирган йигит

ҳам уйланаётган экан. Наҳот, уни севмаган бўлса? Унда нечун суратларини чизди, нега шеърлар ёзди? Демак, рассомлиги учун шунчаки чизган экан-да? Ёки... «Балки, Гулбаҳор айнитгандир? Азамат билан учрашиб юрибди, Нурали деган йигитдан совчи келган, ўзи ҳам жуда серқатнов бўлиб қолди, деб етказганки, аччиқ қилиб суратимни ташлаб кетган. Ўзи етишолмаслигини билиб, мендан ҳам айнитдимикин, Гулбаҳор? Шунақа бўлса керак. Вой, писмиқ-ей! Мана энди, Элёр ака ҳам...» Муҳаббат йигитдан кўзларини олиб қочди. Хаёлига Азамат келди. «Ўшанга тегаманми?».

— Ростини айтсам, у қизга нима дейишимни билма-япман.

— Нима?

— Уйланмоқчи бўлган қизимга қандай гапиришни ҳам билмай турибман. Ростини айтсам, қиз ёққани билан унга «Сизни севаман, рози бўлсангиз сизга уйланмоқчиман» дейиш жуда қийин экан.

— Бунинг нимаси қийин? Агар шу гапни ҳам айтолмасангиз....

— Ахир бу оддий гап-ку, Муҳаббат. Инсон севгисини бошқа йўллар билан ифодаласа бўлмайдими?

— Қанақа бошқа йўллар? — Муҳаббатнинг кўз олдига ётоқхона орқасида кучоқлашиб ёки ўпишиб турган айрим йигит-қизларнинг кечқурунги учрашувлари жонланиб кўзларини катта-катта очди ва негадир ўзини бир чеккага олиб ойна томонга янада сурилиб қўйди.

— Мана, масалан, хат ёзиб ёки бирор сурат чизиб. Агар шоир бўлса, саккиз қатор шеъри орқали. Бунақа йўллари кўп-ку! Албатта «Севаман», деб айтиш шартми? Наҳот, қизлар қулоғи орқали яхши кўради, деганлари рост бўлса? Наҳот, улар юраги орқали йигит муҳаббатини ҳис қилишга қодир бўлмаса?

Муҳаббат ғалати аҳволга тушиб қолди. Нималар деяпти, бу йигит? Сурат, саккиз қатор шеър деб нимага шама қиляпти? Элёрга қараганди, у саволига жавоб кутиб турганлигини пайқади. Нима дейди? Елкасини қисиб қўя қолди.

— Ана, билмайсиз. Ёки атай ўзингизни билмаганга оласиз. Мен шунинг учун ҳам севган қизим билан ҳеч гаплаша олмаяпман. Юракдан гаплашгим келади, аммо «севаман!» деб айтолмасам-чи, деб чўчийман. Ундан кейин у қиз мени қамалиб чиққанимни билади, балки рад қилса-чи, деб яна қўрқаман.

— Балки, рад қилмас.

— Ростданми? Унда қўрқмасдан айтсам бўлаверар экан-да. Ўзим ҳам шунақа қилиш керак, деб ўйлардим. Лекин... журъат қилолмаётгандим.

— Лекин мен сизнинг ўрнингизда бўлганимда албатта айтган бўлардим. Таваккал-да!

— Таваккалчининг ишини Худо ўнглайди, дейишади. Унда эшитинг, сизни севаман, Муҳаббат!

Элёр қачондан бери чоғланиб-чоғланиб қўяётганди, аммо бу сафар севгисини изҳор қилдию билинар-билинамас титраётган қўлини Муҳаббатнинг қўли устига қўйди. Муҳаббат худди ток ургандай қўлини тортиб олди. Аммо йигитнинг бақувват қўли иккинчи бор маҳкам тутганда қаршилиқ қилиш бефойда эканлигини сизди.

Муҳаббат ёниб турган олов қаршисида турганлигини юрак-юрагидан ҳис қилди. Бу олов аввал қўлларини, кейин бутун вужудини илитиб, юракка етиб борганда у бир маромда уришини ўзгартириб, қизнинг томирларида сокин оқаётган ҳаёт сувини тезлик билан тўлқинларга айлантириб юборди. Тўлқин эса ўз номи билан тўлқин-да, у гоҳ қирғоқлардан тошиб ўтар, гоҳ ортга чекингандай бўлар, аммо хиёл ўтмай яна шиддат билан балоғат чегарасини ювиб кетарди. Қизиб турган юзига йигитнинг оташ лаблари текканда эса тўлқинларда бир текис суза олмаган оққуш каби Муҳаббатнинг қалби ҳам тиниқ уммонга фарқ бўлгандай бўлди...

* * *

Тўртинчи курснинг ўргаларида Муҳаббат тўйга розилик берди. Айни гўзал баҳор фаслида, боғлар оппоқ, пушти рангларга бурканган, муаттар ифорлар димоғни қитиқ-

лаб, тўлин ой кечани ёритган паллада Элёр ёр висолига етишди. Икки севишган ёшнинг тўйига келган ҳам келди, келмаган ҳам келди. Фақат биргина Гулбаҳордан дарак бўлмади.

Тўйдан кейин Элёр ижарага уй топиб Муҳаббатни ётоқхонадан олиб чиқиб кетди. Муҳаббат аввалига қизлар олдида ноқулай бўлади-да, деб қаршилик қилди, аммо талабалар шаҳарчасидаги бир-икки тўполонни кўргандан кейин ноилож рози бўлди. Бунинг устида Элёр сенинг олдинга бемалол келолмайман шекилли деб, кўнглига гулгула солиб ўйди. Шунданми, курсдош қизлар ижарага чиқиб кетган келиндан тўй таассуротларини эшитолмай ҳалак эдилар. Бугун бир илож қилиб уни кўндиришди: тўйни яхшилаб гапириб бермасанг бўлмайди, қалай, эрга тегиш маза эканми, деб бир ҳафтадан буён ҳоли-жонига қўйишмагандан кейин бошқа чораси қолмади, истар-истамас қизлар қуршовида қадрдон ётоқхонаси томон йўл олди. Аслида унинг Гулбаҳордан сўрайдиган нарсалари бор эди. Йўлда Гулбаҳорни сал четроққа тортди:

— Тўйга нега бормадинг?

— Буни қара, ўчакишгандай ўша куни мазам қочиб қолса бўладими? Иситма чиқиб бир-икки кун ётиб қолдим. Касал бўлмаганимда, албатта, борган бўлардим. Бўлмаса, бир ҳафта олдин ҳам қизлар билан маслаҳатлашиб турувдик, ҳаммамиз бирга борамиз, деб.

— Билиб қўй, менам сенинг тўйингга бормайман. Хафа бўлиш йўқ, олдиндан айтиб қўяй.

— Э-э, тўй бўлса, борасан-да, — деди Гулбаҳор овозини пасайтириб, қадамини яна ҳам секинлаштираркан.

— Тушунмадим? Нима деганинг бу? — ҳайрон бўлиб сўради Муҳаббат кўзларини олиб қочган дугонасидан.

— Носир ака номардлик қилиб уйланмайман, деяпти. Нима қилишни билмай бошим қотиб қолди.

— Уришиб қолдиларингми?

— Шунақа.

— Нима бўлди?

— Пакана эмишман.

— Аввал кўзи қаёқда экан?

— Эътибор бермаганмиш.
— Аянга айтмадингми?
— Қанақип, айтаман, ўлдириб кўяқолар!
— Индамай ҳам юролмайсан-ку.
— Шунга юрагим сиқияпти-да. Ҳа, айтгандай, энди сендан сўрасам бўлаверади, мабодо кўнглинг айнамаяптими?

Муҳаббат бирдан тўхтаб қолди ва «ялт» этиб Гулбаҳорга қаради.

— Нима, ҳомиладормисан?
— Шунақага ўхшайди.
— Ўзига айтдингми?
— Йўқ, ҳали. Аввал текширтисаммикин, дегандим.
Мен билан бирга бора оласанми?

— Қаерга?
— Текширтиргани-да.
— Вой, нега шу пайтгача текширтирмадинг? — Муҳаббат ниҳоят дугонасини тўхтатиб, уни ўзига қаратди.

— Тўғриси.., сени пойлаб турувдим.
— Жинни бўлдингми? Нега, мени пойлайсан?
— У ерда бирортаси кўриб қолса, нима дейман? Сен билан борсам, кўришган тақдирдаям ҳеч ким шубҳаланмайди. Дугонасини олиб келибди-да деб ўйлашади. Менга қара, Муҳаббат, яна тагин бошқа қизларга гапириб юрма. Агар хўп десанг, эртага бориб келардик. Биратўла сен ҳам...

— Мен текширтирмоқчи эмасман.
— Илтимос, борақол. Ёки ҳалиям биздан аразлаб...
Муҳаббат бир зум жим қолди. Шу тобда унинг кўз ўнгида Гулбаҳорни Элёр акасининг олдига боргани жонланди. Аслида бу воқеадан унинг хабари йўқ эди, тўйдан кейин, куёв боладан аста сўраб билиб олганди. Аввалига гапиришни истамаган Элёр анча қистовдан кейин гапириб берди.

...Гулбаҳор Элёрнинг квартира олиб чиқиб кетганидан хабардор бўлгани учун тўғри институтга бора қолди. Факультетини топиш унчалик қийин бўлмади. Танаффусда эса тортинмай аудиториядан чақириб олди. Элёр қизни кўриб таажжубланди, кутилмаган учрашув уни галати

аҳволга солиб қўйганди. Дарҳол ташқарига чиқишди. Йўлакдаёқ «Тинчликми?» деб сўрашга улгурган йигит, ҳамон бу ташрифнинг боисини билолмай ҳайрон эди.

— Тинчликми, Гулбаҳор? — Элёр яна бир марта сўрашдан ўзини тутиб туролмади.

— Нима сизни кўргани ҳам келиб бўлмайдими? Ётоқ-хонангиздан сўрасак, кўчиб кетибсиз, у ердан?

— Қачон борувдиларинг?

— Анча бўлди. Муҳаббат билан ўтувдик, расмини кўришга. Ваъда қилиб олиб келмаганингиздан кейин, ўзимиз айланиб боргандик.

— Дугонангиз яхши юрибдими?

— Юргандир. Ҳозир жуда кам кўришадиган бўлиб қолганмиз.

— Нега?

— Нега бўларди, харидорлари кўпайиб, биз билан гаплашишга вақтлари йўқ бечоранинг.

— Ростданми? Ким экан у харидорлари, билсак, бўладими?

— Барибир сизга тегмаганидан кейин нима қиласиз, суриштириб. Агар жуда билгингиз келса, айтишим мумкин. Биттаси ТошМИДа ўқийдиган Азамат деган йигит. Тепакал бўлсаям, бало экан, келишини қўймайди. Эшикдан ҳайдасак, тешикдан келади, тиржайиб. Яна биттаси аллақачон совчи юбориб бўлган. Сиз эса... кўринмайсиз ҳам. Пахта пайтида кўргани ҳам бормадингиз. Лекин биз сизни кутувдик.

Элёр Гулбаҳорнинг сузилиб, ноз-карашма билан боқиб турган кўзларига қаради. Биз деганда кимларни назарда тутаётганини билмоқчи бўлди. Бироқ қизнинг жуда тез ўзгараётган қиёфасидан ҳеч нимани билиб бўлмасди.

— Шу кунларда ўтсаммикин, деб турувдим.

— Ростданми?

— Ҳа, албатта. Балки ўшанда бемалол гаплашармиз. Кечирасиз, ҳозир амалий машғулотимиз бор эди. Кирмасам, бўлмайди. Ҳафа бўлмайсизми?

— Шунчалик муҳимми?.. Унда шанба куни тўрт-бешларга ўта қолинг, — бирдан қўлини узатди қиз.

— Яхши, ҳаракат қиламан. Хайр, Гулбаҳор, келганингиз учун раҳмат. Мени анча уялтирдингиз!

Гулбаҳор жилмайди, аммо Элёрнинг қўлини дарров қўйиб юборгиси келмай, «Кутаман, яна алдоқчи бўлиб қолманг», дея бир зум гапга тутиб турди. Элёр машғулотга шошилди. Гулбаҳор ноилож йигитнинг қўлини бўшатар экан, бармоқларини қимирлатиб хайрлашган бўлди...

Шанба куни ўқишдан кейин ясан-тусанни жойига қўйган Элёр айтилган вақт оралиғида қизларнинг ётоқхонаси олдида турарди. У ўзи билан бир амаллаб олиб келган каттагина портретни учинчи қаватга кўтариб чиқиш олдидан ётоқхонага кираверишдаги назоратчи аёл ёнида бир зум тўхтади. Шу пайт ўзи тенгқур бир йигит ундан олдинга ўтди-да «Ўттиз саккизинчи хонага!» деб, «Талабалик гувоҳномаси»ни шарт столнинг устига қўйганича шошиб ўтиб кетди. Элёр ҳайрон бўлиб туриб қолди. Йигитнинг ортидан қаради, бироқ нотаниш йигит аллақачон тепа зинага бурилиб бўлган эди. Шу пайт унинг хаёлига Гулбаҳорнинг гапи келдию назоратчи аёлдан «Азаматми?» деб сўради, ҳозир ўтиб кетган йигитни назарда тутиб.

— Азамат бўлмай ким бўларди.

— Қаранг, танимай ўтиб кетганини. Шошмай турса бирга кирардик.

— Санам «Ўттиз саккиз»гами? Нима бало бугун ҳаммаларинг «Ўттиз саккиз»га ёпирилиб қолдиларинг? Тинчликми, ўзи? Бирортасининг тўйи эмасми, ишқилиб?

— Хабарим йўқ, хола.

— Унда нима кўтариб юрибсан, овора бўлиб?

— Қизларнинг сурати-да.

— Қайси бириники? Ҳм, топдим, ҳойнаҳой... Муҳаббатникидирда-а?

— Қаердан билдингиз?

— Ўттиз саккизда чиройлироғи ўша-ку. Бўпти, ҳужжатингни қўй-да, санам кирақол!

— Муҳаббат шу ердами, ўзи?

— Шўтга, энди роғда келишди.

— Унда бирпас кутиб тураман.

— Ўзинг биласан, кирмасанг бир чеккали тур, ўтганларга мушайит берма.

Элёр фойедаги суратларни томоша қилган бўлди. Бир пайт назоратчи аёлнинг «Ҳой, йигит!» деб бақирганини эшитиб қолди. Беихтиёр ортига ўгирилганда «Ҳа, сани чақирвобман! Муҳаббат олдиндан ўтиб кетди-ку! Анқайиб тураверасанми?» деди аёл жон куйдириб.

— Ўтиб кетди! Қаёққа?

— Ман, қаттан биламан, болам. Ҳалиги йигит билан бирга чиқиб кетишди!

Элёр ташқарига чиқди. Анча нарида Муҳаббат билан Азамат гаплашиб кетишарди. Унинг устидан кимдир муздек сув куйиб юборгандек бўлди. Ўзини қўлга олиб ноилож ортига қайтди. Портретни кўтарар экан «Совға эди. Ўзи кўрмагани ҳам яхши бўлди,— деди аёлга сохта табасум билан. — Хонасига ташайман-у чиқаман!».

Хонада Гулбаҳор билан Иноят бор экан. Қизлар уни кўришиб хурсанд бўлиб кетишди. Элёр портретни Муҳаббатнинг каравотига суяб қўйгач, аввал Гулбаҳор, сўнгра Иноят билан саломлашди.

— Муҳаббатнинг суратини олиб келдингизми? — сўради Иноят севиниб кетганидан қўлларини бир-бирига ишқанича. — Йўлда кўрдингизми, ўзини?

— Йўқ.

Гулбаҳор меҳмонга зимдан назар ташлади. Йигитнинг қуруққина жавобидан, кайфиятининг йўқлигини сизди. Маъноли бош тебратиб, ичида севиниб қўйди, сўнг ҳеч нарсани пайқмагандай Элёрни дарров стулга ўтқазди. Кейин эса Иноятни эшик ёнига тортди. Элёр кийим шкафга кўз қирини ташлаганди Гулбаҳорнинг «Боринг, бораверинг!» деб имлаб, Иноятни ташқарига деярли итариб чиқарётганининг аксини кўриб қолди. Кўрдию ҳаммасини тушунди. Эшик ёпилганда бирдан ўрнидан туриб кетди.

— Қаёққа, Элёр ака?

Элёр бошқа сафар келишини айтиб, эшик томонга йўналди.

— Муҳаббатга аччиқ қилиб кетяпсизми?

— Узр, шошиб тургандим ўзи. Шундоқ бирровга кир-

гандим, холос.

— У сизнинг севгингизга арзимади! Кўрмадингизми, келишингизни била туриб, Азамат акаси билан кинога кетди. — Эшик олдини деярли тўсиб турган Гулбаҳор негадир нафрат билан гапирди.

— Сиз нега бормадингиз?

— Менга кино керак эмас, Элёр ака. Сиз билан гаплашиб ўтирсам бўлди. Балки меням суратимни ҳам каттароқ қилиб чизиб берарсиз ёки... фақат Муҳаббатникини чизасизми? Меням шунақа, иложи бўлса бундан ҳам сал каттароқ суратим бўлишини хоҳлайман.

— Кўрамиз, вақт бўлиб қолар.

— Айтинг, нима қилсам, чизиб берасиз?

Элёр хонада бошқа қололмасди. Гулбаҳор ноилож йўл бўшатди...

Элёрнинг ҳикоясини тинглаган Муҳаббат «Кейин нима бўлганлигини биласизми?» деб сўради. Элёр елкасини қисди.

— Ҳеч кутилмаганда Азамат ака дугоналарим билан бирга кинога таклиф қилиб қолдилар.

— Бир кишиними ёки...

— Уч кишини, Элёр ака, уч кишини. Қизлар «Борамиз» деганларидан сўнг ноилож рози бўлдим. Шунда Гулбаҳор «Сен Азамат ака билан пастга тушиб туравер, биз хонани тезда йиғиштирамиз-у, сизларга етиб оламиз» деб қўярда-қўймай бизни коридорга олиб чиқиб қўйди. Кейин биз ётоқхонадан сал нарида уларни кута бошладик. Бир пайт Иноят ҳовлиқиб келиб қолди. Кейин мени ёнига имлади-да, сизнинг келганингизни айтди. Нимага келибди, десам, «Ҳалиги катта суратингни олиб келибдилар» деди, бир севиниб, бир қовоғини солиб. Ҳайрон бўлиб ортимга қайтиб бордим. Хонага кирсам, сиз йўқсиз. Гулбаҳор каравотида дим тушганича ётар, портрет устидаги қоғозга бир пиёла чой сепиб юборилгани шундоқ билиниб турарди. Юрагим «шув» этиб кетди. Бу ишни сиз жаҳл устида қилиб кетгансиз, деб ўйладим.

Гулбаҳор мени кўриб анграиб қолди. Кўзларидаги

намни артишни ҳам унутиб анча тикилиб турди-да, бирдан афтини буриштириб ўрнидан сакраб турди.

— Қанақа, аҳмоқ йигит билан танишгандинг, ўзи? Тўртта расм чизганми-йўқми, бурни осмондаю унинг! «Муҳаббат ҳозир келади, кутиб турина», десам, «Бир йигит билан етаклашиб кетаёганини кўрдим. Менга қараб ҳам қўймади. Мен эса, аҳмоқ бўлиб суратини олиб келиб юрибман-а» дедию узатган чойимни қоғоз устига шарт сеппиб чиқиб кетди», деди қоғозини солганича. Шошиб қоғозларни очсам, яхшики суратга ҳеч нима қилмаган экан. Суратни кўриб анчагина жойимдан қимирлай олмадим. Фақатгина Иноятнинг «Ана портрету, мана, портрет! Ана Муҳаббату, мана Муҳаббат!» деган ҳайқириғидан ўзимга келдим. Ҳайратдан гўё бир зум уришдан тўхтагандай туюлган юрагим бирдан «жиз» этиб, тўлқинланиб кетганини ўзим ҳам сезмай қолдим. Қалбимнинг тубида нимадир уйғонгандай бўлди. Аммо мени маҳлиё этган сурат олдида эндигина ниш отган туйғу деярли сезилмади. Ўшанда менинг фикру хаёлим ўзимданда бироз гўзалроқ кўринаётган «қиз»да эди.

— Энди эса муҳтарам хонимлар, портрет тагидаги севги сатрларига қулоқ солгайсиз! — Иноят суратга бир зум тикилиб турди-да тантанавор овозда шеърни ўқий кетди:

«Исминг Муҳаббат!

Аммо юрагингда борми, бу туйғу?

Ногоҳ учратдим-у

Кўзларимни тарк этди, уйқу.

Хаёл учди,

Асир бўлди, бу митти юрак.

Қиё боқмас ақлга энди

Наҳот шудир, севгидан дарак».

Рўпарўмда турган суратдан ҳамон кўз узмай каравотга ўтириб қолдим. Мен гўё булутлар устидан тушиб келаётганга ўхшардим. Оппоқ ҳарир либосим мовий осмонга, булутларга шунчалар уйғунлашиб кетгандики, рассом қала-

мининг сеҳрига маҳлиё бўлмасликнинг иложи йўқ эди. Бу ерда ортиқча ранг йўқ эди, аммо ҳар қандай бўёқлар бу оддий ранглар олдида хира торгарди. Бу ерда сизнинг айтмоқчи бўлган дил сўзларингиз бор эди, қалб тўла меҳр-муҳаббатингиз жамулжам эди. Шундай ширин хаёл оғушида Гулбаҳорга индамай қўявердим. Сизни эса излаб тополмадим.

Элёр қулоқларига ишонмади. Фақат Гулбаҳорнинг найрангидан кулиб қўяркан, Муҳаббатини меҳр билан кучди.

— Нега куляпсиз? — сўради Муҳаббат бу сирнинг тагига етолмай.

— Ростдан ҳам мени сепиб чиқиб кетди, деб айтганига-да.

— Нима сиз сепмаганмисиз?

— Наҳот, сиз ҳам шундай деб ўйлаган бўлсангиз?

— Демак...

— Эҳ, Муҳаббат, ўзимнинг соддагинам!..»

Муҳаббат бу воқеа охир-оқибатда яхшилик билан тугагани учунми, Гулбаҳордан гина сақлаб ўтирмади, айна пайтда кўзларини мўлтиратиб турган дугонасига раҳми ҳам келди ва «Аёллар консултацияси»га боришга рози бўлди. Бироқ эртасига биргалашиб бориш уларга насиб қилмади, иккинчи пара тугамасданоқ Гулбаҳорни деканатдан кимдир чақириб олиб кетди. Талабалар танаффус пайтида билишди, Гулбаҳорнинг акаси машинада аварияга учраб вафот этибди.

Шу куни кечаси Муҳаббат туш кўрди. Тушида Малоҳат ая унга овозининг борича бақирармиш: «— Сен нега менинг олдимга келдингу бир оғиз уришмасдан, бошқа қилмасдан фақат Худога солиб кетдинг. Ундан кўра «Нега, онамни кўпчилик олдига изза қилдингиз, менинг номимни қора қилдингиз?!» деб юзимга шапалоқ тортиб юборсанг, бўлмасми? Ундан кўра сочларимни юлиб, яна ўша хотинларнинг олдида кечирим сўрашга мажбур қилсанг, бўлмасмиди. Учта гулдай набирам, энди отасиз ўсадими? Сен қиз нималарга гирифтор қилиб кетдинг мени! Шундан кўра мен ўлсам, бўлмасмиди! Нима қилардим, қиш-

лоққа гап кўтариб келиб. Гаплашсанг, гаплашиб ўлмас-мидинг, менга нимаиди. Менга нимаиди!» Сочлари тўзиб кетган, йиғидан юз-кўзлари шишиб кетган аёлнинг вазоҳатидан кўрқиб кетган Муҳаббат қочармиш-у, аммо ҳеч йўли кўпаймасмиш, Малоҳат ая эса унга етиб олиб, шундоқ қулоғининг олдида яна бақиринини қўймасмиш. Юраги тилка-пора бўлган аёл қўлларини Муҳаббатга узатиб уни бўғмоқчи бўлар, лекин қиз ўзини салгина нарига олиб қочиб омон қолармиш. У нимагадир қоқилиб йиқилиб тушдию...

... чўчиб уйғониб кетди. Кейин қайтиб ухлолмади.

* * *

— Уйланганингга қанча бўлди, ўғлим? — бир куни уйга боришганда сўраб қолди Элёрдан аяси.

— Бир йилдан ошди, шекилли, — деди ёлғиз қолган Элёр саволдан ҳайрон бўлиб.

— Бир йил-у етти ой, ўғлим. Агар сен билмасанг, мана, мен биламан, бир йилу етти ой!

— Нима бўпти, ая? Нега сўраб қолдингиз?

— Нега сўрамаслигим керак? Мен, сўрмасам, сизлар ҳали жуда бемалол юрадиганга ўхшайсизлар. Мана, Худога шукр, келин ҳам ўқишини битирди, мактабда ҳам ишлаётганмиш. Энди бола ҳақида ҳам ўйлаш керак, онанг ўргулсин. Одамлар гапиряпти. Тўртта хотиннинг орасига кирдим дегунча шундан гап очилапти. Бу юришингларида маҳалла-қўйгаям қўшилолмай қоладиган ўхшайман.

— Хотинларнинг бундан бошқа қиладиган ишлари йўғми? Биз билан нима ишлари бор, уларнинг? — Элёр аяси билан ишком тагидаги сўрида ёлғиз ўтирган бўлсада атрофга қараб қўйди.

— Нимага жаҳлинг, чиқади? Сўрашади-да! Мен бу келиннинг чиройини нима қиламан, агар туғмаса?

— Ая, ким сизга туғмайди, деяпти. Яна ўша хотинларингизми?

— Бўлди, ялло қилиб юришни бас қил! Тошкентга боргандан кейин яхшилаб текширтир, келинни! Ҳамма нарсанинг ўз вақти соатида бўлгани яхши. Тушундингми?

Кейин манга хат ёзиб юборарсан.

— Хўп, аяжон. Хўп!

Аммо шундан кейин Элёрнинг тинчи йўқолгандай бўлди. Кўнглига гулгула тушди. Наҳот, шу пайтгача бўйида бўлмаса? Ёки фарзанд кўришни истамаётганмикин? Чиройим кетиб қолади, деб ваҳима қилаётган бўлмасин, тагин?

Тошкентга қайтишгандан сўнг дарҳол шундан гап очаман, деганди. Бироқ янги кўргазмаси ташвиши билан юриб ёдидан кўтарилди. Биринчи кўргазма эмасми, ҳаяжонланди, чўчиди, елиб-югурди. Бироқ суратлар намойиши кутганидан ҳам яхши ўтди. Телевидениедан келган мухбирлар уни анча саволга тутишди.

— Бу сизнинг биринчи кўргазмангиз, деб эшитдик?

— Ҳа, деярли етти йиллик изланишларимнинг самараси, булар.

— Мустақиллигимизнинг бир йиллик байрами арафасида биринчи кўргазмангиз муборак бўлсин. Келгуси режаларингиз ҳақида гапириб берсангиз?

— Ростини айтсам, чизган суратларимизни шундай муҳташам бино залига қўйиб, одамларга кўрсатиш биз ёшлар учун ушалмас орзу эди. Аммо бир йил ичида жуда катта ўзгариш рўй бердики, энди, биз ўзлигимизни англаган ҳолда, ким эканлигимизни, кимнинг авлоди эканлигимизни жаҳонга намоён этадиган давр етиб келди. Бу олдиндан ёзиб ёки ёдлаб олинган гаплар эмас, мен, дилимдагини гапиряпман. Мен янада қаттиқроқ ишлайман, янада кўпроқ ижод қиламан. Жаҳон мени, менинг суратларим орқали эса юртимни танисин! Устозларимиз ўз ижодларини жуда тор доирада қолиб кетишганини кўп гапиришади. Ҳатто Москвада бўладиган Халқаро кўргазмаларга ҳам тавсия қилинмас экан. Энди имконият эшиклари очилди. Энди ҳақиқий ижод қилиш даври келди.

— Янги ютуқлар билан яна бир бор табриклаймиз. Ижодингизга муваффақият тилаймиз.

Мухбирлар нари кетиши билан кимдир Элёрнинг биллагидан тутди. Беихтиёр ортига ўгирилган Элёр қаршисида Ботир акани кўриб кўзларига ишонмади. Улар жимги-

на кучоқлашиб кўришдилар, анчагача икковлари ҳам гапира олишмади: жилмайишар, бир-бирларини қайта-қайта бағрига босишар, қўлларини сиқиб қўйишарди холос.

— Наҳот, бу сиз, Ботир ака! — деди ниҳоят Элёр.

— Топиб келганимга ҳалиям ишонмаяпсанми? Санга нима дегандим? Айт, нима дегандим? Сани ўзим топиб оламан, деганмидим? Қўқонликларнинг гапи битта бўлади, братишка!

— Қойил, гапингизнинг устидан чиқдингиз! Лекин қачон... у ердан...

— Яқинда! Бир ойдан сал ошди-ёв.

— Ростданми? Лекин сиз... бундан икки йил аввал чиқишингиз керак эди-ку?

— Э, сўрама, кейин гапириб бераман. Ўзингнинг ишларинг қалай? Виставка ўтказишингга қараганда яхшига ўхшайди-а?

— Раҳмат, яхши. Қўлдан келганча амаллаяпмиз.

— Кеча институтингга ўтгандим, ўша ердан сўраб билиб оларман, деб. Қарасам, эълонга кўзим тушиб қолди. Хурсанд бўлиб келяпман-да. Айтгандай, гул олиб ўтирмадим, нима, қиз боламидинг...

— Э-э, қўйсангиз-чи, гулни. Сизни кўрганимнинг ўзим энг катта совға менга. Лекин унча ўзгармабсиз. Бокс, қалай, бокс! Унутиб юбормадингизми?

— Ке, қўй, боксни гапирмагин.

— Яхши, яхши, қани, кетдик. Энди менинг меҳмоним бўласиз. Нариги залда дастурхон ёзганман.

— Раҳмат ука. Сан, меҳмонларга қарайвер. Мана бу, квартирамнинг телефони. Бўшаганингда телефон қиларсан, иккаламиз ўтириб бир отамлашамиз. Келишдикми? Энди, бор, сани чақиришяпти. Меҳмонларинг кутиб қолишди шекилли.

Ботир ака аввалдан тайёрлаб қўйган бир парча қоғозни Элёрнинг чўнтагига солди-да, елкаларини сиқиб, силкиб-силкиб қўйди. Сўнг хайрлашаркан, қўлларини мушт қилиб:

— Малодес, так держат! — деди ва бировз букчайган гавдасини тик тикиб залдан чиқиб кетди.

Элёр эски танишининг ортидан бир зум қараб турди-да, ҳамкасбларини дастурхона таклиф қилиш учун шошилди. Бироқ тўкин дастурхон атрофида у кутган азиз меҳмон — факультетнинг собиқ декани Мирзиё Содиқов йўқ эди. У меҳмонларга кулимсираб қарашга тиришар, саволларга мулойимлик билан жавоб қайтарар, аммо нигоҳи эшик тарафда эди. У домласини келишини жуда истаётган эди. Ҳозир сўз олиб уни табриклаётган, уни олқишлаётган Раҳим Бердиев ўрнида ўша камтар, олижаноб домласи бўлишини жуда-жуда хоҳлаётган эди...

«— Домла сизни ишдан бўшатишдимиз?»

Факултетда бирдан тарқалган миш-миш талабаларга етиб борганди. Тўртинчи курсда ўқиётган Элёр бу гапга ишонмай дарсдан сўнг деканни хонасидан топди. Домла керакли нарсаларни аста йиғиштираётган эди.

— Бу гапни ким айтди, санга? Ман ўзим пенсияга чиқаришларини сўраб ариза ёздим.

— Олтмишга энди кирасиз-ку, домла. Пенсияга ҳали эрта эмасми?

— Энди ижод билан шуғулланмоқчиман. Ахир манам бир вақтлар туппа-тузик рассом бўлганман. Факултет ишлари билан бўлиб...

— Ўрнингизга Раҳим Бердиев тайинланибди-да?

— Нима қипти? У қаттиққўл, интилувчан кадрлардан.

— Эшитдим, домла. Мени деб сизни деканликдан олишибди. Кечаги мажлисда пахтадан олдинги воқеани айтиб, сизни раҳбарликка мос эмас, сиёсий жараёнларни тўғри баҳолай олмайди, жуда кўнгилчан, дебдилар.

— Гаплари тўғри. Ман энди анча қариб ҳам қолдим.

— Унга сизнинг ўрнингиз керак бўлган. Янги ректорга ёқиш учун атай айтган.

Мирзиё Содиқовнинг ортиқ гапирмади. Элёрнинг хаёлидан ўтган йили пахтага кетишдан бир-икки кун рўй берган воқеа тушди.

Уч талабага бўлажак штабни яхшилаб учун турли плакатлар топиш, шиорлар ёзиш ишлари топширилган эди.

Деканатга кираётган Элёр Сергей билан Игорнинг кулимсираб гаплашиб турганининг устидан чиқиб қолди. Улар эндигини ёзиб тугатган қалин оқ бўз устига энгашганча ниманидир муҳокама қилишарди.

— Вот это буква не «ка», а «к». Теперь чуть-чуть правильно. Давай, следующий исправление... Буква «у» сделай «ў». Понятно.

— Хватит, а. Давай, оставим так.

— Дурак чот ли? Это совсем другая слова.

— А у нас буква «ў» нет же?

— Зато у них есть.

— Вообще-то...

— Давай, давай, постав точка с верху. Если сейчас декан увидет нам плохо будут. Он могут думать, что мы нарошно сделали это.

— Думаешь, он это заметить.

— Срази. А потом одну точка много обозначает. Если точка поставишь получается слова руки то есть, золотые руки и если оставишь так, получается слова раби, то есть, золотые рабы. Так что, давай, быстро постав точка с верху букву «У».

— Получается, это не точка, а бомба.

— Теперь уже начальь соображать.

— Вообще то, дорогой Леонид Ильич...

— Это не твое дело, дурак! Мы не политики, а...

Элёр эшик олдида ортиқ тура олмади. Узун стол устига ёзилган матога энгашган эди, ўша машхур шиорга нигоҳи тушди. Элёрнинг томоғига нимадир тикилди, қўллари мушт бўлиб тугилди. Кейин Сергейга ўқрайиб қараб кўйди-да бўзни юлқиб олиб, шарт ўртасидан бўлиб ташлади.

— Что ты сделал? Мы еще не закончили! — гап бошлади Иван.

— Мы не рабы, это понятно тебе!

— Тебя говорят же, что мы еще не закончили дело.

Сергей шундай деб Элёрнинг елкасидан туртган бўлди. Худди шуни кутиб турган Элёр Сергейга калла кўйди. Тўполонни эшитиб, факультет декани Мирзиё Содиқов билан

хорижий группанинг курс раҳбари Раҳим Бердиев штаб хонасига шошиб кириб келдилар. Игорь Элёрни зўрга ушлаб турарди.

— Нима гап?

Элёр Игорнинг қўлидан силтаниб чиқди ва шиорга ишора қилди.

— Нотўғри ёзиб қўйишган экан, манга ёқмади. Қайта ёзмоқчи бўлиб талашётгандик.

Мирзиё Содиқов Сергейга юзланди. У ишни ҳали туғанмаганлигини, Элёр бирдан кириб негадир шиорни йиртиб ташлаганини тушунтирди. Элёрнинг боши кўкрагига каттиқ теккан чоғи у базўр нафас оларди.

— Шунақами?

— Аввал ўқинг, домла.

Элёр шундай дедию шитоб икки бўлиниб ётган шиорни домлага кўрсатди.

— Мы еще не закончили Раҳим Яндашевич! Чего он непонимает это? Скажи, Игорь, я правильно говорю?

— Правильно.

— Нега шошиб йиртиб ташладинг? Нима, сани сиёсат билан ўйнашгинг келиб қолдими?

— Тўғри ёзсин!

— Ишимизни тугатмагандик дейишвотти-ку!

— Бу нима, домла?

— Сан тўғрилаб қўй!

— Бўлди-бўлди, жанжал кўтарманглар. Гап шу ерда қолсин-да, ишни давом эттиринглар. Игорь сан ўзбекчани тушунасан-ку, ким айтади маҳаллада катта бўлган йигит деб. Раҳимжон шиорни тўғрилаб ёздиргач, олдимга киринг.

— Бу ишни шундай қолдириб бўлмайди домла. Элёрни жазолаш керак.

— Биз бу иккисини пахта теролмайди, лекин ташкилий ишларга қарашсин десак..., яхши иш бўлмабди. Манимча, йигитлар бир-бирларини тушунмаган бўлса керак, шунинг учун ваҳима қилмай қўя қолайлик. Эшитган қулоққа яхши эмас. — Мирзиё Содиқов ҳамкасбини ташкарига бошларкан тушунтирган бўлди.

- Домла...
- Келинг, ҳозирча индамай турайлик. Ахир... Брежнев ўлиб кетганига ҳам анча йил бўлиб қолди-ёв.
- Лекин, партия ўлгани йўғ-у.
- Болага жабр қиламизми? Ахир у... бегона эмас, ўзбекининг боласи, Раҳимжон. Ундан кейин... биз ростдан ҳам қул эмасмиз. Бунақа муносабатини ўзгартиришимиз керак.
- Ўзингиз биласиз, домла. Ман айтдим, қўйдим...
- Элёр коридордаги гапларни охиригача эшитди. Пахтадан кейин эса... бу нохуш хабар.

Мирзиё Содиқов қадини ростлади. Қўлидаги китобларни стол устига қўйгач, Элёрга юзланди.

- Ростдан ҳам атай қилишганими?
- Манга шунақа туюлганди.
- Тўрисини айтсам... Ичимда сал севингандим.
- Нега, домла?
- Буни ўзинг тушуниб турибсан-ку.
- Лекин сизга ҳамон миннатдорчилигимни билдирилганим йўқ. Ўшанда ҳимоя қилмагангизда...
- Энди бу гапларни қўй. Ҳозирги вазифанг — яхшилаб ўқиш. Раҳбарларнинг ишини муҳокама қилиш эмас. Уқдингми? Номингга доғ туширишдан эҳтиёт бўл. Институтни битиришинга оз қолди.
- Домла...
- Раҳим Бердиев билан конфликтга борма. Сан диплом олишни ўйла. Дипломсиз...
- Домла...
- Ўқишни тамомлаганингдан сўнг гаплашармиз...

Атрофдагиларнинг диққатини ўзига ром этган Раҳим Бердиев ёш рассомни мақтаб ҳамон сўзида давом этар, ора-сирада қўлидаги шампан виносига тўлдирилган қадаҳни ёнида сўзларини маъқуллаб турганлар билан жарангдор қилиб уриштириб қўярди...

* * *

Кеч кузнинг изгиринли кунлари эди. Элёр ишдан эр-тароқ чиқди-да уйга эмас, Ботир акаси телефонда тушунтирган манзил бўйича Юнусободнинг тўққизинчи мавзе-сидаги тўққизинчи уйни топиб борди. Элёр иккинчи йўлак қаршисида туриб юқорига қаради. Тепа қаватдаги деразалардан бири очилиб, спортчилар кийимидаги Боксёр кўринди. У боши билан чиқавер, деган ишора қилди. Элёр лифт билан юқорига кўтарилди.

Эски танишлар уй ичкарасида худди ўтган галдагидек узоқ кўришишди.

— Сизни ҳам кўрадиган кун бор экан-а? — деди Элёр узун плашини ечиб, кираверишдаги шкаф ичига ўрнатилган илгичга ўзи иларкан.

— Қани, бу ёққа юр. — Мезбон Элёрни ошхонага бошлади. Газ плитаси устидаги қозоннинг қопқоғини очаркан, оғзининг таноби қочди. — Мана, буни кўр-чи, ҳидини қара, ҳидини. Бу димламани емабсан, дунёга келмабсан, братишка! Хўш, қалай? Шунақа, ошпазликдан ҳам хабарим бор. Бугун, сани бир меҳмон қилай!

Элёр овқат бугини ҳидлаб кўргач, қўллари билан зўр деган ишора қилди. Ботир меҳмонни залга етаклади. Каттагина меҳмонхонанинг бир томонида ялтираган стенка, ичида қимматбаҳо хрустал вазалар, узун-узун стаканлар, яна ҳар хил сувенирлар. Ўртага хона бўйлаб узун стол қўйилган, атрофида думалоқ суянчиқли ўн иккита стул, тўр-тўр дастурхонда эса нози-неъматлар, шоколаду писта-бодомгача бор. Деразага тутилган чиройли пардани Элёр аввал кўрмаганини тан олди.

— Кимнинг уйига келиб қолдим, деб ҳайрон бўляпсанми, дейман? Бу поччамнинг уйлари. Улар сани вис-таванг бўлди-ку, ўша куни Туркияга кетдилар. Посолствага ишга жўнатишибди. Опамни, мактабда ўқийдиган иккита жиянимни ҳам бирга олиб кетдилар. Икки йил ўша ерда ишлаб келарканлар. Мани Тошкентда ишлашга келганимни эшитиб, қоровул қилиб қолдирдилар. Нима дейсан, зонанинг совуқ хонасида кейин бунақа шоҳона уйда яшаш, кайф бўлса керак-а!

— Ҳа, ҳаммагаям насиб қилавермайди. Лекин Тош-

кентга ишга келганингиз зўр бўпти, Ботир ака. Қаерда ишламоқчисиз? Ёки бирор жойдан иш топдингизми?

— Кўрамиз, балки боксга қайтарман. Олишмаса... биз-боп иш топилиб қолар.

— Албатта топилади. Лекин айтинг-чи, нега бунча қолиб кетдингиз?

— Нега бўларди, яна муштлашдим-да?

— Ахир... сиз билан бировнинг иши йўқ эди-ку?

— Шунинг учун разбой бўлди-да, братишка. Қосим дегани эсингда борми? Лақаби «Касой» эди. Ё, у келганда сан чиққанмидинг?

— «Касой»ми, эсимда. Янглишмасам, у келгач, бир ойлардан кейин чиққанман. Биринчи марта уришганингизни ҳам яхши эслайман.

— Ҳа, ўша. Ўзини ўғриларнинг бошлиғиман, деб таништирганди-а. Салдан кейин беш-олтита уни танийдиган пионерларни тўплаб группа тузди. Қарасам, ҳамманинг оғзида Касой! Кейин манга «Группамга қўшил!» деди. Тошингни тер, дегандим, душманга айланди, ўзича синдираман, деб ўйлади, шекилли-да. Бироқ, бирга-бир чиқмади, номард! Бир-икки марта талпанинг тагида қолиб кетдим. Аксига олиб ёнимда ҳеч ким йўқ эди. Бир ойча санчақта ётдим. Тузалиб чиққач, туалетга орқасидан кириб қўлини синдирдим. Шундан кейин яна икки йил қўшиб беришди.

— Сотишдимми?

— Касой ким урганини билмайман, деди, аммо лайчалари ёзма кўрсатма беришди.

— Балки буларни Касойнинг ўзи уюштиргандир.

— Ким билади, дейсан. Балки, казёл деган номдан қочиб... атай уюштирган бўлиши ҳам мумкин. Аммо шу охириги икки йилни зўрға ўтказдим-да ўзиям.

— Нега?

— Негаки, деярли ҳар ҳафтада разбой эди, Касой билан. Уям менинг қўлимни синдириш учун бир баҳона топиб, жанжалга давит қиларди. Бирга-бир чиқ, десам, чиқмайди. Лекин шу кетишда албатта биттамиз ўлиб кетардик! Чунки охириги пайтларда вообще жонимга текканди:

хатто Касойни ўлдирсаммикин, деб ўйлаб қолгандим. Ҳа, рост, нима бўлса бўлар деб, запроста калласини узиб ташлагим келарди. Кўрсам, қоним қайнаб, шу фикр миямга кетмасди. Наверна, Маҳмуд аканинг ота-онаси «Турмада ўлиб кетгин», деб қаргаган бўлишса керак. Балки... Зулфиянинг дили оғриганми, билмадим. Но, кўриб турганингдек, амаллаб чиқиб келдим!

— Қутилиб келганингиз рост бўлсин, ака! Омадингиз бор экан. Ҳа, айтгандай Зулфия опани кўрдингизми?

— Манга қара, чой-пой ичамизми ёки қуруқ гаплашиб ўтираверамизми? Қорнинг очмадими, дейман?

— Овқат пишаверсин, кейинроқ ермиз.

— Бошни қотирма, димлама давно пишган. Давай, тур, овқатни сузамиз.

Ботир Элёрга қулоқ солмай, уни ошхонага етаклади, димламани лаганга сузди. Элёр «Нима ёрдам берай?» деса, «Сан бугунча меҳмонсан», деб юмуш буюрмади. Ҳамма ишни ўзи қилди. Унинг ҳаракатлари чаққон, кайфияти аъло эди.

Дастурхонга ҳамма нарса қўйилгандан кейин мезбон қўлларини ишқалаб Элёрга қаради:

— Хўш, соғ-саломат кўришганимизни ювамизми, бра-тишка!

— Ароқсиз бўлса, ювишга тайёрман!

— Тушунмадим?

— Ташлаганман!

— Жуда яхши, энди манам ташламоқчиман! Бугун сан билан бир мириқиб ичаману... шарт тўхтатаман! Ростини айтсам, боксга қайтмоқчиман! Чемпион бўлмасам аламим ичимда! Энди ўзимизни кўрсатадиган пайт келди. Нима, бу ишлардан хурсанд эмасмисан?

— Хурсандман.

— Ман двойной хурсандман! Худога шукр, энди озодман, озодликдаман. Нимайди, бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор!

Элёр ноилож пиёлани қўлига олди. У уйлангандан кейин ичишни ташлаганини, ҳозир фақат ижодий иш билан жиддий шуғулланаётганини айтмоқчи эди, бироқ

шу тобда Ботир акасига ҳеч қандай баҳонга кетмаслигини пайқадию индамади. Индолмади.

Озгина овқат билан тўйиб қолишди. Битта шиша аллақачон бўшатади. Бироқ мезбоннинг кайфи ошиб қолди, деб бўлмасди. Ботир иккинчи шишага ёпишди, Элёр қайсарлик қилиб туриб олди: «Унда, хайрлашамиз!» деганидан кейин ноилож ниятидан қайтди. Элёр пайтдан фойдаланиб Зулфия опадан гап очди.

— Зулфияни эслатмасанг-чи, юрагимни эзиб.

— Нима, ўзгариб кетибдиларми?

— Унчалик ўзгармаган бўлса ҳам, қанақадир... чарчаган, эзилган одам бор-ку, ўшаларга ўхшаб қолган. Уйдан мактабга, мактабдан уйга бораркан, холос. Билгани шу битта йўл экан. Кўриб, раҳмим келиб кетди.

Ботир стулга суяниб ўтираркан, Зулфия билан бўлиб ўтган учрашуви ёдига тушдими чуқур хўрсиниб қўйди ва бўғиқ овозда деди:

— Сен чизиб берган суратни кўрсатмасам, бўларкан.

— Нега?

— Э-э, — Ботир алам билан қўлини силтади ва кетмакет юрагининг устига муштлади. — Расмига узоқ тикилиб турдию кўзларидан ёш оқди. Биласанми, у ҳам мани яхши кўрган экан. Агар Маҳмуд акани урмаганингизда ҳаммаси сиз ўйлагандек, бўларди. Нега келдингиз, ярамни тирнаб деганди, ишонасамми, мана бу еримда нимадир портлагандек бўлди. Нима дейишимни билмай қолдим. Синф хонасидан на туриб чиқиб кетишимни, на қолишимни билмайман.

— Нега шу гапни аввалроқ айтмагансан? — деб сўрадим, ниҳоят ўзимни қўлга олиб.

— Ман қаттан билай уришиб кетишингизни? — деди баттар эзилиб.

— Ота-онанг тўйни тўхтатмаймиз, деганидан кейин нима қилишим керак эди? — ўзимни оқлашга тушдим.

— Ман унга тегаётганим йўғ эди-ку!

— Тўйни бошлаб қўйишса, ҳеч нима қилолмасдинг? Ота-онангнинг юзига оёқ босишга журъатинг етмасди. Бу гапларни энди, поезд кетгандан кейин гапиряпсан!

— Ўзингизча иш тутиб мақсадингизга эришингизми? Эришолмадингиз-ку! Мани ҳам, ўзингизни ҳам бахтсиз қилдингиз! Ундан кўра ўғирлаб кетганингиз яхши эмас-миди!

Бу гапидан кейин бошимга бир туширдим. Ўзимдан яна бир бор хафа бўлиб кетдим. Маҳмуд акага қўл кўтаришнинг ўрнига, Зулфияни Тошкентга олиб кетсам бўларкан, деб эзила бошладим. Бироқ энди бу эзилишдан, афсус чекишдан фойда йўқ эди. Кечирим сўрашга бир неча бор отландим, лекин юзим чидамади, ҳеч кимга кераксиз гурурим йўл қўймади. Эрингдан ажрашсанг-чи, деб илтимос ҳам қилмоқчи бўлдим, аммо журъатим етишмади.

— Эринг яхши юрибдими? — деб зўрға сўрай олдим холос.

— Инвалид бўлиб қолган. Кўрган куним қурсин.

Шунақа дегандан кейингина ичимда бир нарса пайдо бўлди ва галаён бошлади. Жойимда ўтиролмай қолдим. Ниҳоят, ўзим билмаган ҳолда қўлларидан ушлаб:

— Балки, ман билан Тошкентга кетарсан? — деб сўрадим.

— Бу гапни етти йил аввал айтганингизда кетган бўлардим. Одамлар яхши кўргани билан қочиб кетибди-да, деб қўя қолишарди. Энди қаерга бораман? Энди умуман иложи йўқ.

— Фарзанд кўрмабсан-ку? Нима ушлаб турибди, сани? — шунақа десам, рози бўлармикин деб атай нозик жойидан олдим.

— У сизнинг айбингиз билан инвалид бўлиб қолди. Бўлмаса, фарзанд кўришимиз мумкин эди.

— Унақа дема, Зулфия, манам шунча йил азоб чекдим, бунинг учун! Агар билсанг, шу ўтган йиллар ичида доим сани ўйладим. Қўлингдаги расмингни чиздириб турма деворига илиб қўйганман. Ётганда ҳам, турганда ҳам санга қарайман! Баъзан кечалар кўзимга уйқу келмай тонг отгунча термулиб чиқаман, сен эса у пайтда инвалид бўлса ҳам эринг билан ётган бўласан. Буни ўйлаш қанчалар азоблигини биласанми, қанчалар даҳшат эканлигини тушунасанми, ўзи? Кўрган куним қурсин дейсан, маники-чи,

маники саникидан ҳам баттар ўтди-ку, Зулфия! Биламан, ҳаммасига ман айбдорман! Аммо айбим учун керагидан ортиқча жазоимни олдим. Энди ҳеч кимнинг ҳаққи қолмади. Энди ҳаммасига чек қўйиб, бирга яшашимиз мумкин! Бизнинг ҳам одамларга ўхшаб бахтли бўлишга ҳаққимиз бордир?!

Зулфия анча пайт жим қолди. Кейин кўзларимга бир қараб олди-да, афсуслангандек бош чайқади.

— Кетолмайман сиз билан, — деди маъюслик билан.
— Хоҳлаган чоғимда ҳам кета олмайман!

— Бу дунёдан шундай ўтмоқчимисан? — жаҳлим чиқиб кетиб сўрайман ундан.

— Тақдирим шу экан?

— Маники-чи?! Манинг тақдирим ҳам шундайми?

— Билмадим, — деди Зулфия пичирлаб.

— Маҳмудни ташлаб кета олмайсанми?

— Ҳа.

— Унда, уни ўлдираман! Барибир, номимга доғ тушган, барибир жиноятчман! Шунча ўтирдим, яна ўтираман! Қамалишдан кўрқмайман, билдингми, энди кўрқмайман. Сансиз озодликда юргандан кўра зонада ўтирганим афзалроқ. Қамоқдаман-ку, деб ўзимни-ўзим юпатишим осонроқ бўлади.

— Жинни бўлдингизми?

— Жинни эмас, телбаман, дарвешман, дарди бедавоман!

— Тошкентга борсангиз, у ерда чиройли қизлар жуда кўп. Бирортасига уйланиб олсангиз... мани унутиб юборасиз. Энди ўзингизни қийнаманг. Ман бахтли бўлмаганга яраша, сиз...

— Шунча гапдан кейин жавобинг шуми?

— Иккимиздан биримиз бахтли яшашимиз керак-ку. Ман энди... турмуш кўрган аёлман, фарзандим бўлмаса ҳам бошимда эрим бор. Сиз...

— Бўлди, бас! — уни ортиқ гапиртиришга қўймадим. — Биз иккимиз ҳам бахтли бўлишимиз мумкин. Фақат ман билан кетишга рози бўлсанг, бўлди. Ахир ойнанинг ўн беши қоронғу бўлса, ўн беши ёруғ дейишади-ку!

— Ойнинг қоронғу ўн беши ман экан, ёруғ ўн беши энди сиз бўлишингиз керак. Тўғри айтдингиз, сиз манда нам кўп азоб-уқубат чекдингиз. Қамоқдаги қора кунларингиз даҳшат билан ўтганини биламан. Шунинг учун... сиз бахтли бўлишингизни истайман.

Қамоқда қанча-қанча қийноқларга, оғриқларга чидаган вужудим, Зулфиянинг бу гапларидан титроқда тушди. Унча-мунчага ёш келмайдиган кўзларимни ундан яширдим. Зулфияни ман билан Тошкентга кетишга кўндиролмаган эдим. У ўзига эмас, манга бахт тилаётган эди. Лекин усиз қандай бахтли бўлишим мумкин. Уйлансам-у хотинимни севмасам, унга кўнглим бўлмаса? Айт-чи, шу ҳам ҳаётми? Мана, сан, севиб уйландингми?

У дабдурустдан гапира олмай бошини қимирлатиб, тасдиқ ишорасини қилди. Боксёрнинг ҳикояси уни тамом асир қилган эди.

— Севмаганингда хотинингга уйланмасдинг, тўғрими? Яша! Энди, ман нима қилишим лозим? Зулфиянинг олдидан ўтдим, деб дуч келган қизга уйланиб кетаверишим керакми? Ундан кейин етти йил умрини зонада ўтказган йигитга қайси қиз тегаман, деб қараб турибди.

— Менга тегди-ку, — ниҳоят орага гап қўшди Элёр.

— Сан нима, бори йўғи бир йил ўтирдингми йўқми. Ундан кейин сан тўхмат билан қамалгансан. Буни тушуниш қийин эмас. Шунинг учун сан ўзингни ман билан тенглаштирма!

— Балки ростдан ҳам бахтли бўлиб кетарсиз?

— Э, қўйсанг-чи!

— Нима, умуман, уйланмоқи эмасмисиз?

— Ўзинг кўрдинг-ку, зонада уни бир кун бўлса ҳам унута олдимми? Йўқ, унутолмадим. Энди хоҳлаган пайтимда кўришим мумкин бўлган вақтда қандай ўйламайин. Бу миядаги хаёлга асло буйруқ бериб бўлмас экан. На яхши гапга кўнади, на ёмон гапга. Уриб бўлмаса, сўкиб бўлмаса! Жуда бошим қотди. Мана, санам эркак кишисан, мани ўрнимда бўлганингда нима қилардинг? Гапир, нима қилардинг?

— Зулфия опани эридан ажрашишга кўндирардим.

- Қўндирилмасанг-чи?
- Ўзи айтгандек, олиб қочиб кетардим.
- Қаёққа? Тошкентгами? Нима, хотин ўғриси деб қамалиб кетишдан қўрқмасмидинг?
- Ҳозиргина Зулфия опага эрингни ўлдираман, майлига яна қамалиб кетсам, деган сизми? Одам ўлдириб қамалгандан кўра, хотин ўғирлаб қамалган энгилроқ-ку!
- Ботир бирдан ўйланиб қолди. Пиёладаги совиб қолган чойни симиргач, қўллари билан оғзини артганича тўхтаб, кейин бармоқларини тишлади.
- Гапингда жон бор, братишка! Уни ўғирлаб келишим керак, шу ерга. Лекин ортимда қувиб келишлари ҳам мумкин-да? Поччамнинг уйида яшаётганлигимни қишлоқдагилар яхши билишади. Нима деяпсан, бизни бир кунда топиб олишади. Агар Маҳмуд ака келиб, Зулфияни яна тортиб оладиган бўлса... барибир уни ўлдириб қўйишим мумкин. Унда иккита статя ест-да! За похишение и за убийства! Йўқ, сани вариантнинг тўғри келмас экан!
- Манимча, Маҳмуд ака хотинини қидириб келмайди.
- Нима деганинг, бу? Ўйлаб гапиряпсанми ёки кайф бўлиб қолдингми?
- Мен ичганим йўқ.
- Ичганинг йўқ, унда икки пиёлани ким бўшатди?
- Мана бу сочиқ, — Элёр Ботир акасини алдагиси келмади шекилли, айбини бўйнига олиб, қўйлагининг ичидан ароқ ҳиди гупиллаб турган сочиқни чиқариб стол устига қўйди.
- Вой, афирис-ей. Қачон ичингга сочиқ тиқиб олгандинг?
- Ичасан, деб туриб олганингиздан кейин, туалетга кириб чиқай деб турдим-у, ўшанда ошхонага ўтсам, сочиқ турган экан, олдим-да шартта тиқдим. Кейин сизга сездирмасдан бўйнимдан қуйиб ўтиравердим.
- Маладес, санга! Қаттан ўрганинг бунақа афирисликни? Ундан кўра ичмайман, десанг, бўлмасми-ди?
- Айтсам, унамадингиз, кейин сизни хафа бўлмасин, дедим-да. Сиз менга жуда қадрдон инсонсиз, Ботир ака.

Сизни ниҳоятда ҳурмат қиламан. Шу ишимни айтмасам ҳам бўларди, аммо алдашни истамадим, аччиқ бўлсаям барибир ҳақиқат яхши. Мен, Муҳаббатга сўз бергандим, тўйдан кейин умуман ичмайман, деб. Ваъдага вафо марднинг иши, дейишади-ку, шунга...

— Муҳаббат дедингми, отини?

— Ҳа.

— Нима, ундан шунчалар қўрқасанми?

— Йўқ, уни қаттиқ севаман. Севишни эса сиздан ўргандим.

— Мандан ҳеч нарса ўрганма, билдингми, ўрганма! Ман энди, дарди бедаво бир инсонман. Лекин нима учун Маҳмуд акани қидириб келмайди, деяпсан? Инвалидлиги учунми?

— Йўқ.

— Унда нима?

— Зулфиянинг ўзи хоҳлаган бўлса керак, деб ўйлаши ҳам мумкин-да. Демак, ҳалиям Ботирни унутолмабди, дейдию ортидан келмайди.

— Нет, ты неправ, братишка. Ўзингни унинг ўрнига қўйиб кўр, нима, қидириб келмасмидинг? Гапир, хотинингни қидириб келмасмидинг?!

— Маҳмуд ака фарзанд кўришга қурби етмаслигини билади, Зулфия опанинг қийналиб кетганлигини ҳам кўриб турган бўлса керак. Балки унга раҳми келиб, сизларни тинч қўйиши мумкин, деб ўйлаяпман-да. Ундан кейин шаҳардаги бундай шароитни кўргач, балки Зулфия опанинг ўзи ҳам қайтишни истамай қолар?

— Сан бола мани йўлдан урма. Ҳозир ўзимни мастликка соламан-да шартга олиб келаман.

— Бу табиий ҳол. Чунки инсон ўз севгиси учун курашиши керак. Ким нима деб ўйласа, ўйлайвермайдими?

— Маҳмуд акага ачинмайсанми? Ахир бир пайтлар ачингансан-ку, унга.

— У ҳам сизни севишингизни била туриб уйланди-ку.

— У уйланмади, Зулфиянинг ўзи тегди.

— Нима фарқи бор?

— Ке, қўй, Зулфиядан гап очма, илтимос.

— Бўпти, унда меҳмондорчилик учун катта раҳмат. Энди менга рухсат берасиз. Келин ёлғиз қолмасин. — Элёр кетишга тараддуд кўрди.

— Нега ёлғиз ўтиради, ҳали фарзандлардан йўқми?

— Худо бериб қолар.

— Албатта-да. Фақат, яхши ният қил. Лекин ҳалиги гапинг зўр бўлди, севишни сиздан ўргандим, дегин? Унда Зулфияга ўхшаган чиройли қизга уйланибсанда-а?

— У мен учун дунёдаги энг гўзал қиз! Бироқ уйдагилар жанжал қилишга ўтишди, Ботир ака. Туғмаса, чиройини нима қиласан, дейишяпти. Бошим қотиб қолди. Лекин Муҳаббатдан ажрашиш ниятим йўқ.

— Тўғри қиласан. Лекин... ке, қўй, шу аёлларни, бугун бир дам олайлик. Шаҳарда қиз топиш проблема эмас экан? Ҳозир телефон қилсам, иккитаси дарров етиб келади.

— Э, қўйсангиз-чи, Ботир ака!

— Нима бўпти? Ахир биз зонада аёл зотини кўрмадик-ку.

— Ким айтади, сизни Зулфия опани чиндан севган, инсон деб? Ундан кейин... мен Муҳаббатга хиёнат қилолмайман, Ботир ака.

— Сан ароқ ичмайман, деб ваъда бергансан, тўғрими? Бегона аёлга юрмайман, демагансан-ку. Ёки бунга ҳам қасам ичганмисан?

— Буни айтиш шарт эмас.

— Лекин манинг юрагим куйган, братишка. Зулфия ҳам бегона эркакни кўрган. Мана шунисига чидай олмайман! Шунисига!

— Ботир ака, сиз билан яна кўришганимдан жуда хурсандман. Энди, укаларча маслаҳатим, ўзингиз айтгандай боксга қайтинг. Ўзингизни кўрсатинг, ака! Сизни рингда кўришни жуда хоҳлайман. Ўзиям шер бўлиб кетсангиз керак. Ахир боксни соғингансиз-ку, тўғрими?

— Бокс ҳақида кейин гаплашамиз. Ҳозир эса кайфнинг белига тепма. Сан ароқ ичмай афирислик қилдинг. Энди мандан эшит, манам давно қизларга телефон қилиб қўйганман, мана, кўрасан, ҳозир келиб қолишади.

— Ботир ака, сиз иродасиз бўлсангиз, ҳеч қачон боксга қайта олмайсиз. Гапларимдан хафа бўлманг, сизни ўз акамдай яхши кўрганим учун айтяпман! Зулфия опага етишсангиз, барча азобларингизни унутиб юборасиз.

— Зулфияни гапирма, дедим санга! У ҳеч қачон бирга бўлолмаймиз, деб канкретний айтди, манга. Нега, тушунмайсан?

— Яна билмадим-у сизнинг севгингиз жавобсиз қолади, деб ўйламайман.

— Аллақачон қолиб бўлган! Энди бу севгини ўзим билан гўримга олиб кетаман. Бошқа ҳеч кимга керакмас, билдингми, керак эмас! Кетмоқчимисан, бор, кетавер. Ман эса аламимдан ичаман, аламимдан юраман.

— Бирор касаллик орттириб олманг яна?

— Не бойся, проверинний қизлар экан.

Элёр яхши гап билан Ботир акани фикридан қайтаролмаслигини билди. Шундоқ ташлаб чиқиб кетишга қўнгли бўлмади, ким билади, қанақа қизлар? Ичириб қўйиб уйдаги нарсаларни кўтариб кетишса-чи? Бировнинг уйи бўлса? Наҳот, бегона одамларга ишониб ўтирса-я? Нимадир қилиш керак?

— Яхши, дам олсак олибмиз-да, бир марта шўхлик қилсак, нима қилибди, хотинлар билиб ўтирибдими?

— Вот, это, другой разговор!

— Дўстинг учун заҳар ют, дейишган-ку.

— Ана энди эркак кишига ўхшадинг!

— Сиз бирпас дам олиб туринг. Мен бирор овқат тайёрлайман. Қизларни димлама билан меҳмон қилсак бўлмас, нима дедингиз?

— Холодильникда ҳамма нарса бор. Хоҳлаган овқатингни қилавер, қани, санинг ҳунарингни ҳам бир кўрайликчи. Лекин ростданам бошим оғриб қолди. Тўғриси, сан оғритдинг, ҳадеб Зулфияни гапиравериб. Унда турдикми? Яна мани ухлатиб қўйиб, қуён бўлиб қолмагин!

— Бўлди, келишдик-ку, Ботир ака.

— Ўзимнинг укамсан. Манам сани жуда яхши кўраман. Лекин виставкангни кўриб... действительно хурсанд бўлдим. Молодес, омадингни берсин.

— Раҳмат, Ботир ака, раҳмат. — Элёр шундай деб мез-бонни диванга ётқизиб чиқди. Ўзи эса ошхонада турган бўлди-да, кейин қизлар келса, кўнғироқни босиб ўтирмасин, деб эшикни салгина очиб қўйди. «Улар билан ўзим гаплашаман. Ботир ака касал бўлиб қолди, дейман-у изига қайтариб юбораман. Жуда зўр қилса, йўлкирасини олади-да. Лекин уларни қаердан топдидикин? Ёки зонадан чиққан бирорта таниши билан кўришдимикин? Яна у йўлдан ураётган бўлмасин? Қараса, тайёр жой, озиқ-овқат текин, бунақа шароит қаерда бор? Ботир аканинг жаҳли тез бўлгани билан соддалиги бор, ким нима деса, дарров ишонаверади. Агар келмаганимда бир ўзи бегона қизларни уйга киритармиди? Зулфия опадан аламзада бўлгани учун ҳозир нима қилаётганини билмасалар керак. Бўлмаса, бунчаликка бормасдилар».

Элёр меҳмонхонага қайтиб кириб видеомагнитофон ёнига қатор терилган кассеталарни бир-бир кўра бошлади. Кассеталарда ҳар хил хорижий кинолар ёзилган бўлиб, уларни биринчи марта кўриб туриши эди. У киноларнинг номларини қизиқиш билан ўқиётган бўлса-да аммо бутун диққат-эътибори ташқарида эди. Эшик олдида оёқ товуши эшитилиши билан югуриб чиқишга шай турарди. Бир кўнгли балконга чиқиб деразадан пастга қараб турмоқчи ҳам бўлди, бироқ кўни-қўшнилари нотаниш йигитни кўриб ёмон фикрга бормасин, деб эшикни очиб қўя қолганди. Шу орада у нимагадир чалғидию лифт очилганини пайқамай қолди. Кўнғироқ овозидан эса чўчиб тушди. Ботир ака ёлғон гапирмаган экан, эшик олдида ўн саккиз-йигирма ёшлардаги, бўй-басти деярли тенг иккита келишган қиз турарди.

— Келдик, — деди қизларнинг сал тўладан келгани сохта табассум қиларкан.

— Қаерга келдинглар? Ким чақирди сизларни? — Элёр атай овозини пасайтириб гапирди.

— Бизни, бизни Ботир деган йигит чақирдилар. Нима, адашдикми? — сал олдинроқда туриб гап бошлаган қиз нотаниш йигитнинг муомаласидан ҳайрон бўлди-да дугонасига юзланди.

— Адресни ҳозир чўнтагинга солдинг-ку, яна бир қарачи, — деди иккинчи қиз бироз жаҳли чиққандай.

— Мана, шу квартиранинг номери ёзилган.

— Тўғри, лекин Ботир ака ҳозир йўқлар, срочно аэропортга кетдилар.

— Фарқи йўқ, ўтириб турамиз.

— Қўқондан қариндошлари учиб келаётганмиш. Қизларни қайтариб юбор, деб менга тайинлаб кетдилар. Узр, қизлар. Бирдан шунақа бўлиб қолди.

— Қачон кетдилар?

— Эндигина. Бир-икки соатларда келиб қолсалар керак.

— Ярим соатда ҳамма нарсага успет қилса бўлади. Қуруқ қайтмайлик, энди, атай йўл босиб келдик-а. Балки ўзингиз таклиф қиларсиз, бизни.

Элёр бу қутилмаган таклифдан довдираб қолди. Қизлар бир-бирига қараб кулиб қўйишди, уларнинг ҳар бири ўзича гўзал эди. Балки Элёр бундай қизларни аввал учратмагани учун бирдан ёмон кўнгилга бормади, аммо бир-икки оғиз гапдан кейин унда умуман енгил табиат қизлар эканига шубҳаси қолмади.

— Мен уйни йиғиштиришим керак, бўпти, хайр, қизлар. — Элёр шундай деб эшикни ёпди.

Бироқ сал ўтмай кўнғироқ икки марта кетма-кет чалинса бўладими. Қизларни алдаб жўнатиб юборганига эндигина хурсанд бўлиб турган йигит шошиб қолди. Эшикни очаркан, яна нима гап, деди ичкарига бир қараб қўяркан. Олдинда турган қиз таксига пул сўради. Элёр узр айтиб чўнтагини кавлай бошлаганди, орқасида қадам товушини эшитиб, галати аҳволга тушиб қолди.

— Қизлар келишдими? Нимага кирмай турибсизлар? Қани, Элёр, меҳмонларни ичкарига бошла!

— Ботир ака аэропортга кетганмилар?

— Қанақа аэропортга? Ботир, манман.

— Ёлғончи! — Қизлар башарасини буриштириб, Элёрга ёмон қараш қилдилар.

— Бу ўзи, шунақа ҳазилкаш йигит, ундан хафа бўлмайсизлар. Қани, қани, тўғрига кираверинглар.

Ботир ака қизларни меҳмонхонага таклиф қилгач, Элёр-га қаради:

— Нима овқат қилдинг?

— Ухлаганингизга ўн минут ҳам бўлмади-ку, лекин барибир димламадан зўр қилолмасдим, — ўзини оқлади Элёр. Кейин қизлар ичкарига кириб кетгач, қўлини кўкси-га қўйиб гапида давом этди: — Менга рухсат берасиз, уйга бормасам, бўлмайди.

— Қочяпсанми?

— Сиздан рухсат сўраяпман-ку.

— Унда рухсат йўқ. Кемага тушганнинг жони бир, деган мақолни эшитганмисан? Ҳа, яхши, давай, овқатни иситиб сузиб кел. Бирпас ўтир, кейин кетаверасан, окей!

— Ботир ака, барибир...

— Бошимни қотирма, — Ботир ака Элёрни қўлтиғидан ушлаб охсона томонга етаклади. — Зонада ваьда берганинг эсингдами?

— Қанақа ваьда?

— Қутулиб чиқсак, сани қизларга обораман, деганимда нима дегансан? А?

— Э-э, уми? Ҳа, энди, бўйдоқчиликда ҳазиллашиб...

— Зонада ҳазил гап бўлганми? Айтилган гапга жавоб бериш кераклигини яхши биласан. Гапига жавоб бермайдиганларни нима дейишарди, ёдингдадир?

— Қриса.

— Правилна. Ўйлайманки, сан унақалардан эмассан! Ман сўзимнинг устидан чиқдим, лекин қара, зўрлари келибди, бунақа имконият ҳадеб ҳам бўлавермайди. Қўрқма, пулини ўзим тўлайман!

— Гап пулда эмас.

— Ҳа, яхши, дугонаси билан бир пас гаплашиб тур, кейин кетаверасан. Давай, қизлар кутиб қолишди.

Элёр қозоннинг тагини ёқди. Деразадан ташқарига тикилар экан, беихтиёр Ботир акага «Борамиз» деган кунни эслади.

«... — Нега кечаси Зулфия опанинг суратига қарамай-сиз? — сўради Элёр кўзларини юмиб олган Ботир акадан.

— Қарасам, Маҳмуд ака билан ётганини ўйлайвераман — истамайгина жавоб қилди Ботир ака.

— Кундузи кўп қарайсиз-ку?

— Кундузи ётганини ўйламайман-да.

— Севги ёмон нарса эканда-а, Ботир ака?

— Ёмон нарса, агар етишолмасанг, ўзингни ўзинг еб тугатаркансан, айниқса, зонада. Бу ерда аламингдан ичолмайсан, қизлар билан юролмайсан! Ҳеч нима қилиб бўлмайди, бу лаънати ерда! Жиннига ўхшаб фақат, ўйлаганинг-ўйлаган! Шу ҳам ҳаёт бўлдию! — Ботир шундай деб тепадаги караватни бир тепганди, Читтак лақабли маҳбус ерга ағдарилиб тушай деди.

У ухлаганмиди ёки ухламаганмиди, билиб бўлмади, аммо ранжигандай Боксёрга бир қараб қўйиб, хато қилганини пайқади, аммо энди кеч бўлганди, «Что, смотриш!» деган сўкиш билан яна бир тепки еди.

Читтакдан садо чиқмади.

— Ухладингми? — анчадан кейин сўради Ботир.

— Йўқ.

— Бу ердан чиққандан кейин сани қизларга обораман, борамизми, братишка!

Элёр ётган жойида ялт этиб Ботирга қаради. Нима дейишни билмай ўйланиб қолди. Ботирнинг жаҳли чиқиб кетди.

— Эркакмисан, ўзи?

— Эркакман.

— Гапирмайсанми, унда, латтачайнарлик қилмай!

— Кейинчалик... кўришамизми, ўзи?

— Конечено! Ман ўзим сани топиб оламан!

— Қаердан?

— Қаердан, бўларди? Ахир рассом бўлмоқчимисан?

— Ҳа.

— Унда, театралнийдан топаман-да.

— Тўғри.

— Лекин сан гапни айлантирма! Борасанми-йўқми?

— Ўша кун келаверсин-чи.

— Келса-чи!

— Бўлди, келишдик, брат!

— Вот, это, другой разговор.

Ботирнинг қатъий гапидан Элёрнинг тамомила уйқу-си ўчиб кетди...»

Ниманидир куйган ҳидидан Элёр ўзига келди. Овқат тагига олиб, сал қолса куйинди бўлай деб қопти. Димла-мани бир амаллаб лаганга солиб ичкарига киришга маж-буран қадам қўяркан ўзини айбдор ҳис қилди...

* * *

Кечроқ уйга қайтган Элёр Муҳаббатнинг йиғлавериб шишиб кетганини кўриб қўрқиб кетди: дарров кўнглидан «Билиб қолдимикин?» деган шубҳа ўтди. У уйга кираману Муҳаббатнинг юзига қарамай аввал бошқатдан яхшилаб ювиниб чиқаман, деб ўйлаб келаётган эди. Ҳаммасини унутди, нима гаплигини с ўраш учун беихтиёр хотинининг ёнига борганини ўзи ҳам сезмай қолди.

— Онангиз телефон қилдилар, — дея ҳиқиллаб жавоб қилди Муҳаббат эрининг «Тинчликми?» деган саволига.

Ўзи билан овора бўлиб турган Муҳаббат Элёрнинг жавдираган кўзларига қарамай, бошини салгина кўтариб қўйди, холос. Бошқа пайт бўлганда албатта қаердан кела-ётганини сўраган бўларди, ярим ҳазил-ярим чин қилиб. Негаки, Элёр уни алдай олмаслигини билади, севган одам ёлғон гапирмайди, деб ўйлайди. Бўлмаса, Элёр бир куни нимадир бўлиб кеч қолганда атай «Курсдош қизлар меҳ-мон қилди», деб айтиб кўрган. Кўзларини салгина юмиб нозланганича «Алдаманг!» дегандан кейин қандай алда-син, қандай ёлғон гапирсин? Умуман, бу нигоҳларга чи-дашнинг ўзи амри маҳол-ку. «Дарров биласан-а?» дерди шундай пайтларда Элёрнинг меҳри товланиб, кейин унинг юз-кўзларидан, ялтираб турган лабларидан пайдар-пай ўпиб кетарди. Муҳаббат бир зумда қони жўшиб кетадиган эридан зўрға қочиб қутиларди. Бироқ Элёрнинг чирма-шиб кетадиган қўлларидан осонлик билан чиқишнинг ўзи бўлмасди. Ижарага олинган икки хонали бу уй ёшларга жуда қулай эди. Улар ўзлари истагандек ҳаёт кечирарди-лар. Икки севишган инсоннинг ширин турмуши эди, бу.

Бироқ ҳар тўқисда бир айб дегандек, Муҳаббат негадир ҳомиладор бўлмаётган эди. Лекин бу нарса уларни ҳали ташвишга солаётгани йўғу фақат онасининг қистови кундан-кун кучайиб, келин-куёвнинг ширин онларини гашликка, ғам-андухга айлантириб юбораётгандай эди. Демак, бугун Муҳаббат йиғлаш даражасига борибдики, орандан жиддий гап ўтган.

Хотинининг гапидан енгил тортган Элёр ўзини ваннага урди:

— Устимдан муздек сув қуйиб чиқмасам, манам ёниб кетаман!

Элёр ваннада анча қолиб кетди. Иссиқ сувни устидан қўйиб-қуйиб юборди. Гўё шу билан поклангандай бўлди. Кўнгли сал таскин топаркан, индамай чиқиб келди. Ҳеч нарсадан шубҳа қилмаган Муҳаббат ҳамон ўзи билан ўзи овора эди. Бироқ эри ювиниб чиққандан кейин ошхона томонга ўтди. Дастурхон устига ёпилган оппоқ сочиқни олиб, эрига овқат сузди.

Узатилган пиёлани олиш баҳонасида хотинига қараган Элёр Муҳаббатнинг тикилиб турганини кўрдию «Ҳм» деди ғудраниб. Муҳаббат индамай қараб тураверди. Шунда унинг ёдига нимадир тушиб ўрнидан тураётган эди...

— Бўлди, поезд кетиб қолди, — деди Муҳаббат.

— Узр, унутибман. Ўзинг ҳам қўрқитиб юбординг-да. — Ноилож ўрнига қайтиб ўтирган Элёр ўзини оқлашга ўтди. — Сени бу аҳволда кўриб...

— Ювиниб чиққандан кейин-чи?

— Э, онажонимиз сенга нима дедийкин, деб хаёл суриб қолибман. Бир марта кечирадилар-да энди. Кечирдингми, кечирмадингми? Йўқса, ҳозир ўрнимдан туриб...

— Бўпти, бўпти. Овқатингизни ичинг.

Қорни унчалик оч бўлмаса-да косадаги чучварани бирин-кетин ютаётган Элёр овқатни мақтаб қўйди. Қишлоқдан олиб келишган косани бўшатишнинг ўзи бўлармиди. Аммо Муҳаббат буни ҳам сезган экан.

— Қорнингиз тўқмиди, дейман?

— Йиғлаганингни кўриб иштаҳа ҳам бўғилди-да. Яна ўша гапми?

— Бошқа нимаям бўларди. «Келинпошшо, туғишнинг ҳаракатини қилинг», деб буйруқ бериб юбордилар. Худо бермаса, мен нима қилишим керак?

— Бўлди, сиқилаверма, «Хўп, онажон» де, қутуласан.

— Бу иккинчи марта телефон қилишлари. Биринчисини сизга айтмагандим, кайфияти бузилмасин, деб. Агар...

— Нима, агар?

— Агар яна бир йил фарзанд кўрмасак, онангиз бизни ажраштириб юборадилар шекилли.

— Э, қўйсанг-чи, бунақа гапни!

— Мана кўрасиз, бу сафар шаштлари анча баланд.

— Сендан ажрашадиган аҳмоқ йўқ, билдингми? Бўлди, бу ҳақда бошқа ўйлама, аямлар билан ўзим гаплашаман. Агар мабодо яна телефон қилиб қолсалар, «Ўғлингизнинг ишхонасига қиларкансиз» де, хўпми? Лекин ёмон гапирма, ичлари оғримасин. Қолганини ўзим гаплашаман. Келишдикми?

— Нима, мен фарзанд кўришни хоҳламайманми? У ёқда сизнинг онангиз ташвиш тортаётган бўлса, бу ёқда менинг аямлар ҳам «Янгилик борми?» деб сўраганлари-сўраган. Ўзимнинг ҳам юрагим сиқилиб кетди. Турмушга чиққанингдан кейин... тезда фарзанд кўрмасанг ҳам бир бало экан.

— Худо хоҳласа, ҳаммаси яхши бўлади. Агар истасанг, бирор кун докторга бориб учрашиб кўрамиз, балки айб санда эмасдир?

— Ростданми?

— Ўзи чиндан ҳам ўзгариш сезмаяпсанми?

— Қанақа ўзгариш?

— Ҳалигидай..., — Элёр қорин семирмадим, дегандай ишора қилди.

— Ҳеч нарса сезганим йўқ.

— Майли, ташвиш қилма. Ҳозир тиббиёт шунақанги кучайиб кетганки, бир ҳафталик ҳомилани аниқлай оларкан. Энди бизда ҳам хусусий тиббий марказлар, клиникалар очила бошлабди. Бирор кун ишдан эртароқ келганигда менга телефон қилсанг, иккимиз дарров ўтиб келамиз, хўпми?

— Яхши, борганим бўлсин, лекин бугун... ҳам меҳрибонсиз, ҳам жуда галати кўринасиз? Тинчликми, ўзи?

— Тинчлик, албатта. Бир пайтлар зонада бирга бўлган танишимни учратиб қолдим. Кафеда ўтириб анча гаплашдик. Агар эсинда бўлса, у йигит ҳақида сенга гапириб бергандим. Қўқонлик Ботир ака-чи, Зулфия деган яхши кўрган қизининг суратини чизиб берганман, деб айтгандим-ку. Эсладингми? Ҳа, ўша акамиз билан бирпас ўтириб кел-яшман.

— Ичдингизми?

— Ваннага кириб кўйлак-майкамни ҳидласанг, биласан, ичган-ичмаганимни.

— Яна ўша приёмми?

— Нима, ичиб келишимни хоҳлаяпсанми?

— Йўқ-йўқ. Фақат ёмон одамларга яқин юрманг, дейман-да, Элёр ака.

— Ботир ака ёмон одам...мас, унақа.

— Ҳалиям уйланмабдиларми?

— Йўқ. Биров билан уришиб яна икки йил қолиб кетибдилар. Бечора анча қийналибди. Лекин ҳамон Зулфия опани севаркан. «Тошкентга олиб кетаман», дебди, бироқ, кўндиролмабди.

— Зулфия опанинг эри инвалид бўлиб қолган деган-мидингиз, Элёр ака?

— Ҳа.

— Фарзандлик бўлганмикин?

— Фарзанд кўришмабди. Шунинг учун, эринг билан ажраш, дебди Ботир ака. Агар ажрашса, шу ерга олиб келиб яшамоқчи экан.

— Демак, ҳақиқатан севаркан. Эрга текканига қарамай уйланаман, деган бўлса, маладес киши экан. Лекин улар бир-бирларига етишармикинлар?

— Ким билади, дейсан, Худо билади, пешоналарига нима ёзилганини. Аммо етишишса, яхши бўларди. Зулфия опа ҳам айтибди, агар Маҳмуд акани уриб шу кўйга солмаганингизда сизга теккан бўлармидим, деб. Бу гапни эшитиб, Ботир ака ич-этини еб ётибди. Қўлимни кўтармасам, бўларкан, деб афсус-надомат чекаптилар.

— Ҳа, бечорага қийин бўпти. Уйланай, деса бошқа аёлни севолмаса. Ўзини мажбур қилиб уйлангани билан хаёли барибир Зулфия опада қолаверади. Элёр ака?

— Нима?

— Сиз ҳам шунақа қаттиқ севасизми?

— Шогирд устозидан ўтиши керак, бунга... шубҳа қилмасанг ҳам бўлади. Ҳозир ўзигаям айтиб келяпман, севишни сиздан ўрганганман, деб.

— Ростданми?

— Чин сўзим.

— Элёр ака, қишлоққа борганда ўша Зулфия опаникига бир борайлик.

— Нега? Нима қиламиз, уларникида?

— Шу аёлни негадир кўргим келяпти.

— Суратини кўрсатувдим, шекилли.

— Суратини эмас, унақа инсонларнинг ўзини кўриш керак Элёр ака, ўзини. Назаримда Зулфия опа сира оддий аёлга ўхшамайди. У аёлда жуда кучли инсоний фазилат бўлиши керак. Агар шундай бўлмаганда инвалид кишига ҳеч қачон турмушга чиқмаган бўлардилар. Ҳеч нарсага ярамай қолган инсонга ўзини бахшида қилиш, чидам билан ҳаёт кечириш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Сиз у аёлнинг кўзларини кўришингиз керак. Агар чизолсангиз борми, энг зўр суратингиз ўша бўларди!

Элёр жим бўлиб қолди. Муҳаббат тўғри айтаётган эди. Зулфия опанинг ўзини кўриши керак, икки оғиз бўлсада, юрагидаги дардни, орзу-умидларини билиши лозим. Унинг ҳаётга маънос қарашларини, нимадир демоқчи бўлган нигоҳларини тасвирлашга рассомнинг кучи етармикин? Шунча қаттиқ севгиси билан Ботир уни Тошкентга кетишга кўндирилмаган бўлса, Зулфия опа қандай аёл экан? Наҳот, фарзандсиз ўтиб кетса, бу фоний дунёдан? Бировнинг битта хатоси деб ўз ҳаётини қурбон қилишлари тўғримикин?

— Намунча ўйланиб қолдингиз?

— Ўзим шундай.

— Агар Ботир ака яхши инсон бўлсалар, унга ёрдам беринг. Балки Зулфия опа билан ўзингиз гаплашиб кўрар-

сиз. Бир пайтлар ёрдам берган инсоннинг яхшиликлари-ни унутмаслик керак, тўғрими?

— Албатта. Агар Ботир ака Зулфия опага етишса, яна боксга қайтишлари мумкин. Ана унда жаҳон чемпиони бўлиши турган гап! Ботир аканинг техникаси жуда кучли. Зонадаям ўзидан катта кишиларни бир уриб, ағдариб ташларди. Мен бунақа ударни Майк Тайсонда кўрганман. Ботир ака ўзбекнинг Тайсони бўлса борми... у кишига ўзим менежерлик қилардим.

— Ҳой-ҳой, Элёр ака, бўлди, тўхтаг. Индамаса, қасққа кетяпсиз? Рассомликни ким қилади?

— Менам, ё униси билан, ё буниси билан жаҳонни забт етишим керак-ку ахир!

— Боксдан ҳам хабарим бор денг?

— Бўлмасам-чи! Ботир ака менга устозлик қилганлар. Опасний ударларни ўргатмаган бўлсалар-да унча-мунча хабарим бор. Бизни нима деб ўйлаяпсиз, жонидан! Ҳа, айтгандай кечаги воқеани айтмадим-а, сенга?

— Қайси воқеани?

Элёрнинг кўз ўнгида кеча ишдан қайтаётганида автобус ичида содир бўлган кўнгилсиз ҳодиса жонланди.

...Чорсу бекатида автобус одамга тўлди. Ҳатто оёқ кўйишга ҳам жой қолмади. Кимдир «кетдик» деди илтимос қилгандай, кимдир «юрмайсанми, энди!» деб бақирди. Элёр текилинча ўртага келиб қолди. Бир пайт ёнида турган йигитнинг устига плаш ташланган қўли бежо ҳаракат қилаётган пайқаб қолди. Бўйи Элёрдан биров паст бўлган йигитча олдида турган аёлнинг қўлтиғига қисилган сумкани бир-икки силаган бўлди. Зимдан кузатиб турган Элёр йигитнинг бармоқлари орасида лезвия борлигини сумканинг чети кесилганидан дарров билди. Бу орада автобус бекатга келиб тўхтади. Ёдида нимадир тушиб қони қайнаб кетди. Ўйлаб ҳам ўтирмай ўғирлик қилаётган боланинг қўлига ёпишди.

— Шу лезвия билан башарангни тилиб қўяйми?

— Қўйвор қўлимни!

— Сендақаларни деб ўтириб чиққанман, аблаҳ!

Элёр шундай деб йигитчани пастга судрай бошлади.

Одамлар шовқинга аралашди. Элёр сумкаси кесилган аёлга ўгирилиб «Қаранг-чи, ҳеч нимангиз йўқолмабдимикин?» деб сўрагани, янги сумкасининг йиртиқ жойига нигоҳи тушган аёлнинг кўзларидан ўт чақнади ва сумкаси билан кисавурнинг бошига сола кетди.

Эшик олдида бир амаллаб ўтиб келган Элёр йигитнинг қўлини темир устунга бир-икки урди-да, ёқасидан ушлаб пастга итариб юборди.

— Иккинчи қорангни кўрмай, йўқол, бу ердан!

Гандираклаб кетган йигит қутулганига шукур қилди чоғи, орқа-олдида қарамай чопиб кетди...

— Нега шунақа ишларга аралашиб юрасиз, Элёр ака?

— Кўриб туриб ҳам индамаслигим керакмиди?

— Ўзингиз айтгансиз-у улар ёлғиз юришмайди деб.

Шунга кўрқаман-да. Илтимос, шу ўғрилардан нарироқ юринг!

— Хўп-хўп, сен хавотир олма.

— Э, хўп, дейсизу ўзингиз билганингиздан қолмайсиз. Қорнингиз тўйдими? Дастурхонни йиғиштирайми?

— Ҳа, майли. Қани, дуо қилдик. Эй, Оллоҳ, дўст-душманнинг олдида юзимизни ёруғ қилгин, қиздир, ўғилдир фарзанд бергин, қишлоғимизга бошимизни баланд кўтариб борайлик, Оллоҳу акбар.

Муҳаббат қўлларини юзига суртгач, ўрнидан туриб эрининг олдида келди. «Айтганингиз келсин!» деб аста юзидан ўпиб қўйди. Элёр бир зум ғалати бўлиб турди-да, ўтирган жойида хотинини кучоқлади. Муҳаббат қорнига бош қўйган эрининг сочларини силаркан «Бахтимизга кўз тегмасин, илоҳим» деб пичирлади. Элёр беихтиёр кўзларини юмиб, лабларини тишлар экан, нимадир ёдида тушиб биринчи марта ўзидан жирканиб кетди.

* * *

Муҳаббатнинг таърифидан кейин Элёрнинг қўли ишга бормай қолди. Бошлаб қўйган суратини давом эттириш учун ҳарчанд чоғланса-да, ҳеч нарса чиза олмас, негаки,

хаёли Зулфияга кўчиб, унинг қиёфаси кўз ўнгидан асло нари кетмасди.

Ахир Зулфия опанинг бир эмас, бир неча суратини чизган-ку, наҳот, улар Муҳаббатни бефарқ қолдирган бўлса? Тўғри мен Зулфия опанинг дарди билан юзаки танишдим. Ботир аканинг ҳикояси бўйича чизган суратларим балки шунинг учун юзаки чиққан бўлиши мумкин. Ботир акага эса севгилиси ҳақидаги ҳар қандай сурат олов бўлиб кўринганидан уларни мақтаган, лабларига босиб, деворга илиб қўйган. Муҳаббат эса институтда педагогикани, психологияни ўқиган учун Зулфия опани бошқа кўз, бошқа нигоҳ билан кўра олган. Суратларимни танқид қилмаган бўлса-да, нимадир етишмаётганини сезган ва ҳали чизилмаган суратда аёл қалбининг борлиқ сир-асрорларини: дард-аламларини, орзу-ўйларини юзага чиқариб, ўзича тасаввур қилган. Мен Муҳаббат англаган ҳис-туйғуни англашим учун, демак, у аёл билан учрашим, унинг икки оғиз гапини тинглашим, ҳаётга умидсиз боқаётган кўзларини, сўлгин нигоҳларини кўришим керак. Унинг ярим соатлик турмушини қалбим билан чуқур ҳис қилмоғим зарур. Шундагина чизган ва чизмоқчи бўлган суратларим жонли чиқади, кўрган одамни бефарқ қолдирмайди. Муҳаббатнинг гапи тўғри, чизмоқчи бўлган нарсамни аввало ўзим юракдан ҳис қилмоғим зарур. Бўлмаса, бари бекор. Чиранишнинг шунчаки оддий натижаси бўлади, холос. Энг ачинарлиси эса, вақтнинг исрофи. Беш-олти та чиройли чизилган суратлар билан эса ўртамиёна рассом бўлиб қолавераман».

Элёр кечгача ишхонасидан чиқмади. Яқинда очган дизайн студиясида ишлар анча юришиб қолганди. «Кўпни кўрган» деб бекорга таъриф берилмас экан, «Хоҳласанг, биргаликда дизайн студияси очамиз», деган собиқ декани ҳақ бўлиб чиқди: янги-янги очилаётган корхона ва ташкилотларнинг офисларини безаш, йўлақларига табиат манзаралари акс этган суратлар ишлаб бериш ёки янги буюртмалар қабул қилиш, тайёрларини сотиш, шартномалар имзолаш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш анчагина қизиқарли иш экан. Элёр домласи билан бирга

ишлаётганидан хурсанд эди. Йўл-йўриқда, тўғри маслаҳат беришда гап кўплигини билган Элёр бутун борлиги билан ишга киришиб кетган эди. Бироқ барчасига улгуришнинг имкони йўқ эди. Элёр домла билан келишиб, ниҳоят ой бошида янги ходимларни ишга олди. Ўзи ўқиган институтнинг битирув курсида таълим олаётган Шаҳлони устози тавсия қилди. Қўл-оёғи чаққон қиз, муомалани ҳам жойига қўяди, деганди шундай бўлиб чиқди: Шаҳло рекламани кучайтириб юборди, буюртмалар тушишини кутиб ўтирмади, билган-билмаган ишхоналарга телефон қила бошлади, таниган-танимаган рассомларнинг ижоди билан қизиқиб, суратларининг рўйхатини олди, хуллас, ўзини-ўзи ишга кўмиб ташлади. Азиз эса чизган суратлари эътиборга тушмай аламзада бўлиб юрган йигит экан. Бенков номидаги рассомчилик билим юртини битириб, нашриётда бадий муҳаррир бўлиб ишлаш жонига текканмиш, кимдандир эшитиб иш қидириб келибди. Ишларини кўрган Элёр «Боқса одам бўлади» деган хаёлга борди ва икки-уч ой синаб кўрмоқчи бўлди. ?

Дизайн студиясига буюртмалар туша бошлагач, Азиз анча қимирлаб қолди, энди баъзи суратларни ўзи ҳам уйда чизиб келар, таниш-билишларини ишга солиб буюртмаларни тезлаштирар, қўйингки, раҳбарда яхши таассурот қолдиришга ҳаракат қиларди. Аммо унинг асосий иши тайёр бўлган буюртмаларни жойларга етказиб бериш эди. Элёр ходимларидан хурсанд эди, аммо бора-бора иш бунчалар кўпайиб кетади, деб сира ўйламаганди. Буюртмаларни ташишга қийналаётган эди, Азиз эскироқ бўлса-да дадасининг «Жигули»сини ҳайдаб кела бошлади. Энди унга Худо берди: машина устига юк кўтариш мосламаси ўрнаиб, тайёр буюртмаларни ғизиллаб ташлаб келадиган бўлди: кўчадаги таксига ишлатиладиган пул ёнга қолди ва келишда ҳам бўш келмай, яна уч-тўрт сўм тушира бошлади. Қаддини тик тутиб юра бошлаган Азиз тез-тез Шаҳлони тушликка таклиф қиладиган одат чиқарди. Ёшлар ўзлари ташаббус кўрсатиб ишлаётганларидан хурсанд эдилар.

Элёр тушга қадар яхши кайфиятда ўтирган эди. Бироқ Муҳаббатнинг «Докторга учраб келамизми?» деган қўнғи-

рогидан кейин хаёли бўлинди. У шу пайтгача, уч кун олдин хотинига айтган гапни ҳисобга олмаганда айб мендамикин, деб жиддий ўйлаб ҳам кўрмагани, мана энди шифокорга учраш кераклигини ич-ичидан ҳис қиларкан, менда нуқсон бўлса-я, деган шубҳа бирдан уни ташвишга солиб қўйди. «Агар шундай бўлса, Муҳаббатнинг олдида ким деган одам бўламан?». Ўрнидан турмоқчи эди, негандир гавдасини кўтаролмади. Шубҳа, гумон юки бунчалар оғир бўлишини билмаган экан, балки бу залворли юк орномус, йигитлик гурури билан боғлиқдир, бўлмаса, бунчалар вазмин туюлмасди. Элёр бошини эгиб бир зум ўтириб ўйга толди...

Элёр соатига қаради, айтилган вақтдан бироз ўтиб ҳам кетибди. Ўринли бирор баҳона топилмагач, ноилож ўрнидан турди. Юрагига гулгула солган гумондан баттар ташвишга тушди. Нима бўлди, унга? Нега бундай совуқ ўйга борди? Ахир ҳали ҳеч нарса маълум эмас-ку!

У ёқда эса минг бир хижолатда, минг бир ўй-ташвишда Муҳаббат ҳам эрини интизор кутиб ўтирарди. Бирор иши чиқиб келмайсаям майли эди, деб ўйлагани сари унинг бу ташвишидан беҳабар Элёр ўз хаёллари оғушида уйи томон аста яқинлашиб келарди.

— Нима деган гап бу, Муҳаббатхон, нега шу пайтгача докторга учрашмадингиз?

Текширувдан ўтказаятган аёл врачнинг бу гапини эшитиб Муҳаббатни муздек тер босди. Кўрқиб кетганидан рангида ранг қолмади. Эллик беш-олтмиш ёшлардаги тўладан келган шифокор бу ҳолатни кўриб таажжубга тушди.

— Сизга нима бўлди, мамаша?

— Бирор касалим бор эканми, опа? — дея олди шифокорнинг «мамаша» деганига ҳам тушунмаган Муҳаббат титроғини аранг босаркан.

— Нега касалингиз бўлади. Сиз тахминан бир ярим ойликча ҳомила билан юрибсиз, айланай!

— Нима?!

— Ҳа, ўрингиздан туринг, табриклаймиз, Худо хоҳласа, яқинда она бўласиз!

— Ростданми, рост гапиряписизми?

Ҳомила, она деган сўзларнинг маъносини юрак-юракдан англай бошлаган Муҳаббат шарт шифокорни кучоқлаб юзларидан ўпиб-ўпиб олди.

— Бўлди, бўлди, сизга ортиқча ҳаяжонланиш мумкин эмас. Бирор нарсага қаттиқ хурсанд ҳам бўлмайсиз, қаттиқ қайғурмайсиз ҳам. Энди ўзингизни ниҳоятда эҳтиёт қиласиз. Умуман оғир юк кўтармайсиз, учетга оламыз, прописангиз шу райондами? Қани, паспортингиз?

— Паспорти... ташқарида...

— Ташқарида?

— Хўжайиним билан келувдик.

— Ҳм, куёв бола ҳам шу ердами? Жуда соз, агар чақирсангиз, яхшилаб насихат қилиб қўяман. Сизни кўпам уринтирмасин, энди. Тушундингизми, нима демоқчилигимни? Карта ёзиб бераман, тез-тез шифокор назоратидан ўтиб турасиз.

— Раҳмат, сизга, жуда хурсанд қилдингиз?

— Раҳматни манга эмас, Худога айтинг, фарзандни у беради, айланай.

— Худога минг марта шукур, опажан! Юзимни ёруғ қилди.

Муҳаббатнинг кўзларидан дув этиб ёш тўкилди. Кейин шифокорнинг гаплари эсига тушиб дарҳол ёноқларини артди.

— Элёр акамга айтаверайми?

— Албатта-да, чиқиб суюнчи олмайсизми?

— Ҳа-я.

Муҳаббат шошиб кийинар экан, қандай қилиб ташқарига чиққанини, Элёр акасининг бағрига отилганини ўзи ҳам билмай қолди. Хотинини интиқлик билан кутаётган эр, кучоғидаги севгилисининг бу ҳолатини тушунмади: нима гаплигини дарров англолмай довдиради, хурсанд бўлай деса, Муҳаббатнинг кўзларида ёш, қўллари титраяпти; гамга ботай деса, юзлари жилмайган, лабларида ним табассум, кела солиб бағрига отилгани эса ҳеч нарсани билдирмасди, одам қувончдан ҳам, нохуш хабардан ҳам яқин кишисининг кўксига бош қўйиши мумкин.

— Гапирсанг-чи? — тоқати тоқ бўлган Элёр Муҳаббатни ўзидан нари олиб кўзларига тикилди.

— Врач айтдики...

— Нима деди, ўша врач?

— Врач айтдики...

— Муҳаббат!

— Сиз, сиз, ота бўларкансиз!

— Нима? Ота! Чинданми? Чинми?! Аҳ-ҳ!!! — Элёр қўларини мушт қилиб икки-уч бор силкиди-да Муҳаббатни қайта бағрига тортди: атрофидан ўтаётган одамларга эътибор ҳам бермай унга бир олам қувонч, шодлик ҳадя этган севгилисининг юз-кўзларидан кетма-кет ўпа бошлади. Унга сари Муҳаббат уялиб юзини яширишга ҳаракат қилар, ота бўлишдек бахтдан сармаст Элёр эса, ҳар қандай қаршилигу эътирозларга парво қилмас эди.

* * *

Қишнинг бошларида Элёр қаттиқ шамоллаб қолди. Лабларига учуқ тошиб ишга ҳам бормай қўйди. Бир-икки кун истимаси тушмаганди, Муҳаббат уйга тез ёрдам чақиришга мажбур бўлди. Келган шифокор истимага қарши укол қилди, яна чиқса, эртага поликлиникадан участка врачингизни чақиртириб касаллик варақаси очтириб қўйинг, деб тайинлади. Кечаси истима яна кўтарилди. Эрхотин ухлашмади. Ташвиш қилма, деган сари Муҳаббат ўзини қўярга жой тополмасди, бир кўнгли қишлоқдагиларга хабар бермоқчи ҳам бўлди, бироқ Элёр кўнмади: «Сал нарсага ваҳима қилма, — деди маҳзун жилмайиб, — уч-тўрт кун ётсам, соғайиб кетаман, шу баҳона дам ҳам оламан». Саҳарга яқин ухлаб қолди ва тушга яқин уйғонди. Қараса, истимаси тушиб, ўзини бир оз яхши ҳис қиляпти. Муҳаббат эрталабда солиб қўйган маставани ичиргач, кўнгли сал жойига тушди шекилли, чеҳраси очилди.

— Одамни кўрқитиб юбордингиз-ку, Элёр ака — деди овқатдан кейин эрини яна ўраб қўяётган Муҳаббат эркаланиб.

— Қўрқма, жоним, мана, анча тузукман-ку.

- Барибирам-да.
- Сенга айтсам, Аллоҳ ҳам яхши кўрган бандасига касаллик бераркан?
- Нега?
- Нега бўларди, сабр-қаноат қилармикин, деб-да.
- Қаердан билдингиз?
- Буними...

Шу пайт эшик жиринглади. Элёрнинг гапи оғзида қолди. Ботирнинг овозини эшитганда эса «Қаердан билдийкин?» деган ўй ўтди хаёлидан. Муҳаббат меҳмонни бошлаб кирди.

- Ие, братишка, нима ётиш бу?

Элёр ўнғайсизланди.

— Бўлди, бўлди, қимирлама. Соғлик қалай, тузукми-сан, энди. Лекин кўринишинг ёмонмас. Ҳечам касалга ўхшамайсан.

- Ҳозир анча яхшиман.

— Ишхонангга телефон қилсам, касал дейишди. Кейин келиндан сўрасам, «Ҳа, ётибдилар» деганди, кўргани келавердим. Шу баҳона келмасам, уйингайм таклиф қилмайсан.

Элёрнинг лабларида ним кулгу пайдо бўлди. — Ижара уйга..., — дедию у ёғини гапирмади. Кейин қўшиб қўйди: — Сизниям овора қилишибди-да.

Муҳаббат эркакларни ёлғиз қолдириб хонадан чиқаркан, «Дастурхонни шу ерга олиб кираверайми?» деди секингина. Ботир ака чойга қаршилиқ қилди.

— Бир пас гаплашиб ўтирайлик. Рассом тузалиб кетгандан кейин девзирадан бир ош дамлаб берасиз, хўпми?

— Хўп, — деди Муҳаббат Ботир акага кўз қирини ташлаб қўяркан. Кейин эшикни аста ёпиб чиқиб кетди. Ошхонага киргач, «Шу экан-да Ботир ака деганлари, — деб хаёлидан ўтказди. — Лекин Зулфия опанинг ишқида куйиб ҳақиқатан ҳам адойи тамом бўлибди, бечора. Сочларига оқ тушибди. Севганига етишмаса, қийин бўлса керак-да, эркак кишига. Агар Элёр акам менга уйланмаганда ҳозир қанақа бўлиб кетардийкин? Ботир акага ўхшаб ёлғиз юрардимикин-а?».

Ичкарида эса суҳбат қизгин эди.

— Ўзи ишхонага ўтмоқчи бўлиб турувдим, — деди Ботир ака беморга яқинроқ сурилиб.

— Нега?

— Янгилик бор санга?

— Қанақа янгилик?

— Туркияга кетмаймизми?

— Туркияга? Нима қиламиз у ерда?

— Бир-икки йил ишлаб келардик. Чизган суратларингнинг виставкасини ўтказардик.

— Э, қўйсангиз-чи, Ботир ака? Чет элда машҳур расомлар тиқилиб ётибди.

— Тўғри, тиқилиб ётибди, лекин Элёр йўғ-да, уларнинг ичида. Ёки борми? Зулфиянинг сурати борми, ўша чет элинг-да? Йўқ! Поччам билан гаплашсам, майли, суриштириб кўраман, дедилар. Так, что, тайёргарлигингни кўравер. Агар рухсат ололсалар, кетамиз.

— Мен боролмайман.

— Нега, боролмайсан? Нима, хотинингни ташлаб кетишга кўзинг қиймаяптими, дейман?

— Гап унда эмас, у... ҳомиладор.

— Ростданми? Табриклайман, братишка, табриклайман. Яқиндаям, бўлмаяпти, деб йиғлаб юрувдинг. Мана, Худо бераман, деса, ҳеч гап эмас экан-ку. Қойил санга, эплабсанда-а? — Ботир ака Элёрнинг қўлини қисиб қўйди. — Мандан бурун ота бўламан, деган? Қара, санга ҳавасим келиб кетди. Нима қилсам экан, срочно уйлансаммикин?

Худди шу гапни кутиб тургандай Элёр қаддини бир оз кўтариб ўтирди-да тўлқинланиб гап бошлади.

— Албатта-да, хорижга бориш қочмайди, қачон хоҳласак, борверамиз. Кўриб турибсиз-ку, дунёнинг барча давлатлари Ўзбекистонни тан ола бошлади. Энди дунёнинг истаган ерига боришимиз мумкин. Бироқ сиз боксга қайтмоқчи, эдингиз-ку?

— Боксдан ҳам кўра чет элга чиқиб кетсаммикин, деяпман.

— Зўр боксёр бўлсангиз, бутун дунёни айланиб чиқаверасиз Ботир ака. Лекин кўпчилик шу ердаям хусусий

корхоналар очиб, бемалол пул топса бўлади, дейишяпти.

— Ҳа, майли, сани кўндиролмайман, шекилли. Лекин албатта кўрғазманг ҳақида яна гаплашиб кўраман.

— Кўрғазмани қўйиб туринг, Ботир ака, ундан муҳим иш чиқиб турибди. — Элёр эшик томонга қараб қўяркан овозини бир оз пасайтириб гапира бошлади. — Тўғриси, кимга айтишни билмай, бошим қотиб ётувдим.

— Нима гап?

Шу пайт эшик очилиб, Муҳаббат кўринди. У ичкарига кириб қўлидаги пахта гулли чойнакни стол устига қўйди. Кейин иккита иссиқ нон билан пиёла кўтариб келди. Олма билан узумга яна кириб чиқди.

— Элёр ака, кўча юзидаги апекага чиқиб келмоқчийдим, бирпас гаплашиб ўтириб туринглар.

— Ман, чиқиб келсам-чи? — ўрнидан қўзғалди Ботир.

— Аптекада ўзимнинг ҳам ишларим бор.

— Майли, фақат эҳтиёт бўлгин-а.

— Бўпти.

Муҳаббат чиқиб кетгандан сўнг Ботир ака Элёрга юзланди. Энди унинг бу қарашида бироз ташвиш сезиларди.

— Бир-икки кун бўлди, сийдигимдан ғалати нарсалар тушяпти, бунинг устига ачишиб оғриганини айтмайсизми? — Элёр очигини айтди-қўйди.

— Шамоллатгандирсан?

— Билмадим, аммо кўнглим ғаш. Сизга айтганимнинг сабаби... квартирангизга келган қизлар касалмасмиди, ишқилиб?

— Нима деганинг бу? Касал бўлса, уларни олиб келармидим. Мана, ман юрибман-ку. Манга ҳеч нарса қилгани йўғ-у!

— Билмадим, ўйлаб-ўйлаб ўша қиздан бирор нима юқтириб олдиммикин, деяпман. Ундан бошқа шубҳа қиладиган одамнинг ўзи йўқ-да. Алам қиладиган томони у қиз билан ўпишдик холос. Бошқасига кўнглим тортмади.

— Ҳали қиз билан ётмай туриб гумон қиляпсанми? Э, унда сани касалинг бошқа нарсадан. Кўрқмай дўхтирга учрашавер.

— Лекин, юрагим чопмаяпти, боришга. Яна бирор ка-

сал юқтирган бўлсам... Муҳаббатнинг олдида нима деган одам бўламан, Ботир ака? Дардим ичимда. Иситма шунинг учун чиққан бўлса, тамом бўлдим.

— Ўпишгандаям касаллик юқадими, каллаварам. Ваҳима қилмай, аввал анализ топшириб кўр-чи?

— Қизни топиб кел, дейишса нима қиламан?

— У ёғидан хавотир олма, ернинг тагидан бўлса ҳам топаман, у ойимтиллани!

— Лекин унгача қизни топиб, ўзидан бир сўраб кўрсак, бўлармиди?

— Ростданам ваҳима бўлиб қолибсан.

— Э, шубҳа ёмон нарса экан. Ким билади, қанақа касаллигини? Лекин бу сирни бировга айтиб юрманг, Ботир ака. Сизга ишонганим учун айтдим. Агар Муҳаббат эшитиб қолса...

— Ваҳима қилавермай, аввал текширтир, балки умуман касал эмасдирсан? Қишда совуқ сувда чўмилган бўлсанг... шамоллатгандирсан-да. Ёш эканман деб, жуда берилиб кетмагин-да, братишка. Майли, майли, ҳазил.

Эркаклар гапга тушиб кетганидан эшик очилганини ҳам сезмай қолишди. Муҳаббат «чойларинг борми?» деганидан сўнг Ботир пиёлага чой қуйиб ичди. Кейин ўрнидан қўзғолди.

— Бўпти, ман кетдим. Соғайиб кет. Дўхтирга албатта учрашгин. Кейин телефонлашармиз. Яна яшириб юравермагин. Агар қўрқсанг, бирга бориб келамиз.

— Тузалгандан кейин телефон қиларман. Узр, тузукроқ меҳмон ҳам қилолмадик.

— Бошқа сафар келиб, ош билан бирга чойингни ҳам ичиб кетаман. Ҳа, хорижга чиқиш масаласини эсингдан чиқарма!

— Ўйлаб кўраман.

— Келишдик.

— Кузатиб чиқолмаганим учун узр-а, Ботир ака.

— Қимирлама. Албатта телефон қилгин!

— Бўпти, яхши боринг. Келганингиз учун раҳмат.

Ботир «Бардам бўл» дегандай қўлини мушт қилиб қўйди. Элёр эринибгина қўлини кўтарди.

Бир ҳафтадан сўнг ишга қайтган Элёр аввал киоскага бош суқиб ўтди. Офисига кириб салом-алиқдан сўнг столи устига ўнтача газета ташлади. Кейин бирдан газеталарни варақлашга тушиб кетди. Ходимлар ҳайрон бўлишди, жуда кам газета ўқийдиган раҳбарлари эрталабданоқ мутоаладан бош кўтармасди. «Ишлар яхшими?» деб бир оғиз сўради холос. Нима, уйда ётиб газета-журнал ўқимадимикин?

Бир оздан кейин кийими ўзига жуда ярашиб турган Шаҳло чой кўтариб кирди. У бошлиқнинг фақат эълонларни кўздан кечираётганига аҳамият берди. Аммо индамади, чой қуйиб узатаркан:

— Иш ҳақида сал кейинроқми, Элёр ака? — деди мулойим овозда.

— Ҳа.

Газетадан кўз узмаган Элёрнинг жавоби қисқа бўлди. Ён дафтарчасига нимадир ёзиб олган Элёр бир пиёла чойдан сўнг Азиз билан Шаҳлони хонасига чақирди. Дастлаб Шаҳло кириб келди.

— Бугун жуда очилиб кетибсанми, Шаҳло? Кийиминг ҳам ўзингга жуда ярашибди. Ке, ўтир.

Шаҳлонинг ранги дув қизариб кетди. Аста келиб раҳбарнинг қаршисидан жой оларкан ҳали хонадан чиқиб кетаётганда «Ўл, қишлоқи, одамнинг кўнглини кўтаришни ҳам билмайди!» деган хаёлга борганига афсусланди. Худди буни сездириб қўйгандай, Азиз кириб гап бошлагунча бошлиғининг кўзларига қарай олмади.

Бир ҳафта ичида қилинган, қилинаётган ишлар ҳақида батафсил маълумот олган Элёр, негадир тушлик бўлишини сабрсизлик билан кута бошлади. Ёшлар овқатланишга чиқиб кетишлари билан шаҳарнинг Қорақамиш мавзеси томонида очилган хусусий урология клиникасига телефон қилди. Бугун соат иккидан учгача муолажага ёзилган беморнинг бошқа зарур иши чиқиб қолганлиги учун шифокорнинг қабулига келиши мумкинлигини эшитганда эса, текширувни пайсалга солишни истамади: дарҳол фамилиясини айтиб боришини айтди. Йўл-йўлакай овқат-

ланди-да, соат икки бўлмай клиникани топиб борди.

Ўққиз қаватли уйнинг биринчи қаватида очилган «Малҳам» хусусий клинкази уч хонали хонадонга жойлашган экан. Хипча бел ҳамшира қабулхонага кириб келган нотаниш кишига «Одиловмисиз?» дея майин табасум қилди.

— Фарғонадан келдингизми? — сўради мижознинг паспотини кўздан кечираётган ширин сўз ҳамшира.

— Шунақа деса ҳам бўлаверади. — Элёр пропискази йўқлиги эсига тушиб, иккиланиброқ гапирди. Кейин «Бир ҳисобда бу ерда ишлашимни билишмагани ҳам маъкул» деб ўйлаб берган жавобини аниқ қилиб қайтариб қўйди. — Фарғонадан келдим.

Ҳамшира қайд қилиш журналига нималарнидир ёзиб қўйгач, тезгина ўрнидан туриб мижознинг паспортини қайтиб берди-да, кейинги хонага бошлаб кирди.

— Бу киши клиникамизнинг раҳбари, олий тоифали шифокоримиз Абдулла Мамажонович Солиев бўладилар.

Оппоқ халатининг кўкрак қисмига «Озода Эгамова, ҳамшира» деб бирка тақиб олган қиз қандай эпчиллик ва интизом билан кирган бўлса, шундай тартиб ила хонани тарк этди. Элёр олтмиш ёшлар чамасидаги, ўрта бўйли, сочларига анчагина оқ тушган, қотма шифокорга салом берди. Шифокор аста жойидан кўзгалди ва озгин қўлини кўришиш учун узатди. Элёр шифокорнинг қўлини дурустгина сиқиб кўришганини унинг ялт этиб қараб қўйганидан тушунди. Хижолат тортиб энди узр сўрмоқчи эди, бир жилмайиб қўйган Абдулла Мамажонович ўтириш учун жой кўрсатди.

— Клиникамизга келиб тўғри қилибсиз, бизда ҳамма нарса юз фоиз сир сақланади. Шунинг учун уялмай эркакчасига бемалол гапираверинг. Касаллик аломатларини қанчалик яқиндан билсам, уни даволашим шунча осон ва самарали бўлади. Ўттиз йиллик тажрибамдан биламанки, бунақа тиббий масканларга ё бирор жинсий касаллик орттирилганда ёки шу касалликларга оид киши кўнглида қандайдир шубҳа пайдо бўлганда келинади. Ё, гапим нотўғрими?

Элёр нима ҳам дерди, тўғри, деб тасдиқлагач, дардини икки оғиз гап билан тушунтирган бўлди.

— Қаттиқ ачишяптими?

— Ҳозир унчалик эмас, аммо биринчи кунлари сийишга анча қийналдим.

— Сийдик билан шилимшиқ нарсалар ҳам тушдими?

— Ҳа.

— Тўсилиб қолмадими?

— Йўқ.

— Демак, оғриқни сийганингизда сездингиз холос.

— Шундай.

— Сизни яна нима безовта қилди? Демокчиманки, кўнгил айниш, бош айналиши ёки бирор ерингизда тошма пайдо бўлмадими?

— Йўқ.

— Яхши, унда ҳозироқ сийдик ва қон топширасиз. Анализ натижаларига қараб суҳбатимизни давом эттираемиз. Маъкулми?

— Маъкул.

— Яхши, мана бу қоғозларни ҳамширага берсангиз, нима қилиш кераклигини тушунтиради.

— Раҳмат доктор. Ҳалиги...

— Ҳаммаси прејскурант бўйича. Хижолат бўлманг, мијозларнинг соғлиги биз учун биринчи ўринда туради.

Элёр шифокорга яна бир карра миннатдорчилик билдириб, ҳамшира қизга учради. Ширин муомаладан кўнгли кўтарилиб, сийдик ва қон топширганини билмай ҳам қолди.

— Жавоби қачон чиқади?

— Индинга шунақа пайтда тайёр бўлади. Қабулга ёздириб қўяман, биратўла врач билан гаплашиб кетасиз.

— Раҳмат, сизга.

— Фақат кечикманг, навбатингиз ўтиб кетса, анча кутиб қолишингиз мумкин.

— Бўлди, соат иккига етиб келаман.

— Меҳмон бўлсангиз, кечқурун қолишга жойингиз борми?

Қизнинг кўзларига бир қараб қўйган Элёр бунни эши-

тиб қитмирлиги тутди. Ўзи нима гамдаю узун юзида катта-катта кўзлари жилоланиб турган ҳамширани синамоқчи бўлдим ёки яқиндан танишиб олсам, баъзида навбатсиз ҳам қабул қилишини ўйладими, хуллас, индамай чиқиб кетолмади.

— Агар сизда жой топилса, ёрдам берасизми?

— Бизда жой йўғ-у, кечасига квартирага қўядиган одамлар бор. Хоҳласангиз телефонини беришим мумкин. Ўзингиз бемалол гаплашиб олаверасиз.

— Ишончли одамларми?

— Лекин шу пайтгача ҳеч ким шикоят қилгани йўқ.

— Демак, ҳамма условияси бор экан-да?

— Билмадим, бўлса керак.

— Ҳа, майли, бугунча қариндошимизникига бора қолай. Келганимни билишганди, кечқурун бормасам, яна нотўғри ўйлашмасин.

— Ўзингиз биласиз.

Клиникадан чиққан Элёр чуқур нафас олди. Бор-йўғи текширув учун анализ топширдию худди дарддан бутунлай фориг бўлган бемордай негадир ўзини енгил ҳис қилди. Ишхонасига қандай етиб келганини сезмай ҳам қолди.

Элёр кираверишда қайнакасини кўриб ҳайрон бўлсада, очиқ кўнгиллик билан қучоқлашиб кўришди. Тоҳир ака табиатан ҳазилкаш, бир гапириб, ўзи кулса, бир гапириб суҳбатдошини кулдирадиган хушчақчақ киши эди. Бу бегона ёки куёв-ку деб ўтирмасди, самимий ҳазил-хузул қилиб кетаверарди. Элёр бунақа одам билан кам гаплашгани учунми, унинг ўзини эркин тутиши, очиқ-ойдин гапсўзлари, аввалига ғалати туюлди, аммо кейинги кўришганларида ичида кири йўқ инсон эканлигини англади ва аския қилса, қараб турмайдиган бўлди. Шунданми, улар чиқишиб қолган эди. Ҳозир ҳам худди минг йиллик қадрдонлардек кўришдилар. Аммо унинг ёнидаги йигит таниш кўринса-да кимлигини эслай олмади. Тоҳир ака ҳолаҳвол сўрагандан кейин шеригини таништирди:

— Шавкатни танийсиз-а, Сожи холамнинг ўғли. Агар ёдингизда бўлса, тўйингизда кайф бўлиб қолиб, поччам-

ни бир кучоқлаб табриклаб қўяй, деб тўполон қилган мас-харабоз шу-да.

Ранглари оқариб тоби йўқлиги билиниб турган йигит қуруқшаган лаблари билан тамшаниб, салгина кулимсираган бўлди. Лекин кўришганда жуда эҳтиёт қилди ўзини. Қўлини ҳам номига узатди, бармоқлари гўё жонсизга ўхшарди. Қадди бир оз эгилган йигит қийналиб нафас оларди, чарчаганми ёки оёқларининг ҳам мадори йўқми, тезда деворга суяниб олди.

— Муҳаббатдан ишхонангизнинг адресини олиб, тўғри шу ерга келавердик. Сизни ишдан қўймаймизми, ахир?

Элёр меҳмонларни хонасига бошлаб кирди. Шавкат девордаги, деворга суяб қўйилган суратларга анграйди. Тоҳир ака кўрсатилган жойга ўтираркан:

— Бизнинг гаражга кириб, мойнинг исидан туриб бўлмас экан, дегандингиз, хонангиздан бўёқнинг хиди келиб ётибдию-а? — деди суратларга кўз югуртираркан, хонада умуман бўёқларнинг ҳиди сезилмаса-да, нимадир эсига тушиб кетди чоғи, бурнини жийириб қўйди.

— Деразага тескари ўтирмаганингизда ойнани очиб қўярдим, бироқ орқани шамоллатиб қўйманг, деб чўчиб турибман.

Улар бараварига кулиб юборишди. Кейин Тоҳир ака жиддий тортиб Шавкатга қаради.

— Жиянни касалхонага ётқизгани олиб келувдим. Шунга сизни ҳам бирров қўриб ўтиб кетайлик, дедим.

— Э, раҳмат. Ҳа, айтгандай, жиянга нима қилди?

— Сизларга хабар бермагандик, безовта бўлишмасин, деб. Икки-уч ой бурун Шавкатни бир машина уриб кетувди. Шофер ўзимизнинг райондаги мелиса экан. Кеч-қурун тўйдан маст чиққанда бурилишда рулни эплолмай, йўлнинг бу ёғига ўтиб кетиб бунинг «Москвич»ига келиб солган. Яхшики, удар олди баллонга тўғри келиб қолган... бўлмаса, ҳозир қирқиям ўтган бўлармиди.

Дарҳақиқат, бу гапни энди эшитаётган Элёр бир Шавкатга, бир Тоҳир акага қараб қўйди. Ҳазилмикин, деса, гап аравиядан бошланди, жиддий шекилли деса, охири ғалати бўлди.

— Ўнг қўл синиб, иккитами-учта қовурғаси ҳам кетган, битганиям қийшиқ битиб, кўряпсиз-у букчайиб турибди. Бунинг устига мияси чайқалган. Авариядан кейин энди одам башара бўлиб кўчага чиқиши. Районда яхши даволай олишмади, тўғри Тошкентга олиб келавердим.

— Яхши қилибсиз. Энг муҳими, соғ-омон қолибди-ку.

— Тўғри, лекин анаву сволич мелиса, ўшандан бери қорасини кўрсатмайди, денг.

— Нега? Қочиб юрибдими?

— Э, ўша авария пайтида машинангни янгидай ремонт қилиб бераман, даволанишга кетадиган бари пулни ўзим тўлайман, тирикчилик билан топадиган пулинг ҳам менинг бўйнимда, деб ваъда бериб, протоколга мастлигини, буни уриб кетганлигини ёздирмабди. Ўша ердаги баъзи одамлар мелиса экан, гапидан қайтмас, тирик қолганингни шукронасига «бўпти», дея қол, деб ўртага тушишибди. Кейин бу лақма ҳам рози бўлибди. Иш босди-босди бўлиб, ёпилиб кетгандан кейин, бирор марта келиб учрашмади. Хотини ҳар гал пул сўраб борса, «Яқинда ўзим обориб бераман», деб алдаб жўнатиб юбораркан. Энди яқинда эшитсак, бошқа районга ишга ўтиб кетибди. Шунанга қилиб чапак чалиб ўтирибди-да.

— Судга беришнинг иложи йўқми?

— Йўқ-да. Бари ҳужжатларга ўзим авария қилиб олдим, деб ёзиб берган. Ҳеч жойда айбдорнинг исми-фамилияси кўрсатилмаган. Судга нима ҳужжат кўрсатишнинг билмай турибмиз.

— Гувоҳлар бор-ку, Тоҳир ака. Ёки улар ҳам тониб туришибдими?

— Йўқ, улар кўрсатма берамиз, дейишяпти, лекин ҳали судга ариза берилмаган-да.

— Бутун бир районда адвокат топилмадими?

— Замначалниклигини эшитиб, олишмаяпти-да.

— Мендан нима ёрдам керак?

— Йўқ, сизни шундай кўриб ўтишга кирдик, холос. Шавкатни банницага жойлаб, бугун қайтиб кетишим керак. Гараждан зўрға бир кунга жавоб олдим. Биздаям ҳозир иш қайнаган, техникани баҳорги мавсумга тайёрлаяпмиз.

— Шу ердан бирорта адвокат топиб, гаплашиб кўрайми? Нима дейсиз?

— Шундай қилмасак, бўлмайди. Лекин аввал сал даволаниб олсин, ундан кейин маслаҳатлашиб кўрармиз.

— Кетдикми, унда?

— Қаерга?

— Аввал уйга ўтиб овқатланамиз, кейин эса касалхона борамиз.

— Уйга бормаймиз. Муҳаббат бизни яхшилаб меҳмон қилди. Вақтни ўтказмай, ТошМИга бора қолайлик. А, Шухрат, нима дединг?

— Менга барибир.

— Албатта, сенга барибир-да. Топган гапинг шу, сал мундоқ шустрий бўлсанг-чи.

— Ҳа, яхши, кетдик унда. Докторга ҳаммасини тушунтирамиз. Қовурғани бошқатдан рентгенга туширамиз, мияни ҳам текширтириб барча ҳужжатларни йиғамиз. Даволаниб чиққанича мен бирорта адвокат топишга ҳаракат қиламан. Бу ерда энг муҳими гувоҳлар кўрсатма беришдан қочмасалар бўлди. Мутгаҳамни қаранг-а. Яна қонун ҳимоячисимиш!

— Нимасин айтасиз. Бир оғиз кўнгил сўраб қўйиш шунча қийинмикин? Яхши гапириб турганда... кечиб ҳам юборардик, ўзи.

— Ҳечқиси йўқ, бу ишни шундай қўймаймиз!

Улар биргалашиб офисдан чиқдилар.

* * *

— Ишлар чатоқ-ку, Элёрбек!

Кечаси билан тушини ўйлаб ухламай чиққани ҳам, шифокорнинг шу биргина совуқ гапи ҳам бир бўлди. Авваламбор, кўрган туши ҳақида: дам олиш куни эмиш-у Муҳаббат билан эндигина йўлга юриб қолган фарзандини айлантириб келмоқчи бўлиб, кўчага чиқишибди. Қайсидир истироҳат боғига киришибди, шунда унинг кўзи бир дунё шар сотиб ўтирган сотувчи кишига тушиб, севинганидан ўғилчасига шар олиб бермоқчи бўлибди. Дарҳол бориб бир

эмас иккитасини сотиб олибди ва полвончасига кўз-кўз қилибди. Бола онасининг қўлидан чиқиб, у томон интилибди, атак-чечак қилиб кела бошлабди. Йиқилиб тушишдан чўчиб, жажжи қўлларини кенг ёзиб олган бола қиқир-қиқир кулиб дадасининг қўлидан шарни олибди. Элёр шар учиб кетмасин деб ипни ўғлининг қўлига икки айлантриб боғлаб қўйибди ва бу ишидан хурсанд бўлиб Муҳаббатга кўз ташлабди. Бир пайт хотини «Ушланг, ушласангиз-чи!» деб бақириб қолибди. Муҳаббат қўрқиб кетганиданми, жойидан ҳеч юролмас, фақат титраган қўлларини олдинга чўзганича «дод» солиб қичқирармиш. Нима бўлганлигини бирдан англолмаган Элёр ёнига қараса, ўғли тепага кўтарилиб кетаётганмиш. «Ие!» Юраги «шув» этиб кетган Элёр бир сакраган экан, ўғлининг этикчасига қўлининг учи зўрға етибди, қўрқиб кетганидан қайта-қайта сакрабди, аммо ҳар гал қўллари бўш қайта-верибди. «Ахир бор-йўғи иккитагина шар олиб бердим-ку, наҳот, шу енгил шарлар шундай полвон болани кўтара олса?» Элёр тепага сакрармишу хаёлидан ўтаётган саволларга жавоб топа олмас эмиш. Бир пайт Муҳаббат йиғлаганича келиб унинг кўксига муштлай кетибди. Ҳар муштлаганда осмону фалакка тобора кўтарилиб кетаётган ўғилчасига умид билан тикилиб «Боламини пастга туширинг, бўлинг, бўлинг!» деб фарёд чекармиш. Элёр ўғлига бор овоз билан бақирибди:

— Ипни қўйиб юбор! Қўйвор, ипни!

Бироқ бунинг имкони ҳам, иложи ҳам йўқлигини овози бўғилиб қолгандан кейингина тушунибди, ахир ипни ўғилчасининг қўлига боғлаб қўйган-ку, гўдак ипни ечишни биладимиз, бунга ақли етадимиз? Элёр кўкка қўл чўзганига қолаверибди. Фарзандини тутиб қололмаганини англагач, оламни бузиб ҳайқирибди. Хотини «Нима қилиб қўйдингиз?!» деб дашном билан юзига бир шапалоқ тортганда... уйғониб кетибди.

Кейин қайтиб ухлолмади. Хаёлига нималар келмади, дейсиз. Бир амаллаб зўрға тонг оттирдию, нонушта ҳам қилмай ишхонасига йўл олди. Юраги сиқилганидан иш жойида ҳам узоқ ўтиролмади. Эртарақ бориб текширув

натижаларини билай-чи, деб келса, бу ерда ҳам нохуш хабар кутиб турган экан: юраги баттар музлади-қўйди. Стулга ҳолсиз ўтирар экан, шифокорга умид билан термилди, йўқ, ҳазил эмаслигини дарров фаҳмлади. Шифокорнинг жиддий ҳолати, аксинча бир зумдан кейин «Нима бўлди, Элёрбек? Йигитчилик деб у-бу жойларга бориб юрибсизми?» деб қалбини баттар тиглади.

— Нима экан, доктор? — деди Элёр жавдираган нигоҳини шифокордан узмай.

— Нима бўларди, касаллик аломатлари бор, келинг, эркакчасига гаплашайлик, келиндан ташқари яна бирорта-сига бориб турасизми?

— Йўқ, бегона аёл билан... умуман бўлмаганман.

— Унда қаёқдан юқтирдингиз?

— Билмадим.

— Ёлғон гапирмаяпсизми?

— Бунақа нарса билан ҳазил қилиб бўладими, доктор.

— Тўғри айтасиз, бунақа касаллик билан ҳазиллашиб бўлмайди. Демак, сиз тоза бўлсангиз... унда келинни олиб келасиз, у кишини ҳам бир текшириб кўришимиз керак. Балки...

— Келинни, қайси, келинни? Ие, Муҳаббатними? Нега? — Элёр врачнинг гапини бўлганини ўзи ҳам билмай қолди. Афтидан у ҳамон ўзига келолмаганди.

— Нега бўларди, касаллик сизга қаердан юққанини билишим керак-ку, ахир.

— Муҳаббатдан шубҳам йўқ. Уни текшириш шартмас.

— Яхши унда бемалол юраверинг, нима қилардингиз текширтириб. Бир йил шундай юрсангиз, баъзи жойларингиз иришни бошлайди, аёл кишида эса бу жараён жуда ёмон ўтади, Худо кўрсатмасин, агар шу ҳолида ҳомиладор бўлиб қолса борми...

Элёрнинг қулоғига бошқа гап кирмади. Ҳомиладор деган сўз унга шундай қаттиқ таъсир қилдики, бир зум қаерда ўтирганини ҳам унутиб қўйди. Кейин бирдан кечаси босинқираб кўрган туши ёдига тушди. Ҳомила... шарга осилиб учиб кетаётган ўғилчаси... Шунча сакрагани билан ноумид қайтган қўллари... Муҳаббатнинг фарёди... бирдан

юзига тушган шапалоқ. У ўзи билмаган ҳолда ўрнидан туриб кетди ва қўллари шифокорнинг ёқасида пайдо бўлди.

— Хотинимга тил теккизманг, билдингизми, тил теккиза кўрманг.

— Ўзингизни босиб олинг, йигитча, — шифокор ичида кўрқиб кетган бўлса-да, буни сездирмаслик учун Элёрнинг қўлларига ёпишди. — Бу ерга нима мақсадда келдингиз ўзи? Касалликдан кўрқмас экансиз, юравермайсизми, ўша Фарғонангиз-да!

Элёр ўзига келди ва қилмишидан хижолат бўлиб шифокордан узр сўради. Бориб жойига ўтирар экан кафти билан пешонасини артди.

— Сиздан бир нарсани сўрасам бўладими?

Халатини тўғрилайётган шифокор индамади, аммо савол назари билан мижозга қараб қўйди.

— Айтинг-чи, доктор, бу касаллик ўпишиш орқали ҳам юқадими?

— Сўлак билан юқиши мумкин.

— Унда айб менда. Мен бир танимаган аёл билан фақат ўпишгандим, холос. Лекин... баданини кўриб... кўнглим тортмагани учун... ётмадим.

— Шунинг учун бошланғич стадиясида экан-да. Буни зудлик билан даволамасак, оғир формасига ўтиб кетишим мумкин, оғайни. Ана ундан кейин бутун топган-тутганингизни сарфласангиз ҳам эркак бўлолмайсиз.

— Эркак? Тушунмадим?

— Эркаклик хусусиятини йўқотасиз, демоқчиман. Яъни, очиқчасига айтганда аёл киши билан бўлолмайсиз. Эркаклик безида қон айланиш бузилгандан кейин... Тамом. Ростдан ҳам ўпишишдан бошқасига ярамай қоласиз. Тушундингизми, энди?

— Жиддий айтяпсизми?

— Шифохонада ҳазил бўлмайди, ахир ман сиз билан чойхонада ўтирганим йўқ-ку!

— Мен нима қилишим керак, доктор?

— Сиз ўпишган қиз сифилиснинг оғир формаси билан касалланган. Иложи бўлса, унияма топиб даволашимиз керак. Шундай қилмасак, яна бошқаларга юқтириши

мумкин. Худо кўрсатмасин, агар у СПИДга айланиб кетса, борми...

— СПИДга!

— Бунақа мараз касалликлардан ҳар қандай жараённи кутиш мумкин. Шунинг сиз ҳам, ўша қиз ҳам даволаниши шарт.

— Уни танимайман, қаерда туришини ҳам билмайман.

— Яширманг.

— Гапим чин, доктор. Ростданам қаерда яшашини билмайман. Агар таниганимда...

— Ҳа, майли, энг муҳими, сизни даволашимиз. Рози бўлсангиз эртадан даволашни бошлайман, берган дориларини ўз вақтида ичасиз, уколни қолдирмайсиз. Ҳали айтганимдай, бу — мараз касаллик ҳисобланади, сабр билан даволанмасангиз, ҳаммаси бир пул бўлиши мумкин. Бир ойлик курс тугагунча келинга яқинлашмай турасиз, келишдикми? Айтгандай, келинни ҳомиладор дедингизми?

— Ҳа.

— Неча ойлигини биларсиз?

— Икки ойдан ўтибди, шекилли.

— Келин ҳозир қаерда?

— Уйда?

— Фарғонадами?

— Ҳа, — деди Элёр ёлғон гапидан хижолат бўлмай.

— Яхши, поликлиникага чиқиб анализ топшириб турган бўлса, демак, келинга ўтмаган бўлиши ҳам мумкин, ҳозирча индамай турамиз. Балки сездирмай даволаб юборармиз, нима дедингиз?

— Зўр бўларди-да.

— Яхши. Ҳа, айтгандай, нима иш қиласиз?

— Рассомман.

— Нимаям дердим, яхши рассомларнинг ишқибози кўп бўлади, ўзи. Шунинг учун сизга маслаҳатим, танимаган аёллардан эҳтиёт бўлинг.

— Бўлди, тавба қилдим, доктор.

— Ҳа, мана бу, бошқа гап. Демак, биринчи курс даволаниш учун ҳозирча шунча тўлайсиз, қоғозни ҳамширага берсангиз, квитанция ёзиб беради.

— Бўлди, тўлайман. Фақат сир шу ерда қолсин, доктор. Биласиз-ку, қишлоқда ёмон гап бир зумда тарқалади. Ошна-оғайниларнинг олдида...

— Бизда барча маълумотлар тўлиқ сир сақланади. Бу ёғи энди ўзингизга боғлиқ

— Раҳмат, сизга.

Элёр шифокор билан қўл ташлашиб, хайрлашган бўлди. Аммо энди унинг қадамлари оғир, қарашлари ҳорғин ва шубҳали эди. Клиникадан чиқар экан, уни қувноқлик, табассум, ҳозиржавоблик каби фазилатлар тарк этган, кенг елкасига афсус, надомат, жирканиш, жаҳл сингари ярамас хислатлар ўтириб олгандай эди. Элёр бу юкнинг оғирлигини аниқ сездди.

* * *

— Элёр ака, бир неча кундан бери кайфиятингиз йўқ, тинчликми? — сўради Муҳаббат ишдан анча кеч қайтаётган эридан.

— Чарчадим, шекилли.

— Кейинги пайтларда жуда ғалати бўлиб қолдингиз, бирор ерингиз оғрияптими?

— Тинчлик, жоним, тинчлик. Шамоллашдан кейин кучга кириб кетолмаётган ўхшайман. Худди дармоним йўқдай.

— Бўлмаса, яна бирор ҳафта ётиб дам олинг.

— Шунча ётганим етар. Уйда ҳам нима қилдим.

Бундай қисқа гап-сўзлар кейинги кунларда деярли тез-тез такрорланарди. Муҳаббат сўрашини қўймайди, эридан тайинли бир жавоб эшитолмагани сари эса саволига савол қўшиларди. Элёр хотинини «Эзма бўлиб кетяпсан?» деб, уришиб бергиси келардию аммо тилини тишларди.

— Ҳозир бирпас дам олсам, ҳаммаси ўтиб кетади, — деди у дарҳол ётоқхонага шошиларкан.

— Шунчалар зарурми, ишингиз?

— Бировдан буюртма олиб қўйганмиз, вақтида бажариб бермасак, бўлмайди. Сен, ҳадеб менинг ташвишимни қилавермай, ўзингни ўйла, мана бу фарзандимизни ўйла,

тушундингми? — Элёр анчадан бери энди хотинини эркалаб бирозгина дўппайиб қолган қорнига аста қўлини текказиб қўйди. — Қолган ишлар иккинчи даражали, билдингми? Мен учун сизлар соғ-омон бўлсангиз бўлди.

— Биз учун эса сизнинг соғлигингиз керак. Эшитдингизми?

— Эшитдим, эшитдим.

Шундай қилиб яна бир кун ўтарди. Элёр кайфиятини кўтариши кераклигини, хотинининг кўзига кулиб қараши зарурлигини ўйларди-ю, аммо бу нарса ҳар доим ҳам қўлидан келмаётганига, шу оддий муомалани ҳам эпллмаётганига жаҳли чиқиб, ичида ўзини койирди.

— Янги йил олдидан уйдагиларни бир кўриб келсак, нима дейсиз?

— Яхши гап.

— Унда жума куни эрталаб кетсак, бўладими?

— Нега, жума куни?

— Чунки пайшанба куни поликлиникага чиқиб, дўхтиримга учрашиб қўйишим керак.

— Ҳа, айтгандай... яхшилаб текширишяптими? Анализларинг... яхшими, ўзи?

— Ҳозир текширув жуда қаттиқ, «Булар мустақиллик фарзандлари» деб жиддий назорат остига олишган.

— Ростданми? Демак, соғлиқдан шикоятинг йўқ?

— Мен яхшиман.

Элёр енгил тин олиб, ичида «Худога шукр» деб қўяркан, Муҳаббатнинг пешонасидан ўпиб қўйди. У кейинги пайтда шундай одат чиқарганди.

— Тинчликми, ота қизини ўпгандай пешонамдан ўпадиган бўлиб қолдингиз? Биринчи фарзандимиз қиз бўладими, дейман? — ҳам жаҳл, ҳам гина аралаш сўради Муҳаббат.

— Нега унақа деяпсан?

— Сизни ажойиб-ажойиб қилиқларингизни кўриб айтяпман-да.

— Қиз бўлса, яна яхши, сенга ёрдамчи бўлади.

— Ичингизда ўгил бўлсин, деб тургандирсиз?

— Мен учун иккаласи ҳам фарзанд. Ношукрчилик

қилиш йўқ, билдиларми? Қиз бола отасини яхши кўради, дейишади, шунинг учун...

— Чинданми?

— Чин.

— Элёр ака.

— Нима дейсан?

— Қўқонга поездда кетайлик.

— Нега?

— Эсингиздами, поезддаги суҳбатимиз?

— Албатта, эсимда.

— Ўшанда севги изҳор қилгандингиз. Энди эр-хотин бўлганимиздан кейин поездда кетиш қанақа бўларкин, жуда қизиқяпман.

— Майли, сен нима десанг, шу.

— Раҳмат.

Муҳаббат хурсанд бўлиб эрининг кўксига бош қўйди. Кейин ўпмоқчи бўлиб лабларини чўзган эди, Элёр ванна-хонани кўрсатиб тишларини ювиши кераклигини ишора қилди.

— Яна сигерат чекдингизми? Бўлди, уйга борганингизда сизни дадамга айтиб бераман. Бир таъзирингизни бериб кўйсин.

— Бўлди, чекмайман. Ўзимгаям ёқмаяпти.

— Бўпти-да.

Элёр Муҳаббатини қаттиқроқ бағрига босишдан бошқа чора тополмади.

* * *

— Зулфия опа сизга салом айтдилар.

— Нима, Зулфия?

Элёрнинг ишхонасига келган Ботир у билан саломлашиб бўлиб, энди ўтираётган пайтда қайтадан ўрнидан туриб кетди. Қулоқларига ишонмай қайта сўради.

— Ҳа, сиз яхши кўрадиган Зулфия.

— Ҳазиллашяпсанми?

— Ҳазили йўқ. Муҳаббат билан уйга боргандик. Кейин йўл-йўлакай Ботир акам қанақа қизни яхши кўрган эканлар деб, атай Зулфия опани кўргани бордим.

— Ростдан айтяпсанми? Қанақиб бординг? Индамай боравердингми? Қаерда кўрдинг, уйидами ёки мактабда? Гапирсанг-чи, тезроқ.

— Мактабига бордим. Лекин жуда унақа чиройли аёл эмас экан, уни олдида бизнинг Муҳаббат...

— Хотинингни мақтамай, нима деганини айтсанг-чи! Сан унинг ёшлигидаги расмини бир кўрмабсан, агар кўрганнингда бунақа демаган бўлардинг.

— Ҳазил, Ботир ака...

— Нима ҳазил?

— Чиройли эмас экан, деганим. Орадан шунча йил ўтган бўлса ҳам Зулфия опа гўзаллигини йўқотмабди. Ҳақиқатан ҳам зўр қизни севган экансиз. Тўғриси, мен чизган сурат Зулфия опанинг кўриниши олдида анча ғариб экан. Бу нарсани опанинг ўзини кўргандан кейин билдим.

— Демак, борганинг рост экан-да.

— Чиндан бордим. Муҳаббат бориб кўриб келайлик деб қизиқтириб кўювди, бордик...

— Ҳали хотининг билан бордингми? Муҳаббат ҳам кўрибди-да? Уям чиройли экан, дедими?

— Ҳа, Ботир аканинг диди чакки эмас экан, деди. Аммо етишмагани чатоқ бўлибди, деб қаттиқ афсусланди.

— Э, нимасини айтасан, ичим ёниб тамом бўлди-ку.

— Демак, ҳалиям унутмабсиз-да?

— Унутиб бўларканми? Ўзимни алдаб юрибман, холос. Лекин Зулфияни гапириб бутун дардимни бошқатдан янгиладинг, сан бола! Нимага бординг, ўзи?

— Шунчаки...

— Йўқ, сан шунчаки бормагансан?

— Суратини чизиш учун бордим. Агар чизсам сизга совға қиламан.

— Манга ўзини совға қилсанг, миннатдор бўлардим. — Ботир шундай деб маънос бўлиб қолди. Узатилган чойни қўлига оларкан, унга тикилди. Кейин бирдан жилмайиб «Буни қара, меҳмон келяпти, Зулфия бўлса-я» деди беихтиёр.

— Бўлиши мумкин. Бу ҳаётда нималар бўлмайди, Ботир ака. Нима, мени сиз билан қамоқда учрашиб танишиб

қолишимни биров туш кўрибдими? Буям шунга ўхшаган нарса-да. Муҳаббат билан нималарни анча гаплашишди. Балки келишга ундаб кўргандир.

— Агар шундай қилган бўлса, сизлардан бир умр миннатдор бўлардим, Элёр.

— Балки, ўзингиз олиб келарсиз. Зулфия опа аёл боши билан уйини ташлаб чиқиб кетолмайди-ку.

— Аввалги сафар унамаганди.

— Энди яна бир уриниб кўринг. Муҳаббат ҳам анойилардан эмас, кўнглига йўл топган бўлса, балки бу сафар «йўқ» демас.

— Санга ҳеч нарса демадимми?

— Ботир акада яна бир имконият борга ўхшайди, дегандай бўлувди.

— Алдама! У танимаган одамига ҳеч қачон бу гапни гапирмайди.

— Унда, ўзингиз биласиз.

— Нима, жиддий гапиряпман, демоқчимисан? Наҳот, шунга шаъма қилган бўлса? Тўхта, тўхта, балки бу гапни Муҳаббатга айтгандир?

— Тўгриси, Муҳаббат сезибди гап-сўзларидан.

— Ростданми? Унда эртагаёқ борганим бўлсин.

— Э-э, дарров шошманг-да. Зулфия опанинг бир оз ичи қизисин, сизни ўйласин, ана ундан кейин кириб борсангиз, бошқача бўлади.

— Кўнармикин?

— Оллоҳга таваккал қиласиз. Ё устидан, ё остидан.

— Келмаса яна азоб чекканим қолади. Яна қийналиб юраман.

— Нима ҳозир қийналмаяпсизми? Зулфия опани ўйламаяпсизми?

— Уйидагилар орқасидан қидириб келиб, Зулфияни қайтариб олиб кетишса, нима деган одам бўламан.

— Яна ўша гапми?

— Санга гапириш осон. Чунки сан севганинга етишган одамсан. Ҳижрон, айрилиқ нима эканлигини билмайсан. Бу нарсалар санга бегона, манга эса... соямга ўхшайди, эргашгани-эргашган! Зулфия қайтиб кетса, чидолмайман.

— Аёл киши ўзи хоҳлаб уйидан чиқиб кетса, эркак киши унинг ортидан келиши жуда қийин.

— Нима, сан қидириб бормасмидинг?

— Агар у шуни истаса, қўлимиздан нима ҳам келарди. Мажбур қилиб олиб келганингизда бирор нима ўзгариб қолармиди? Аёл эркак киши билан яшашни хоҳлагандагина, у бахтли бўлиши мумкин. Агар мажбурликдан яшаётган бўлса... манимча, бу турмуш эмас. Ундан кўра ёлғиз яшагани маъқул. Яна билмадим, Ботир ака.

— Бўлди, борганим бўлсин! Яна бир ҳаракат қилиб кўрай-чи, нима бўларкин. Тўғри айтдинг, баъзида таваккал қилиб туриш керак. Таваккалчининг ишини Худо ўнглайди, дейишадику-а?

— Албатта-да. Чойни ичинг, совиб қолди.

— Энди ўзингдан гапир, ишларинг нима бўляпти. Бундоқ гапирмайсан ҳам.

— Э, нимасини айтай, ишларим чатоқ. Даволаняпман.

— Лекин ман анаву шеригини яна бир кўрувдим, сўрасам, унақа бўлиши мумкин эмас, деди. Алдаганмикин? Бўлди, сан хавотир олма, ман уни ернинг тагидан бўлса ҳам топаман! Қани, ўзи билан гаплашиб кўрай-чи, нима деркин. Айтгандай, санинг гапингдан кейин ўзимдан ҳам шубҳаланиб қолдим, кейин бориб текширттирдим. Азизаниям текширттирдим. Йўқ, ҳаммаси нормалний.

— Балки, Ҳилоланинг бир ўзи касалдир.

— Бўлиши мумкин. Сирингни ҳеч кимга айтганинг йўқми?

— Бировга айтиб бўларканми? Лекин дорилари жуда қиммат экан.

— Тозалаяптими?

— Нимасини айтасиз.

— Қанча бўлди?

— Бир ойча бўлиб қолди.

— Ўҳ-ҳў. Шунча пайдан бери бўйдоқмисан?

— Нимаям қилардим.

— Хотининг индамаяптими? Шубҳаланиб қолмасин, тагин.

— Ҳомиладорлигига унча иши бўлмаяпти.

— Сан ҳазиллашма бола. Аёлларни кўнглини кўтариб туриш керак, бўлмаса, оқибати чатоқ бўлиши мумкин. Кетингдан тушиб текшириб қолмасин, яна.

— Ўлибдими? Шамоллаганимдан кейин қувватим йўқлигини билиб турибди-ку.

— Кулма, ўзингдан катта одам гапирганда хўп, дегин.

— Кулаётганим йўқ, ўзимнинг аҳмоқлигимдан афсусланаяпман. Тинчгина юрсам бўлмасмиди. Агар оддий ўпишганимга шунчалик касал бўлсам, мабодо... ақлимни йўқотганимда нима бўларди? Бутун баданим сирази ириб кетармиди? Баъзан шуни ўйлаб қўрқиб кетаман. Яхшики, кўнглимга нимадир келиб, шайтоннинг қистовига учмадим, бўлмаса, чинданам ишим чинданам чатоқ экан.

— Айб мандан ўтди, Элёр. Сани бу ишга мажбурламансам бўларкан.

— Бўлар иш бўлди. Шунисигаям шукур. Бундан баттар бўлганда нима қилардим.

— Лекин ман у шлюхани барибир топаман. Агар топсам, сочидан судраб олдинга олиб келаман. Мана кўрасан! Бўпти, ман кетдим. Муҳаббатга салом айт. Ақли хотининг бор экан. Зулфия билан гаплашгани борибдики, маладес, мани ҳайрон қолдирди. Зулфия худди олдимга келгандай бўлди. Раҳмат, деб қўйгин.

Элёр меҳмонни кузатиб ташқарига чиқди.

— Фарғонага бориш эсан чиқмасин.

Ботир индамади, қўлини кўтариб қўйди-да тез-тез юриб кетди.

* * *

Орадан бир неча кун ўтиб Элёр кечки муолажа пайтида Ботир ака айтган таклиф ёдига тушиб шифокорга гап очди.

— Наҳот, бу ҳақда айтмаган бўлсам? — ҳайрон бўлди шифокор бир ойдан бери сабр-тоқат қилиб келаётган йигитга кўзойнагининг тепасидан қараб. Нима, келин бола қидириб келдими, дейман?

— Ҳозирча келгани йўқ, фақат билиб қўяй деб... Бир ойлик курс тугасин, кейин анализ натижаларига қараб айтарман, дегансиз.

— Шунақами? Умуман бир ҳисобда яхши бўлибди, чунки она қорнидаги ҳомила зарарланмасдан ривожланиб олган. Бекордан бекорга бу гапни гапирмагандирман. Негаки, бу касаллик орқасидан оилада бўладиган кўнгилсиз воқеаларнинг кўп гувоҳи бўлганман, укам. Ёшлар оқибатини ўйламайди-да шифокорни ёмон кўришаверади.

— Йўқ, мен сиздан хафа бўлганим йўқ, доктор. Тўғри тушунганман, ўшандаёқ. Ҳозир, шунчаки сўрадим, холос.

— Битта сиз эмас, умуман ёшларни айтаман-да. Фойдасини кўзлаб гапирсанг... Ҳа, айтгандай, бир ойлик курсимиз тугаган бўлса, кейинги босқич давога ўтамиз.

— Тезроқ тугатсак, яхши бўларди.

— Унда бугун навбатдаги курс учун пул тўлаб кетиш эсдан чиқмасин.

— Бўлди, доктор.

Элёр кўзлари жавдираб турган шифокорни хурсанд қилиб, ҳамшира қизга учрашган эди, бирдан ўтиришни таклиф қилиб қолди. Хайрон бўлган йигит бир оз иккиланган кўйи стулдан жой олди.

— Сизга янгилик бор? — деди ҳамшира пичирлабгина.

Элёр қиз томон салгина энгашиб савол назари билан ҳамширанинг бу сафар нечундир сирли боқатган кўзларига тикилди.

— Сиз қидирган қиз топилди.

— Қайси қиз?

— Қайси бўларди, анаву сизга касал юқтирган қиз-да.

— Чинданми?

Ҳамшира «секинроқ» дегандай кўрсаткич бармоғини лаблари устига босди.

— Ким юборибди, Ботир аками?

— Ким юборганини билмадим-у...

— Қачон келди? Ўзини текширтирмадими?

— Сиз муолажага кириб кетганингизда ортингиз кирди.

Даволанаётганингизни эшитиб, ғалати аҳволга тушиб қолди. Кейин... шарт ўрnidан туриб чиқиб кетди. Ортидан югуриб чиқиб, «Даволанасизми?» деб сўрасам, ўйланиб туриб «Бир ҳафтадан кейин албатта келаман, деди. Чунки, яқинда бувиси оламдан ўтиб қолибди, шунинг учун ҳозир

вақти йўғмиш. Ҳозирча докторга ҳам, Элёр акага ҳам индамай тулинг, деб илтимос қилди.

— Исми ким экан?

— Исмини сўрасам, кейинги сафар паспортим билан келарман, деб айтмади.

— Адресини ёзиб олмабсиз-да.

— Э, унинг аҳволини кўрсангиз эди. Бечора «Наҳот, манам касал бўлсам», деб кўрқиб кетганидан гапиришга ям ҳоли қолмади. Тўғриси, ўзим ҳам кўрқиб кетдим.

— Демак, Ботир ака уни топибди-да. Яхши, сизга катта раҳмат. Чиройли суратингизни чизиб беришга қарз бўлдим.

— Майли.

Элёр клиникадан хурсанд бўлиб чиқди. Талабалар шаҳарчасига келганда трамвайдан тушиб дўкондан шоколад олди, бозорчадан гулдаста харид қилди, кейин тунги ширин суҳбату висолни ўйлаб, йўл-йўлакай дорихонага кириб чиқишни ҳам унутмади.

— Мана санга олам-олам гул, эта-гинг-га... сиқ-қа...

Элёрнинг хиргойиси оғзида қолди, кўзлари йигидан шишиб кетган Муҳаббат эшикни очдию орқасига терс бурилиб, индамай ичкарига кириб кетди. Элёр аввалига жойида қотиб қолди, кейин хаёлига келган ўйдан юраги «шиғ» этиб, пешонасини муздек тер босди. Бу ҳолдан довдираб қолган Элёрнинг ўзига келиши анча қийин кечди, бир зумда зилга айланган оёғини остонадан аранг ўтказди, увишиб қолгандай туюлган қўли эшикни ёпа олмади. Унинг ҳаракатлари ҳозиргина наркоздан турган одамникига ўхшарди.

— Муҳаббат.

Овози чиқдими, чиқмадими, ўзи ҳам эшитмади. Ичкари хонадан садо чиқмади. Ўзича хавотирга тушган Элёр ётоқхонага кирмоқчи эди, эшик берклигини кўриб баттар таажжубга тушди. «Муҳаббатни нима жин урдийкин? Ёки анави фоҳиша бу ерга ҳам келдимикин-а?» Элёрнинг хаёлидан яшин тезликда негадир шу фикр ўтди. «Агар келган бўлса тамом!» У бўшашиб деворга суяниб қолди. Энди ичкари хонадан йиғи овози эшитила бошлади. Элёр полда ётган гулни энди қўлига олиб бир чеккага қўймоқчи

эди, бирдан эшик шарт очилиб Муҳаббат ёнидан ўтиб қолди.

— Муҳаббат, нима бўлди?

— Ўл бўлди, дард бўлди, ҳаммаси расвои жаҳон бўлди!

— Муҳаббат билагидан ушлаган эрининг қўлидан силтаниб чиқди-да осилтириб ушлаб турган гулдастасини юлқиб олиб башарасига туширди. Гвоздика гулларининг бир нечаси шу заҳоти бандидан узилиб палос устига ёйилди. Қолган гулни бир четга улоқтирган Муҳаббатнинг айна пайтдаги важоҳати ҳар қандай эркакни шошириб қўядиган даражада эди. Шу топда қаршисида шер турса, кўрқиб ортга чекишини аниқ эди.

Элёр чинданам довдираб қолди. У хотиним шу гулларни яхши кўради, деб қип-қизил гвоздикаларнинг энг сараларидан ўн беш донасини танлаб олганди. Бу гулларни кўрса, яйраб кетишини, гул-гул очилиб кутиб олишини ўйлаб севинчини ичига сиғдиролмай келганди. Энди эса юрак-юрагидан танлаб олинган гуллар унинг юзига тарсаки мисол урилдики, бундай бўлишни умуман ўйламаган Элёр нима воқеа юз берганлигини билолмай карахт эди. Уни бундай кўйга солган нарса Муҳаббатнинг газабнок нигоҳи-ю ҳар қандай махлуқотни ғажиб ташлашга тайёр турган важоҳати эди. Бунинг устига хотинининг оғзидан чиқаётган ҳақоратли дашномлар Элёрни баттар довдиратиб қўйди.

— Сен одаммисан, одам эмассан, сендан оддий бир ҳайвон яхшироқ! Йўқол кўзимдан! Йўлимниям тўсма, мен ҳозироқ бутунлай уйимга кетаман! Сенга ўхшаган хотин-боз, кўча-кўйда фоҳишаларга илакишиб юрадиган ифлос эркак билан бир минут ҳам турмайман! Башарангга қарашга ҳазар қиламан, билдингми, ҳазар қиламан!

Элёр энди тушунди. Демак, Ботир қидириб топган қиз бу ерга ҳам келган. Муҳаббатга ҳамма гапни айтиб берган. Ўзини оқлаган, эрингиз мендан эмас, бошқалардан юқтирган бўлса керак, деган. Аниқ шундай деган, бўлмаса, шунча гапни Муҳаббат қаердан топиб гапиряпти? Барча сирдан огоҳ бўлганки, бевафоликка чидай олмай бемалол ҳақорат қиляпти. Ахир кеча ҳам, кеча эмас, бугун эрталаб ҳам бағридан зўрға ажратиб ишга жўнатганди-ку. «Яхши

бориб келинг, кеч қолманг!» деб тайинлаган шу Муҳаббат эмасмиди? «Кечга қолсангиз, биз хавотир оламыз» деб эркаланган, қўлларини қоринчасининг устига қўйиб тўгилажак фарзандига ишора қилган эди, севгилиси шу эмасми-ди?

Аммо ҳозирги Муҳаббатни бутунлай таний олмай қолди. Содда, ширин сўз, кундан кунга эркалиги ошиб бораётган Муҳаббат эмасди, бу аёл. Қаршисида гўё она шер турарди. Элёрга қалтираган оёқларида мадор қолмагандай туюлди, жуда ожиз сездди ўзини, аёл кишини бунчалар ўзгаришини — даҳшатли важоҳатга эга бўлишини тасаввурига ҳам келтирмаган эди.

— Нима гаплигини тушунтирасанми?

Элёр шу сўзни айтишга тили базўр айланди.

— Нима гаплигини ўзинг билмайсанми? Кўча-қўйда бирорта фоҳишадан юқтирган касалингни даволаб келяпсанми? Бир ойдан бери нима учун кеч келишининг сабаби шу эмасми-а, хотинбоз.

Энди ичидан зил кетди.

Энди бошқа гапга ҳожат қолмади.

Энди Муҳаббат унинг учун Муҳаббат эмасди.

Энди, энди Муҳаббатдан айрилганини аниқ ҳис этди.

— Нимага индамайсан? Ҳақиқат ошкор бўлди-да, хотиндан яшириб юрган сиринг очилиб қолди-да. Ҳали шуми, сенинг севгинг?! Тупурдим, сандақа рассомларга! Бор ўша ўйнашларингни олдига, уларнинг яланғоч расмларини чизиб юравер. Сен, шунга моссан! Мен аҳмоқ бўлмасам, келиб-келиб сенга тегманми? Ифлос экансан!

Элёр лабларини тишлади.

Элёрнинг қўллари мушт бўлиб тугилди.

Бироқ бу мушт кимга кўтарилиши керак? Жабрдийда аёлигами ёки хиёнаткор ўзигами?

Муҳаббат терс орқасига бурилди ва олдиндан тайёрлаб қўйган сумкасини олиб эшик томон йўналган эди, эри йўлини тўсди.

— Қоч, йўлимдан, ифлос қўлингни менга теккизма! Сендақа хотинбоз билан яшаганимдан кўра, эрсиз ўтганим минг марта афзал.

- Балки гапимни эшитарсан?
- Ҳеч нарсасини эшитишни истамайман! Гапинг бўлса, кеча борганимизда қарз олган дадангга айт. Дардингга қулоқ солади, ёрдам беради. Айтдим-а, нега дадасидан пул сўраб қолди деб. Касалингни даволатишга бермоқчимидинг? Мен содда бўлса, Туркияга кетишга тайёргарлик кўраётган бўлса керак, деб ўйлабман-а? Ўла, бегонадан топган ҳузуринг касаллик бўлиб чиқдими, энди шифосини тополмай клиникага қатнаб юрибсанми? Баттар бўл, бу кунингдан!
- Муҳаббат.
- Мени Муҳаббат дема! Исминни ифлос оғзингга ҳам олма! Энди, Муҳаббат йўқ, сен учун! Қоч, йўлимни тўсма!
- Қаёққа борасан, кеч бўлиб бўлиб қолди, ахир.
- Қаерга бўлсаям кетаман, ишқилиб, сенинг ёнингда қолмасам бўлди. Касофатинг бизларга урмасин, яна!
- Сенга бу гапларни ким айтди, ўзи?
- Ўзим билдим!
- Ростини айт?
- Яна бу киши жума намозига бормоқчимиш. Гуноҳни қилиб қўйиб, Худодан кечирим сўрашга боргансанми?! Ҳали шу аҳволингда масжидгаям кирмоқчимисан, пок ерни булғаб?
- Оғзингга қараб гапир! Бўлди-да, валдирайверасанми, индамаса.
- Ҳа, урмоқчимисан?
- Сендан, бу гапни қаердан билдинг, деб сўраяпман!
- Биров айтиши керакмиди? Ўзим билдим, ўзим! Дадангдан пул сўраганингни эшитиб, ҳайрон бўлдим-у, аммо кўнглимга ёмон фикр келмаганди. Уйга бориб келгандан кейин ҳам кеч кела бошлаганингдан хавотирга тушиб, атай бугун ишхонгангга пойлаб бордим. Қорақамишга ҳам ортингдан бордим. Билсам, клиникада бир ойдан буён даволанаётган экан, бу киши! Ҳамширани алдаб ҳаммасини билиб олдим. У ҳойнаҳой, мени сен билан бирга бўлган фоҳиша қиз деб ўйлаган бўлса керак. Шубҳа қилмай тўғрисиини гапириб берди. Энди билгандирсан, кимни алдаб юрганингни! Дугонамни ўша пайтда душман

фаҳмлабман, сендан воз кечиб жуда тўғри қилган экан. Бўлмаса, мени ҳам огоҳлантирди-я, қамалиб чиққан туремщикни бошингга урасанми, деб. Кўзим кўр бўлмаса, сенга тегаманми, шунчалар ҳам ифлос бўласанми? Мени ўйламасанг, туғилажак мани бу болангни ўйламадингми, номард!

Элёрнинг миясига кимдир муштлагандай бўлди. Ҳм, гап буёқда экан-да. У бекорга хурсанд бўлибди-да. Демак, Ботир акаси ҳеч қанақа қизни топмаган, клиникага юбормаган. Муҳаббатнинг ўзи пойлаб борган, у ичкарида бўлган пайтида кириб, ҳамшира қиздан бор гапни билиб олган. Оғзи бўш ҳамшира эса...

Элёр ана энди ҳақиқий «нокаут» бўлган эди. Деворга суянар экан, қўлидаги қоғоз очилиб, ичидаги шоколад ва тўтрбурчак целловандаги кичик бир нарса Муҳаббатнинг оёғи остига келиб тушди. Беихтиёр пастга қараган Муҳаббат не кўз билан кўрсинки... ялтироқ қоғоздаги шоколод ёнида перезерватив турарди. Нигоҳларига ишонмаган аёл бир зум қотиб қолди, кейин аста эгилиб эркаклар матоҳини қўлга олди ва ўйлаб ўтирмай, уни эрининг башарасига отди.

— Кунинг шунга қолдими, наълати!

— Муҳаббат, мени...

— Нарг тур!

— Муҳаббат!

Муҳаббат этигини кийиб-киймай ташқарига отилди. Эшик тарақлаб ёпилди, аммо сал ўтмай зинапояда «А-а!» деган бақирққ овози эшитилди. Бақирган Муҳаббат эди, миясига ток ургандай эсанкираб қолган Элёр гандираклаганича зинапоя томон югурди, не кўз билан кўрсинки, учинчи ва иккинчи қават оралиғидаги бурилиш жойида Муҳаббат ағдарилиб ётарди. Юзлари шилиниб, қонталаш бўлиб кетганига қарамай, қорнини маҳкам ушлаб олган Муҳаббат бирдан оғир инграйиб қўйди ва ҳушини йўқотди.

Қўрқиб кетган Элёр телефонга чопди.

Касалхонада ўзига келган Муҳаббат қаеридадир ачишган оғриқ сезиб, беихтиёр қорнини пайпаслаб кўрди.

—Боламга нима қилди? Болам, тирикми?

Хонани Элёрнинг ҳўнграган йиғиси тутди. Оқ ҳалат унинг титраган елкасидан аста сирғалиб тушди. Муҳаббат эрининг башарасига қарамаса-да ҳаммасини бир зумда тушунди. Тушунган заҳоти эса миясига нимадир санчилгандай бўлди-да яна ҳўшини йўқотди.

Муҳаббат касалхонадан тўғри уйига кетди. Кватирага бориб ҳам ўтирмади. Элёр икки хонали хонадонда сўппайиб ўзи қолди. У ҳамон ўзига келолмас, не умидлар билан туғилишини кутаётган фарзандидан айрилганини кун ўтган сари тобора чуқурроқ ҳис қилар, бу мудҳиш айрилиқни англаган сари эса титроқ босиб ёш боладай ҳўнграб йиғлашга тушарди. Кечгача уйда ўтирган Элёр мажнунсифат қиёфага кирди-қўйди.

Наҳот, унинг Муҳаббат билан кечган ширин кунлари шу билан барҳам топган бўлса?

Наҳот, энди улар бутунлай юз кўрмас бўлиб кетишса?

Наҳот, етиб келган манзилининг охири шу — айрилиқ, дунё юзини кўрмаган норасиданинг бевақт ўлими.

Э, Худо, бу қандай кўргилик бўлди? Уйдагиларнинг дашномларидан энди-энди қутулгандик-ку? Ҳомиладор бўлган Муҳаббатнинг рўшноликка чиққанига ҳали ҳеч қанча бўлгани йўқ эди-ку.

Энди нима бўлади?

Муҳаббат қайнонасига нима дейди? Элёр-чи? Ахир у аяжонисини зўрга ишонтирган эди. Бироқ, барибир шубҳага борган аясининг ўзи Тошкентга келиб кўриб кетди, поликлиникага келини билан бирга чиқди. Ана шундан кейингина аясининг юзида ротакамига таббассум пайдо бўлди, оғзидан бирин-кетин ширин гаплар чиқа бошлади. Тўйларидан бери ўпмаган пешонасидан қайта-қайта ўпди. Кечаги куни қишлоққа борганларида эса Муҳаббатни ўтқазिशга жой тополмади. Бирор юмуш қилмоқчи бўлса, дарров қўлидан ушлаб қалин тўшакдан турғазмади.

— Эсон-омон кўпайишиб олгандан кейин қилаверасиз.

Иш ҳеч қаяққа қочиб кетмайди. Ўтиринг, қизим, бемалол ўтираверинг.

Ўша кунлари Элёр ҳам кўзларига ишонмай қолди. Наҳот, шу ўз онаси бўлса, ахир бир-икки ой аввал ҳам «Хотининг туғмаса, ажраласан, чиройини бошинга урасанми, хунук бўлса ҳам менга набира туғиб берадигани керак! Келиннинг чиройи бағридаги гўдаги билан!» деб маломат қилиб, тинчгина яшашларига имкон бермаётган эди-ку. Во, ажабо!

Элёр ўзи билан ўзи гаплашиб ўтираркан экан, зонада ўтирган пайтидаги бир воқеа беихтиёр эсига тушиб кетди. Адашмаса Ботир ака билан эндигина иноқлашган, унинг ёнига кўчиб ўтган кунларининг бирида ўрта бўйли, қотмадан келган бир маҳбусни уларнинг қаторига — учта каравот нарига жойлаштиришди. Олтмишларни қоралаган бу соқоли кишининг исми Ғаффор эди. Йўқ, Абдуғаффор эди. Аслида у қарига ўхшамасди, аммо соқоли унга жиддийлик ва кўрк бериб турар, озгинлигига қарамай уни салобатли кўрсатарди. Шунданми, бир зумда ҳамма уни «Отахон» деб чақишира бошлади ва сал ўтмай бу лақабга айланиб кетди. Бироқ кечга бориб отахонни соқолидан маҳрум қилишди, ётиш олдидан старшина билан кириб келган сартарош йигит буйруқнинг зўри билан бироз иккиланса-да аввал қайчида қирқиб-қирқиб ташлади, кейин эса тагига устара солди. Қариянинг оғзидан бир оғиз сўз чиқмади, фақат иккала кўзларидан негадир «дув» этиб ёш тўкилди. Эндигина ҳожатхонадан қайтган Элёрнинг нигоҳлари бу ҳолатга тушдию жуда ғалати бўлиб кетди. Қария полга тушган соқолларини аста йиғиштириб олаётган эди, старшина янги мойланган ҳарбийча ботинкаси билан оқ тусга кириб улгармаган соқолни босди:

— Эскилик сарқитини нима қиласиз, отахон? Қўйинг, бу, мусорни жойига! Ойнага бир қарасангиз-чи, қирқ ёшлардаги қирқиллама йигит бўлдингиз, энди!

Шунда қария тилга келди:

— Сен бунга барибир ахлатга ташлатиб юборасан. Кейинроқ ўзим бир чеккага кўмиб ташларман, ўғлим.

Табиатан ўрислашиб кетган старшинага раҳм-шафқат бегона эди:

— Нельзя! Ташланг, дедим! Биринчидан, ман сизнинг ўглингиз эмасман, тушундингизми?! Иккинчидан, сиз маҳбуссиз, ман эса солдатман! Солдат!

Ноилож қолган қария тортишишнинг нафи йўқлигини англади чоғи бошқа индамади. Старшина Элёрга кўзи тушиб уни олдига имлади.

— Йиғиштир-да, туалетнинг тешигига ташлаб юбор! Чего смотришь, давай, быстро!

Элёр кўз қири билан Ботир акасига қаради. Боксёрнинг бошини қимирлаганини кўргач, ноилож «есть!» деди эшитилар-эшитилмас. Кейин полга сочилиб ётган соқолни қўлига оларкан, ер остидан қарияга нигоҳ ташлади, Абдуғаффор ота бошини ҳам қилганича миқ этмай ўтирар, аммо қуруқшаган лаблари билинар-билинмас титрар эди. Элёр ўшанда бу одамнинг ҳолатига унчалик тушунолмади: унсиз йиғлаяптими ёки ичида нималарнидир ўқиб нола қиляяптими? Қўрқиб-писиб тургани боисми, кўпам аҳамият бермади, негаки шундоқ ёнгинасида турган қалин ва қаттиқ ботинка исталган дақиқада унинг орқасида ўзининг аянчли изини қолдириши мумкин эди.

Кетишга изн сўраган сартарошга ўгирилган старшина «Свободен!» деб дўнғиллади. Кейин Элёрга қараб ҳожатхона томон имлади.

Элёр кечаси атай Отахон томонга ўгирилиб ётди. Қоронғуга кўзи ўрганган қария шундоқ каравотида ўтирган кўйи жим ўтирарди.

Элёр аста ўрнидан турди. Кейин чўнтагига яшириб қўйган нарсани олди-да оёқ учида юриб келиб отахонга узатди.

Шундоқ тепасида қоғозга ўралган нарсаси кўриб Абдуғаффор ота ҳайрон бўлди.

— Нима бу? — сўради ётган жойида.

— Сизники.

Отахон ноилож туриб ўтираркан, қўлига тутқазилган нарсани астагина очди. Очди-ю унга тикилиб анграйиб қолди. Не кўз билан кўрсинки, қоғоз ичида кулранг соқол

турарди. Хира чироқ нурида у аранг кўринса-да отахонинг кўзига ярқ этиб ташланди чоғи, нигоҳлари порлаб кетди. Соқол худди ўзиники эди, аллақачон умидини узган, ҳар тонг ва ҳар оқшом меҳр билан силаб кўядиган соқоли турарди, кўлида. Отахон индамай ўрнидан турди ва Элёрни кучоқлаб бағрига босди. Шунда Элёр отахоннинг бутун гавдаси аввал титраганини, сўнг силкиганини ҳис қилди.

— Парвардигорим сени доимо ўз паноҳида асрасин! — деди Абдуғаффор ота оҳиста жойига ўтирар экан пичирлабгина.

Элёр сал ўтмай ухлаб қолди. Эрталаб шовқиндан уйғониб кетди. Соқчи Абдуғаффор отани қаергадир олиб кетди. Кейин отахонни бошқа кўрмади. Нима учун қамалгани ҳам билолмади...

Элёр бошига тушган ғам-ташвиш ичида бу воқеани нима учун эслаганини билолмай турганди, эшик кўнғироғи чалиниб қолди. «Очиқ-ку» деган ўйини тугатмаган ҳам эди, аввал Ботирнинг «Элёр!» деб чақирган овозини эшитди, сўнг бир қадам ичкарида ўзи кўринди.

— Тез, кийиниб чиқ! — салом-алиқдан кейин Ботир ака Элёрнинг елкасига кўлини кўйди.

— Нега?

— Бир жойга шундай ўтиб келамиз.

— Ҳеч қаерга бормайман.

— Бормасанг, бўлмайди.

— Илтимос, мени тинч кўйинг.

— Биламан, мандан хафасан. Лекин ҳозир хафагарчиликни йиғиштиргин-да, кийиниб пастга туш. Такси кутиб турибди. Ҳилола ҳам шу ерда.

— Ҳилола? Ким у?

— Ким бўларди, сен қидираётган қиз-да.

— Ростданми?

— Ҳа.

— Ҳозир, ўлдираман у фоҳишани!

— Аввал бир нарсани аниқлаб олайлик, кейин ўлдирарсан.

— Қаерга борамиз?

— Пастга тушганда биласан. Бўлсанг-чи, имилламай!
Ботир тезда ортига қайтиб чиқиб кетди. Элёр газаб
билан кийина бошлади.

* * *

Элёр машинанинг олди ўриндигидан жой олгач,
орқасига шарт бурилди-да кўзларини лўқ қилиб ўтирган
қиз томон ташланди. Шундай бўлишини сезиб турган
Ботирнинг чайир қўллари уни тўхтатиб қолди. Бўлмаса,
бошига тушган бахтсиз воқеаларнинг асосий «сабабчиси»
деб билган Ҳилоланинг юзи аралаш бўйнига рассом
йигитнинг барча аламлари йиғилган мушти «қарс» этиб
тушиши аниқ эди. Шундоқ ҳам ичида кўрқиб ўтирган қиз
бирдан қунишиб, юзини қўллари билан тўсиб олди.

Худди олдиндан тайинлаб қўйилгандай Ҳилола чурқ
этмади. Ботир Элёрнинг елкасидан қўлини олмаган ҳолда
ҳайдовчига «Кетдик, ҳалиги жойга!» деди. Машина шаҳар
кўчаларидан физиллаб бораркан, каттагина бино олдига
келиб тўхтади.

— Нима қиламиз, бу ерда? — сўради Элёр пешонасини
тириштириб.

— Ичкарига кирганда биласан, қани, юр!

Улар беш қаватли бинога киришди. Элёр киравериш-
даги деворга осиб қўйилган ойнали ёзувга кўз қирини
ташлади. «Шаҳар урология маркази». Тўхтаб нимадир
демоқчи эди, Ботир уни ичкарига тортди. Иккинчи қаватга
кўтарилиб «Тиббиёт фанлари номзоди Аҳроров Асқар
Самадович» деб ёзиб қўйилган хона олдида тўхтадилар.

— Қани, ортимдан юр.

Эллик-элик беш ёшлар чамасидаги баланд бўйли,
тўладан келган шифокор йигитлар билан саломлашгандан
сўнг, ўтиришга таклиф қилди. Кейин Элёрнинг қўлига
қоғоз тутқазди.

— Нима бу?

— Ҳилоланинг касаллиги тўғрисидаги справка. —
Тушунтирган бўлди шифокор.

— Мен нима қиламан, бу справкани? Анавинга беринг.
Ким эканлигини билиб қўйсин!

— У биледи. Бундан хавотир олманг. Аммо гап бошқа ерда. Ҳилоланинг касали ўпишганда ёки сени даволаётган врач айтгандай, сўлак орқали юқадиган туридан эмас экан. Унинг касали фақат жинсий алоқа қилгандагина юқиши мумкин экан, — Ботир шифокорнинг қўлидан қоғозни олиб, Элёрнинг ёнига келди.

— Тушунмадим.

— Нимасини тушунмайсан? Ҳилола билан ётмаганинг аниқми? Фақат ростини гапир!

— Ботир ака, сизни алдармидим.

— Унда нега тушунмаяпсан? Сан Ҳилоладан касаллик юқтирмагансанг, билдингми? Ана энди, очигини айт, кимдан юқтирдинг?!

— Ботир ака!

— Ростини гапир!

— Нима, менга ишонмаяпсизми?

— Билмадим, кимга ишонишни. Бу бош оғриққа точка қўймасак, бўлмайди. Шунинг учун ҳозироқ текширишдан ўтишинг керак. Ман эшитган кунимдан бери ухлаганим йўқ, наҳот, Элёрнинг касалига, ҳали туғилмаган боласининг нобуд бўлишига ман сабабчи бўлсам деб. Қани, ўрнингдан тур-да, кўзимнинг олдида текширувдан ўт. Мангаям тинчлик керак.

Элёрнинг шифокор кўрсатган стулга ўтиб ўтиришидан бошқа илож қолмади. Ботирнинг гап-сўзлари, ҳаракатларидан «Сен бошқа бирорта аёлдан юқтиргансан, Ҳилоладан эмас, шундай экан, айб ўзингда!» демоқчи бўлаётганини тушунди.

— Бу қизни акангиз иштирокида текширувдан ўтказдим. Анализлар шуни кўрсатдики, Ҳилола ростдан ҳам касал, бироқ унинг касали фақат жинсий йўл билан ўтади, холос. Ҳаво орқали, бемор фойдаланган идиш-товоқ ёки ўпишгандаям юқмайди. Бундан кўнглингиз тўқ бўлсин. Энди сиздаги касалликка келсак, агар ростдан ҳам Ҳилоладан бошқа аёл билан жинсий алоқа қилмаган бўлсангиз, бизда қайта текширувдан ўтишингиз мумкин.

— Ўтади!

Элёр буйруқ оҳангда айтилган сўз эгасига қараб қўйди.

— Манга бунақа қарама! Текширувдан ўтасан, вассалом. Нима, мани айбдор бўлиб қолишимни хоҳлаяпсанми? Йўқ, бунақаси кетмайди. Ман, Ҳилоланиям атай давлат касалхонасига олиб келиб текширттирдим. Саниям текширтираман. Агар ростдан ҳам касал бўлсанг, демак, бундан бошқа аёлдан юқтирган бўласан, билдингми?

— Яна қайтариб айтаман, мен умуман бегона аёл билан бўлмаганман!

— Унда қўрқмай текширттир. Балки анави дўхтиринг сани алдаб, пулингни шилиб ётгандир?

— Бўлиши мумкин эмас!

— Бўлиши мумкин! Бўпти, доктор биз ташқарида кутиб турамыз. Яхшилаб текширинг!

Ботир ака Ҳилолани етаклаб хонадан чиқиб кетди. «Ростдан алдаётган бўлса-я», деб гумонга борган Элёр текширувдан ўтишга рози бўлди.

* * *

— Ўлдираман! Ўлдираман, уни!

Эртаси куни текширув натижаларини қўлига олган Элёр бирдан деворни муштлай кетди.

— Раҳмат, доктор, сизга. Қани, кетдик, — шифокорга миннатдорчилик билдирган Ботир Элёрни ташқарига бошлади.

— Вой, ҳаромхўр-ей! Бир ярим ойдан бери алдаб келаётган экан-да мени? Унда менга қанақа дорилар ёзиб берган? Нима дорилар бу, доктор? — Элёр титраган қўллари билан чўнтагидан дориларини олиб стол устига қўйди ва очиб шифокорга кўрсатди.

Мийиғида кулиб шифокор йигитни тинчитди.

— Дорлардан хавотир олманг, улар оддий витаминлар холос. Фақат сизга ялтироқ қоғозга ўраб бергани учун уларга аҳамият бермагансиз. Ўйлайманки, қабул қилган уколларингиз ҳам шунақа бўлса керак.

— У дўхтирни судга берсак, бўладими? — сўраб қолди Ботир.

— Буни ўзларинг ҳал қилинглар.

— Қанақа суд? Бунақа ифлослар бир-икки сўм пул

бериб суддан ҳам қуруқ чиқишади, Ботир ака. Уни ўзим суд қиламан! У ахир мени энг азиз инсонлардан маҳрум қилди! Ҳали дунёга келмаган гўдак шунинг орқасидан нобуд бўлди! Нобуд бўлди!

Элёр яна деворни муштлар экан, ёш боладай хўнграб йиглаб юборди. Ботирнинг қўллари ҳам беихтиёр мушт бўлиб тугилди. Кутилмаганда Элёр бирдан ташқарига отилди. Яна бир кўнгилсиз ҳодиса юз беришидан кўрқиб кетган Ботир унинг ортидан югурди.

— Тентаклик қилма! — Кўчага чиққанларида Элёрнинг билагидан маҳкам ушлади Ботир.

— Ўлдираман, уни!

— Яна зонага тушмоқчимисан?

— Фарқи йўқ менга.

— Ўзингни қўлга ол!

— Муҳаббатсиз яшаганда кўра, зонада ўтирганим яхши. У энди ҳеч қачон қайтиб келмайди.

— Қасал эмаслигингни эшитса, албатта келади, — деди ишонч билан Ботир Элёрни шифохона хиёбони томон бошлар экан.

У Элёрнинг олдида юзи ёруғ бўлганига ичида қувонсада, аммо айни пайтда ўч олиш фикрида ловуллаб ёнаётган оловни ўчириш билан овора эди. Бирдан алангаланган ёнғинни ҳар доим ҳам даф қилишга муяссар бўлинавермайди.

Элёр дарахтга бошини уриб кўзларига яна ёш олди.

— Ҳали туғилмаган болада нима гуноҳ, Ботир ака? Айтинг, унда нима гуноҳ бориydi. Қайтиб келади, дейсиз, қайтиб келганда ҳам бошқа фарзанд кўрмасак-чи? Муҳаббат қайта ҳомиладор бўлмаса, нима қиламан? Бир умр афсус-надоматда ўтаманми! Ўлгунимча унинг юзига қандай қарайман!

— Ман ўзим гаплашиб кўраман.

— Фойдаси йўқ, Ботир ака, фойдаси йўқ! Биринчидан, у мени асло кечирмайди, иккинчидан, эса энди қайтиб келмайди. Мен ҳаётимни барбод қилдим. Энди... энди, фирибгар дўхтирдан ўчимни оламан. Мени шу кўйга солгани учун у ҳам жони билан жавоб бериши керак!

Боламни нобуд қилгани учун, энди у ҳам ўлиши керак!
Ҳа, унинг бу дунёда яшашга ҳаққи йўқ!

— Тўхта, Элёр, тўхта!

— Йўлимни тўсманг!

— Уни ҳозир ўлдирганинг билан фойдаси йўқ.

— Менга ҳеч қанақа фойдаси керак эмас. Ундан қасо-симни олсам бўлди!

— Тўхта, Элёр. Аввал бу янгиликни Муҳаббатга етказишимиз керак. Агар дўхтирни бир нима қилиб қўйсанг, у айбини қандай тан олади? Манимча, сани алдаб юрганини хотинингга ўз оғзи билан айтиши шарт. Бўлмаса, Муҳаббатнинг кўнглидаги шубҳани ҳеч қачон олиб ташлолмайсан. У санинг гапингга ишонмайди. Врачнинг ўзи бориб, айбини бўйнига олсагина... Шунинг учун бу ишни манга қўйиб бер.

— Барибир ўлдираман, уни!

— Бўпти, бўпти. Юр, аввал бирорта ошхонага кириб овқатланиб олайлик, кейин ўлдирарсан. Тўғрисини айтсам, неча кундан бери туз тогганим йўқ. Ҳилолани топгунча бўларим бўлди, ўзи. У касал чиққанидан кейин қандай ҳолатга тушганимни билсанг эди, ўзимни ўзим еб қўйдим, фақат врач тушунтиргандан кейингина кўнглим сал тинчиди, аммо бошқа томондан хавотирим кучайиб кетди. Ҳилоладан ўтмаган бўлса, сани, бошқа бирортаси билан юрармикин, деб ўйладим. Ҳа, рост, ичимда шунақа шубҳага бордим. Муҳаббат ҳомиласидан айрилганини эшитганимдан кейин эса томоғимдан умуман овқат ўтмади. Қани, юр, аввал манинг қорнимни тўйгаз-чи!

* * *

— Мани қатга обкетвоссизлар? Қўлимни еч, девобман, санга!

— Биз билан ҳозир Қўқонга борасан. Элёрнинг хотинига ҳамма гапни тушунтирасан. Бир ярим ойдан бери алдаб келаётганинг, унинг ҳеч қанақа касали йўқлигини айтасан, кейин эса кечирим сўрайсан. Агар кечирса, биз ҳам кечирамиз, мабодо, кечирмай афтингга туфлаб

юборса... унда, ўзингдан кўр! Тушундингми? Шунинг учун етиб боргунча қилган айбинга тавба-тазарру қилиб кет. Худодан омон қолишингни сўра. Бўлмаса, ўлигинг тоғдаги бўриларга ем бўлиши мумкин. Тушундингми? Қани, кетдик, Мирзоҳид. Машинани ҳайда!

Нарироқда турган ўрта ёшлардаги киши қўлидаги сигаретни чертиб юборди-да, қип-қизил «Жигули»га ўтирди.

— Кетдикми?

— Бос, газни!

Машина йўлга тушди. Ботир билан Абдулла Солиев орқадан жой олишди. Ҳалигина мижозини кўргани келаётганига хурсанд бўлган «дўхтир»нинг ҳозирги аҳволи жуда аянчли эди. Ичкарига кириши билан Ботирнинг кетмакет қўйган зарбидан букчайиб қолди. Гап нимадалигини билгандан кейин эса Мирзоҳиднинг пайдар-пай тепкисидан умуман ўрнидан туролмайдиган ҳолга келди. Анчадан сўнг ўзига келганда оёқ-қўлларини боғланган ҳолда кўриб ичига титроқ тушди. Яқинда сотиб олган яп-янги машинасига тиқишганда тамомила довдираб қолди. Қоронғида қаёққадир олиб кетишаётганида эса унинг кўзлари қинидан чиқиб кетгудек бўлиб, бекорга бақирмаган эди.

— Балки шу ернинг ўзида тинчителиб қўяқолармиз, бу маразни! Қўқонга олиб бориб ўтирмизми? Йўл-пўлда бақириб, ишни расво қилиб ўтирмасин, яна.

— Қўйиб юборасанларми, йўқми! Ҳали бу қилмишларинг учун жавоб берасанлар!

— Аввал сан жавоб берасан, аблаҳ!

Ботир ҳозироқ бўғиб қўйишга тайёр турган дўхтирнинг биқинига келиштириб бир туртди. Зарба жигарга тегди чоғи Абдулла Солиев ўзига ярашмаган бир ҳолатда икки букилиб қолди.

— Билиб қўйларинг, биринчи постдан ҳам ўта олмайсанлар. Мани ўғирлаб кетишвотти, машинаям маники, десам, икковинг ҳам қамалиб кетасан. Ундан кўра шўтта келишиб қўя қолайлик, — Абдулла Солиев пешонасини тириштирганича тилга кирди. — Элёр сарфлаган пулини икки барабар қилиб қайтарман.

— Пул билан қутулиб кетаман, деб ўйлаяпсанми? Ёки пулинг шунақа кўпайиб кетдими-а! — Ботир чап тирсагини яна ишга солди. Абдулла Солиевнинг ўнг биқини ушлаганча оғриқдан бақриб юборди.

Бир километр юрмаёқ бирин-кетин тушаётган тирсак зарбига чидай олмаган Абдулла Солиев бу ҳолатда Қўқонга етиб боришни ўйлаб кўзлари олайиб кетди.

— Бўпти, тўрт баробар қилиб қайтараман! — Абдулла Солиевнинг товуши аранг эшитилди.

— Боланинг хуни-чи, уни қандай қилиб тўлайсан, номард?!

— Кўргилик-да, энди, ука.

— Кўргилик бўлса, жим кет.

— Оғзини скочлаб қўй! — бирдан гапга қўшилди Мирзоҳид нафрат билан дўхтирга қараб қўяркан.

— Тўғри айтасан, шунинг учун скоч олгин, деганми-динг? Маладес, калланг ишлайди, оғайни! Мана, бўлди, энди тинчгина кетамиз.

— Бирорта постда сўраб қолса, нима деймиз? — Ботир синфдошига юзланди.

— Вазият сен ўйлаганчалик хавотирли эмас, у ёғини манга қўйиб бер. Энг муҳими, қўлимизда жиноятчи бор. Шундайми? Демак, нима дердик, бу одамхўр ваҳшийни ўлимидан олдин бир саёҳатга олиб кетяпсиз, баъзи азият чеккан инсонлардан кечирим сўрай деганди, охири илтимосига йўқ, деёлмадик, деймиз. Лекин Элёрни ҳам бирга олиб кетсак, яхши бўлармиди, ҳар қалай хотинига биргалашиб тушунтирарди-да.

— Элёр, аламзада ҳозир. Агар бирга олганимизда, боргунча мана бу юлғични ўлдириб қўйиши мумкин. Ўзи қандай қилиб ўчимни олсам экан, деб йўлини пойлаб юрибди-ку.

— Зонада танишганман, дедингми?

— Ҳа.

— Ҳозир ҳам расм чизса керак.

— Чизганда-чи, аммо мана бу ишдан кейин... чиза оладими-йўқми, Худо биледи. Чизиб берган суратларини санга кўрсатувмидим?

— Кўрсатгансан. Лекин ростдан ҳам Зулфиянинг расмини ўхшатган экан.

— Сан уни бошқа суратларини кўрмадинг-да. Лекин ҳалиги гапингда ҳам жон бор экан. Агар Элёрни олганимизда борми, довондаги тоғларни кўриб кўнгли сал бўлса-да ёзилармиди. Бунақа гўзал жойлар бошқа ҳеч қаерда бўлмаса керак-а, Мирзоҳид. Айниқса, ҳозир оппоқ тоғларга қарасанг борми, кўзингни қамаштиради. Кексалар тўғри айтишаркан, Ўзбекистонга Худонинг назари тушган деб. Довонга бир марта юрдим-у бу гапга ишондим-қўйдим. Йўлни кенгайтиришни бошлашибди, дедингми? Агар битса борми, зўр бўлади-да. Кейин поездда кетишга ҳам ҳожат қолмайди, бемалол бориб келаверамиз.

— Бўлмасам-чи, хоҳлаган ерингда тўхтайсан, хоҳлаган жойингда овқатланасан. Бу ҳали бошланиши, оғайни. Ёнингда ўтирган ғаламисга ўхшаган кимсалар халақит бермаса, энди зўр бўлиб кетамиз.

— Ҳечқиси йўқ, бунақа ўзини ўйлайдиган очофатларнинг умри қисқа бўлади. Биттаси шуми, бошқалариям ўзининг бошини ўзи еб кетаверади.

— Тўғрику-я, лекин одамнинг оласи ичида бўлади-да. Кимлигини билгунингча, Элёрга ўхшаб анча азият чекиб қолиш мумкин.

— Лекин уни Худонинг ўзи асрабди, Мирзоҳид. Битта таништирган қизим ростдан ҳам касал экан, дегин. Яхшики, Элёр унга яқинлашмаган. Яқинлашганда борми, аниқ касал юқтирган бўларкан. Қайсидир бир савоб ишининг эвазига омон қолибди, деб ўйлайман, бўлмаса, мана бу юлғичнинг чангалидан осонликча қутула олмасди. Хотинингга айтаман, ишхонангга ёзаман, деб кўрқитарди-да, бор пулини шилиб оларди.

— Қамоқда одамларга яхшилик қилган дегандинг, шундан бўлса керак-да.

— Ҳа, уни бир Отахон кўп дуо қилган. Сани офатдан Аллоҳнинг ўзи асрасин, деганини ўзим эшитганман. Қара, бошига келган оғир дард шундоқ кучоғига келиб яна ортига қайтиб кетганини. Демак, одамларга яхшилик қилишда гап кўп экан, оғайни.

Шу пайт машина бир қалқиди, Ботир қор билан қоплаган оппоқ далаларга тикилди. Булутлар орасидан гоҳида қуёш кўриниб қолса-да кун совуқ эди. Йўлнинг асосий қатнов қисмида қор эриб кетган, аммо икки четида уюлиб ётарди. Узоқ-узоқларда эса устига оқ кўрпа тортган далалар, паст-баланд тепаликлар, қирлар, елкасидаги қорни кўтаролмай эгилган дарахтлар, гоҳида устидан ногоҳ тушиб кетган қордан қутулганига хурсанд бўлиб силникиб қўяётган арчалар кўзга ташланар, буларнинг бари ажиб бир манзара касб ётарди.

Бирдан машина секинлади. Ҳайрон бўлган Ботир Мирзоҳидга қаради.

— ГАИ тўсди.

— Тезликкадир-да.

— Бошқа нимагаям бўларди. Индама, ҳозир ўзи келади.

Кичик сержант унвонидаги автоинспектор машинага яқин келиб ўзини таништирди, сўнг ҳайдовчига мурожаат қилиб ҳужжатларини сўради. Мирзоҳид кўкрак чўнтагидан қизил гувоҳнома чиқариб капитанга узатди.

— Бу кишининг оғзи нега боғланган? — деб сўраб қолди капитан бир гувоҳномага, бир орқа ўриндикда ўтирган йўловчига кўз ташлаб.

— Шеригим билан хавфли жиноятчини ушлаб кетяп-миз. Ўзиям зўрға қўлга олдик, Фарғонада сўроқ бўлади. Мана бу эълондан беришмаганми сизларга?

Сержант икки букланган қоғозни очиб, унга бир зум тикилиб турди-да, чест берди:

— Оқ, йўл, ўртоқ майор!

— Раҳмат, командир.

Мирзоҳид машинага газ берди. Кўнгли жойига тушган Ботир чуқур нафас оларкан, Мирзоҳиднинг елкасига бир-икки уриб қўйди.

— Нима қоғоз кўрсатдинг?

— Кўрасанми? Ма.

Ботир қоғозни очди ва катта харфлар билан «ДИҚҚАТ, ҚИДИРУВ!» деган ёзувга кўзи тушди. Қоғознинг ўртасида ёнида хириллаб кетаётган Абдулла Солиевнинг сурати, сурат тагида эса унинг исми-фамилияси, қачон ва қаерда

туғилгани, ташқи кўриши ва алоҳида белгилари ёзилган маълумотлар берилган эди. Эълон тагига Кўқон шаҳар Ички ишлар бошқармаси деб ёзиб қўйилганди.

— Қойил.

Эълонга кўзи тушган Абдулла Солиевнинг ранги оқариб, дами ичига тушиб кетди.

— Бу ёғига оғзини ечиб қўйсақ ҳам бўлар-а, Мирзоҳид?

— Тегма, яхши кетяпти.

— Овқат ҳам бермаймизми?

— Ўладиган одамга овқатнинг нима кераги бор? Бу очофат оладиганини олиб, ейдиганини еб бўлган. Бу ёғига ўшаларни ҳазм қилиб турсин-чи.

Бу совуқ хабар қулоғига кирганда Абдулла Солиев шарт бошини кўтарди ва кўзларини қинидан чиққудек бўлиб бир нималар деди.

— Нимага кўрқиб кетдинг? Бегуноҳ одамларни алдашдан бурун «Бу ишимни билиб қолишса, нима бўлади?», деб кўрқишинг керак, номард! — Ботир Абдулла Солиевнинг гоҳ йиғламсираган, гоҳ бирдан олайган кўзларига бармоқларини тиқиб олишига сал қолди. — Ҳали Худо биледи, Элёрга ўхшаган яна қанча одамларни тузоғинга тушириб, пулини шилгансан? Тинч оиласини бузгансан? Нима, бу қинғир ишларимни ҳеч ким билмайди, деб хомтама бўлганмидинг? Хусусий клиника очиб маза қилиб юраман, дегансан-да. Мана бу машина ҳам ҳойнаҳой, Элёрга ўхшаб алданган одамларнинг пулига келгандир-а?

— Ке, қўй, ўзингни куйинтирма. Инсофи йўқ одамга гапирганинг билан қулоғига кирмайди. Яхшиси, бирор ерда тўхтай-да, қоринни тўйғазайлик.

— Тўғри айтасан, овқатланиб олмасак, бўлмайди. Ҳали Муҳаббат билан учрашишимиз керак. Озроқ куч тўпламасак, яна гудраниб қолмайлик!

Машина давондаги чойхонларнинг бирида тўхтаганда соат кечки ўнга яқинлашиб қолган эди.

* * *

Эрталабки бомдод намозидан қайтаётган чоллар «Кейинги қишлоққа ўтиб шундоқ кираверишдаги иккинчи

уй Орифжон малимники-да» деб тушунтиргандан кейин Муҳаббатнинг ота уйини топиш унчалик қийин бўлмади. Ботир машинадан тушганда эрталабки изғирин яна дарров юзига урилди. Бу ерда қишни эслатувчи қордан дарак йўқ, аммо қуруқ совуқ баданни жунжуктирар даражада эди.

Дарвоза тақиллади. Ичкаридан «Ҳозир!» деган йўғон овоз эшитилди ва салдан кейин Элёрнинг қайнотаси Орифжон ака кўринди. Қалин тўнга ўралиб олган Орифжон ака эрталабда келган нотаниш меҳмон билан қуюқ сўрашса-да юз-кўзларидан ҳайрон бўлиб тургани сезилиб турарди.

— Қани, меҳмон, уйга кирсинлар, — деди олтмиш ёшлардаги мезбон сал нарироқда турган енгил машинага кўз қирини ташлаб.

— Ман куёвингиз Элёрнинг таниши бўламан, шу томонларга йўлим тушувди, Муҳаббатдан хабар олиб кетай дегандим.

Мезбон жиддий тортиб, нотаниш йигитнинг кўзларига синчков нигоҳ ташлади. Орифжон аканинг салобати, жиддий нигоҳлари қаршисида Ботир ноқулай аҳволга тушиб, юраги «шув» этди, пешонасидан муздек тер чиқди.

— Ўзингиз келдингизми ёки куёв бола илтимос қилдиларми?

Меҳмон ўйлаб қўйган гапларини унутди. Муаллим саволига дарҳол жавоб беролмаган ўқувчидай негадир қулоғининг ортини қашиди.

— Менам уйга келаётгандим, — ниҳоят ўзини қўлга олган меҳмон дадилроқ жавоб қилишга ўтиб. — Бунга эшитиб Элёр Муҳаббатдан бир хабар олиб қўйинг, деб қолди. Элчига ўлим йўқ, деганларидай...

— Машинада меҳмонлар борми, дейман? Уларни ҳам чақиравермабсиз-да.

— Шошиб турувдим, агар Муҳаббат уйда бўлса...

— Бизда остонада туриб гаплашиш одобдан эмас. Қани, ичкарига кирсинлар.

Орифжон ака йўл бошлаб дарвозанинг бир қанотини очиб ушлаб турди. Ботир ер остидан машина томон тезгина қараб қўяркан, мезбон амрига бўйсунушдан ўзга чора

тополмади: енгилгина тамоқ қириб, ичкарига қадам ташлашди.

Орифжон ака меҳмонни алоҳида хонага бошлаб киргач, ёшларга инсофу тавфиқ, қариларга имон ва сабр-қаноат тилаб дуо қилди. Сўнг қизини чақириш учун ўрнидан қўзғалди. Ботир уй ичига разм солди. Орадан хиёл вақт ўтиб хонага Муҳаббат кириб келди. У айни пайтда Тошкентда кўрган Муҳаббатга асло ўхшамас, одмигина кийиниб олгани боисми яна қишлоқ қизига айланиб қолган эди.

Салом-аликдан сўнг, Муҳаббат дастурхон ёзишга уннамоқчи эди, Ботир кўярда-қўймай ўтиришга таклиф қилди. Муҳаббат ноилож ўртага қўйилган хонтахтанинг бир четидан жой олди.

— Эр-хотинни ўртасига аҳмоқ одам тушади, дейишади. Шунни билиб турсам ҳам келавердим. Негаки, Элёр манга укамдай бўлиб қолган. Унга ёрдам беришни ўзимнинг бурчим деб ҳисоблайман. Шунинг учун келишимни тўғри тушунинг. Кеча эшитиб қолдим, ораларингдан бироз тушунмовчилик бўлиб ўтибди.

— Тушунмовчилик эмас бу, Ботир ака.

— Тўғри, оддийгина тушунмовчилик деб бўлмайди.

— Энди мени у киши билан боғлаб турадиган ҳеч нарса қолмади.

— Уйдагилар ҳам хабар топишдимми?

— Деярли билишади.

— Бир оз шошибсиз-да.

— Индамаслигим керакмиди?

— Аввало ҳақиқатни билишингиз керак эди. Хабарингиз бор, битта шошган манман. Кўриб турибсиз-ку, ҳамон афсусдаман. Нима қилсам, Зулфия мани кечираркин, деб ўйлаганим-ўйлаган... Бироқ... Ҳа, майли, буни қўя турайлик. Элёр бир муттаҳам, юлғич дўхтирнинг тузоғига тушиб қолган. Ўша касал бўлиб ётган пайтда туалетга боришга қийналган экан, сизни безовта бўлмасин, деб айтмабди. Ишга чиққан куни поликлиникага учрашса, тери касалликлари диспансерига ёки аввал урологга учрашиб кўринг, деб маслаҳат беришибди. Кейин

четроқдан врач топиб, шунчаки текширувдан ўтгани борса, ёмон касалнинг номини айтиб кўрқитибди ва даволанмасангиз хотинингизга ҳам юқтиришингиз мумкин деб алдабди. Дўхтирнинг гапига ишонган эрингиз ростдан ҳам шунақамикин, деб шубҳага борибди-да хусусий клиникада даволаниб юраверибди. Навбатдаги даволанишга борганда эса... сиз билиб қолгансиз. Аммо гап нимадалигини жиддий суриштирмасдан жанжаллашиб... икки ўртада...

— Бундан чиқди, ҳаммасига мен айбдор эканман-да. Касалини яширган укангиз оппоқ, шунақа демоқчимисиз?

— У ҳеч қанақа касал эмас. Ман ўзим уни қайтадан текширишдан ўтказдим. Эрингиз соп-соғ. Бироқ, сиз гапимга ишонмаслигингиз мумкин. Шунинг учун ўша фирибгар дўхтирни ҳам ўзим билан олиб келганман, агар хоҳласангиз ундан сўраб кўришингиз мумкин. Мана бу қоғозлар шу ёлғончи дўхтирнинг сохта анализлари. Мана буниси эса, давлат касалхонасида қайта текширувдан ўтгандан кейинги натижалари. Бемалол солиштириб кўравеинг. Манг, олинг.

— Нима қиламан, буларни?

— Эрингиз ҳеч қанақа касал эмаслигини билиб оласиз.

— Керакмас. Бўлар иш бўлди. Мен энди у киши билан яшай олмайман.

— Бир нокас дўхтирнинг алдовига ишониб ажрашиб кетаверасизми? Аввал ҳақиқатни билмайсизми? Олинг, ўқиб кўринг, буларни. Кейин хулоса чиқараверасиз.

— Мен боламдан айрилдим, Ботир ака, ҳали туғилмаган норасида гўдагимдан жудо бўлдим. Унинг туғилишини қанчалар зориқиб кутаётганимни билганингизда эди, мени ўша пайтдаги ҳолатимни тўғри тушунган бўлардингиз. Сиз ҳам эркак кишисиз-да, аёл кишининг ичидан ўтганини қаерданам билардингиз? Ахир, унинг туғилишини ҳаммадан ҳам кўпроқ мен истаётган эдим. У туғилганида шундоқ ҳам ажраб кетиш арафасида турган оиламизни сақлаб қолган бўлардим. Аммо... фарзанд кўриш пешонамга ёзилмаган экан. Айрилиқ бор экан, тақдиримда. Қайнонам ниятларига етди. Ана, энди бемалол ўглини уйлантиришлари мумкин.

— Ҳаммасидан хабарим бор, Муҳаббат. Лекин ҳозир Элёрга ҳам осон тутманг. У қамалиб чиққани билан соддалиги қолмабди. Одамларга ишонувчанлиги яна бир бор панд берди, унга. Агар ўшанда бошқа касалхонага ҳам бориб, қайтадан текширтирганда шу кўнгилсиз воқеалар бўлмасмиди?

— Билмадим.

— Йўқ, рост, у барибир содда экан, ўзгармабди, шу ёшга кирсаям. Бўлмаса, «Бегона аёлга яқинлашмаган бўлсам, касаллик қаяқдан юқади, манга!» деб ҳам ўйлаб кўрмаган-да!

— Энди унисини, Худо билади.

— Ман бор гапни сўрадим, ундан. Тўғриси ҳам шу! Эрингиз умуман бегона аёл билан бўлмаган ва ҳеч қанақа юқумли касал ҳам эмас! Уни ўзим текширтдим, деяпман-ку, сизга! Касал эмаслигини аниқ билганим учун ҳам келдим, олдингизга. Бўлмаса, келармидим. Агар сизга хиёнат қилганини сезганимда... ўзим унинг дабдаласини чиқарган бўлардим, Муҳаббат! Ҳозир у қўйнида пичоқ билан ўша клиника эшигининг олдида ўтирибди. Мени алдаган, боламни нобуд қилган одамни ўлдираман, деб ҳеч нарсага парво қилгани йўқ. Ҳатто қамалиб кетишдан ҳам қўрқмаяпти. Шунинг учун ярамас дўхтирни унга билдирмай яширинча олдингизга олиб келдим. Элёр уни барибир омон қўймайди: сиздан, боласидан айрилганига чидай олмаяпти, ҳаётимни барбод қилган аблаҳни ўлдираман, деб телба бўлиб қолган. Эрингиз уни ўлдириб қўйишидан олдин бўлган гапни ўз оғзидан эшитиб кўринг. Кейин бирор хулосага келарсиз. Ҳа айтгандай, Элёрнинг уйдагилари сизнинг бу ердалигингизни билишадими?

— У ёққа ўтганим йўқ.

— Демак, билишмайди. Уларга айтмай яхши қилибсиз. Элёр шундан ҳам сиқилиб юрувди.

— Бу яширадиган иш эмас-ку, Ботир ака. Бугун бўлмаса, эртага барибир эшитишади.

— Элёр ўзи келиб тушунтиради.

— Билмадим, онасига қандай айтар эканлар.

— Майли, муҳими бу эмас, сиз Элёрни кечирсангиз

бўлди. Худо хоҳласа, ҳаммаси яхши бўлиб кетади. Укамни сиз билан бахтли кўрсам, ман ҳам Зулфияни қайта топгандай бўлардим. Уни мандек ёлғиз қолишини асло истамайман. Элёр фақат сизни севади, мабодо қайтиб бормасангиз, ўзини ҳам, анави ташқаридаги мараз дўхтирни ҳам ўлдириши турган гап. Ҳеч кимга қулоқ солмаяпти, бундан кўра қамоқда ўтирганим яхши деб, такрорлагани такрорлаган. Гапим рост, сизни қўрқитиш учун айтаётганим йўқ. У содда бўлгани билан айтганини қиладиган йигит. Келаётганимда аниқ кўрдим, расм чизадиган қаламини уриб синдирди.

— Нега?

— Билмадим. Бошқа чизмасмиш. Агар уни кечирмасангиз, бари суратларини ёқиб юборса керак.

— Билганини қилсинлар, у кишидан кўнглим қолди.

— Элёрни алдов билан «даволаган» дўхтирни сиз учун олиб келдим. Аввал у билан бир гаплашиб кўринг. Бор ҳақиқатни билгач, бир хулосага келарсиз. Ман эртага тушдан кейин яна Тошкентга қайтаман. Агар истасангиз... сизни ўзим билан олиб кетаман. Ҳа айтгандай, балки Зулфиянинг олдига ҳам бирров кириб ўтармидик. Агар уни кўндиролсангиз...

— Гапингизга тушунолмадим?

— Нимасига тушунмадингиз? Сизларни Тошкентга олиб кетмоқчиман.

— Кечирасиз, Ботир ака, мен энди, Тошкентга қайтмоқчи эмасман.

— Элёрнинг ўзи келмагани учунми?

— Йўқ. У киши келганларида ҳам бормаган бўлардим.

— Зулфиядан ҳам қайсар экансиз, Муҳаббат. Элёрнинг аҳволини ҳозир айтдим-ку, сизга. У қўлида пичоқ билан клиника атрофида айланиб юрибди, деб. Гапимга ишонмаяпсиз шекилли. Уни фақат сиз тўхтатиб қолишингиз мумкин. Бормасангиз... яна қамалиб кетади.

— Энди менга барибир. У киши мени алдамаслиги керак эди. Бор гапни яширмай айтганида...

— Ҳар қандай эркак ҳам айтмаган бўларди. Лекин энг муҳими, у касал эмас экан-ку, Муҳаббат.

— Барибир уларни кечира олмайман.

— Лекин билиб қўйинг, Элёр жуда аламзада. Ҳатто уни мен ҳам ушлаб қололмаслигим мумкин. Агар қамалиб кетса, кейин бир умр афсус чекиб юрасиз. Ман эса Элёрни яна қамалиб кетишини сира истамайман. Иккинчи марта қамалганларни эса аяб ўтиришмайди. Элёр шунчаки қамалиб кетмай, унга ўлим жазосини беришса нима қиласиз? Шунда ҳам «Билмадим!» деб ўтираверасизми? Сиз, шуни истаяпсизми? Ман билан биргалашиб Элёрни тўхтатиб қолишнинг ўрнига, томоша қилиб ўтирмоқчимисиз? Яхши, ўтираверинг! Лекин ҳеч бўлмаса, эрингизни алдаб сизларни шу кўйга солган дўхтирнинг башарасини бир кўриб қўйинг! Айбига иқроқ бўлган айбдорнинг гапларини бир эшитиб кўринг!

Ботир гапини тугатиб Муҳаббатга зимдан назар ташлади. Муҳаббат негадир чурқ этмади. Буни ўзича тушунган Ботир ўрнидан турди.

— Ҳозир, бир минут.

Хонада ёлғиз қолган Муҳаббат шоша-пиша ёшланган кўзларини кафти билан артди. Бирдан кўз ўнгида «Алвидо!» деб панжараси бор машинага чиқаётган эри гавдаланди. Кўллари орқасига боғланган Элёрнинг юракни ўртовчи бу сўзи иккинчи бор жаранглагандай бўлганда бирдан кулоқларини беркитиб олди. Машинага чиқиб сўнгги бор ортига ўгирилган ва яна нимадир деган Элёрнинг охириги гапларини эшитмади. Юраги қалқиб, бадани титраб кетди. Шундагина қаерда ўтирганини ва ҳозир олдига бегона эркаклар киришини ўйлаб у ёғ- бу ёғини тўғрилаган бўлди. Бир пайт деразада кимдир шарпаси кўринди. Пайқади. Синглиси. Аяси ҳавотир олиб хабар олишга чиқардимикин? Ҳа, аяси айтмаса, у қараб кетмасди. Муҳаббат уйга келиб синглиси билан бўлиб ўтган воқеаларни эшитганда энди унинг аввалги таналарини унутиб, хазон бўлган севгисига, ёлғиз кечаётган умрига ачиниш билан қарай бошлади. Ўзининг қайғуси синглисининг алданган тақдири олдида бироз ортга чекингандай бўлди. Раиснинг ўғли рад этилган севгиси аламини олиш учун унинг синглисига уйлагани кейинроқ маълум бўлди. Баҳонани қаранг, «Сен

барибир опанга ўхшамас экансан». Миш-мишларга қараганда уч-тўрт марта совчи бўлиб келган раиснинг хотини ҳам бир аламидан чиққанмиш. Ҳатто биринчи набираси ҳам кўзига кўринмабди. Бир ёшли Наргиза ширин эди, аммо унинг отасиз ўсаётгани, ёлғиз қолган синглисининг номаълум тақдири, ажрашганинига ҳали уч ой ҳам бўлмай раиснинг ўғлини яна уйланаётгани, бу кўргуликлар камлик қилгандай мана энди ўзининг аразлаб келиб ўтириши, буларнинг бари-бариси ота-онасининг қаддини букиб, қўни-қўшни олдида сўзини синдириб бўлгандир. Бўлмаса, синглисига айтди-я, рози бўлма, деб. Аммо қайсар қиз бу гапга қулоқ солиб ўтирмади. Унисини бўлмаса, бунисини берарсиз, деган совчиларга аяси ҳам бир нима дея олмади. Мана энди яна бир оила барбод бўлди. Ҳаёт бунчалар шафқатсиз бўлмаса. Нима қилса экан-а? Ботирнинг гапларига ишониб Тошкентга қайтсамикин? Шунда қўнгли ўксик, юзи шувут аясининг сал бўлса-да юраги ёришармикин? Эрталабки номозга масжидга чиқа олмай қолган дадаси яна чолларга қўшилиб кетармиди?

Лекин ўзи кириб борса, эрининг олдида қадри қоладими? «Ўла, бузоқнинг югургани сомонхонагача экан-да» деб масҳара қилса-чи? Бир марта қилган қилиғини яна давом эттирса-чи? Бундан кейин бутунлай менсимамай қўйса нима қилади? Орадан сал ўтмай яна қайтиб келадими? Ёки турмушида халоват бўлмай уруш-жанжал билан кун кечириб юраверадими? Энди фарзанд кўришмаса нима бўлади? Барибир ажраб кетадими?

Муҳаббатнинг боши говлаб кетди.

Муҳаббатнинг кўзлари тиниб кетди.

Муҳаббатнинг саволлари бу оламга сиғмай кетди.

Орадан бир оз фурсат ўтиб остонада қаддини тик тутолмаётган нотаниш киши кўринди. Муҳаббат ўрнидан туриб ўзини бир чеккага оларкан, негадир ранглари оқариб кетган, совуқ башарали бу кишига таажжуб билан тикилди.

— Қани, ичкарига кир-да, бор ҳақиқатни мана бу жабрдийда аёлга гапир! Йўлдаги гапим гап: агар шу аёл

сани кечирса, биз ҳам кечирамиз, агарда кечирмаса, билиб қўй, шафқат йўқ, санга! — Ботир шундай деб кўзлари жавдираётган шифокорнинг бўйнидан ушлаб Муҳаббат томон итариб юборди. Гандираклаб кетган Абдулла Солиев кўзларида нафрат учқунлай бошлаган Муҳаббатнинг оёқлари тагига келиб йиқилди...

* * *

— Мана, етиб ҳам келдик. Шу ерда хайрлашамиз. Энди бу ёғига бир ўзингиз кетасиз.

Ботир довоннинг энг баланд ерига чиққанда бирдан машинани тўхтатди ва орқасига ўгирилиб, Абдулла Солиевга юзланди.

— Н-н-нега?

— Нега бўларди, Муҳаббат сизни кечирмади. Агар кечириб биз билан қайтганда бошқа гап эди. Эрига ўзим тушунтирган бўлардим. Бироқ...

— Майли-майли, Элёржонга ўзим тушунтирман. Керак бўлса, кечирим сўраб, пулларини қайтариб бераман.

— Кечирмаса-чи?

— У яхши йигит экан. Кечиради. Албатта кечиради.

— Лекин ман сизни кечира олмайман. Қани, машинадан тушсинлар, тақсир!

— Довонда ҳеч юрмаганман-ку, қандай бўларкин?

— Асло хавотир олмасинлар, шу йўл тўғри манзилга боради.

— Адашмайманми?

— Адашмайсиз, ахир сиздака юлғичларнинг борадиган жойи аниқ-ку!

Ботир ўзича хурсанд бўлиб машинани бошқаришга ўтирмоқчи бўлган Абдулла Солиевнинг елкасидан ушлаб тўхтатди. Бир чўчиб тушган шифокор «Яна нима гап?» дегандай ортига қаради. Қарадио башарасига тушган кетма-кет муштдан ўзини ўнглолмай ўриндиққа қулади. Атрофга яна бир қараб қўйган Ботирнинг кўнгли жойига тушиб Абдулла Солиевни рулга суяб ўтқазди.

— Ана, шундай!

Боши айланиб кўзи тинган Абдулла Солиев нима бўлаётганини англамаса-да, негадир рулни кучоқлади. Ботир эшикни ёпишдан аввал уни ичкаридан очишга мўлжалланган торқичнинг тепа қисмини бўшатиб олди. Кейин пастда ётган каттароқ тошни олиб ёпилган эшикнинг калит солиб очиладиган жойига бир урди. Зарб билан урилган тош эшик қанотини букди. Ботир эшикни тортиб кўрди, очилмади. Айланиб ўтиб ҳайдовчининг ёнига ўтирди. Ниманидир мўлжалини олиб, ўзи ўтирган томоннинг эшигини ёпмасдан қия қолдирди. Рулни айлантириб кўрди: кулф.

— Яхши, ана энди йўлга тушсак ҳам бўлади!

Рулдан бошини олмаган Абдулла Солиев фақат қошларини учириб кўйди, холос. Кейин сал ўзига келди чоғи «Қаерга?» деб сўради.

— Жаҳаннамга!

Бу сўз қулоғига кириши билан Абдулла Солиевнинг кўзлари мошдек очилди.

— Нима қилмоқчисан, укам?

— Элёрнинг кўлида ўлим топгандан кўра... шу ерда осонгина жон берганинг яхши. Ҳозир машина юрадио тўғри пастга ағдарилади. Чунки руль бурилмайди, тормоз ҳам ишламайди. Бахтсиз ҳодиса. Ўйлаб қарасам, бу санга ҳам яхши. Айбингни биров билмайди, тоғда авария учрабди, деб қўяқолишади.

— Элёр билан келишиб оламан, дедим-ку!

— У сани кечирмаслиги аниқ. Шундай экан, фалончини пистончи пичоқлаб кетибди, деган гап тарқагандан кўра, фалончи доктор довонда ухлаб қолиб, машинасида пастга кулаб кетибди, дейишгани яхши эмасми?

— Тўхта-тўхта, ростдан ҳам машинани пастга ағдариб юбормоқчимисан?

— Албатта.

— Ўзинг-чи? Сақраб қолмоқчимисан?

Абдулла Солиев энди тамомон бўшашиб қолди. Шундай тепаликдан қулаётган машинаси кўз олдига келдию қалт-қалт титрай бошлади. Эшикни очмоқчи бўлди, бироқ илгак синган эди, елкалари билан қайта-қайта туртиб

кўрди, қисилган эшик барибир очилмади. Ботир қўл тормозини жойидан салгина бўшатган эди, рангида ранг қолмаган Абдулла Солиевнинг оёғи бирдан ишга тушди, тормоз негадир ишламди. Ана энди ростакамига кўрқиб кетган Абдулла Солиев бор кучи билан қўл тормозини тепага тортди. Унча тезлашмаган машина бир оз сирғалиб бўлса-да тўхтади.

— Жинни бўлдингми, сан бола?!

— Сазнинг ишингдан кўра яхшироқ-ку.

— Қ-қ-қайси ишимдан?

— Одамларни алдаб пулини шилишдан, ҳомиладор аёлларни бефарзанд қилишдан, тинч оилаларни бир-бирдан ажратиб юборишдан... Нима, яна санайверайми? Гапир, айтаверайми!

— Бўлди-бўлди, тавба қилдим, укам! Эртагаёқ бу ишимни йиғиштираман!

— Ростданми?

— Рост-рост.

— Элёрни қандай алдагансиз?

— Э-э, билиб туриб сўрамасанг-чи?

— Касал эмаслигини била туриб, атай ёлғон гапиргансан, шундайми?

— Ҳа, шайтоннинг гапига кириб...

— У бошқа жойда текшириб касал эмаслигини билиб қолса, айбинг очилиб қолишидан кўрқмадингми?

— ...

— Гапир?

— Элёр содда йигит экан.

— Соддалигидан усталик билан фойдалангансан-да?

— Айтдим-ку, шайтоннинг гапига кириб...

— Шайтонни тинч қўйинг, сан очофат нафсингнинг қулига айланган одамсиз! Билдингми?

— У касал чиқиши ҳам мумкин эди?

— Қанақасига?

...Абдулла Солиев кўзлари жавдираб турган йигитга тикиларкан, салгина очиқ турган тортмадаги шприцга қараб-қараб қўйди.

— Сиздан қайтадан қон оламиз. Махсус лабораторияда жиддий текширмасам, бўлмайди. Қонингизда касаллик аломатлари борга ўхшаяпти.

Йигитнинг ранги ўзгарди. Абдулла Солиевнинг пешонаси терлади. Шу тобда унинг бир кўнгли «Бўлақол» деса, бир кўнгли «Шундоқ ҳам қўлингизда-ку, — деди. — Нотаниш, бунинг устига узоқ вилоятдан келган мижоз «Ҳеч кимга айтмайсиз-а?» деб ялиниб тургандан кейин уни заҳарламаса ҳам бўлаверади. Бегона шаҳарда қаергаям борарди. Шу ерлик бўлса, бошқа гап». Абдулла Солиевни худди шу фикр тўхтатиб қолди. Агар кўнглига шу нарса келмаганда аввалдан тайёрлаб қўйилган шприцдаги билинар-билимас кўриниб турган қизғиш суюқликни — ҳақиқатда касал бўлган кишининг анализини мижоздан қайта қон олиш баҳонасида, унинг томирига юборган бўларди. Нега шундай қилмади? Ўйлаб ўтирмай шу ишни қилганида кечадан буён чекаётган азоблари бўлармиди-йўқмиди? Албатта, бўлмас эди. Ҳеч ким, ҳеч нарсани билмас эди. Исботлаб ҳам бера олмасди. Тинчгина чўнтакни қаппайтириб, маишатини қилиб юраверарди. Нега, соддалигига ишонди? Нечун алданиб қолди?

— Эҳ, каллам қурсин! Айб ўзимда. Айб манда, манда!

Абдулла Солиев мушти билан бошига тушира кетди. Буни ўзича тушунган Ботир «Айбига афсус-надомат қилаётган» шифокорнинг елкасига уриб ҳамдардлик билдирган бўлди:

— Буни аввалроқ ўйлаш керак эди.

— Ҳа, аввалроқ ўйлашим керак эди. Айб ўзимда девобман-ку, ўзимда!

— Қани етар, энди. Кетдик!

— Сўнги пушаймон ўзингга душман!

— Тўппа-тўғри!

Ботир шундай деб негадир Абдулла Солиевнинг юзига тирсаги билан бир туширди. Қалқиб кетган шифокор машина эшигига суяниб қолди. Зарб билан тепага тортилган қўл тормозини тушириш бироз қийин бўлди, аммо юрагидаги ғазаб ўти ҳамон ўчмаган Ботир буни бир зумда амаллади.

Машина жойидан қўзғалди. Салдан кейин бурилиш келади, худди шу жойда сакрашни ўйлаб қўйган Ботир йўлга олазarak бўлиб қарай бошлади. Машина тобора тезлашиб, муюлишга етиб келди, ўйлагандек йўл бўйлаб бурилишнинг ўрнига жарлик томон... фурсат етди, бўлди, сакради... аммо худди шу пайт Абдулла Солиев унинг оёқларига илондай чирмашди. Ярим гавдаси ташқарида қолиб кетган Ботир, машина билан пастликка қулай бошлади...

* * *

Тоқати тоқ бўлган Элёр клиникага шаҳд билан кириб борди. Нима гаплигини тушунган ҳамширанинг ранги оқарди. Бу ишда заррача айби йўқлигини исботламоқчи эди, Элёрнинг баттар жаҳли чиқди. Икки кундан бери дўхтирнинг йўлини пойлаётганини айтиб, столни муштлади. Бир чўчиб тушган ҳамшира Абдулла Солиевнинг манзилни бериб дағдагадан қутулди.

Вақт кеч бўлиб қолганилиги боис, эрталаб боришни кўнглига тугди: «Саҳар борсам, албатта уйдан топаман, қаерга ҳам қочиб кетарди. Ундан қасос олмагунимча барибир қўймайман. Разиллик қилдими, жавоб бериши керак. Нега уни деб мен хотинимдан, не умидлар билан кутаётган фарзандимдан айрилишим керак? Йўқ, уни албатта ўлдираман!»

Эрталаб айтилган манзилни осонгина топиб борди. Чорсу бозорининг шундоқ тепасида жойлашган маҳаллани шу атрофдагиларнинг ҳаммаси деярли билишаркан. Элёр Абдулла Солиев яшайдиган хонадонга яқинлашганда дарвоза олдига тўпланиб турган одамларни кўриб ҳайрон бўлиб қолди. Баъзи кишиларининг тўн кийиб, белига белбоғ боғлаб олишганига қараганда бу ерда таъзия борга ўхшарди. Нима қиларини билмай турганди, оппоқ «Волга» ундан сал ўтиб тўхтади.

Элёр машинадан аранг тушган кекса кишидан сўрашга қарор қилди.

- Абдуллажонни бериб қўйдик, болам.
- Дўхтирни-я?
- Ҳа, дўхтир боламдан айрилиб қолдим.

— Қачон?

— Ҳозиргина қабрга қўйдик. Ҳали гўриям совигани йўқ, боламнинг, — қария шундай деб кўзларига ёш олди.

Элёр озгин елкалари силкиниб-силкиниб қўйган ота-хон билан аста қадам ташларкан, ундан бошқа нарса сўрай олмади.

— Ке, қани, ўтир, тиловат қилайлик, — қадди букилган, сўздан тутилган қария шундай деб Элёрнинг қўлтиғидан аста тутди.

Элёр ноилож темир дарвозанинг икки тарафига қўйилган стулларнинг бирига келиб ўтирди. Оппоқ дуррасини кўзларига босиб-босиб турган чол унинг ёнидан жой олди. Ўспирин йигит қуръон тиловат қилди. Элёр аста нигоҳ ташлади: тиззалари устига ташланган чолнинг томирлари бўртиб чиққан қўллари титрар, кўз ёшлари эса бармоқлари орасига сингиб кетарди.

— Қани, омин! Худо раҳмат қилсин, Оллоҳу акбар!

Йўғон овоздан хаёли бўлинган Элёр ҳамма қатори беихтиёр юзига фотиҳа тортди. Энди ўрнидан туриб қарияга юзланган эди, уни кимгадир ўхшатган отахон «Раҳмат» айтиб негадир бағрига босди.

Элёр ғалати бўлиб кетди. Кейин бирдан хаёлида чолнинг кўнглини кўтарадиган бирор сўз айтиши кераклигини эслади, аммо шу тобда нима дейиш кераклигини билолмади. Ногоҳ бўлса-да беихтиёр қатнашган таъзияда унинг тили тутилди, хижолат бўлди. Бироқ унинг ҳолатини ўзи билан ўзи овора бўлган чол сезмади.

Сал четроққа ўтган Элёр нотаниш йигитдан Абдулла Солиевга нима бўлганлигини сўради. Фожиани эшитгач, аччиқ кўз ёшини тия олмаётган чолнинг аҳволини тушунгандай бўлди.

— Нега бундай бўлибди?

— Рулда ухлаб қолган бўлса керак, дейишвотти.

— Бир ўзлари эканми?

— Йўқ, ёнларида яна кимдир бор экан. Лекин у киши ҳам ўлибди.

— Бегонамикин?

— Ҳа, биз танимадик, кечқурун етиб борганимиздан

кейин у одамни Қўқонга олиб кетишди. Манимча, қўқонлик бўлса керак. Милициядагилар шунақа дейишвотувди.

— Қўқонлик?

— Ҳа, шунақа бўлса керак.

— Мабодо исмини...

— Исмини сўраш эсга келибдими, ўша пайтда. Бизга кўрсатишган эди, танимаймиз, ўғлимнинг бунақа таниши бор-йўқлигини билмайман, балки шунчаки йўловчидир, деганимдан кейин бошқа нарса сўраб ўтиришмади.

Элёрнинг кўнгли нимадир сезгандай гашланди. Ҳали ҳеч қанча юрмаганди, кимдир орқасидан чақиргандай бўлди. Беихтиёр ўгирилиб қараганди, нотаниш йигит бирикки қадам у томон юриб «Исми, Ботирми-ей» деди сал иккиланганича. Бу исми эшитиши билан Элёрнинг тамоғига нимадир тиқилди. Юраги алланечук безовта ура бошлади. «Ботир, қайси Ботир? Ёки Ботир аками-а?! Қўқонлик бўлса... яна ким бўлиши мумкин? Ботир ака довонда нима қилиб юрибдилар?» Биргина гапи билан бутун ўй-фикрини алгов-далгов қилиб юборган йигитдан яна нимадир сўрамоққа шайланар, аммо шундоқ ҳам титроққа тушган юрак оғиз очишга тўсқинлик қилаётгандай эди. «Ҳозироқ Ботир акани топишим керак!». Шундай қарорга келган Элёр орқасидан ҳайрон бўлиб қараб қолган йигитни баттар таажжубга солиб тез-тез юриб кетди.

* * *

— Анжонгами, ошна?

— Қўқонга!

— Қўқонга бўлса, анаву машинага ўтиринг, ҳозир яна бир киши топиб келаман. Ўтиринг, ҳозир кетади.

— Фақат, тезроқ!

— Сиз бориб ўтиргунча, одам топаман, ака. Ана олдига ўтиринг, бемалол кетасиз!

— Илтимос, тезроқ. Жуда шошоиб турибман.

— Қўқон, Қўқонга битта!

— Анжон, Анжонга борми?

Элёр ноилож ўзи тенгқур ҳайдовчи йигитнинг қистови билан сариқ жигулига чиқди. Ўрнашиброқ ўтираркан, яна

хаёлга толди. «Квартирасида йўқ, демак, уйларига кетган-микин? Лекин... кетсалар бир оғиз айтиб қўямасдимиз? Нечун индамади экан?»

— Мана, энди, кетдик. Ҳамма чиқдимиз? Қани, унда, дуо қилдик: Худо сафарларимизни бехатар қилсин, аллоҳу акбар!

Машина йўлга тушди.

Кўнгли гаш Элёр яна хаёлга берилди.

Элёр уйига ҳам, Муҳаббатнинг олдига ҳам эмас, тўғри Ботирларникига йўл олди. Аввал бормагани учун бир кишидан сўради, манзилни аниқлаб олгач, тез-тез юриб кетди. Бироқ ... Элёрнинг қадами секинлашди. У топиб борган дарвоза олдида худди Тошкентда кўрганидай маҳзун манзарага дуч келди. Қариялар ўтиришар, ёшлар эса қўл қовуштирганларича тик туришарди. Томоғига нимадир тикилди. На юришни, на юрмасликни билмай қолди, лекин бу ҳолда узоқ туриб ҳам бўлмасди, Элёр ноилож олдироқда турган, кўринишидан Ботирга ўхшаб кетадиган ўзидан беш-олти ёш каттароқ киши билан кучоқ очиб кўришаркан, беихтиёр «Ботир акам, қанилар?» деб пичирлади. Эгнига қора тўн, белига белбоғ, бошида дўппи кийган, шундоқ ҳам тўлиб турган азадор Нодир ака хўнграб йиғлаб юборди.

— Ботирдан айрилиб қолдик, — деди аранг ўзини қўлга олгач. — Указонимдан айрилиб қолдик!

Элёр ич-ичидан тошиб келган ҳайқирикни қанчалар босишга уринмасин бўлмади: худди ёш боладай, акасида айрилиб қолган ожиз ва ночор қолган укадай ўкириб йиғлашга тушди. Буни кўриб атрофдагилар ҳам кўзига ёш олди. Кекса отахон аввал меҳмонни, кейин бошқаларни ўтиришга таклиф қилгач, Қуръон тиловат қилди. Шундан сўнггина ҳалитдан буён миясида чарх ураётган саволларни ёнида ғариб ҳолда ўтирган отахонга беришга жазм қилди.

— Биз ҳам ғафлатда қолдик, болам. Қандайдир иш билан шу тарафларга келибдию уйдагиларга ҳам учрамасдан Тошкентга кетаётиб... тоғда машинадан тушиб кетганмиш...

- Қачон?
- Кеча бўлганмиш... Ботиримни эрталаб чиқардик.
- Ёнларида бирор киши бор эканми?
- Ҳа, тошкентлик бир киши билан бирга экан...

Эшитишимча, ўша киши йўлда ухлаб қолганмиш...

Элёр энди жойида ўтира олмай қолди. Тошкентда Абдулла Солиев, бу ерда эса Ботир акаси, нима бўляпти, ўзи? Нега улар Қўқонга келишган? Тўхта, тўхта, яна улар Муҳаббатнинг олдига келган бўлсалар-а?

Элёр ўрнидан қўзғалди.

- Кечирасиз, болам, сизни танимайроқ турибман.
- Мен... биз Ботир ака билан бирга бўлганмиз... у ёқда.

— Ҳм, оқибат қилиб келибсиз, раҳмат, ўғлим. Умрингиздан барака топинг.

— Сизларга ҳам сабр-қаноат тилайман. Акамнинг... жойи жаннатда бўлсин.

— Омин. Омин.

Хайрлашув оғир бўлди.

Элёр маҳалла бошида жойлашган мактаб ёнидан ўтаркан, беихтиёр қадами секинлашди: «Шу ерга келганда Зулфия опани кўриб кетсаммикин?» Аслида, у бу ерга Муҳаббат билан бирга келишни режалаб қўйганди, таъзиядан чиқар экан. Мактаб томон нигоҳ ташларкан, ўйланиб қолди. Иккиланиб анча турди, кейин йўлида давом этди: «Ҳа, Муҳаббат билан бирга келганим маъқул!»

Элёр таниш дарвозани тақиллатди. Орадан ўтган бир лаҳзалик вақт ичида Элёр минг хаёлга борди. Юраги гоҳ тез ургандай, гоҳ эса тўхтаб қолгандай туюлди. «Гаплашармикин?», «Ичкарига таклиф қилармикин?», «Уйидагиларга айтиб бўлгандир.», «Ботир аканинг ўлиmidан хабари бормикин?» деган саволлар тобора кўпайиб борар, жавобсиз ўйлардан эса шундоқ ҳам ғовлаб кетган мияси гўё оғирлашиб кетгандай туюларди назарида. Хиёл ўтмай ичкаридан Муҳаббатнинг кичик синглиси Санобар кўридию енгил нафас олди. Ўзини қўлга олиб жилмайди.

Санобарнинг ҳеч нарсадан хабари йўқ шекилли поччаси билан самимий кўришди ва дарҳол ичкарига таклиф қилди.

Кўнгли сал ўрнига тушган Элёр ҳазил аралаш сўради:

— Муҳаббат, уйдами?

— Ҳеч қаерга чиқармай, ушлаб ўтирибмиз. Хавотир олмай кираверинг, — шаддод қиз Санобар шу заҳотиёқ жавоб қилди.

— Ростданми?

— Ростдан, ростдан!

— Унда, ичкарига кирамиз, қани, бошласинлар-чи!

— Аввал кириб суюнчи олсаммикин?

— Шошманг, иккимиз бирга кирамиз.

— Юринг, унда!

Бироқ ичкарида у кутган ҳодиса рўй берди. Муҳаббат совуққина қарши олди. «Келинг» деган сўз унинг оғзидан аранг чиқди. Аммо қайнонаси негадир билинтирмади. «Муҳаббат онасига айтмабди, шекилли?» деган хаёлга борган Элёр хотинига миннатдор нигоҳ ташлаб қўйди ва хотинининг совуқ муомаласини унутган бўлиб меҳмон-хонага кирди.

Қайнонаси тинчлик-хотиржамлик тилаб дуо қилди-да Элёрнинг ишларини, соғлигини, қудаларнинг ҳолаҳволини сўраган бўлди. Кейин тезгина ўрнидан туриб «Мен, ҳозир» деди-да, хонани тарк этди. Анчадан сўнг Муҳаббат кириб келди. Элёр нимадан гап бошлашни билмай каловланиб қолди. У бутун йўл бўйи ўйлаб айтишга шай қилиб қўйган гап-сўзларини унутмаган бўлса-да, Муҳаббатнинг гамгин кўзларига жавдираб қаради, афтидан, у гап бошлай қолса-чи, деган илинжда эди.

— Дадам кўринмайдилар? — ниҳоят орадаги сукунатни бузди Элёр.

— Эрталаб бозорга кетгандилар.

— Ўзинг... тузукмисан?

— Шуни билгани келдингизми?

— Умуман айтганда... кечирим сўрагани... кейин эса сени олиб кетгани келдим.

— Дўхтирнинг гапига ишонади-ю мен билан қайтиб келади, деб ўйлагансиз-да.

— Қайси дўхтирнинг?

— Қайси бўларди, сизни даволаган дўхтирни-да.

— Бўлди, тушундим. Демак, Ботир ака ўз айтгани қилиб... олиб келибдилар-да. «Турмушингни бузган аблаҳни Муҳаббатнинг оёқлари остига ташлайман?» дегандилар, ташлабдилар-да! Нега бир ўзлари бундай қилдилар? Эҳ, Ботир ака, Ботир ака! Нималар қилиб қўйдингиз?

Элёр яна қайта-қайта «Эҳ!» дедию бирдан бошини чангалади. Сал ўтмай унинг қўллари мушт бўлиб тугилди ва кетма-кет тиззасига гурсиллаб тушди. Унинг бу қутилмаган қилигдан ҳайрон бўлган Муҳаббат «Ҳм, нима бўлди?» деб сўраганда эса, муштини тишига босганича йиглаб юборди. Аммо бу оддий йиғи эмасди. Юрак ларзага келди, вужуд титради, йиғиси хонани тутди.

* * *

Элёрнинг ўпкаси тўлиб гапириб берган ҳикоясидан Муҳаббат ўзини қаерга қўйишни билмай қолди. Нигоҳларини яшираркан, ўзини бир эмас икки кишининг бевақт ўлимига сабабчидай сизди. Эрининг олдида индамай ўтирган бўлса-да, ичидан ўтгани ўзига аён эди. Энди Зулфия опанинг юзига қандай қарайди? Нима дейди? Шундоқ ҳам дарду ҳасратга тўлган қўнглини қандай кўтаради? Юпанч учун сўз топа оладими? Ботир кетиш олдидан: «Агар Зулфия «хўп» деса, бирга олиб кетмоқчиман. Шунинг учун сиз ҳам ўйлаб кўринг синглим. Биз билан кетсангиз, жуда яхши иш бўларди. Мана, ҳақиқатнинг тагига етдингиз, эрингиз сизга хиёнат қилмаганини, балки соддалиги туфайли мана бу пулга ҳирс қўйган аблаҳнинг тузоғига илиниб қолганини ҳам билдингиз. Агар бу дўхтирни олдингизга олиб келмаганимда Элёр уни аллақачон ўлдириб қўйган бўларди. Ана унда... сизга ҳам, унга ҳам қийин бўларди» деганларини эслади. Демак, бу охириги сўзлари экан-да.

«Эй, Худо, нега, уни жазоладинг? Ахир у яхшилик қилгани келган экан-ку! Билиб-билмай аразлашиб қолган эр-хотинни яраштириш учун шунча йўл босиб келсаю...

ажал топадими? Энди Зулфия опага нима дейман? Наҳот, сўнги умидини сўндирган бўлсам?»

Муҳаббат ич-ичидан эзилиб йиғларди.

— Энди, Зулфия опанинг олдига кириб чиқамиз.

Таъзиядан қайтишда Элёр хотинига юзланди.

— Нега?

— Нега бўларди, Зулфия опага таъзия билдирмай-мизми?

— Киrolмайман, уларнинг олдиларига.

— Нима деганинг бу?

— Сиз ўзингиз кириб чиқа қолинг.

— Ташвиш қилма, уйларига эмас, мактабига бирров кириб чиқамиз. Шу ерга келиб кирмасанг... хафа бўлишлари мумкин.

— Мени қийнаманг.

— Майли, балки шуниси маъқулдир. Яна сени кўриб баттар эзилмасинлар.

Дарси тугаб синфхонада бир нималарни ёзиб ўтирган Зулфия ногоҳ эшик олдида Элёрни кўриб бир зум анграйиб қолди. Кейин худди ўзига келгандай аста жойидан кўзгалди. Бу пайтда яқин келиб елкаларидан ушлаб ҳамдардлик билдирган Элёрнинг гапларидан кўнгли тўлиб унсиз йиғлаб юборди. Сўнг эса худди қадрдон укасидек Элёрнинг елкасига бош қўйди. Шунда йигит ҳам ўзини тутиб туролмади. Бир оздан сўнг Зулфия ўзини қўлга олиб Элёрни ўтиришга таклиф қилди. Элёр беихтиёр иккинчи қатордаги партага ўтирди. Зулфия кўз ёшларини артаркан йигитнинг мактаб даврида шунақа жойда ўтирганлигини пайқади.

— Ман бўлса, у киши кутиб ўтирибман-а.

— Нега, Зулфия опа? — сўради Элёр йиғисини ичига ютаркан.

— Уч кун аввал худди сизга ўхшаб олдимга келиб, «Эртага сани Тошкентга олиб кетаман, тайёргарлигингни кўриб тур», дегандилар...

Зулфиянинг кўз ўнгидан охирги учрашув бўлиб қолишини мутлақо ўйламаган воқеа ўта бошлади:

«— Нега, олиб кетасиз?

— Сансиз умуман яшай олмас эканман! Тошкентга кетсам, эсдан чиқарарман, деб ўйлагандим. Бироқ янглишибман. Сани қаттиқ севарканман, Зулфия! Сани эсдан чиқариб бўлмас экан. Нима қилай, қўлимдан ҳеч нарса келмади. Бунинг сирини эса энди англаб етдим: юракка буйруқ қилиб бўлмас экан, у ўз билаганича иш қиларкан. Бўлди, бошқа савол берма! Етар, шунча айрилиқ! Етар, шунча тентираб юрганим! Гапимни тушундинг-а?

— Ўтган сафар тушунтирдим-ку.

— Тушунтирдинг, аммо унутолмасам нима қилай?

— Билмадим.

— Билмадим, дема. Бўлди, ортиқ бундай яшаш олмайман. Ким нима деса, десин, нима ўйласа, ўйлайверсин. Энди манга барибир! Эртага сани олиб кетаман, тамом, вассалом!

— Нега, энди эртага?

— Ҳозир ташқаридаги машинада битта... меҳмон ўтирибди, Тошкентдан келган, шу кишини йўлга кузатиб, тезда қайтиб келаман.

— Ким у?

— Э, сан танитайсан? Муҳаббатнинг олдига бирга бориб келайлик, деганди, бошлаб келувдим.

— Қайси, Муҳаббат?

— Рассом йигит бор-ку, сани суратингни чизиб берган, ўша Элёрнинг хотини Муҳаббат.

— Ҳа, бўлди, танидим. Улар бизникига келишганди. Тинчликми, ўзи?

— Тинчлик-тинчлик.

Ботир қисқа қилиб Элёрнинг бошидан ўтганларини, Муҳаббатнинг чеккан жабрини гапириб берди.

— Эр-хотинни яраштириб қўйиш савоб бўлади, дейишиди. Мандан ҳам бирорта савоб иш қолсин. Шу кунгача қилган гуноҳларим бир дунё, ахир. Ҳа, айтгандай, балки Муҳаббат учаламиз бирга қайтармиз. Унга ҳам бу таклифни айтдим. Кетиш олдида кириб кетамиз, хўпми? Гапимни тушундинг-а, эртага эрталаб мактабга деб уйдан чиқасану шарт Тошкентга кетамиз! Тамом, гап битта!

Зулфия нима дейишини билмай қолди. Ботирнинг кўзларига қараганди нигоҳлар ҳам сўзлар каби жиддий. «Ёшларни яраштиришга келдимикин ёки... Наҳот, ростдан ҳам олиб кетмоқчи? Ботир наҳот шунга қарор қилган бўлса?» Ўйлари тугамаган Зулфия кўлларидан иссиқ нарсани сизди. Ботир унинг кўлларини тутиб турарди: ҳамон сўнмаган севгининг тафтидан Зулфия хушёр тортди. Кўлларини тортиб олгиси келди, аммо бунга кучи етмади. Ногоҳ лабларига Ботирнинг оташдан чўғ бўлган лаблари текканда эзилган юрагининг қаеригадир кўмилган ҳислари бирдан бош кўтаргандай бўлди. Зулфия илиқ хислар оғушида бир зум туриб қолди. Кейин пичирлабгина деди:

— Безори.

— Балки Мажнундир?

— Қарорим қатъий денг?

— Шикоятга ўрин йўқ!

— Барибир ўзингизга насиб қиларкан-да.

— Нима, насиб қиларкан?

— Ҳеч нима!

Зулфия қизариб кўзларини олиб қочди».

— Кетмоқчи, эдингизми? — Зулфиянинг хаёлини бўлди Элёр.

Зулфия кўз ёшларини тиёлмай, тасдиқ ишорасини қилганда Элёр ичидан зил кетди. Зулфиянинг нозик елкалари титради.

— Бирга бўлиш... пешонамизга битилмаган экан. Ботирга нима қилибди, ўзи?

— Довон машина ағдарилиб кетибди.

— Ахир у Тошкентга бизсиз кетмоқчи эмасди-ку, довонда нима қилиб юрган экан?

— Мен ҳам шуни билолмадим. Нега дўхтирнинг бир ўзини жўнатиб юбормадилар экан?

— Тошкентдан келган одам дўхтирмиди? Ҳа, ўша кишини кузатиб дарҳол келаман деганди.

— Менга ҳам бир огиз айтмай келган экан. Балки бирга келган бўлармидим?

— Сиз қачон келдингиз? — Зулфия Элёрга юзланди.

- Кеча.
- Энди, Тошкентга қайтарсиз?
- Ҳа.
- Муҳаббат биланми?
- Ҳа.
- Сизларга ҳавасим келади.
- Ботир аканинг нияти... сиз билан...
- Энди Ботир ҳам, нияти ҳам йўқ.
- Афсус.
- Нимаям дердим, тақдирим—қисматим деб шуни айтсалар керак-да. Чидашдан бошқа илож йўқ.
- Ўзингизни эҳтиёт қилинг.
- Ким учун?
- ...
- Тошкентга қачон қайтасизлар?
- Бугун.
- Кетасизларми-а? Қандай яхши. Ростданам сизларга ҳавасим келяпти. Фақат Қўқон тарафларга йўлингиз тушганда келиб туринг. Сизни кўриб Ботирни кўргандай бўлдим. Майли, сизларни йўлдан қолдирмай, кўнгил сўраб кирганингиз учун раҳмат. Бахтли бўлинглар.
- Сиз ҳам.
- Раҳмат. Яна бир тилагим, муҳаббатингизни эҳтиёт қилинг, Элёр. Айниқса, йигит кишининг бахти садоқатли аёлида. Севиш бошқа, бахтли ҳаёт кечиринг бошқа экан. Муҳаббатнинг қўлларини маҳкам ушланг.
- Бизни кечиринг, Зулфия опа! Ботир акам мени деб қурбон бўлиб кетдилар. Лекин мен... мен бундай бўлишини асло истамаган эдим. Нима учун менга билдирмай ўзлари келдилар? Агар келмаганларида ёки ёнларида ўзим бўлганимда балки бундай жудолик бўлмасмиди?
- Пешонасига ёзилган экан. Энди нима ҳам қила олардик.
- Мени кечиринг, Зулфия опа. Энди бахтингизга етишай деганингизда...
- Ўзингизни айблаб, сиқилаверманг. Ботир энди қайтиб келмайди. Худо унинг айбларини кечирган бўлсин. У дунёда бошқа азобламасин. Жони роҳатда бўлсин.

— Айтганингиз келсин. Аммо ростдан ҳам сизнинг олдингизда жуда хижолатдаман. Сиз учун нима қилишимни билмаяпман. Қалбингизга озгина бўлса-да малҳам топа олсам...

— Бировнинг жонигина эмас, ўзимизнинг жонимиз ҳам омонат. Биз ожиз бандалар дарров ҳисоб-китоб қилишга шошилаемиз, аслида ҳаммамиз учун савол-сўроқ қилувчи борлигини эсдан чиқарамиз. Ботирга худди шу ҳақида гапирмоқчи эдим, аммо насиб қилмади. Энди бировнинг дилини, юрагини оғритмагин. Қасос олиш учун бел боғламагин, демоқчи эдим. Кенг бўл, юрагинг кенг бўлсин, деб дилимни ёрмоқчи бўлувдим. Ахир кенгга кенг дунё, торга тор дунё дейдилар-ку. Бу гапда улуғ бир ҳикмат бор. Эзмаликка йўйманг, Элёр. Дилим зардобга тўлган. Дардимни бировга айтишга истиҳола қиламан, ундан кейин айтганининг нима фойдаси бор, деб ўйлайман. Ичингга сиғмаган сир, бировниқига сиғармиди. Тўғри айтишади: икки киши билган нарса сир эмас деб. Биз ўз сиримизни сақлашни ҳам билмаймиз. Йиғлаб келамиз, йиғлаб кетамиз. Йиғлаб келсак-да, кулиб кетишни билмаймиз. Чунки бундай яшашни билмаймиз. Аслида билишга ҳаракат қилишимиз керак, ўрганишимиз лозим. Ортимиздан яхши ном, эзгу бир иш қолдирмас эканмиз бариси бекор. Келдинг, кетдинг. Бу нима, ҳаётми? Йигирма йил, балки эллик йилдан кейин бу келиб-кетишнинг бошқалар учун бир тийинлик қадри йўқ.

— Лекин Ботир ака шундай келиб-кетди дея олмайман.

— Энди бор ҳақиқатни билгач, ундан хафа эмасман. Агар шу ёвузликка лоқайд қараганда, бошқа нарса билан ишим йўқ, деб ўз роҳати учун яшайверганда унинг бу дунё учун заррача қадри бўлмасди. Аммо юрагимни илитган нарса, бир ёвузнинг минг ёвузлигини тўхтатиб қолгани.

— Аслида мен уни тўхтатиб қолишим лозим эди. Ботир акам эса яшаши, сиз билан бахтли ҳаёт кечирishi керак эди. У сизни телбаларча севарди, Зулфия опа. Сизсиз дунё кўзига қоронғу эди. Сизсиз яшашни тасаввур қила олмасди. Мен албатта уларни дуо қиламан, Зулфия. Оллоҳдан билиб-билмай қилган гуноҳларни авф этишини сўрайман.

Сўрайвераман, умримнинг охиригача илтижо қиламан.
Омон бўлсак, албатта яна кўришамиз.

— Оқ йўл.

Элёр Зулфиянинг олдидан бир оз бўлса-да кўнгли ёришиб ташқарига чиқди. Бироқ мактаб ҳовлисида ўтиб йўл четида кутиб турган машинага ўтиришдан олдин аччиқ-аччиқ йиғлади, тўлиб-тўлиб йиғлади. Буни кўриб машина ичида мунгайибгина ўтирган Муҳаббатнинг ҳам баттар юраги эзилиб, орқа ўриндиққа чўкиб кетгандай бўлди.

Элёрнинг машинага чиқиши жуда қийин бўлди.

Элёрнинг Зулфия томонга қараши жуда оғир бўлди.

Ниҳоят машина йўлга тушди.

... Анчадан кейин яшил либос кийиб улгурган салобатли тоғлар энди қўлларини маҳкам ушлаган ёшларни ўз оғушига олди.

Улар назарида баҳорнинг аёзи анчагина чўзилгандай туюлди. Аммо юксакларга бўй чўзган тоғнинг мусаффо ҳавоси бир-бирига интиқ қалбларни бирдан энтиктириб юборди. Муҳаббат бора-бора оғушига тортаётган Элёрнинг кўксига аста бош қўйди. Йигитнинг митти юраги неча йилларки тоғлар остида қолиб кетган, бағри қонга тўлган, аммо айни пайтда бу катта ҳарсанг тошлар кўксини парчалашга, ҳали ҳамон кетишга унчалар ҳам ошиқмаётган қишнинг қаҳрига орқа қилиб, илк чечакларга гоҳ-гоҳида бўлса-да ҳамла қилаётган баҳор аёзини енгишга қодир бўлган вулқонни эслатди. Вулқон тафти аёзнинг ногоҳ бир нафасидан совиб қолган кўнгилни яна қайта илита бошлади: Муҳаббат бутун вужуди билан унинг ихтиёрига ўтди.

Элёр муҳаббатнинг ёқимли ифорни юрак-юрагидан ҳис этаркан, Муҳаббатининг тим қора сочларидан ўпиб қўйди.

Бу қанчонлардан бери орзиқиб кутилган дамлар эди...

2009 йил